калта короткий; краткий, коротко; ~ **қилмоқ** укорачивать; **ўзи катта, думи** ~ **загадка** сам большущий, хвост малюсенький (Верблюд); ~ **ип боғловга етмас** погов. ирон. короткой ниткой узелок не свяжешь; \emptyset ~ **ўйламоқ** мыслить поверхностно; делать (что-л.) необходимо; мелко плавать; ~ **дум** 1) куцый; 2) **недобр. пренебр.** носящий короткую одежду.

калтача фольк. коротенький; малюсенький; ~ **бобом лой тепар загадка** мой карликовый дед глину месит (Сакич-жевательная сера).

калтабин недальновидный; близорукий.

калтак палка; дубина; ~ **билан урмоқ** бить палкой; \emptyset ~ **емоқ** получать побои; ~ **бошида синди** он пострадал; ему досталось как следует.

калтакесак ящерица.

калтакламоқ бить, колотить.

калхат зоол. коршун.

кам малый, недостаточный, редкий; мало; немного; недостаточно; редко; **кам гапирсанг, кўп эшитасан** посл. меньше говори, больше услышишь; **кам-кам** понемногу, мало-по малу; постепенно; **кам-кўст** недостатки; \emptyset **кам бўлмаг** **блажеш. любезн.** благодарю вас; будь-

те здоровы.

камаймоқ уменьшаться; убавляться.

камайтирмоқ **покуд.** от **камлаймоқ** уменьшать, убавлять.

камалак 1. лук (оружие); 2. радуга.

камар пояс; кушак.

камаювчи **мат.** уменьшаемое.

камбар узкий (по ширине); ~ **чит узкий** ситец.

камбагал бедный; неимущий; небеспеченный; бедняк; ~ **ни туянинг устида ит қопади** погов. (бука. бедняка и на верблюде собака кусает); соотв. по бедному Захару всякая щепка бьёт; **бедняк** везде ветер в лицо; \emptyset ~ **нинг ҳовлисидек разг. шутл.** (бука. как двор бедняка) как малогабаритная квартира (говорится, когда что-л. не вмещается куда-л.).

камбагаллик бедность; нужда; нищета; убожество.

камбагалчилик см. **камбагаллик**.

камгап неразговорчивый, молчаливый; ~ **одам** неразговорчивый человек.

камгаплик неразговорчивость, молчаливость.

камдан-кам изредка.

камзул камзол.

камида по меньшей мере, минимум.

камнамо редко показывающийся, редко бывающий (где-л.); \emptyset ~, **кам дийдор этикет** (бука. редко показывается) вы редко приходите (приезжаете) к нам; соотв. сколько лет, сколько зим.

камол совершенство; зрелость; ~ **га етмоқ** достигать совершенства, усовершенствоваться; достигать зрелого возраста.

кампир старуха, старушка; бели **боғли**, **чўтир чолдир**, **қўйнида бор бужур** ~ **загадка** подпоясанный старик рябой, за пазухой прячет сморщенную старуху (Орех); ~ **нинг дарди кўзада**, **сичқоннинг дарди** — ёрлик **кўзада** погов. старуха думает о румянах, а мышь — о кувшине с маслом; соотв. голодной курице просо снится; голодной куме хлеб на уме; у кого что болит, тот о том и говорит; \emptyset ~ **ўлди этн.** «смерть старухи»

- (старинный свадебный обычай, когда у входа в юрту ложится старуха и представляется мёртвой; затем получив подарок, она уходит).
- кампаниябозлик** кампанийщина.
- кампирак** конфорка.
- камситмоқ** унижать, принижать; умялять.
- камсув** маловодный.
- камсур** малодойный, малосудойный.
- камтар** скромный; смиренный; ~та камол, маймагга завол погов. скромного ждёт успех, у зазнайки худой конец; соотв. любому молодцу скромность к лицу.
- камтарлик** скромность; ~ қилмоқ скромничать.
- камчил** дефицитный; имеющийся в недостаточном количестве.
- камчилик** 1. меньшинство; 2. недостаток, дефект, пробел.
- камқувват** малосильный, слабосильный; маломощный.
- камқафсала** инертный, неактивный, малодейственный.
- камқосил** малоурожайный.
- кана** зоол. клещ; клоп.
- каноп** 1. бот. конопля; кенаф; кендырь; 2. пенка; ~ арқон пеньковый канат, верёвка.
- кана шалаш**, лачуга; жар ёқасида ёрти ~ загадка на краю оврага пол-шалаша (Ухо).
- капалак** зоол. бабочка, мотылек; ~ гулини соғинар, булбул – куйини посл. бабочка по цветку скучает, соловей – по своей песне; ◊ капалаги учиб кетди он сильно испугался.
- калгир шумовка** (металлическая плоская).
- каптар голубь**; ёввойи ~ дикий голубь; ~ бўлиб тугилсанг, қарга бўлиб ўлма посл. если ты родился голубем, то не умри вороной (т.е. не изменяй своей натуре); ◊ тинчлик –и голубь мира.
- кар глухой**; кар-соқов глухонемой; кўр тутганини қўймас, кар эшитганини посл. слепой не выпустит того, что поймал, глухой не забудет того, что услышал.
- каравот** кровать.
- карам** капуста.
- карахт** 1. нечувствительный, онемелый; одеревенелый; 2. ошеломлённый, оцепеневший; ~ қилмоқ ошеломлять, оглушать.
- каרון** караван, обоз; тап-тап этади, тагидан – ўтади загадка по нему «тап-тап» – стучат, под ним караваны спешат (Сито).
- каравонбони** старшина каравана; начальник обоза.
- каравонсарой** каравансарай; постоянный двор.
- каркидон** зоол. носорог.
- карнай муз. карнай** (большая длинная медная труба); ◊ ~ чалмоқ 1) трубить в карнай; 2) растрюбить (о чем-л.); иштақаси ~ см. иштақа.
- карнайчи** музыкант, играющий на карнае; fat-fat этган ~и балога қолган сурнайчи посл. трубач трубил, а в беде оказался зурнач; соотв. кому смех, а кому слезы; ◊ ~дан нима кетди – бир пуф (бука карнайщику раз дунуть) это ему ничего не стоит, пара пустяков; раз плюнуть.
- карра**: бир ~ один раз; беш ~ пять раз; икки ~ икки дважды два.
- касаба**: ~ уюшмаси профессиональный союз.
- касал** 1. болезнь, недуг, немочь; ~ бўлмоқ заболеть, болеть; 2. больной, нездоровый; – ~ эмас, ~ни боққан ~ посл. болен не тот, кто болел, а кто за больным смотрел; ◊ ~та чалинмоқ болеть, хворать систематически, страдать хронической болезнью.
- касаллик** болезнь, заболевание, немочь, болезненное состояние; ◊ ~ варақаси больничный лист.
- касалманд** болезненный, нездоровый, склонный к болезням.
- касалхона** больница; лечебница.
- касб** профессия, специальность; ремесло, занятие.
- касбдош** товарищ по профессии, по ремеслу; коллега (см. также қамкасб); ~ дўстлар друзья по общей работе (спе-

циальности).
касод застой; отсутствие спроса на товары; застой в торговле, кризис в торговле.
касофат пакость, погань; беда; \emptyset ~и **тегмоқ** пострадать из-за (кого-н.).
каср I мат. дробь; дробный; **ўнлик** ~ десятичная дробь.
каср II вред, ущерб; ~и **тегди** (урди) он причинил ущерб (нанёс вред).
касрли: ~ сон *мат.* дробное число.
катак I. клетка (для птиц); птичник, курятник; **2.** в клетку, клетчатый; ~ **дафтар** тетрадь в клетку.
каталак каморка, клетушка.
катта I. большой; громадный, огромный; ~ **боғ** большой сад; ~ **каравонга** ~ **йўл** посл. большому каравану ~ большой путь; *соома.* большому кораблю ~ большое плавание; **2.** взрослый; ~ **ёшдаги одам** взрослый человек; ~лар ва **болалар** взрослые и дети; ~лар **иззатда**, **кичиклар** **хизматда** погов. старикам ~ почет, молодым ~ служба; ~ **арава қаждан юрса**, **кичик арава ҳам ўша ёқдан юради** посл. куда идёт большая арба, туда идёт и малая; *соома* за что батька, за то и детки; **Ўзи** ~, **кичикка эгилади** загадка сам большой, а перед малым склоняется (Чайник); **3.** старший; ~ **ака** старший брат; ~ **ўғил** старший сын; **4.** крупный, видный, выдающийся; ~ **олим** видный учёный; ~ **ёзувчи** выдающийся писатель; \emptyset ~ **гапирмоқ** неодобр. говорить кичливо, заносчиво; хвастаться, бахвалиться; ~ **кўча пренебр.** скатертью (тебе) дорога; можешь идти на все четыре стороны; ~ **ариқдан сув ичган** (бука. он пил воду из большого арыка) он из богатой семьи; ~ **бошини кичик қилиб** ~ несмотря на свой (старший) возраст; несмотря на то, что он занимает высокую должность; запросто; ... ~ **давлат** и то хорошо; и то хлеб; слава богу.
каттакон I. огромный, громадный; грандиозный; ~ **иморатлар** огромные здания; **2.** старший; ~ **ўғлим** мой старший сын; **3.** глава; начальник; **бу** **киши**

~**имиз** этот человек наш начальник.
катталиқ величина, размер (чего-л.); \emptyset ~ **қилмоқ** важничать.
кафил поручитель; \emptyset ~ **турмоқ** (бўлмоқ) ручаться (за кого-л.), гарантировать, поручиться; ~га **олмоқ** (или **чиқармоқ**) взять на себя ответственность; взять на поруки.
кафиллик ручательство, поручительство; порука.
кафт I. ладонь; **опангни** ~ингда **тутсанг**, **синглингни** **кифтингда** **тут** **посл.** (бука. если мать носишь на руке, то сестру держи на плече), т.е. почитай обеих, сестру даже больше; **2.** горсть, пригоршня; \emptyset ~ **отмоқ** забросить в рот с ладони (*напр.*, крошки, лекарства и т.п.); ~ида **кўтармоқ** глубоко уважать, носить на руках (кого-л.).
кашта I. вышивка; **2.** узор.
кашф открытие; изобретение; ~ **қилмоқ** (этмоқ) изобретать, открывать (что-л.) новое.
кашфийёт открытия; изобретения; **илимий** ~ научные открытия.
қаҳрабо янтарь; янтарный; ~ **тасбеҳ** янтарные четки.
кезмоқ I. бродить; ходить; ездить; **шаҳарни** ~ бродить по городу; **2.** странствовать; **бутун дунёни** ~ странствовать по всему свету; **3.** обходить, обойти; **бир нафасда оламини кезар** загадка в одно мгновение вселенную обходит (Мысль).
кейин I. нареч. после, потом; позже; **аввал йўлдош**, ~ **йўл** погов. сначала попутчик, а потом дорога; **бу вазифани** ~ **қилсангиз ҳам бўлади** это задание можете делать после; ~ **нима деди?** что ж сказал он потом?; ~ **қолмоқ** отставать; **2.** **посделоқ** после, спустя; через; **ишдан** ~ **дам оламинг** после работы будем отдыхать; **икки йилдан** ~ институтни тамом қиламан через два года закончу институт; **буидан** ~ **ҳам** и впредь.
кейинги I. последний; задний, крайний; ~ **туянинг юки овир** погов. у свади идущего (в караване) верблюда поклажа

тяжелая; 2. следующий, последующий, дальнейший; ~ сафар в следующий раз; бундан ~ воқеалар дальнейшие события; 3. позднейший; ~ пушаймон – ўзинга душман посл. позднее раскаяние – твой враг; ◊ итнинг ~ оёғи неодобр (бука последняя нога собаки) говорится о никчемном, потерявшем к себе уважение человеку; соота. пятая (последняя) спица в колеснице; мелкая сошка.

кек затаённая злоба; ~ сақламоқ затаить (питать) злобу (против кого-л.).

кекирдак горло, гортань; ◊ ~ни чўзмоқ петушиться, задираться.

кекирмоқ рыгать, отрывывать.

кеккаймоқ важничать, чваниться, выскомерничать, зазнаваться, задирать нос, кичиться, гордиться; кеккайганга кеккайгин бошинг кўкка етгунча, энкайганга энкайгин бошинг ерга теккунча посл. перед гордящимся сам гордись, вознося голову до неба, а кланяющемуся поклонись до земли; кеккайини тракка ярамади логов. возноситься приличествует (к лицу) только то-полно.

кекса старик, старец; пожилой, старый; ~га йўл бер: ўзинг ҳам кексаёсан посл. уступи дорогу старцу: сам тоже будешь старым.

кексаймоқ стареть, стариться.

кексалик старость; старческий.

келажак будущее, грядущее; будущность; будущий, грядущий; ~ ҳаёт будущая жизнь.

келаси будущий; ~ йил(да) в будущем году; ~ замон грам. будущее время.

келгинди пришелец; пришлый.

келгуси см. келажак.

келин невестка; сноха; бир япроқда ўттиз ~ соч тарайди загадка на одном листе тридцать невесток волосы расчесывают (Месяц, тридцать дней); ◊ ~ кўрмоқ 1) этн. навестить молодую невестку на первом празднике после свадьбы (о подругах и знакомых молодой); 2) женить сына, занять невестку, сноху; ~ салом этн. поклон не-

сты на другой день свадьбы (обряд, состоящий в том, что невестка и две женщины на следующий день после свадьбы приветствуют родственников и близких мужа).

келиначак уменьш.-ласк. от келин; 1. молодая, молодуха, молодича; 2. невестушка, сношенька; чўпчагим-чўпчак, олтин беланчак; етти қизнинг онаси қалигача ~ загадка сказочка моя сказочка – золотая люлька; мать семи дочерей и поныне невестка (Кулла); ◊ кенг уйнинг келинчаги невестка просторного дома (говорится о невестке, которая пришлось ко двору в доме мужа).

келиш прибытие, приход, проезд; ~ – меҳмондан, рухсат – мезбондан логов. гость приходит по своей воле, а уходит по разрешению хозяина.

келишган стройный, статный; ~ йигит стройный юноша.

келишик грам. падеж; бош ~ именительный падеж; қаратқич келишиги падеж принадлежности.

келишмаган несообразный; нескладный; недостойный; неподходящий.

келишмовчилик разногласие, расхождение (с кем-л., в чем-л.).

келишмоқ 1. взицмн. и совм. от келмоқ приходит; приезжать; меҳмонлар келиши гости пришли; 2. сходиться (на чем-л.); договариваться; приходиться к соглашению.

келишув соглашение, договорённость.

келишувчи соглашатель, примиренец.

келишувчилик соглашательство, примиренчество.

келмоқ 1. приходиться; приезжать; прибывать; являться, наступать; олтин келганда, кумуш кетар, кумуш келганда, олтин кетар загадка золото явится – серебро уходит, серебро явится – золото уходит (Солнце, луна); беморнинг тузалгиси келса, табиб ўз оёғи билан келади лоса. если больному суждено поправиться, то лекарь придёт сам без приглашения (бука. своими ногами); пиёда ~ приходиться пешком; машинада

~ приехать на машине; баҳор келди наступила весна; 2. весить; тянуть (о весе); тарвуз 10 кило келди арбуз весит 10 кг; 3. подходить по размеру, соответствовать; бу костюм сенга тор келди этот костюм тебе узок; мос ~ соответствовать; быть подходящим; 0 уйқуси келмоқ захотеть спать; жон бошига қанчадан келади? по сколько придётся на душу населения?; Хуш келибси! Добро пожаловать!; қўлдан келганча по мере возможности; дўпписи тор келганда когда он оказался в трудном (безвыходном) положении; келиб қолинг (или кеб қолинг)! А ну, надуйте, покупайте, приходи, народ! (так зазывают покупателей торговцы на рынке).

келтирмоқ понуд. от келмоқ 1. принести; привозить; фойда ~ приносить пользу; 2. приводить; мисол ~ приводить пример; 0 вужудга ~ осуществлять; кўа олдига ~ представить себе.

кема корабль, судно; ~га тушганиниг жони бир посл. на одном корабле для всех одна участь (бука. душа одна); суности ~си подводная лодка; йўлдош ~ корабль-спутник.

кемачи лодман; кормчий.

кемирмоқ грызть, обгрызать.

кенг широкий, обширный, просторный; широко; Ҷизи ~ деңгиздан чуқур загада ка сама широка, как море, глубока (Мысль); ~ бўлсанг ~ кам бўлмайсан посл. будешь щедрым (душой) ~ от тебя не убавится (а прибавится); ~га ~ дунё, торга тор дунё погов. кто щедр, тому мир широк, кто скуп, тому мир узок; ~ йўл широкая дорога; мамлакатимизнинг ~ далалари обширные поля нашей страны; ~ халқ оммаси широкие народные массы; ~ елкали широкоплечий; 0 кўнгли ~ (одам) великодушный, спокойный (человек); феъли ~ щедрый; дарвозаси ~ гостеприимный.

кенгаймоқ расширяться, шириться; развиваться; распространяться.

кенгайтирмоқ понуд. от кенгаймоқ расширять; распространять.

кенгаш совет; совещание; ~ фикр ~ қуйма фикр посл. мысль, вынесенная по совету ~ чеканная мысль.

кенгашли сделанное по общему совету; ~ (или маслаҳатли) тўй тарқалмас погов. дело (той, свадьба), которое делается по общему совету, не расстроится; ~ тўй тор келмас погов. скроенный по общему совету калат не окажется тесным.

кенгашмоқ советоваться, консультироваться (с кем-л.); совещаться.

кенглик ширина; широта, ширь, простор. кенжа последыш (самый младший ребёнок).

кенак отруби; отрубный; ~ ем отрубный корм.

керагича нареч. сколько нужно (угодно); в должной мере; ~ олиб келаман принесу сколько нужно.

кесак нужный, необходимый; нужно, необходимо, надо, надобно; ишга бориш ~ нужно пойти на работу; ўқишингиз ~ вы должны учиться; ~ бўлса, терак йиқилар погов. если необходимо (миру), то и тополь свалят.

керакли нужный, необходимый, надобный; ~ китоблар нужные книги; ~ тошнинг оғирлиги йўқ посл. (бука. нужный камень не тяжёл); соота. своя ноша не тянет.

керилмоқ страд. и возвр. от кермоқ.

1. подтягиваться; расправляться; 2. перен. важничать, кичиться; хвастаться; керилма гоз ~ хунаринг оз погов. не чванься, гусак, не такой уж ты мастак.

кермоқ раздвигать; растопыривать; расправлять.

кесак комок сухой глины; 0 ~ бўлиб қолмоқ онеметь, оцепенеть (от испуга, удивления); ~дан олов чиқибди ирон. (бука. из комка глины огнём полыхнуло) говорится, когда застенчивый, нерешительный человек вдруг совершит поступок, которого от него не ожидали.

кесатиқ ирония; иносказание.

кесатмоқ иронизировать; говорить инос-

казательно.

кесилмоқ страд. и возвр. от кесмоқ 1. резаться, срезаться; срубаться; бултур кесилган бармоғига бу йил йиғламайди посл. ирон. по пальцу, что был порезан в прошлый год, не плачут в нынешнем году; 2. быть осуждённым.

кесим 1. сечение; ломоть; 2. грам. сказуемое.

кескин резкий, обострённый, решительный, категорический; ожесточённый; резко, остро; ожесточенно, решительно; ~ кураш ожесточённая борьба.

кескилик острота; резкость; решительность; категоричность; масаланинг кескилиги острота вопроса.

кесмоқ 1. резать, срезать, обрезать, отрезать; етти ўлчаб, бир кес посл. семь раз отмерь, один раз отрежь; аччиқли аччиқ кесади посл. горькое уничтожается горьким; соота клин клином вышибают; 2. рубить, срубить; отрубить; 3. прерывать, прекращать; 0 тутган срини кесадиган упрямый, неуступчивый, непременно желающий поставить на своём; бадавимиңи совуқ кесиб кетди меня проморозило до костей.

кет I зад, конец, хвост, задняя часть (чего-л.); ўқиш жафоли – кети вафоли посл. учиться тяжёло (мука), зато потом хорошо (полезно); соота. тяжёло в учении, легко в бою; 0 кетма-кет один за другим; вереницей; подряд; вслед (за кем-л.), последовательно; 0 ~и епгил разг. одобр. лёгко на подъём; расторопный, проворный; ~и билан кумоқ разг. смеяться над кем-либо; осмеивать кого-либо; ~ини кесиб кетса билмайди разг. шутил. крепко спит; его пушкой не разбудишь; ~ида туёқ қолдирмоқ оставить после себя потомство; ~ипи мўйчилак тишламаган разг. ирон. он еще не испытывал (горя, страдания, нищеты, унижения и т.п.); он еще зелен.

кет II повел. ф. глаг. от кетмоқ; уходи, уйди.

кетидан служ. слово ~ бормоқ ийти вслед (за кем-л.).

кеткизмоқ понуд. от кетмоқ 1. заставить уходить, уезжать; 2. удалить; устранять (пятна и пр).

кетмон кетмень (род мотыги для окущивания посева, для рытья арыков и т.п.); 0 ~ сопини ушламаган (бука. он еще не притрагивался к черенку кетменя), т.е. не смыслил в том или ином деле; белоручка.

кетмончи кетменщик; человек, работающий кетменем.

кетмоқ 1. уходить, уезжать; ийти; кеттаверадн, кеттаверадн, саватдек срини олади загадка бегаёт-бегает, себя маёт, с корзину место занимает (Собака); келганда тўрт ойқ, кетганда икки ойқ загадка приходит на четырёх ногах, уходит на двух ногах (Медведь); 2. в роли испом. глагола; қўрқиб – испугаться; севиниб ~ обрадоваться; олиб ~ унести; увозить; чиқиб ~ выйти; 0 ўзидан ~ терять сознание; уйқуга ~ заснуть.

кеч 1. вечер; кеч бўлди наступил вечер; кечгача до вечера; 2. поздний; поздно; кеч эккан экинниг хатоси бир посл. у позднего посева есть ущерб; спектакль кеч бошланди спектакль начался поздно; кеч келмоқ приходит поздно (с опозданием).

кеча 1. вчера; ~ томда бир натир кўрдим, эрта қарасам – йўқ загадка вчера видел я лепёшку на крыше, утром глянул – её нет (Луна); ~ келди приехал вчера; ~ кундузи вчера днём; 2. ночь; ойдин ~ лунная ночь; ярим ~да в полночь; ~кундуз (~ю кундуз) днём и ночью; день и ночь, сутки; 3. вечер, вечеринка; дўстлик ~си вечер дружбы; 0 ~ни ~ кундузни кундуз демай от зари до зари; днём и ночью; не считаясь со временем.

кечаги вчерашний; ~ газета вчерашняя газета.

кечаси ночью, в ночь; поздно вечером; ~ билан всю ночь; ~ ётиб ўйла, эртаси туриб сўйла погов. вечером, ложась спать, подумай, а утром выскажи душу; соота. утро вечера мудренее; ~ учак-

ка жұхори сепдим, азияда қарасам йитибди зағадка вечерам рассыпал я кукурузу на крыше, утром смотрю – нет ничего (Небо и звезды); **кундузи Ҷнар**, ~ **сўнар зағадка** днём горят, ночью гаснут (Глаза).

кечикмоқ опаздываать; задерживаться. **кечиктирмоқ** понуд. от **кечикмоқ**; от-кладывать; задерживать; медлить.

кечинма переживание; испытание; ощущение, чувство.

кечирим прощение; извинение; ~ **сўрамоқ** просить прощение.

кечирмоқ I понуд. от **кечмоқ I** простить; помиловать, извинить; **мени кечиринг** простите меня; **кечирасиз** простите; извините.

кечирмоқ II понуд. от **кечмоқ II 1**. переправлять (через воду, реку); 2. переносить, испытывать; переживать; проводить; **умр (ҳаёт)** ~ жить, проводить жизнь; **кув** ~ существовать.

кечки I. вечерний; ~ **овқат ужин**; ~ **найт** вечерний час; 2. с.-х. поздний, позднеспелый; **узумнинг** ~ навляри позднеспелые сорта винограда.

кечмоқ I 1. прощать, извинять; помиловать; **гунаҳдан** ~ прощать, извинить (проступок); 2. отказаться, отречься; **охирги сўздан** ~ отказаться от последнего слова; **жонидан** ~ быть готовым отдать жизнь; не (по) жалеть жизни.

кечмоқ II 1. переправляться (через реку, воду); 2. проводить; происходить, проходить.

кечқурун вечером; ~ **келамаи приду** вечером.

кечқурунги вечерний; ~ **иш** вечерняя работа.

кешта обл. насест; ~**дап тушган оқ тошуқ**, **қайтиб жойига келмас зағадка** спустившаяся с насеста белая курица вновь на насест не сядет (Выпавший зуб).

кибр высокомерие, занаяство, надменность, кичливость.

кибрланмоқ высокомерничать, занаяваться, кичиться.

кигиз кошма; войлок; ~ **этик** валенки.

кийгимоқ понуд. от **киймоқ** надевать,

одевать (что-л. на кого-л.).

кийик зоол. олень; сайгак; **бир кийгим бор**, **бир жойда туриб диркиллар зағадка** есть у меня один олень, он, стоя на месте, вадрагивает (Мясо); ~**ли тор** ~ **суюкли тор** логов. горы, в которых водятся олени – любимые (для охотников) горы; **о** ~ **ўти бот.** (букв. оленья трава) чабрец.

кийик одежда; платье; **оёқ -и** обувь; **бош -и** головной убор; **ички** ~ бельё; ~**бош** комплект одежды; ~**нип** япгиси **яхши**, **дўстинг** ~ **эскиси** логов. платье хорошо новое, а друг – старый; **сотя**. старый друг лучше новых двух; **о** ~**дан чиқмоқ** обноситься, нуждаться в приобретении одежды.

кийиймоқ возвр. от **киймоқ** одеваться, наряжаться.

киймоқ надевать (на себя); **костюм** ~ надевать костюм.

ким кто; ~ **келди?** кто пришёл?; **ким ғариб** – **дардман ғариб** логов. бедный (несчастный) тот, кто не здоров; **о** **ким билсин** (ким биледи, дейсин) кто его знает; как знать; **ким олдин**, **ким кейин** кто раньше (умрёт), а кто позже (никому неизвестно); наперед не угадаешь, кому по ком плакать; **ким ошди савдоси** продажа с аукциона, продажа с молотка; **ким бўлибди** (у ким бўлибди) ирон. кто он такой; подумаешь, шишка на ровном месте; **ким эдим**, **ким бўлдим** каким я был, а каким стал; **кимга тўй**, **кимга аза** (букв. кому праздник, а кому траур) кто идёт пировать, а мы горевать.

кимсасиз I. одинокий; 2. глухой, безлюдный.

киндик анат. пуп, пупок; **о** **киндиги бир** (уларнинг) (букв. пуповина у них одна) ирон. неразлучные; как нитка с иглой; их водой не разольёшь; два сапога пара; ~**кинпаг иссиқ** **ерга тексин фольк. благожел.** (букв. чтоб тёплого места коснулся твой пупок) пожелание неженатым мужчинам скорее найти свою суженую; ~ **қопи тўкилган жой** место рождения, родина (букв. место,

где пролита кровь от пупка); *соотв.* родное пепелище, отчий дом; мила та сторона, где пупок резан.

кинна разг. сглаз; — **солмоқ этн.** проделывать особые магические приёмы и проносить заклинания от сглаза; ~ **кирди этн. суев.** сглазили (*кого-л.*); заболел от сглаза; ~ **солдирмоқ этн. суев.** «лечиться» магическими приёмами и заклинаниями у знахарки (обычно при коликах в животе, при головных болях).

киномомшабин киносритель.

киношпавада (киноҳаваскор) кинолюбитель.

киноҳикоя кинорассказ.

киноя 1. иносказание, аллегория, метафора; 2. ирония; 3. намёк; **нозик** ~ тонкий намёк.

киприк ресница; \emptyset ~ **қоқмаслик** не сомкнуть глаз; не моргнуть.

кир 1. грязь (*на теле, белье и т.п.*); грязный; нечистый; — **қўйлак** грязная рубашка; 2. бельё; ~ **ювмоқ** стирать бельё; \emptyset **қўнглида** — **йўқ** чистосердечный; ~ **қўйлакка кишан ёқа** *ирон.* на грязное платье да праздничный воротник; **пул** — **қўлнинг** — **и, ювса кетар** *посл.* деньги — грязь рук, смось — и их нет.

кира провоз; наём; **машина** ~ **қилмоқ** нанимать машину; ~ **пули** плата за провоз.

киргизмоқ 1. вводить, ввести; пускать, допускать; 2. вносить, заносить; включать; **рўйхатга** ~ вносить (включать) в список; \emptyset **қўлга** — приобретать, овладевать; прибирать к рукам.

кирдикор поступки, действия (*неблаговидные*); происки.

кирим доход; приход; — **чиқим** приход и расход

кириш 1. вход, заход; **қора ҳўкизим** *ирилга* — да думини юлиб қолдим *загадка* мой черный бык в клева входил, и тут я ему хвост оторвал (Черный кишмиш); 2. вступление; — **сўзи** вступительное слово; 3. введение.

кирмоқ 1. входить, заходить; въезжать, заезжать; поступать; 2. наступать; **қиш кирди** наступила зима; \emptyset **жон** — ожить;

гапга ~ слушаться.

китоб книга, книжный; ~ **дўкони** книжный магазин; ~ — **ақл қаймоги** *посл.* книга — сливки разума; ~ **дан ҳарф эмас, билим изла** *посл.* в книге ищи не буквы, а знания.

китобхон читатель (книг); книжник.

кифоя нареч. довольно, достаточно.

кифоялашмоқ довольствоваться, удовлетворяться.

кифт плечо; часть тела от шеи до руки; \emptyset — **га қоқмоқ** хлопнуть (*кого-л.*) по плечу (с целью уговорить или выразить благодарность); — **ини келтириб бажармоқ разг.** сделать, выполнить (*что-л.*) на ять, великолепно, как следует.

кичик маленький, малый, младший; ~ **ўғил** младший сын; ~ **калит катта эшикни очади** *погов.* маленький ключ большую дверь открывает (*говорится*, когда, напр., одним добрым ласковым словом находят путь к сердцу человека).

кичкипа малый, маленький; небольшой; ~ **жувономарг**, **том бошидан ўтин ташлайди** *загадка* маленькая бестия с крыши хвост сбрасывает (Воробей); — **митти, теппи, йиқитди** *загадка* маленький-кроха пнул — и свалил (Сон); \emptyset ~ **одам** 1) низкорослый, маленький, миниатюрный человек; 2) простой смертный, маленький человек (не должностное лицо); — **дсманг бизни, кўтариб урамиз сизни** *погов. шутол.* (бука не говорите, что мы малы, мы вас приподнимем да опрокинем); *соотв.* мал да удал; маленький пенё большой воз опрокидывает.

кичраймоқ уменьшаться, делаться маленьким.

кишан *прям. и перен.* пути; оковы; кандалы; ~ **олтин бўлса ҳам** ~ *посл.* оковы будь они и золотые, а всё равно оковы. **кишанламоқ** *прям. и перен.* заковать в кандалы; надеть оковы.

киши человек; **эркак** ~ мужчина; **хотин** ~ женщина; ~ (**одам**) **боши** — **сой тоши** *посл.* голова человека — камень (валун) в горной реке (*т.е.* человек всё переене-

сёт и всё вытерпит); соота жизнь – тонкий волосок, но крепче каната; укрепится человек – крепче камня, а ослабнет – слабее воды; ~ **балога қолурми уз ихтиёри билан погов.** сам вино-вино; иногда человек сам лезет в петлю; соота. не рок головы ищет, сама голова на рок идёт; ϕ – (**или жон**) бошига на одного, на каждого, с каждого; на брата, на душу населения; ~ **дан қочмоқ этн. ист.** ходить в парандже; прятать лицо от мужчины.

кишилик 1. человечество; человеческий; ~ **жамияти** человеческое общество; 2. **грам.** личный; ~ **олмоши** личное местоимение; ϕ – (**или жойраяк**) **кийим** праздничная (выходная, парадная) одежда.

кишмиш 1. кишмиш (*сорт винограда*); 2. кишмиш, изюм (сушёный кишмиш).

кишнамоқ ржаты; от **кишнаб** юборди лошадь заржала; **ер тагида** **езнам оти кишнаиди** загадка под землёй конь зятя ржёт (Мышь); **яқиндаги тишлашар, узоқдаги кишнашар** посл. **ирон.** находясь вблизи, (кони) грызутся, находясь вдали, призывают друг дружку ржанием; соота. вместе тесно, а врозь скучно; не вижу – душа мрёт, увижу – с души прёт.

койнот вселенная, мир; всё сущее; космос.

коймоқ бранить (*слезка*), журить; отчитывать.

койтмоқ понуд. от **коймоқ** умять, уморить; утуждать.

кокил коса, косичка; **зар** ~ украшение в виде косичек, переплетённых золотыми нитками, и пришиваемое к тюбетейке.

кокилла имеющий косы, с косами; **ер тагида** ~ **бачча** загадка под землёй мальчишка с длинными косичками (Лука).

кон 1. рудник; шахта, копи; 2. залежи, месторождение.

консулхона консульство.

копток мяч; ~ **ўйнамоқ** играть в мяч.

коржомо рабочая одежда, спецодежда.

корхона предприятие.

коса каса (большая чашка, чаша); ϕ ~ **тагида нимкоса** (бука. под большой чашкой маленькая) за этим что-то кроется (о подоплёке какого-нибудь дела; скрытый намёк на что-л.); **бир** ~ **да икки хил овқат загадка** в одной касе два кушанья (Яйцо); ϕ ~ **и навбат** всякому свой черёд.

косиб ремесленник; кустарь; сапожник; ~ **тикканин мақтар, дехқон экинни** посл. сапожник хвалит свой пошив, а дехканин – свой посев; соота. всяк кулик своё болото хвалит.

косов кочерга; **бир ўчоққа беш** ~ **загадка** у одного очага пять кочерёг (Рот, пять пальцев).

кошки союз. условн. о, если бы; хотя бы; ~ у **келса** о, если бы он пришёл.

куён зятя; жених; ~ **фарзанддан аъло** посл. зять дороже сына.

куз осень; ~ **исъмати** – **қийш** **рагимати** погов. дары осени – заботы зимы; ~ **да йиғсанг** – **қийшда ейсан** посл. осенью соберёшь – зимой поешь.

кузатмоқ провожать; наблюдать.

кузатув наблюдать.

кузатувчи наблюдатель; провожающий.

кузги 1. осенний; ~ **туш** – **куёнга қисқа погов.** **шутл.** (и даже) осенняя (длинная) ночь коротка для жениха (говорится о молодом женихе в первые дни после свадьбы); 2. озимый.

куй мелодия; мотив, напев.

куйдирги мед. сибирская язва.

куйдирмоқ понуд. от **куймоқ** 1. сжигать; обжигать; прижигать; **ўт эмас, куйдирар; пичоқ эмас, сўйдирар** загадка не огонь, а сжигает; не нож, а зарежет (Ложь); 2. пережаривать; 3. **перен.** заставлять страдать.

куйинмоқ горевать, страдать, печалиться; переживать.

куйламоқ 1. петь, напевать; 2. воспевать.

куймоқ 1. гореть, сгореть; тлеть; 2. обвариваться, ошпариваться, обжигаться; **тор кўчага ўт тушди, бора боргунча куйиб тушди** загадка на узкой улочке пожар запылал, до конца улочки всё

обжигал (Питьё горячего чая); **бармоқларим куйди** обжёл пальцы; **овзи куйган қатиқни пуфлаб ичади** посл. (бука. тот, кто обжёл рот, будет дуть на кислое молоко) *соотв.* обжегшись на молоке, станешь дуть и на воду; **0 овзи куйган товукдай** (бука. как курица, обжегшая лапки) как угорелый (бегать, метаться, носиться); как угорелая кошка; как ошпаренный; **3.** пропадать зря, бесполезно; идти прахом; **поезд билети куйди** билет на поезд пропал; **4.** гревать, печалиться, страдать.

куйчи певец; **куйган** ~ **бўлур** погов. кто испытал страдания, тот становится певцом (имеется в виду страдания влюбленных в разлуке).

кукуи порошок; пудра; пьль.

кул зола, пепел; **~дан тепа бўлмас** посл. из пепла не получается горы; *соотв.* из песка кнута не сплетёшь; **~ қолдирма, гул қолдир погов.** (бука. после себя оставляй не золу, а цветы), т.е. при жизни старайся делать добро, а не зло, оставляй хорошее наследие, а не разруху и бедность; **0 ~дан куёв чиқди** (бука. из золы появился жених) откуда ни возьмись (вдруг, внезапно) нашёлся жених; **~ кўкка соварилди 1)** он разгромлен, разбит в пух и прах, потерпел окончательное поражение; **2)** он пошёл прахом.

кулги смех; **~ умрга умр қўшади** посл. смех прибавляет долголетия; *соотв.* смех — здоровье души; шутка грест человека; смех силе брат; **жаҳлдан кексаясан, ~дан яшарсан** посл. от злости стареешь, от смеха молодеешь; *соотв.* сердце веселится, и лицо цветёт; **~ бўлмоқ** быть смешным, быть посмешищем.

кулгидон: **~и очилди** (бука. открылось егоместилище смеха) сменинка в рот попала.

кулгили **1.** смешной; **~ воқеа** смешное событие; **2.** комичный; юмористический; **~ дикоя** юмористический рассказ.

кулгилик смехотворность; **0 ~ка олмоқ** считать за шутку; **~ка олиб гапирмоқ**

сказать шутя (о чем-л.) серьёзно. **кулдирмоқ понуд.** от кулмоқ заставить смеяться; смешить; вызывать смех; рассмешить.

кулдон пепельница.

кулмоқ 1. смеяться; **ана ерда биров ўлаётибди, овзига қўлим тиқсам** кулаётибди **загадка** вон там, гляди, умирает кто-то, я пальцы ему в рот — а он уже смеётся (Ножницы); **2.** *перен.* высмеивать, шутя говорить; **кулиб айтсам, сен ишондинг** я шутя сказал, а ты поверил; **иштонсиз тиззаси йиртиққа** кулар погов. у самого штанов нет, а смеётся над тем, у кого порваны колени; *соотв.* в чужом глазу соломинку видит, а в своём бревна не замечает; людской хулит, а сам льком шит; **0 куланериб ичаги узилди** он надорвал живот от смеха; он покатывался со смеху; **кулиб енгади** не сердится; на зло отвечает добром.

кулол гончар, горшечник; **~ мўндида сун ичар** погов. гончар пьёт воду из разбитого кувшина; *соотв.* сапожник без сапог.

кулфат 1. несчастье, горе, невзгоды, беда; **2.** страдание, мучение; **ҳамжиқатлик** — **давлат, Ёллизлик** — **~ посл.** содружество — это богатство, а разобщённость — это несчастье; **0 бошигилга** ~ **тушмасин** **благожел.** пусть не будет у вас горя (несчастья).

кулча маленькая круглая лепёшка; **0** — **юз** круглолицый; **~миз пишди** наша маленькая лепёшка испеклась (т.е. младший сын женился до старшего или младшая дочь вышла замуж до старшей).

кумуш серебро; серебряный; **~ қошиқ** серебряная ложка; **ер тагида** ~ **кунда, шўрва қилсанг келар кунда** **загадка** под землёй серебряная ступа, шурпу затеешь — придёт всегда (Лук); **~ сўзингни чақага майда қилма** не разменивай своё серебряное слово на медяшки.

кун 1. день; **~ оралаб** через день; **~ бўйи** весь день; **~да келган меҳмоннинг қадри йўқ** посл. ежедневного гостя не уважают; **~дап~га** изо дня в день; с

каждым днём, все более и более; ~дагидек как всегда; ~ очикъ день ясный; 2. солнце; ~ ботди солнце село; ~га қараб толмайди, ~дан кўзин олмайди заадиқа глядеть на солнце не устаёт, глаз от солнца не оторвёт (Подсолнечник); 0 ~ботар (томар) запад; ўтган ~и позавчера; ~га тескари обращённый на север; ~ кўрмоқ (кочирмоқ) жить, существовать; ~инг шунга қолдими! вот до чего ты дожил!; ~ ёнаётир невыносимая жара.

кунгабоқар подсолнечник (растение). кундалик каждодневный, повседневный, ежедневный; текущий; ~ иш каждодневная работа; ~ сийсат текущая политика; ~ дафтар дневник.

кундуз день, дневное время; ~ соат бирда в час дня; ~ куни днём; ~и тайқлашар, кечаси қучоқлашар заадиқа днём на палках дерутся, ночью обнимаются (Ресницы); 0 ~и чироқ ёқиб топа олмайсан днём с огнём не найдешь (не сыщешь).

кундузги дневной; ~ кинотеатр дневной кинотеатр.

кушжара жмых, дуранда.

кушжут бот. кунжут; кунжутный.

кунлик: бир ~ иш однодневная работа.

курак 1. деревянная лопата (для выгребания снега, навоза и т.п.) 2. анат. лопатка (плечевая кость); 0 ~да турмайдиган гап чушъ, ерунда; (бука. такое слово, которое даже на лопате не удержишь) ни я какие ворота не лезет; кураги ерга тегмаган навлон одобр. борец, который никогда не знал поражений (бука. лопатки которого не касались земли); курагиши ерга тегизмоқ положить на обе лопатки (в борьбе).

курамоқ выгребать, сгребать (лопатою).

кураш 1. борьба; синфий ~ классовая борьба; сифат учун ~ борьба за качество; 2. кураш (национальная борьба); ~ тушмоқ бороться, вступать в кураш; ~ белборли ~ поясной кураш; эркин ~ вольный кураш.

курашмоқ 1. бороться, вести борьбу; 2. бороться, вступать в кураш; кураш-

санг, отанг бўлса ҳам йиқит погов. раз вступил в кураш, то ваги даже своего отца; соотв. взялся за гуж, не говори, что не дюж.

курашчая способный к борьбе; воинствующий.

курка индюк, индюшка.

куртак бот. зародыш, почка.

кутмоқ 1. ждать; ожидать; 2. принимать; ухаживать; встречать; меҳмонларии яхши ~ хорошо ухаживать за гостями; 0 кутганга ~ кун узоқ для ожидающего день долог; соотв. ждать да догонять ~ нет хуже; кутилмаган меҳмон ~ мезбопининг изаати погов. неожиданный гость ~ это честь хозяину (гость приходит не только ради угощения, а желая увидетъся, поговорить и оказать свое почтение хозяину).

куттирмоқ понуд. от кутмоқ заставить ждать (ожидать).

кутубхона библиотека.

кутубхоначи библистекарь.

куфр рел. 1. святотатство; богохульство; 2. неверие, безбожие, ересь; 0 ~ бўлмоқ адилтис, сердитис.

куфрос: ~и неъмат 1) пренебрежение к поданному угощению; 2) неблагодарность за добро.

куф-суф этн. 1. звукоподражание выдуванию воздуха ртом при «лечении» больного заклинаниями и молитвами; 2. разг. заклинание, отчитывание (лечение чтением молитв).

куч сила, мощь, мочь; ~ ~ бирлиқда погов. сила в единстве; ~ згмаганини сфа эгар посл. кого силой не сломали, того словом возьмут; 0 ~га кирмоқ прям. и перен. входить (войти в силу); ~га тўлган в самом расцвете сил; ~ининг борича... во всю мочь.

кучаймоқ усиливаться; крепчать, крепнуть.

кучайтирмоқ понуд. от кучаймоқ усиливать, укреплять; развертывать.

кучанимоқ тужитис, натуживатис, напрягать силы.

кучли 1. сильный; мощный; 2. питательный (о пище); 3. сильнодействующий (о

лекарствае); \emptyset ~ ер плодородная почва; ~ овақат усиленное питание; калорийная пища.

кучсизланмоқ обессилеть, слабость, ослабевать, лишаться сил.

кучсизлантирмоқ понуд. от кучсизланмоқ обессиливать; лишать силы; истощать.

кучсизлик бессилие; слабость, хилость.

кучук собака, щенок; (см. также ит);

оқ кучугим аравадан сакради зағадка моя белая собачка с арбы прыгнула (Слюна); ~дан қўрққан гадо бўлмас погов. кто боится собак, тому нищим-попрошайкой не стать; соотв. волков бояться – в лес не ходить; ~ босмас йўлбарс-шеринг изини («Алпомиш») собака не наступит на льва или тигра след (т.е. нужно всегда действовать с осторожностью); ~ томга чиқса ҳам, эгасидан катта бўлмас погов. (бука. собака если даже заберётся на крышу, то выше своего хозяина не станет) низкий подлый человек, как бы он ни разбогател, а всё равно останется бесславным в народе.

куя I зоол. моль; ~ тушган костюм костюм, изъеденный молью.

куя II: қора ~ сажа.

кўз I. глаз, глазок; ~ қўрқоқ, қўл ботир погов. глаза трусливы, руки отважны; глаза страшат, а руки делают; ~дан нари – кўнгилдан нари погов. (бука. дальше от глаз – дальше от сердца); с глаз долой – из сердца вон; ~ – юракнинг кўзгуси посл. глаза – зеркало души; жонон коса, ~и ўйнар, сочлари жилва-жилва зағадка чаша-краса глазами играет, волосами шевелит-блистает (Родник); ~ оқи белок глаза; ~ қораси (қорачиги) арачок; ~ гавҳари хрусталик (глаза); ~ ёши слеза, слёзы; ~ олдида перед глазами; – тикмоқ уставить глаза; ~та ташланмоқ бросаться в глаза; ўз ~и билан кўрган очевидец; ҳаммапинг ~и олдида у всех на глазах; ~дан қолмоқ лишиться зрения; ~дан нарида бўлмоқ не показываться на глаза; ~дан гойиб бўлмоқ скрыться

из глаз; 2. зрение; ~им хира у меня слабое зрение; унинг ~и яхши кўради у него хорошее зрение; \emptyset ~им қиймайди я жалею, у меня руки не поднимаются; узук ~и камень в кольце; – тутмоқ смотреть с ожиданием, с надеждой; ~тегизмоқ слгзисть; ~ ташланмоқ взглянуть, заглянуть; ~ юмиб очгучча вмиг; бировнинг нарсагига – олайтирма на чужой каравай рот не разевай; ~га кўришган видный, заметный; – қисмоқ подмигивать; \emptyset ~ бўямоқ втирать очки; ~ олдига келтирмоқ представлять себе, воображать; ~ очирмаслик не давать покоя, житья; ~иши мошдек очиб кўймоқ наказать, проучить; ~ тутмоқ ожидать (кого-л.); ~ига иссиқ кўришмоқ казаться знакомым; ~ига қараб иш қилмоқ быть осторожным, осмотрительным; ~и етмаслик не надеяться; икки ~и тўрт бўлмоқ ждать с нетерпением; ~иниң эгаси бор сув. глаз оберегает сам бог (говориться об инстинктивном движении века, оберегающим глаз от попадания посторонних предметов и т.п.).

кўза кувшин (обычно глиняный); сув келтирган – хор-зор, ~ синдирган – азиз посл. ирон. принесший воду – в унижении, а разбивший кувшин – в почёте; соотв. кто возит, а кому везёт; ~кунда синмайди, кунида синида погов. (бука. кувшин разбивается не каждый день, но в один прекрасный день может и разбиться); соотв. до поры и вёдра воду носят; повадился кувшин по воду ходить, там ему и голову сложить; неровен час.

кўзгу зеркало; ~га дам урсанг, юзингни кўролмайсан погов. если дыхнешь на зеркало, то не увидишь своего лица (в переносном значении: если друзьям и близким нагрубишь, то они от тебя отвернут лицо).

кўзойнак очки; ~ тақмоқ (или тутмоқ) надевать (носить) очки.

кўйлак I. рубаша, рубашка, сорочка; 2. платье; кўк ~ка қўл етмас зағадка до синего платья рукой не достать (Небо);

◊ кўйлагига сизмай кетди 1) располнел, стал толстым; в платье (в рубаху) не лезет; 2) он очень (или до безумия) обрадовался; кўйлагимнинг кирини ҳам кўтара олмайман разг. нервы у меня не выдерживают; нервы сдались; я не выношу больше (сплетен, вздора, грубости и т.п.); иккита ~ни ортиқ йиртган (бука. износивший на две рубашки больше кого-либо) старше по возрасту.

кўк 1. синий; зелёный; голубой; ~ кўйлак-ли хотин, сариг бола кўтарган зағадка женщина в зелёном платье несёт жёлтого ребёнка (Кукуруза); 2. небо; ~ка боққан йиқилар погов. (бука. тот, кто смотрит на небо, споткнется, упадёт); не задирай нос; не гордись – споткнёшься; 3. зелень; ~ бедани кўрса, қари от ҳам ўйноқлайди погов. при виде зелёного клевера и старый конь азыграет (т.е. как бы человек не постарел, а при виде юной красавицы невольно в душе вспомнит свою молодость); ◊ ~ка озги тегди (молларнинг) скот начал есть траву (пришла весна).

кўкаламзор луг, место с обильной зелёной растительностью.

кўкармоқ 1. зеленеть (о растениях); 2. расти (о растениях); ердан кўкариб чиқар, бағридан олтин оқар зағадка из земли зелёным ростком идёт, и золото из груди течёт (Хлопок); 3. синеть; совуқдан лаблари кўкариб кетибди от холода у него посинели губы.

кўкат зелень (растения).

кўклам весна; весенний.

кўкрак грудь; грудной; кенг ~ широкая грудь; ~ кермоқ 1) выпячивать грудь; 2) перен. возгордиться, важничать; 2. грудь, груди (женские); сира кўкрагимдан нари кетмайди никогда я не забуду, мне никогда не забыть (обиды, нанесённой кем-л.); кўкрагида ёли бор он настоящий человек (волевого, мужественный, отважный); кўкрагига урмоқ хвастаться, бахвалиться; якаты; бить себя, хвастаясь, по груди.

кўққарга зоол. сизоворонка.

кўл озеро; ~нинг отини балиги чиқарар погов. буква название (имя) озеру дают его рыбы, (т.е. славу семьи приносят его славные дети; славу народа составляют его славные сыны – герои).

кўланка тень, сень.

кўлмак лужа, лужица.

кўмак помощь; поддержка, подмога; подкрепление.

кўмаккланмоқ оказывать поддержку (кому-л.); помогать (друг другу).

кўмакдош помощник, сподвижник; пособник.

кўмир уголь; ~ қазауачи углекоп.

кўм-кўк совершенно синий; совершенно зелёный; ова-или минг ботир, ~ гиламда ётир зағадка тысяча братьев-батырев на ярко-синем ковре почивают (Небо и звёзды).

кўймоқ 1. закапывать, зарывать; кўмса, кўмилмайди зағадка как ни закапывай, не закопаешь (Тень); 2. погребать, хоронить; 3. заваливать (ямю).

кўн кожа; ~ заводи кожевенный завод.

кўнгил сердце; душа; ~ билан с душой;

чин ~дан от чистого сердца; ~дан ~га йўл бор посл. от сердца к сердцу дорога найдется; ~ қаримайди сердце (душа) человека не стареет (т.е. если даже он стар, то в душе себя всегда чувствует молодым); ~ ~дан сув ичади погов. душа с душой роднится; дружба для человека как бальзам для души; кўнгли қоранип юзи қора погов. (бука. у кого душа черная, у того и лицо черное) недоброжелательный человек не может прямо смотреть в глаза людям; ўйин, ўйин, ўйиним, ~ очар тўйиним зағадка игра, игра, ты мой дружок, раскроет душу узелок (Загадка); ◊ кўнгли бўшлик қилмоқ проявлять мягкосердечие, мягкотелость; кўнгли очиқ душа нараспапкку; кўнглида кири йўқ (одам) добродушный; добросердечный. (человек); ~дагидек то, что надо; кўнгли қаттиқ (одам) жестокосердный, неотзывчивый (человек); кўнглини гаш қилмоқ расстраивать; кўнгли бузуқ

(одам); недоброжелательный (человек); кўнгли бузилмоқ расстроиться; кўнглини зритмоқ смягчить сердце (чьё-л.); кўнглини тинчитмоқ успокаивать, утешать; кўнглини олмақ угрождать; завоёвывать (чьё-л.) симпатию; кўнгли тўқ он уверен, он спокоен; кўнгли йўқ ему не хочется, он не любит; кўнглини кўтармоқ поднимать настроение, ободрить, успокаивать; кўнглига ўқмоқ нравиться; кўнглига тегмоқ надоест, опротиветь; ~дан чиқармоқ забыть, забывать, прощать; ~га оғир олмақ болезненно реагировать, тяжело воспринимать; ~ яраси душевная рана; ~ қўймоқ 1) увлечься (кем-чем-л.); 2) влюбиться, полюбить (кого-л.); кўнгли ёз бўлди *бува* на душе наступило лето (*говорится при большой радости*).

кўнгилли 1. сердечный, душевный; оқ ~ чистосердечный, прямодушный; юмшоқ ~ мягкосердечный; 2. доброволец; добровольный, добровольческий; ~ жамият добровольное общество.

кўнгилчан добродушный, мягкосердечный, отзывчивый (человек).

кўндаланг попереk, ребром; попереkный; масалани ~ қилиб қўймоқ ставить вопрос ребром.

кўлдирмоқ понуд. от кўнмоқ уговаривать, уламывать; заручаться соглашением.

кўникма навык, сноровка.

кўникмоқ 1. привыкать, свыкаться; осваиваться; 2. мириться, смиряться.

кўниктирмоқ понуд. от кўникмоқ заставлять привыкать или свыкаться; приучать, прививать (*навыки*).

кўнмоқ соглашаться; уступать.

кўнчи кожанник.

кўпчилик кожанное производство.

кўп много, обильно, значительно; многочисленный, обильный, значительный; ~ пахта терилди собрано много хлопка; менинг дўстларим ~ у меня много друзей; ~дан~ очень много, множество; ~ билган оз сўзлар *погов.* кто много знает, тот мало говорит; ~ гап эшакка юк

погов. (*бува*. многословие – груз для осла); соота. много слов – кладь для ослов, а короткое слово – украшение мира; больше дела, меньше слов; ~ бўлса кетар, оз бўлса стар *погов.* шутл. когда много, всё уйдёт (израсходуется), а когда мало, как-нибудь хватит; 0 ~ ни кўрган (одам) человек, много видевший; бывалый человек; ~ яхши очень хорошо; ~ жон большая семья; ~ яшанг *блажожел.* bravo!; живите долго; благодарю вас!; ~ қатори вместе со всеми; как все, так и я; как и другие.

кўпайиш увеличение; размножение.

кўпаймоқ множиться, умножаться, увеличиваться, расти; размножаться; юраверади, юраверади, йўли кўпаймайди *загадка* двигается, двигается, а пути не проходит (Бешик-люлька); 5мғир билан ер кўқарар, тинчлик бўлса, эл кўпаяр *посл.* от дождя земля зеленеет, при наличии мира народы растут.

кўпайтириш умножение; увеличение; разведение.

кўпайтирмоқ умножать; увеличивать.

кўпайтирувчи *мат.* множитель.

кўпаяувчи *мат.* множимое.

кўлик пена; оёғи полик, оғзи ~ *загадка* в пене губа, с бахрамой нога (Верблюд). кўпича в большинстве случаев, часто; зачастую.

кўпирмоқ пениться.

кўллашиб совместно, сообща, общими усилиями.

кўплик 1. множественность, множество; обилие; 2. грам. множественное число.

кўприк мост; ~ тагида тўртта қозиқ *загадка* под мостом четыре колышка (Вымя коровы).

кўпчилик 1. большинство; ~ни ташкил қилмоқ (*этноқ*) составлять большинство; 2. много; многие; ~ бўлиб қолдик нас стало много; ~ бирикса, тоғни қулатар *погов.* миром и горы сдвинем; ~ лозим кўрса, карван туяени сўяр *погов.* если будет угодно большинству, то караванщик зарежет своего верблюда (т.е. меньшинство подчиняется большинству); ~ бир муштдаё урса – ўлдиради,

бир бурдадан берса – тўйдиради погов. даст большинство по тумаку – при-
бёт, даст большинство по куску – на-
кормит; соота с миру по нитке – голо-
му рубашка; ~ да ҳикмат бор посл. у
мира премудрость есть; соота. премуд-
рость в народе живёт.

кўр слепой; ~ бўлмоқ слепнуть; ослеп-
нуть; ~лар мактаби школа слепых; ~-
кўрона (-сига) слепо, вслепую; ~ ~ни
қоронғида таниди погов. ирон. (букв.
слепой узнает слепого и в темноте);
соота. свой своего ищет; рыбақ рыба-
ка видит издалека; ~ товуққа ҳамма
бугдой погов. слепой курице все пше-
ницей кажется; соота. в темноте все
кошки соры; ~ қўйганини соғ топмас
погов. слепой положит (что-л. куда-л.)
– зрячий не найдёт; ◊ ~ бўлгур бран.
чтоб ты ослеп!; ~ ойдин бледный лун-
ный свет (пробивающийся сквозь обла-
ка); ~ харидорини берсин благожел.
(букв. дай бог слепого покупателя); на
гнилой товар, да слепой купец.

кўра I *послелог* I. вследствие, сообразно;
шунга ~ поэтому, вследствие этого;
сообразно с этим; эшитганимизга ~
судя по тому, что мы слышали; 2. чем;
ушдан ~ бу яхшироқ это лучше, чем
то.

кўра II 1. ваза; чинши ~ фарфоровая
ваза; 2. жаровня (для поджаривания
шашлыка).

кўрак курак (нераскрывшаяся коробоч-
ка хлопка); ~ териш машинаси кура-
коуборочная машина.

кўргазма выставка; қишлоқ хўжалик
~си сельскохозяйственная выставка.

кўргазмали наглядный.

кўрик смотр; техника кўриги техниче-
ский осмотр.

кўрикхона то же, что кўргазма.

кўримли видный; пригожий; (человек)
приятной наружности.

кўримсиз I. неприятный на вид, некра-
сивый; ~ одам неприятный на вид (че-
ловек); 2. неприглядный

кўринарли видный, заметный, значи-
тельный; кўзага ~ иш заметная работа.

кўриниш I. вид; бипопинг ташқи ~и
внешний вид здания; 2. зрелище; 3. те-
атр. картина (в пьесе); тўртинчи ~ кар-
тина четвёртая.

кўринмоқ возвр. от кўрмоқ виднеться,
быть видимым; хира ~ не ясно виднеть-
ся; 2. показываться; узоқдан тоғлар
кўринди вдали показались горы; мени
сўрайдилар, кўринсам қочадилар за-
гадка меня люди просят и ждут, а при-
ду – прячутся, бегут (Дождь); 3. казать-
ся; представляться; акам хафа кўри-
нади брат кажется мрачным.

кўриш I. от кўрмоқ 2. зрение; ~ органи
орган зрения.

кўрк краса, красота, миловидность, изя-
щество; тоғнинг ~и тош билан, одам-
нинг ~и бош билан досл. красна гора
камями, а человек красен головой
(умом).

кўркам красивый, изящный, миловидный,
приметный; ~ йигит красивый юноша.

кўрлик слепота; ◊ сийсий ~ политичес-
кая близорукость.

кўрмоқ I. видеть; мени уни ҳозир кўрдим
я только что видел его; эмаклаган тош-
ли кўрдим, тошдан чиққан болши
кўрдим загадка видел я камень полу-
чий, а из камня – торчащую голову (Че-
репаха); кўрган бошқа, эшитган бошқа
погов. слышать одно, а видеть другое;
кўрганни эшитган елгибди погов.
ирон. слышавший пытается переспори-
ть (опровергнуть) очевидца; 2. рас-
сматривать; аризани ~ рассматривать
заявление; 3. навещать; касалии ~ на-
вещать больного; 4. в сочетании с име-
нем существительным образует со-
ставные глаголы; кун ~ существовать;
◊ кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ презр.
он ненавидит, он совершенно не тер-
пит (кого-л.); ... кўрдим демайди у него
большой (волчий) аппетит; кўриб,
кўрмасликка олмоқ притворяться не-
видящим; делать вид, что не видит;
кўриб қўй ты смотри-ка; видишь; гля-
ди и завидууй.

кўрнамак неблагодарный; платящий злом
за добро, не помнящий хлеба-соли; ~

одам неблагодарный человек; кўр бўлсанг бўл, ~ бўлма посл. будь хоть слепым, но не будь неблагодарным (оцени добро людей).

кўрна одеяло (*ватное*); стеганое одеяло; ~инга қараб оёқ узат посл. (бука. по длине одеяла вытягивай ноги) по одежке протягивай ножки; \emptyset ~ёстиқ қилиб ётибди разг. он слёг в постель (из-за болезни); ~ кўтармоқ разг. неодобр. бродяжничать; кочевать с места на место; ~сини бўлак қилмоқ (бука. стелить отдельно) спать отдельно от мужа; дуться на мужа.

кўрпача одеяльце (*узкое стеганное одеяло, служащее подстилкой*).

кўрсаткич 1. указатель; библиографик ~ библиографический указатель; 2. показатель; ҳосил ~лари показатели урожайности; 3. указка.

кўрсатма указание, установка.

одим шаг; 0 ~ ташламоқ шагать, ступать; ~ жойда почти на каждом шагу; ~ни санаб босмоқ ступать медленно, шаг за шагом; вести дело с осторожностью; ~да турмоқ стоя на ногах прощаться, последние проводы гостя; выпить на посошок.

одоб то же, что адаб; ~ - олтиндан қиммат посл. учтивость дорсже золота; ~им - офтобим тогов. моя воспитанность - моё солнышко.

оёқ 1. нога, ноги, лапа, лапы; оёғим огрийди у меня болит нога; оёғи йўқ қочади, қаноти йўқ учади загадка без ног - убегает, без крыльев, а летает (Дым); 2. ножка (стола, стула и т.п.) 3. фолж. деревянная чаша (посуда); 0 у бизникига ~ босмай қўйди он перестал ходить к нам; ишларим ~қа босди мои дела налаживаются; ўз оёғи билан келмоқ приходиться без приглашения; ~дан ҳоринмоқ сильно уставать; ~қўлли одам мастер на все руки, умеющий всё делать; бироннинг оёғига балта урмоқ подкапываться под кого-либо; оёғи куйган товуқдай как ошпаренный, как угорелый; унинг ~ олиши ёмон он плохо себя ведёт; ~ ости қилмоқ попираť, глумиться, унижать; ~ учи билан кўратмоқ относиться пренебрежительно; ~ кийими обувь; ~ яланг босой, босиком; яланг ~ босая; ~ босгудек жой йўқ (бука. некуда ногу поставить) яблоку негде упасть; ~ ет-майдиған ерда очень далеко; у чётра на куличках; ~ни узатсанг ҳам (фалон

одамга) тегади, йигсаг хам ирон. (бука. вытянешь ноги – заденешь, по-дожмёшь ноги – тоже заденешь) сплошь и рядом; так много, хоть отбавляй; ~ олиши чақоң проворный, расторопный; легок на ногу; подвижный; ~ни чакки босмоқ разг. плохо, дурно вести себя; распутничать; ~нинг чигилини ёзмоқ походить, погулять; размять ноги; размяться; **оёғинг** енгил **бўлсин** *благодаря*. чтобы у тебя ноги были лёгкие (и после тебя к нам в дверь постучало счастье); чтобы твоё счастье (удача) перешло и к нам.

ожиэ слепой, слепец; ~ кўзлар ослепшие глаза; 2. слабый, бессильный, беспомощный; бир варса қилинса ~ман я бессилён что-либо сделать.

оз мало, немного; малый, незначительный; **оз бўлсини** **соз бўлсин** *погов.* лучше меньше да лучше; *соотв.* редко да метко; **оз ошим** – **равғосиз** *бошим* *погов.* мало у меня еды, зато голова без забот; *соотв.* лучше хлеб с водкой, чем пирог с бедой; хоть машина пуста, да душа чиста; **оз эмас** немало; **бугун одам оз келди** сегодня пришло немного людей; бир оз немного; **оз-моз** немного; \emptyset **оз бўлса** *хам кўп ўрнида кўрасиз этикет, любезн.* хотя и мало, примите за многое (*говорят для приличия, напр., когда дарят какие-л. подарки*); **оз овриқ, осон ўлим** бер *благод.* дай бог лёгкой, не мучительной смерти.

оазаймоқ уменьшаться, уменьшиться; убавляться.

оазиб-ёазиб в кои веки, иногда, редко; ~ бир келибсиз-да какими судьбами?, наконец-то вы пожаловали.

оазіқ пища, продовольствие; провизия, продукт; продовольственный; продуктовый; ~-оақат продукты, продовольствие; ~оақат дўкони продовольственный магазин; руҳий ~ перен. духовная пища; \emptyset ~ тиш *коренной* зуб.

оазіқланмоқ питаться.

оазіқлантирмоқ поцуд. от **оазіқланмоқ** питать.

оазіқли имеющий съестные припасы,

обеспеченный съестными припасами, кормом; ~ от ҳоримас *посл.* лошадей, обеспеченная кормом, не знает усталости (*говорится о запасливом человеке*).

озмоқ I худеть, становиться худым.

озмоқ II: йўлдан – сбиться с пути; ақлдан ~ выжить из ума.

озмунча (*чаще с отрицанием*) немало; сколько...; \emptyset – суавар оқиб ўтдимиз *сколько с тех пор произошло в мире изменений, сколько воды утекло.*

озод свободный, вольный, освобождённый; ~ бўлмоқ *быть или* стать свободным; ~ қилмоқ *освобождать, дать свободу.*

озода 1. чистый, опрятный; 2. *чистоплотный.*

озодагарчилик *чистоплотность, опрятность.*

озодалик *чистота, опрятность; чистоплотность.*

озодлик *свобода; освобождение; раскрепощение; ~ учув за свободу; ~ка чиқмоқ* *получить свободу; ~ – ободлик* *посл.* *свобода – это благоустроенность.*

озор обида; притеснение; мучение; ~ бермоқ *обижать, притеснять.*

озчилик *меньшинство.*

озгин *худой, тощий; худощавый; ~ одам* *худой человек; ~ қўллар* *худые руки.*

озгинлик *худоба, худощавость.*

оид *относящийся (к чему-л.); техникага ~ относящийся к технике.*

оила 1. семья; семейство; – аъзолари *члены семьи; ~нигиз неча кишидан иборат?* *из скольких человек состоит ваша семья?*; ~ аҳил бўлса, омад ўз оёғи *биян келар* *посл.* *если в семье царит дружба, то удача сама придёт; \emptyset ~ тебратмоқ* *кормить, содержать семью; возглавлять семью; ~ кўрмоқ* *обзавестись семьёй; 2. биол.* *семейство; мушуксионлар* *~си* *семейство кошачьих; 3. разг.* *жена.*

оилавий *семейный, относящийся к семье; ~ ҳаёт* *семейная жизнь; – аҳвал* *семейное положение.*

ой *луна, месяц; ой чиқди* *луна* *взошла;*

ой тутилиши затмение луны; **Ой** – Ериниг йўлдоши Луна – спутник Земли; янги ой молодой месяц; ўтгав ой прошлый месяц; ой охирида в конце месяца; ойни этак билан ёпиб бўлмас посл. (бука. луну не прикроешь подолом); соота. шила в мешке (да любви в сердце) не утаишь; ой туида керак, ақл кунда керак посл. луна по ночам нужна, а ум – повседневно; соота. краса до венца, а ум до конца; ойда ҳам доғ бор погоа. есть пятно и на лунном лике; соота. и на солнце есть пятна; **о** ой бахтли, олтин тахтли бўл *благожел.* Будь счастлив(а); **ой деса оззи бор, кун деса кўзи бор фолж.** (бука. лунуи называть – рот есть, солнцем называть – глаза есть) красавица как луна и как солнце; необыкновенная красавица; **ой боқса ҳам унга боқсин, кун боқса ҳам иром.** (бука. пусть на него смотрят и луна и солнце) всё внимание ему; заботятся только об одном человеке; стараются только для одного человека; **ой туйнукка, арава эшикка келганда (тақалганда) иром.** когда луна уже показалась в отверстии крыши, а арба подъехала к воротам (говорится, когда кто-нибудь намеревается что-либо сделать, но спохватывается слишком поздно); соота. хватилась Настя, как ворота настежь; **ой қаердан қўниш берар экан** посмотрим, где луна сядет (т.е. подождём до поры); соота. до поры до времени; поживём – увидим.

ойдин 1. лунный свет, лунный; –да при свете луны; ~ кеча лунная ночь; 2. ясный, очевидный; ясна, очевидно; масала ~ вопрос ясен; **о** ... –да ойғим қилиб қўяди раз плюнуть; одним махом; это дело выполнить для него пара пустяков.

ойдинлашмоқ становиться ясным, очевидным; прясняться.

ойи 1. разг. мама, мать; (см. также она); –си мать (обращение мужа к жене, имеющей детей); 2. входит в состав слов, обозначающих родственные отношения: катта ~ ист. старшая мать

(так называли старшую жену отца дети его младшей жены; иногда ичуки так называют свою бабушку); кичик ~ ист. младшая мать (так называли младшую жену отца дети его старшей жены); келин ~ невестка (преимущественно жена старшего брата по отношению к его младшим братьям или сёстрам).

ойижон разг. родная, дорогая мамочка, маменька.

ойлик месячный; месячная зарплата; месячник; олти ~ бола шестимесячный ребёнок; **униг ойлиги** его месячная зарплата; **китоб ойлиги** месячник книги.

ойна стекло; зеркало; окно; –м усти қоққоли, атрофлари чачоқли *загадка* зеркало моё со створками, вокруг – бахрома (Глаза и ресницы); **мениг бир ўтовим бор. –си, эшиги йўқ** *загадка* есть у меня одна юрта – ни дверей в ней, ни окон (Яйцо); **о** ~и жаҳон фолж. волшебное зеркало (бука. зеркало мира).

ойначи стекольщик.

ойқулоқ жабры.

ола 1. пёстрый; пегий; полосатый; ~ қамчи уради, чумчуқларни сувради *загадка* пёстрая плётка хлещет, воробышков глотает (Змея); ~ (~була) от пегая лошадь; 2. изреженный, с пробелами (о встобах); ~ чиққан гўза изреженные всходы хлопчатника; 3. перен. разногласия, трения; разлад, раздор; вражда; олтовлоп ~ бўлса, оғзидагини олдирар посл. когда шестеро не ладят, они упустиат (потеряют) даже то, что у них во рту; **о** ~ кўз выпученные глаза; пучеглазый.

олабура зоол. окунь.

олаймоқ вытаращиваться, выпучиваться (про глаза); **униг кўзалари олайди** у него глаза на лоб полезли.

олайтирмақ *понуф. от олаймоқ* выпучивать, таращить глаза.

олам вселенная, мир; – тияч – холам тинч посл. в мире спокойно – и в дому спокойно; **бир оёқ қатиқ, –га татиқ** *загадка* в одной чашке (деревянной) кашки всему миру по вкусу (Луна); –ниг

пайдо бўлиши происхождение вселенной; ~га доғи кетди прославился на весь мир; \emptyset ... ~ гулистон (букв. весь мир – цветник) всё в порядке; всё будет обстоять прекрасно; и делу конец; ~ кўзига қоронғи бўлиб кетди небо ему с овчинку показалося; ~дан кўз юмди он скончался, умер; ~га жар солмоқ трубить на весь мир; раззвонить во все колокола.

оламшумул всемирный, мировой.

олачипор пёстрый, рябой.

олақарға зоол. ворона (серая).

олаговур гвалт, шум.

олд 1. перед, передняя часть; олд томони передняя сторона; передний край; 2. у, перед, около, возле; олдиндан оққан сувинг қадри йўқ посл. (букв. вблизи текущая вода не ценится); соота. что имеем – не храним, потерявши – плачем; институт олдида перед институтом; олдингизда ким турган эди? кто стоял возле вас?; кеча уйингиз олдида ўтдим вчера я проходил мимо вашего дома; \emptyset олди ёз впереди лето (хорошо что зима кончилась); трудности позади; олди тор, орқаси кенг скупой, но немелочный человек; олдини олмоқ предупреждать; олдида ўтмоқ получать согласие; заручаться согласием; кўз олдида на моих глазах.

олдига см. олд 2; \emptyset ~ бир бог беда ташламоқ (букв. подбросить перед ним сноп клевера) пренебр. 1) стыдить, смущать (кого-л.); сконфузить; 2) обмануть; оставлять в дураках; ~ тушадигани йўқ 1) с ним никто не может сравниться (в чем-л.); он самый лучший; 2) он превосходный, прелестный; ему нет равного. олдида см. олд 2; \emptyset егани ~, смагани кетида он живёт в достатке; он живёт припеваючи.

олдидан см. олд 2; \emptyset ~ борсанг сузади, орқасидан борсанг тепади (букв. спеди пройдёшь – рогами забодает, сзади подойдёшь – копытами залагает) к нему никак не найдёшь подхода; к нему на козе не подъедешь.

олдин 1. нареч. сначала; предваритель-

но, раньше, прежде; ~ кулган кейин қизарар погов. кто прежде засмеялся, тот потом засмушался; соота. хорошо смеётся тот, кто смеётся последним; ~ ўзингга боқ, сўнг погора қоқ погов. с начала посмотри на себя, а потом смейся над другим (и бей в литавры); соота. ахал бы дядя, на себя глядя; 2. после-лог перед, раньше, прежде; ояқатдан ~ перед едой; сиздан ~ келди он пришёл раньше вас; \emptyset олдиима-кетин один за другим, друг за другом, гуськом.

олдинги 1. передний; ~ арава қай йўлдан юрса, кейинги арава ҳам шу йўлдан юрар посл. по какой дороге идёт первая арба, по той дороге пойдёт и последняя; соота. в обозе воз за возом следует; 2. передовой; предшествующий. олдида перед, впереди; ~ бормоқ идти впереди.

олдиндан нареч. заранее, заблаговременно; ~ кўрмоқ предвидеть.

олдирмоқ 1. понуд. от олмақ; заставить взять, позволять взять, брать; 2. в сочетании с именами образует сложные (составные) глаголы: соч ~ бриться, брить бороду (у парикмахера); \emptyset юрак ~ быть напуганным (кем-чем-л.); оғзидаги ошни ~ упустить то, что уже в руках; олинг, олдирманг пожелание успеха (букв. приобретайте, и не упускайте).

олди-сотди купля-продажа.

олди-қочди трюк; трюковый.

олибсотар перекупщик, спекулянт; барышник.

олижаноб 1. благородный; великодушный; 2. перен. величественный, важный. олий высший, верховный; ~ ўқув юрти высшее учебное заведение; ~ жало высшая мера наказания.

олим ученый; ~ бўлсанг, олам сеники посл. если ты учёный – весь мир твой; ~ бўлсанг такрор қил, деҳқон бўлсанг шудгор қил посл. если ты учёный – пиши да переписывай, если ты пахарь – паши да перепаживай.

олимлик учёность.

олимоқ страд. от олмақ; у ишдан

олинди он снят с работы; босиб ~ захватываться.

олис 1. дальний, далёкий; далеко; ~ жой далёкое место; олисдагини аравалагунча, олдиндагини тұрвала посл. лучше накладывать в ближнюю торбу, чем нагружать в дальнюю арбу; соотв. лучше синица в руке, чем журавль в небе; ближняя копейка дороже дальнего рубля; 2. долгий, длинный, длительный; ~ йўл отни синар, оғир йўл мардин синар посл. долгий путь испытывает скакуна, тяжёлый путь испытывает молодца.

олисда вдалеке, вдали.

олифта щеголь, франт; ~ йигит щеголеватый молодой человек; франт; том устида ~ уста загадка на крыше щеголь-мастер орудует (Бритва); гул устида ~ ашулачи загадка франтоватый певец около розы увивается (Соловей).

олифталик щегольство, франтовство; ~ қилмоқ щеголять; модничать.

олишмоқ 1. взаимн. и совм. от олмоқ; бороться, драться; 2. тягаться, спорить; 3. обмениваться; фикр ~ обмениваться мнением; бел ~ прями и перен. меряться силами.

олиҳиммат 1. великодушный, благородный; 2. щедрый.

олма яблоко; яблоня; ~ савагидан узилар посл. яблоко отрывается там, где черенок; соотв. где тонко, там и рвется; ~ тагидан йироққа тушмас яблоко от яблоки недалеко падает; ~ пиш - овзимга туш погов. ирон. (букв. яблоко, созрел и в рот мне упади) 1) ждать у моря погоды; 2) так подшучивают над ленивым человеком; бир нечтадан кўзи бор, ~ каби юзи бор загадка несколько глазков имеет, как яблоко, лицо имеет (Картошка); 0 (энди) ~ билан ўрик бўлармидик разг. шутл. не первой молодости; куда нам (теперь) с молодыми равняться.

олмазор яблоневый сад.

олмахон зоол. белка.

олмос алмаз; алмазный; ~ ерда қолмас погов. алмаз не останется лежать на

дороге.

олмош грам. местоимение; ўзлик ~ и возвратное местоимение; кишилик ~ лари личные местоимения.

олмоқ брать, получать, взять; принимать; покупать; ~нинг бермоғи ҳам бор погов. где берут, там и отдают; соотв. долг платежом красен; топириқ ~ получать задание; телевизор олдим купил телевизор; 2. снимать; отделять; удалять, қаймоғини ~ снимать с молока сливки; соқол(ни) ~ бриться; қўйларнинг жунини ~ стричь овец; 3. отнимать, занимать; бу иш кўп вақтинги олди эта работа отняла у меня много времени; 4. образует сложные глаголы: Ёд ~ заучивать наизусть; кабар ~ справляться, осведомляться; хотин ~ жениться; ёзиб ~ записывать; 0 ўртага ~ брать в оборот (кого-л.); ўзини катта ~ кичитиш, заирать нос; олинг қуда, беринг қуда букв. примите, сватья, дайте, сватья (говорится о сватовстве и кумовстве, т.е. сваты часто беляют подарки друг другу).

олов огонь; огненный; ~ ёқмоқ развести огонь; ~ ранг огненный цвет; 0 ~ йигит горячий парень; ~ кўзлар огненные глаза; ~ идан кириб, кулидан чиқмоқ (букв. войти в пламя и выйти из золы) подлизываться, подхалимничать.

оломон толпа; 0 ~ пойма массовые скачки; ~ қилмоқ линчевать, устраивать самосуд.

олтин золото; золотой; ~ ўтда билинар, одам - меҳнатда посл. золото проверяется в огне, человек - в труде; 0 ~ ўрага туниб ўтирмоқ одобр. (букв. сидеть в золотой яме); стать очень счастливым; жить в полном благополучии.

олтингугурт т.им. сера.

олтовлон уст. фольк. шестеро, шестером; ~ ола бўлса, оғиздагини олдирад посл. (см. ола).

олхўри слива.

ола алыча.

олчазор алычовый сад; заросли алычи.

олқишламоқ аплодировать; олқишлаб қарши олмоқ приветливо встречать

(кого-л.).

олқишлар аплодисменты; овация; гулдурос ~ бурные аплодисменты.

олга вперёд; ~ томон ҳаракат движение вперёд.

олғир 1. обладающий хорошей хваткой; хорошо хватающий добычу (о *тищной* птице, собаке и т.д.); олатўраноқ ~ бўлса ҳам, қарчиғай бўлмас посл. как бы сорокопут ни был хватким, а ему не стать ястребом; 2. перен. разг. неодобр. хапуга, хапун, ловкач.

омад удача, успех; ~им кетди мне не повезло; ~ им келди мне повезло; ~и келса, сиққон филни енгади посл. если удача придёт, томышь слона одолеет; ◊ ~и гапни айтганда ... если ближе подойти к истине; кстати, к слову сказать.

омбор амбар, склад; яроғ-аслаҳа ~и оружейный склад; галла ~и амбар для зерна; сув ~и водохранилище.

омборчи кладовщик.

омихта смешанный; қўй ёғи билан пахта ёғини ~ қилмоқ смешать курдючное сало с хлопковым маслом (при подготовке к плава); ◊ ~ чой разг. смешанный (черный и зеленый) чай для заварки.

омма масса (людей); меҳнатқашлар ~си трудящиеся массы.

оммабоп популярный; массовый, общедоступный.

оммаяй массовый; ~ ҳаракат массовое движение; ~ тус олмоқ принимать массовый характер.

оммалашмоқ становиться массовым, популярным.

оммалаштирмоқ понуд. от оммалашмоқ делаться массовым, популяризировать.

омон I пощада; душманга ~ бермаслик не давать пощады врагу.

омон II здоровый, невредимый; ~ бўлмоқ здравствовать; ~мисиз? как поживаете?; бош ~ бўлса, дўппи топилар посл. была бы цела голова, а тюбетейка найдётся; ◊ ~ бўлсақ кўрармиз ҳамсонинг ҳолини ирон. будем живи-здоровы -

посмотрим; ой бориб ~ кел! благожел. благополучно съездить (вам, тебе).

омонат 1. вещь, имущество или деньги, сданные на хранение; ~ касса сберегательная касса; 2. шаткий, ветхий; ~ уй ветхий дом; 3. временный, переходящий; ◊ ~ дунё преходящий мир, этот свет (в отличие от потустороннего); ~ни топишмоқ рел. отдать богу душу; умереть, скончаться.

омонлик здоровье; благополучие.

омонсиз беспощадный; беспощадно; неумолимо.

он миг, момент; бир онда в один миг, мгновенно; ◊ онда-сонда иногда, время от времени, по временам.

она матери; материнский; родной; ~ меҳри материнская любовь; ~ тили родной язык (букв. материнский язык); бола йиғламаса, ~ эмчак бермас посл. ребёнок не заплачет, мать не накормит его грудью; соота. дитя не плачет, мать не разумеет, дитя заплачет, мать всё бросит; ~лари токчадан тушса, болалари югуриб келадди зағадка матушка с полки спустилася - к ней деток ватага прибилас (Чайник, пиялы); ◊ ~ сутидан ҳалол честнее материнского молока (о чем-л. добытом честным трудом); ~ сутини оқламоқ оправдать доверие и воспитание (матери); ~сининг қорпиди ётгандек (букв. как у матери во чреве) абсолютно спокойно, беззаботно, как у матушки под крылышком; как у Христа за пазухой.

оналик материнство.

онг 1. сознание; турмуш онгни белгилайди бытие определяет сознание; 2. ум, разум.

онгли сознательный, разумный; сообразительный; сознательно.

онят клятва, присяга; ~ ичмоқ давать клятву; присягать.

опа 1. старшая сестра; ~-синигил сёстры; 2. почтительное обращение к женщине (даже если она моложе говорящего).

оппоқ совершенно белый, белый как снег; ~ қиз милая девушка; қордай ~ юнгдай юшкоқ зағадка как снег, бе-

лый, как шерсть, мягкий (Жлопок); \emptyset ~ бұлмоқ ирок. быть невинным, безгрешным; быть в стороне от греха; ~ дада обл. дед, дедушка; ~ хўжа урсип клятва. клянусь, боюсь; ей богу; честное слово.

оппоқина ласк. от оппоқ; белый-белый; ~ дастурхон ер юзини қоплаган загадка скатерть белым-бела, землю всю застлала (Снег); ~, юмшоққина, ҳаммаинг кўзига яхшигина загадка беленькая, кругленькая, глазами людским мила (Монета, денежка).

оппогим ласк. (бука. мой беленький); мой миленький; қўнғиз боласини «оппогим» дер, типратикон — «юмшогим» дер логов. чёрный жук называет своего детёныша беленьким, а ёж — мягоньким.

ор стыд; ор қилмоқ стыдиться; **ор-номус** честь и совесть.

ора 1. промежуток, расстояние, интервал; шаҳар билан қишлоқ ~си йигирма беш километр расстояние между городом и селом двадцать пять километров; **2.** промежуток (времени); тем временем, с тех пор, спустя; тез ~да вскоре; ~дан икки йил ўтди с тех пор прошло два года; **3.** отношение, взаимоотношение; ~лари яхши бўлиб қолди их взаимоотношения улучшились; ~ни мустақамламоқ упрочить взаимоотношение; **4.** внутрь; среди; между; ўқувчилар ~сида аълочилар кўп среди учащихся много отличников; халқ ~сидан чиққан қаҳрамон герой, вышедший из народа; \emptyset ~га кирмоқ (тушмоқ) посредничать; ~ни бузунчи склочник; панжа ~сидан қарамоқ смотреть сквозь пальцы; ~ларидан қил ўтмайди их водой не разольёшь; ~ (или оро) йўлда қолмоқ остаться на пути; ~да сўз (или гап) қочди между ними возникла размолвка; они поссорились; они обижены друг на друга; ~га тушмоқ посредничать; вмешиваться (в чьи-либо дела); ~лари яқин они в близких отношениях; они на дружеской (на короткой) ноге; ~миз очик мы в расчё-

те; мы квиты.

ораламоқ быть, заходить; посещать; появляться; боққа кимдир оралабди кто-то был в саду; бу ерда нотаниш одамлар оралаб юришибди здесь ходят незнакомые люди; \emptyset кун оралаб через день.

оралиқ расстояние; тоғ оралиғи ущелье. **орзу** желание, мечта, чаяние, надежда; ~га айб йўқ логов. мечта — не порок; каждый может мечтать; ~м Лондонда ўқиш моё желание — учиться в Лондоне; ~га эришмоқ достигнуть цели; ~қилмоқ желать; ~хаёл қилмоқ мечтать; ~хаवास мечта; \emptyset ~ли дуёв жизнь, полная надежд; мир, полный надежд; ~си ушалди его мечты сбылись; ~си кўксида кетган он умер вместе со своей мечтой, мечты его не сбылись.

ораумада разг. желающий, мечтающий; \emptyset ~ эмасан разг. пренебр. нужно мне; на кой черт он мне нужен.

орият стыд; честь; достоинство; ~қилмоқ стыдиться, считать для себя постыдным; \emptyset ~ талашмоқ спорить из чувства ущемлённого самолюбия; ~ (или омоват) нарса чужая вещь, взятая на временное пользование.

ориқ худой, тощий; ~ от тощая лошадь; \emptyset ~ ер тощая земля, бесплодная земля. **ориқламоқ** худеть, становиться худым, тощим.

оро: ~ бермоқ украшать, убирать, наряжать; придавать нарядный вид; ўзига ~ бермоқ принаряжаться, приукрашиваться.

оройин украшение; красота; наряд.

орол остров; **ярим** ~ полуостров.

ором покой; отдых; ~ олмоқ успокаиваться, обретать покой, отдыхать.

оромбахш успокаивающий; доставляющий покой.

орсиэ бесстыдный; не имеющий чувства собственного достоинства; наглый, беззастенчивый; ~ турмушдан — орли ўлим яхши логов. лучше смерть в честности, чем жизнь в бесчестности.

орсиэлик бесчестье, бесстыдство; наглость.

орт задняя сторона; орта сзади, позади.
ортиқ 1. лишний; излишний; свыше; мен икки кун ~ ишладим я проработал лишних два дня; тахталарнинг ортиғи бу ерда қолсин лишние доски пусть останутся здесь; \emptyset ~ кўймоқ предпочитать; у сени жондан ~ кўради ты для него дороже жизни; ~ қиламан деб, тиртиқ қилиб кўймоқ перестараться, переборщить.

ортиқлик преимущество; превосходство.
ортиқча 1. лишний, излишний; ~ пул лишние деньги; 2. добавочный; добавочно.
ортмоқ I увеличиваться, прибавляться; ташниш яна ортиди ещё прибавились заботы (хлопоты).

ортмоқ II грузить, нагружать, погружать.
орқа зад; задняя часть; спина; Бухордан келган Фил, ~сидаи тасма қил зағадка из Бухары прибила слониха — вырежи из её спины полоску (Дыня); уй ~сида позади дома (за домом); ~м оғрийди у меня болит спина; ~ ўгириб ўтирмоқ сидеть спиной (к кому-л.); ~га қайтмоқ отступать, идти назад; ~да қолмоқ отставать, оставаться позади; ~сидан сзади; \emptyset — олдини ўйламоқ все-сторонне обдумать; — олдини ўйламасдан необдуманно; ~ қилмоқ опираться, рассчитывать, полагаться (на кого-л.); ~ олдиға қарамай без оглядки; не оглядываясь; не разбирая; без разбору; необдуманно; — олдиға қора тош сүев. презр. пусть (кто-л.) никогда больше не приходит к нам; ~ этагида оғирлиги йўқ у него за спиной нет груза, нет тяжелой ноши; он свободен, не обременён семьёй (детей своиз поставил на ноги); — сига офтоб тегди ему улыбнулось счастье (после трудностей); он увидел светлую жизнь; увидел свет.
орқаламоқ заваливать на спину; нести на спине.

орқали послелог через, посредством, при помощи; по; почта ~ по почте; ўртоғим ~ через своего товарища.

орқасида сзади, позади, за; денор ~ за стеной.

орқасидан из-за; вслед за; мен унинг ~

бордим я следовал за ним.

осилмоқ страд. и возвр. от осмоқ 1. вешаться; висеть; осилсанг ҳам баланд дорга осил (оёғиңг ерга тегмасин) посл. (бука. если задумал вешаться, то вешайся на высокой виселице, чтобы ноги земли не достали); соота. если уж упасть, так с хорошего коня; деюорда чиройли сурат осилиб турибди красивая картина висит на стене; 2. перен. приставать, привязываться.

осиқлик висячий; вислячий.

осма висячий; ~ кўприк висячий мост; ~ лампа висячая лампа.

осмон небо; ~дан чалпак ёйилмас погов. ирон. (бука. с неба лепёшки не сыплются); соота. под лежащий камень вода не течёт; ~ узоқ (или йироқ), ер қаттиқ погов. небо далеко, а земля тверда (о невозможности чего-л. добиться); соота. до бога высоко, а до царя далеко; сколько ни вертеться, а некуда деться; ~дав тушди бир тугун, усти бахмал, ичи ун зағадка с неба свалился узелок, верх бархатист, внутри мучнист (Зжида); \emptyset ~ никоҳи ерга тушди бог послал ей счастливую судьбу; она вышла замуж; браки заключаются в небесах; ~ узилиб ерга тушадими ирон. не беспокоится, небо не свалится (ничего не случится, ничего не изменится).
осмоқ вешать; повесить; \emptyset қулоқ ~ слушать; слушаться, подчиняться.

осойиш спокойствие; покой.

осойишта спокойный; тихий; мирный; ҳамма ёқ ~ веде спокойно; ~ ҳайт кечирмоқ жить мирно.

осойишталик спокойствие, покой, успокоение.

осон лёгкий; легко; ~ масала лёгкая задача; айтишга ~, қилиш қийин погов. сказать легко, сделать трудно; гап билан ўроқ ўриш ~ погов. на словах легко серпом жать; \emptyset мушкулени ~ қилмоқ выводить из затруднения (кого-л.); ~ гап эмас не лёгкое дело; это не пустяковое дело; ~ кўчмоқ дешёво отделаться.

осонлашмоқ облегчаться.

осоплаштирмоқ *пону.* *от* осовлашмоқ облегать.

осонлик лёгкость; несложность; — билан жон бермайди разг. его не легко уговорить; он легко не поддаётся.

осор *уст.* книжн. памятники; —и атиқа памятники древности.

ост *низ*, нижняя часть; нижний; под; вниз; кўпригим динг-динг этади, остидан беклар ўтади загадка мостик мой поскрипывает, под ним беки проходят (Протока, река); уйнинг ост қисми нижняя часть дома; ер ости бойлик-лари богатства недр земли; сув ости кемаси подводная лодка; каравот остида под кроватью; кўл остида под властью (в ведении); *0* *8* остидан, *8* устидан либо пан, либо пропал; оёқ ости қилмоқ попить, глумиться, унижать. *остип-устия* 1. один над другим; в два этажа; 2. вверх дном; *0* — бўлим кетмоқ перевернуться вверх дном; пойти в разброд.

остки нижний; — жағ нижняя челюсть.

остона 1. порог; 2. подворотня; 3. подступ; шаҳар —ларида на подступах к городу; *0* —сини яламоқ (букв. лизать чей-либо порог) лизать руки, пятки (кому-л.); —сига бош урмоқ неодообр. низкопоклонничать, угодничать, подхалимничать (перед кем-л.); — ҳатлаб кўчага чиқмаган не перешагнувшая через порог, не вышедшая на улицу (говорится о женщине или девушке, строго придерживающейся законов шариата и беспрекословно подчиняющейся воле мужа или родителей).

от I 1. лошадь; конь; лошадиный, конский; яҳини отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи *посл.* хорошей лошади довольно одного удара, а плохой — тысячи мало; салт *от* верховая лошадь; чопқир *от* беговая лошадь; *от* кучи лошадиная сила; отга минмоқ садиться верхом на лошадь; 2. шатм. конь; *от* билан шаҳ бермоқ объявить шах конём; *от* айланаб қозигини топар *посл.* (букв. лошадь походит-пходит — и всё равно найдёт кол, к которому её при-

вязывают) человек в конце концов вернётся на родные места (к прежней работе, в свою семью и т.п.); *0* *от* бозор қилмоқ разг. устраивать беспорядок; поднять шум-гам; *от* овора, адам овора (букв. и лошади, и люди обеспокоены) всем полно забот и хлопот; хлопот полон рот.

от II 1. имя; название; отлари ҳар хил, ёшлари бир хил загадка имена у них разные, все возраста одного (Дни недели); отингиз нима? как ваше имя?; *от* қўймоқ (или бермоқ) назвать, дать имя; 2. известность; слава; *от* чиқармоқ прославиться; 3. грам. имя существительное; *0* *оти йўқ* (букв. безымянный) *заф.* скорпион; *оти ўчсин* *бран.* будь он проклят; ... *отимши бошқа қўймаи клята.* (букв. я перемену своё имя [если...]); голову даю на отсечение; я буду не я [если...].

ота отец; — лар сўзи — ақлиниг кўзи *посл.* слова отцов — источник разума; —она родители; —опа (фарзандига) тахт яратади-ю, бахт ярата олмайди *посл.* родители детям дают приданое (богатство), а счастье — не в их силах; соотв. каждый кузнец своего счастья; —онанг дуоси ўтга, сувага ботирмас *посл.* с родительским благословением ни в воде не утонешь, ни в огне не сгоршишь; —боболар предки; *0* —миниг молини талашамизми *ирон.* нам нечего спориться; нам с тобой нечего делить; нам наследства не делить; —опаасидан ўтиб қайққа борарди *пренебр.* яблоко от яблони далеко не падает.

оталик I. отцовство; 2. отеческое отношение.

оталик шэфство; — қилмоқ шэфствовать.

оташ огонь, пламя.

оташии пламенный, огненный; — ватан-шарварлик пламенный патриотизм.

оташкурак щипцы для углей.

оташпараст огнепоклонник.

отбоқар конох.

отилмоқ *страд.* *от* *отилқ* I. быть брошенным; броситься, рвануться, ринуть-

ся; 2. выстрелить; 3. быть застреленным.

отиш стрельба; расстрел.

отиниша перестрелка.

отлаймоқ собираться, снаряжаться (в путь).

отлиқ всадник, конный.

отмоқ 1. бросать; кидать; метать, швырять; **сувага тош** ~ бросать камень в воду; **сўз** ~ задевать словом; **қулоч** ~ раскнутый, размахнутый; 2. стрелять; **милтиқ** ~ стрелять на ружья; **тўп** ~ стрелять из пушки; **тонг отди** рас-свело.

отуячи стрелок.

отхоиша конюшня.

отқулоқ бот. щавель.

офарин 1. хвала, похвала; 2. bravo!, молодец!, хорошо!, прекрасно!; (с.м. **так-мже балли**).

офат напасть, бедствие; беда, несчастье.

офтоб солнце; ~ **кирмаган уйга табиб киради** посл. в дом, куда не заходят лучи солнца, заходит лекарь; ~ **ни кафт билан тўсиб бўлмайд** посл. солнце не заслонить ладонью; ~ **ёруғи билан азия, одам** ~ **билими билан** посл. солнце дорого сиянием, человек ~ знанием; **бунга мушук** ~ **га чиқмайди** погов. за это и кошка не захочет выйти на солнце (т.е. так мало даёт, платите); **соотв.** игра не стоит свеч; ~ **уриш** 1) мед. тепловой удар; 2) разг. уст. солнечный удар; ~ **да қатиқ ялашган уруғим** разг. ирон. (бука. родственник, с которым вместе пили простоквашу на солнцепёке) дальний-дальний родственник; седьмая вода на киселе.

охир конец; **йўлинип** ~и конец дороги; \emptyset ~ **замон** рел. конец света; светопредставление; ~и **вой** плохой конец; **ёмон ишини** ~и **вой** плохое дело плохо и кончается.

охирги последний; конечный; ~марта в последний раз.

охур ясли; кормушка для скота; ~ **да ола бузоқ ўйнайди** загадка в хлеву пегий телёнок играет (Глаз).

оч 1 голодный; **қорним оч** я голоден; **оч**

қўймоқ оставить голодным; **оч-ялап-гоч** голодный и раздетый; **оч қадриши тўқ билмас** посл. сытый голодного не разумеет; **оч бўлсанг ҳам** ~ **тўқдай бўл, йўқ бўлсанг ҳам** ~ **бордай бўл** погов. хоть и голоден, а кажись сытым, хоть и неимущий, а кажись имущим; **соотв.** ешь солому, а форс не теряй; **оч қорним, типч қулогим** погов. пусть голоден, зато спокоен; **соотв.** лучше хлеб с водою, чем пирог с бедою; \emptyset **оч арвоқ** неодобр. тощий, худой как щепка; истощенный; **оч қоринга** на голодный желудок; **оч биқинига туширмоқ** двинуть в бок; намять бока.

оч II светлый, яркий; **оч кўк** светло-синий; **оч яшил** светло-зелёный; **оч пушти** светло-розовый; **оч сариқ** светло-жёлтый.

очарчилик голод; голодное время; недо-род.

очилмоқ страд. и возвр. от **очмоқ** 1. открываться, вскрываться, отворяться; отпираться; откупориваться; 2. раскрываться, разоблачаться; 3. расцветать, распускаться; \emptyset **очишиб кетмоқ** 1) открываться, отворяться; 2) перен. похорошеть; **очишиб ўтирмоқ** быть в приподнятом настроении, разговорчивым (напр. в гостях).

очирмоқ понуд. от **очмоқ**; **жўжа** ~ выводить цыплят (сажать наседку на яйца).

очиқ 1. открытый, раскрытый; ~ **ашик** открытая дверь; 2. ясный (о победе); разборчивый, чёткий; 3. откровенный, прямой; откровенно, прямо; **қўли** ~ щедрый; **орамиз** ~ мы в расчете; ~ **дил** ~ гулистоп, **ёшиқ дил** ~ **зимистоп** посл. открытая душа радуется как цветок, утренняя душа печалит как темное царство; \emptyset ~ (или **очиқчасига**) **гапирмоқ** говорить открыто; быть (с кем-л.) откровенным; ~ **кўнгил** (или **кўнгли** ~) откровенный, радужный, добродушный человек; душа нараспашку; с открытой душой; весельчак; ~ **чеҳра** (или ~ **юз**) **билан** с душой; с открытой душой; радужно; ~ **ҳава** ясная погода, свежий воздух.

очиқдан-очиқ совершенно ясно, совершенно открыто.

очиқчасига открыто, откровенно; по душам.

очкўз жадный, алчный; ~нинг ўзи тўйса ҳам, кўзи тўймас посл. жадный хоть и насытит брюхо, да глаза его не насытятся; соотв. жадный глаз только сырой землёй насытится; ~ лочин тирпоғидан айрилар посл. жадный (ненасытный) сокол лишается своих когтей.

очмоқ 1. открывать, отворять, раскрывать; вскрывать; 2. разоблачать, разглашать; сирини ~ разглашать тайну; 3. выводить (птеново); товуқ жўжа очди курица вывела цыплят; ◊ бай ~ делать почин (при продаже); юрагини ~ раскрыть душу, поведать все свои горести и печали, радости и надежды; кўзини ~ 1) раскрыть (кому-л.) глаза (на кого-что-л.); 2) просветить; кўз очиб кўрган хотин первая жена; кўз очиб кўрган эр первый муж; фол ~ гадать.

очтирмақ понуд. от очмоқ заставить открыт.

очкич ключ; отмычка (см. также калит).

ош пицца, кушанье; плов; ош эгаси билан тотли погов. еда (угощение) вкусно с хозяйкой (так говорят гости при отсутствии хозяйки за столом); ош устида меҳр кетар погов. необобр. сядешь за стол (есть) и всякие заботы уходят; во время еды забываешь о милосердии; когда человек ест, порой он забывает о других (иногда даже о своих детях); ◊ ош бергага бош берсин благосл. пусть бог даст много-много детей гостеприимному, щедрому человеку; ош бўлсин! на здоровье!, ешьте на здоровье!; ошини ошаб, ёшини яшаган проживший долгий век (о глубоком старике).

ошамоқ кушать; есть рукой (плов и др.).

оширмақ увеличивать; превышать, по-вышать; иш ҳақини ~ увеличивать зарплату; режасини ошириб бажармоқ перевыполнить план; ◊ амалга ~ осуществлять, претворять в жизнь.

ошиқ I лишний, излишний.

ошиқ II влюблённый; ~ машаққат чекмай, муродига етмас посл. не испытав муку, влюбленный не достигнет цели; ~нинг фаҳмидир қоронғи кеча («Ал-поминш») влюбленного мечты о темной ночи.

ошиқмоқ спешить, торопиться.

ошиқча 1. иллишний; 2. добавочный.

ошкора явный, открытый; публичный, гласный; ~ савобдан пиққона гуноҳ яхши посл. лучше скрытый грех, чем благодеяние напоказ (для виду).

ошкоралик гласность, открытость; ~ қилмоқ предать гласности.

ошламоқ дубить (кожу, шкуру); терини ~ дубить кожу.

ошмоқ 1. возрастать, увеличиваться, превышать; 2. переваливать (через горы); перелезать; 3. подойти, подняться (о месте); ◊ амалга ~ претворяться в жизнь.

ошина 1. друг, приятель, знакомый; филбоядан ~нг бўлса, дарвозангни катта қил посл. если твой друг погонщик слоня, то ворота свои делай большими (т.е. действуй применительно к обстановке, применяйся к обстоятельствам); ~нг олақарга бўлса, емишинг гўяг бўлур посл. (бука будет дружок твой серой вороной, так будешь питаться отбросами) с кем хлеб-соль водишь, на того и походишь; с волками жить по-волчьи выть; ~нгга айтсанг - ошадди, кўшинингга айтсанг - қўшадди посл. скажешь курице, а она всей улице; узнал сосед - узнает весь свет; ~огаини приятели; ~огаинитарчилик 1) приятельские отношения; 2) необобр. кумовство; 2. знакомый (с кем-л.); знающий, сведущий; сирига ~ бўлмоқ выведывать чьи-либо секреты, тайны.

ошпаз повар; кулинар.

ошхона 1. столовая; 2. кухня.

ошхўр любитель плова.

ошқовоқ тыква мускатная.

ошқозон желудок.

оқ I 1. белый; седой; седина; оқ қўй ҳам ўз оғидан осилади, қора қўй ҳам по-

зов. (бука хоть белую, хоть черную овцу, а подвешивают за собственные ноги); каждый человек за свои поступки (грехи) отвечает сам; **оқ қороз** белая бумага; **сочнинг оқи** седина; 2. бельмо; **кўзида оқи бор** у него на глазу бельмо; 3. белок; **тухумнинг оқи** белок яйца; \emptyset **оқ йўл** счастливого пути; **тишнинг оқини кўрсатмоқ** скалить зубы; **оқ қорани ажратмоқ** разобраться (в чем-л.); **кўнгли оқ (одам)** простодушный, бесхитростный человек; **кўзимнинг оқу қораси** (бука. белок и зрачок моих глаз) свет моих очей (*о единственном сыне или дочери*); **оқ ичмоқ (оқ урмоқ)** пить до дна; **оқ безор, кўк безор бўлди** (бука. белое надоело, синее надоело) ему всё опротивело, надоело; **оқ кирди (соч-соқолига)** он поседел (или стал седеть); **оқ тавба, кўк тавба қилмоқ** зарекаться (*что-н. делать*), получить хороший урок.

оқ II: оқ қилмоқ проклинаять, отвергать (сына или дочь); **оқнадар** сын, проклятый отцом; **оқ сут берган (она)** мать, которая кормила грудью (родная мать); **оқ сутимга рози эмасман** проклинаю, предаю проклятию своего сына или дочь (*слова матери в отношении своих детей*).

оқар проточный, текучий; ~ **сув** проточная вода.

оқармоқ I. белеть, становиться белым; 2. седеть, становиться седым; 3. бледнеть; становиться бледным; \emptyset **қосаси оқармаган** постоянно живущий в нужде (бука: 1) не имеющий корову; его чаша не наполнялась молоком; 2) нуждое не пошло впрок, он не разжился); **дангасанинг қосаси оқармас** (бука. чаша лентяя не побелеет) у лентяя не будет хорошей жизни.

оқартирмоқ понуд. от **оқармоқ I.** белить, побелить; производить побелку; 2. спец. лудить; **мис тоғорани** ~ лудить медный таз.

оқартмоқ см. оқартирмоқ.

оқартув просвещение, просветительный; **маданий** ~ **муассасалари** культурно-

просветительные учреждения. **оқибат I** последствие, результат, конец, исход; развязка.

оқибат II теплое чувство дружбы, любви к людям; \emptyset — **қилмоқ** войти в чье-либо положение, относиться с сочувствием; ~и **йўқ** одам неблагодарный человек; **меҳр** — душеваность, сердечность; милосердие.

оқибатли 1. результативный, имеющий результат; 2. благодарный, любезный. **оқизмоқ понуд.** от **оқмоқ** лить, проливать, сливать (*жидкость*); сплавлять. **оқилона** умный, разумный, мудрый; умно, разумно, мудро; ~ **қаражат** разумный поступок; ~иш **қилмоқ** разумно поступить.

оқим течение; поток.

оқимтир беловатый, белесоватый.

оқин акын, сказитель (*народный поэт-певец*).

оқламоқ 1. белить, производить побелку; 2. очищать, обдирать, лущить; **шоли** ~ очищать, обдирать шалу; 3. защищать, реабилитировать, оправдывать; **ишончи** — оправдать доверие.

оқламоқ страб. от **оқламоқ.**

оқловчи 1. белильщик; 2. юр. защитник, адвокат.

оқмоқ течь, протекать; **оқиб чиқмоқ** вытекать; **оқиб келмоқ** притекать; **оқиб кетмоқ** утекать.

оқсамоқ хромать.

оқсил белок; белковый; ~ **моддалар** белковые вещества.

оқсоқ 1. хромой; 2. отстающий.

оқсоқланмоқ хромать, прихрамывать.

оқсоқол 1. старик (*белобородый*); 2. аксакал; староста, старейшина.

оқсуяк ист. аристократ (бука. белая кость).

оқшом сумерки, вечер.

оққина *уменьш.-ласкат.* от **оқ I**; ~ **туя кулга чўқар** загадка белый верблюд на золу ложится (Сито).

оққуйруқ зоол. сайга, сайгак.

оққуш зоол. лебедь; лебединый.

оға старший брат; ~иш братья.

оғайни друг, приятель; **беш** ~ **ёш** эди,

ичида бири бош эди зағадка были молодыми пятеро друзей, и один из них верховодил (Пальцы).

огдирмоқ понуд. от **огмоқ** склонить, уговорить (кого-л. к чему-л.).

огзак устный, словесный; устно, словесно; ~ **буйруқ** устный приказ; **халқ** ~ **ижодиёти** устное народное творчество.

огиз 1. рот, уста, зев; пасть; **огзига келганини демоқ водониниг иши, олдига қўйганини емоқ ҳайволнинг иши** погов. *неодобр.* всё что попало (что ему дадут) ест только животное, необдуманно говорит только глупец; **огзи қулқурум, узуп оёғу калта дум зағадка** рот — кувшином, длинноног и с коротким хвостом (Верблюды); **2.** дуло, жерло (огнестрельного оружия); горлышко (бутылки и т.п.); \emptyset бир ~дан единослово; **огзи билан иш қиладиган одам** болтун; **огзи билан қарадиган одам** сплетник; **огзи бўш одам** болтливый; **огзи бузуқ (ёмон) одам** сквернослов; **огзи қулогига етмоқ** очень обрадоваться; **огзига қаратмоқ** заставить всех слушать; **бир** ~ сўз несколько слов; **бир** ~ овқат немного еды; **огзи айтоқ, тили тайтоқ** *неодобр.* тот, кто не умеет держать язык за зубами; язык без костей; **огзи ботир** тот, кто говорит без обиняков, напрямик; **огзи (га) маҳкам** *одобр.* на него можно положиться; он умеет хранить тайну; держит язык за зубами; **огзига қулф солмоқ** разг. (букв. рот на замок закрыть или зашить) не есть, не пить; **огзидан бол томади** *одобр.* он всегда благодушен и говорит только приятное (о ком-чем-л.); он восхваляет, хвалит (кого-л.), хорошо отзывается (о ком-л.).

огил хлев (для скота), стойло; ~ тўла оқ эшак, устида кўрпа-тўнак зағадка в стойле толпятся белые ослики, накрыты они одеялами-попонами (Рот, зубы).

огир тяжёлый; трудный; тяжело, трудно; **икки сингил, ~сингил зағадка** две сестрицы — какая тяжелее, какая легче (Весы); ~ **тошви сув оқизмас** погов.

тяжёлый камень водой не сносится, т.е. сдержанного, рассудительного человека не так-то просто сбить с толку; \emptyset ~ **одам** уравновешенный человек; ~ **бўлмоқ** быть выдержанным; ~ **карвон** неторопливый человек; тяжёлый на подъём; ~ **оёқ** беременная; **қулоги** ~ глухой (тугой на ухо); ~ **уйқу** глубокий сон; ~ **ҳаво** спёртый воздух; ~ **бўлмай** юрибсизми разг. *этикет, любезн.* как ваше здоровье? (*вежливое обращение к беременной женщине*); ~ **ипи сингил қилмоқ** помочь (кому-л.) в каком-либо деле; облегчить чьи-либо заботы; ~ **ётибди** он в тяжёлом состоянии (о больном).

огирлашмоқ 1. отяжелеть; **2.** затрудняться, становиться трудным; **3.** ухудшаться (о болезни).

огирлаштирмоқ понуд. от **огирлашмоқ** затруднять, осложнять.

огирлик 1. тяжесть; вес; **2.** затруднение; трудность; **3.** степенность, уравновешенность, выдержанность.

огирчилик трудности, затруднения; невзгоды.

огма непостоянный, колеблющийся; слабохарактерный.

огмоқ 1. наклониться, становиться наклонным; отклониться; **2.** съезжать на одну сторону; **3.** склоняться, брать чью-либо сторону; \emptyset **қун** ярмидан **огди** перевалило за полдень; **эс-ҳуши** ~ разинуть рот; растеряться.

огриммоқ болеть; **тишим огрияпти** у меня болит зуб; **ўртоғим тўсатдан огриб қолди** товарищ внезапно заболел; \emptyset **қўнғил** (или **дили**) **огриди** он обиделся, он огорчился; его обидели, огорчили.

огритмоқ понуд. от **огриммоқ** причинять боль, делать больно; \emptyset **қўнғилни** ~ огорчать, обижать; **бошни** ~ морочить голову.

огрик боль; больной; болезнь; **бош огриги 1)** головная боль; **2)** что-либо надоедливое, доставляющее заботы, всякие затруднения, хлопоты; ~ **тишлар** больные зубы; **тузалмайдиған** ~

неизлечимая болезнь; Ўлар ~нинг Ўлгани яхши, уйдагиларнинг тингани яхши *посл.* умирающему больному лучше скорее умереть, а родным скорее успокоиться (*т.е. не следует оттягивать выполнение дела, которое непременно потребует своего исполнения*).
оҳ межд. 1. ой, ай, эҳ, о (*выражает восхищение, удовольствие*); 2. охи, вздохи, стонания; **оҳ-воҳ** охи да вздохи; \emptyset **оҳ-воҳ қилмоқ** стонать; **оҳ урмоқ** (**тортмоқ**) вздыхать, стонать; **далама-дала қидиради, қўй билан эчки ~ уради** загадка по полям-степям скачет, овцы-козы от него стонут-плачут (*Волк*); **оҳи худога етди разг.** его мечты сбылись; ему бог помог (*оң достиг цели*).

оҳак известь, известка.

оҳанг 1. гармония, созвучие; 2. мелодия, мотив; напев; **ёқимли** ~ приятная мелодия.

оҳангдор мелодичный, гармоничный, музыкальный.

оҳангдош созвучный, гармонирующий.

оҳангдошлик созвучность, гармоничность.

оҳиста тихий, неторопливый, медленный; тихо, неторопливо, медленно.

оҳо межд. ого!

оҳу *зол.* антилопа; газель, серна; ~ **кўз** глаза, красивые, как у газели; ~ **кўзли** (человек) с красивыми большими и черными глазами.

П

падар *уст.* книжн. отец; \emptyset ~и **бузруквор** достопочтенный отец (*употребляется при упоминании и обращении к достойному уважения отцу или учителю, наставнику*); ~инга **лаъват** (*или* ~лаънати) *бран.* проклятие твоему отцу; будь ты проклят; ~и **қусур** 1) *шутл.* чертенок (*о ребенке*); мошенник, плутишка (*с ласкательным оттенком*); 2) *бран.* каналья.

пазанда кулинар, искусный повар.

пай I *анат.* связка, сухожилие, жила; **унинг бутун вужуди пай** тело у него жилистое; \emptyset **пайини қирқмоқ** (*булк.* подрезать кому-л. сухожилие) мешать, ставить палки в колёса, наносить вред; **пай** II: **пайига тушмоқ** намечать, преследовать; стремиться; добиваться (*чего-л.*).

пай III: ~ **урмоқ** складывать дыни, снопы и т.п., ставя их вертикально и плотно друг к другу.

пайванд 1. с.-т. прививка; ~ **қилмоқ** прививать; 2. *тех.* сварка.

пайванди с.-т. привитой, привитый; ~ **олма** привитая яблоня.

пайвандламоқ 1. с.-т. прививать, привить; 2. *тех.* сваривать, спаивать; **рельсни** ~ сваривать рельсы.

пайнаста сросшийся; соединённый, сплошной; ~ **қош** сросшиеся брови.

пайдо: ~ **бўлмоқ** появляться, возникать.

пайкал с.-т. поливная карта (*участок земли, засеваемый какой-либо культурой*).

паймона *позт.* чаша жизни; \emptyset ~си **тўлди** 1) чаша его жизни переполнилась, настал конец его жизни; 2) он перешёл границы; он доигрался.

пайсламоқ *прям.* и *перен.* заглаживать, глаживать, замазывать.

пайпоқ 1. чулок, носок; 2. ступня (*верблюда*).

пайсал: ~га **солмоқ** откладывать в долгий ящик, отодвигать на задний план, затягивать, мариновать.

пайт момент, время; пора; **қулай** ~ удобный момент; **кечки** ~ вечернее время; **қиш** ~и зимняя пора; ---ида время от времени, со временем; ~ **қоли** *грам.* обстоятельство времени; \emptyset ~дан **фойдаланиб** ~ пользуясь случаем; ~ини **пойламоқ** улучшить, уловить удобный момент.

пайтава *портянка*; *оуча*; ~ **ўрмоқ** навёртывать портянки; \emptyset ~ **қулоқ** *разг.* бестолковый, глуповатый, придурковатый; ~сига **қурт тушди** (*булк.* ему в портянку заполз червь) он забеспокоился,

он почувствовал крайнее беспокойство. пайча *анат* связка; *товуш* ~лари голо-совые связки.

пайшаба четверг; \emptyset ~ *ноп* легёшки, приносимые учениками старой школы своему учителю в каждый четверг.

пайқамоқ 1. замечать, примечать; *буни дарров пайқадим* я это тотчас же заметил; 2. понимать; *нима деганини пайқамадим* я не понял, что он говорил.

пайгамбар *рел.* пророк; \emptyset ~ *ёши* возраст пророка Мухаммеда (*т.е.* 63 года).

пайҳон потрава; *экинларни* ~ қилмоқ потравить посевы.

пакана 1. малорослый, низкий; 2. карлик; ~ *дарахт* карликовое дерево; *пак* ~ *бўй бор*, *етти қават тўни бор* загадка ростом низенький, а на нём семь халатиков (Луковица); *соотв.* семьдесят одежек, и все без застёжек.

палак I палаяк (род гобелена).

палак II плеть дыни, арбуза и т.п.; *бир* ~ *да ўн икки хамак* загадка на одной плети двенадцать дынь (Год, двенадцать месяцев); *палаги ўлган қовуш* дыня, у которой плеть завяла; \emptyset *туш қўйиб*, ~ *отмоқ* 1) пускать корни; 2) укореняться, укрепляться (*о молодой семье*) и завести детей.

пала-партиш кое-как, как попало, небрежно, как придётся; ~ *ишламоқ* работать небрежно, работать спустя рукава.

палавда 1. тухлый (о яйце); 2. испорченный; \emptyset ~ *товуш разг.* неодобр. хриплый, силпый, неприятный голос.

палла I период времени; время; момент; *ёз* ~ *си* летний период.

палла II половинка (арбуза, ореха и т.п.); *тарвузни* ~ *қилмоқ* разрезать арбуз пополам (*на две равные части*).

палла III чашка весов; *тарози* ~ *си* чашка весов.

палов плов; ~ *дамламоқ* упаривать плов; *чайхона* ~ плов, приготавливаемый в чайхане для узкого круга лиц из отборных лучших продуктов; отменный, изысканный плов; *кунингдан бир кунинг қолса* ~ ~ *е*, *пулингдан бир пулинг қолса* ~ ~

е погов. ешь плов, даже если тебе осталось жить один день; ешь плов, если из твоих денег у тебя осталось всего грош (*т.е. от слова никогда не отказывайся*); \emptyset ~ *нинг қамчиси* ~ *чай шутл.* (*бука* для плова плеть - это чай), т.е. после жирного плова следует обильный чай.

паловахўр любитель плова.

палос палас (*жовёр без ворса*); *бир* ~ *им бор*, *ҳеч йиғолмайман* загадка есть у меня один палас, никак не могу собрать (Земля).

пана прикрытие; укрытие; убежище; ~ *га яширимоқ* прятаться за укрытие; ~ *жой* скрытое место; ~ *бўлмоқ* укрываться; ~ *бўл!* *ист* спрячься!, укройся! (*так предупреждали раньше женщин при появлении посторонних мужчин во дворе или в доме*).

панд I наставление, нравоучение; совет.

панд II: ~ *бермоқ* обмануть, провести; нанести урок, ущерб (*кому-л.*); ~ *емоқ* погореть; быть обманутым, поплатиться (*за излишнее доверие к кому-л.*); остаться на боках.

панд-насихат наставление, нравоучение, совет.

папжа 1. кисть руки, пятерня; 2. палец; *беш* ~ пять пальцев; 3. лапа; когти; \emptyset ~ *орасидан қарамоқ* неодобр. смотреть сквозь пальцы.

панжара ограда, решётка; *темир* ~ железная решётка.

палоҳ 1. убежище, прибежище; пристанище; защита; *зар-зар тўни бор*, *зарбдан* ~ *и бор*, *урди пичоқни*, *ушинг не гуноҳи бор* загадка золочёный у неё халатик, защита от удара есть, но вот ножом ударили - какая вина на ней есть? (Дыня); ~ *бермоқ* дать приют; ~ *изламоқ* искать убежище; 2. защита, покровительство; \emptyset *ўз* ~ *ида асрасин!* *благосл.* да сохранил (*тебя, его, вас и т.д.*) бог!

паншаха вилы (с пятью длинными зубьями).

пар пух; перо; ~ *ёстиқ* пуховая подушка; ~ *тўшак* перина.

паран(г) 1. разг. см. **фараңг**; 2. фольк. черноватый; темноватый; способный быстро летать; летучий; **араңгдай** ~ дай, **икки кўзи запараңгдай зағадка** ловкий, черноватый, с глазами желтыми, как шафран (Кузнецик).

парварда парварда (сорт *сласти*, изготовляемый из сахара и муки).

парвардигор рел. творец, создатель (эпитет бога); \emptyset ~и **олам** рел. господь всевышний.

парвариш уход; воспитание; выращивание; ~ **қилмоқ** ухаживать, воспитывать, выращивать.

парво(й) забота, попечение; внимание; ~ **қилмоқ** заботиться (о ком-чём-л.); \emptyset ~йи **фалак** хоть бы что (кому-л.); беспечный; невнимательный; беззаботный; хоть бы хны; ~ **ҳам қилма, бепарво ҳам бўлма** не обращай внимания, но и не будь беспечным.

парвоз взлёт, полёт; **баланд** ~ высоко парящий; \emptyset **баланд** ~ **гаплар** высокопарные слова.

парвона мотылёк, ночная бабочка; \emptyset ~ **бўлмоқ** (бука. кружить мотыльком вокруг кого-нибудь) чрезмерно заботиться (о ком-л.).

парвосиз см. **бепарво**.

парда 1. занавес(ка); покрывало; **кичкина гумбаз ичиди қизлар айлабди макон**, юзларида ~ **тутиғлик**, ҳар **биришинг бағри қон зағадка** под маленьким куполом жильё себе избрали девушки, на лицах у них покрывала, на груди у них кровь (Гранат); **дераза** ~си оконная занавеска; 2. акт, действие (в пьесе); 3. часть (фильма); 4. лад (музыка); \emptyset **қулоқ** ~си **анат.** барабанная перепонка; **ўтка** ~си лёгочная плева; ~ (**ўртадан**) **кўтарилди** (бука. завеса поднялась) завеса пала; они перестали уважать друг друга; они не стыдятся друг друга; они живут как кошка с собакой; ~ли **қилиб гапирмоқ** говорить обиняками, завуалированно.

пардоз 1. отделка, полировка; шлифовка; ~ **бермоқ** отделывать, полировать; 2. косметика, туалет.

пардозламоқ 1. отделять, полировать; 2. прихорашивать, наводить красоту с помощью косметических средств.

пари 1. миф. пери, фея; райская дева; 2. добрый дух, ангел, волшебница; 3. символ красавицы; \emptyset **илҳом** ~си **позт.** муза; **сув** ~си русалка.

париод красавица-пери (бука. рождённая пери), совершенная, безупречная красавица.

парилламоқ порхать; **қуш париллаб учиб кетди** птица вспорхнула.

паришон растерянный; расстроенный; обеспокоенный; рассеянный; ~ **оғиз** ~ **эшиксиз уй** **погов.** (бука. растерянные уста - дом без дверей) растерявшийся, расстроенный человек может не проследить за своей речью.

парма бурав, колovorот, сверло.

пармаламоқ буравить, сверлить, бурить.

паррак 1. лопасть мельничного колеса; 2. пропеллер.

парранда птица; **уй** ~лари домашние птицы.

паррандачилик птицеводство.

пархит бот. отводок; **токни** ~ **қилмоқ** размножать виноград путём зарывания лозы в почву.

парча 1. кусок, кусочек; **бир** ~ **нон** кусок хлеба; **бир** ~ **патир оламга татир зағадка** одна лепёшка-патыр радует весь мир (Луна); 2. клочок, лоскуток; **бир** ~ **ер** клочок земли; 3. отрывок; **достондан** ~ отрывок из поэмы; 4. осколок; обломок; **ойна** ~си осколок зеркала; **гипт** ~си обломок кирпичка; \emptyset ~ **гулли** чит цветастый ситец.

парчаламоқ разбить вдребезги; расщеплять; расчленять; **атомларни** ~ расщеплять атом.

парчаланмоқ страд. и возвр. от **парчаламоқ** разбиться вдребезги, расщепляться; делиться на части; распадаться. **парҳез** диета; воздержание от еды; ~ **қилмоқ** соблюдать диету; воздерживаться, отказываться (от чего-л.).

пас: **бир** ~ разг. миг, мгновение, один момент, немного, минуточку; **бир** ~ **кутиб турмоқ** подождать немножко; **бир** ~ да

в один миг.

пасаймоқ снижаться, понижаться; утихать, стихать.

пасайтирмоқ понуд. от пасаймоқ понижать, снижать.

паст 1. низ; низкий; низко; отдан баланд итдан ~ заагдак выше лошади, ниже собаки (Седло); ~ уй низкий дом; ~ сифатли мол товар низкого качества; ~га вниз; ~ки нижний; ~даги находящийся внизу; нижеследующий; 2. тихий; тихо; ~ овоз тихий голос; 3. презр. низкий, подлый; неблагоприятный; ~ одам низкий, подлый человек; ~ кўчадан топилган дўстандан рост кўчадан топилган душман яхши посл. лучше враг на твоём истинном пути, чем друг на твоём порочном пути; ♀ — баландлиги билмоқ знать ходы и выходы; ўзини ~ тутмоқ держаться скромно; эси ~ полоумный, сумасбродный; эси ~ уятни билмас посл. глупец не знает стыда; ~ келмоқ уступать, сдаваться, сдаться; ийти на уступки; ~ тушмоқ понизить тон; растерять спесь; ~га урмоқ принижать, хаять, хулить.

пасткаш низкий, подлый; мелочный.

пасткашлик подлость; низость; мелочность.

пастламоқ снижаться, понижаться.

пастлатмоқ понуд. от пастламоқ снижать, понижать.

пастлик 1. низина, низменность, ложбина; 2. малый рост, малая высота; 3. перен. низость, подлость; ♀ эси ~ полоумие, сумасбродство.

пастқам уединённый, скрытый; ~ жой уединённое место.

пат пух, перо (птичье); товуқ ~и куриное перо; ♀ ~ини тўзғитмоқ разг. (бука взъерошить кому-либо перья) 1) встревожить (кого-л.); 2) расправиться (с кем-л.); задать перцу (жару); ~ини юлмоқ прям. и перен. ощипать.

патак стелька; тоғдан баланд, ~дан паст заагдак повыше горы, понижестельки (Дорога); ♀ патагига қурт тушиб қолди (бука. в стельку ему попал червь) он забеспокоился, он встревожен; он сам не свой.

патыр патыр (тонкая лепёшка с мелкими лунками на поверхности, сделанная из пресного теста с примесью сала и молока); чети гулли ~ нон, ичи тўла гиж-гиж доп заагдак по краям, как патыр узорчатый, внутри семян полным-полно (Подсолнечник); ♀ бу ~ хамир учидан ~ (бука. это — первая лепёха из теста, т.е. только начало; только «первый блин»); соота. это еще цветочки, а ягоды будут впереди; ~ ушатмоқ (бука. размалывать патыр) просватать девушку; помолвить, объявить женихом и невестой.

патнис 1. поднос; 2. перен. поднос со сладостями; ~ ясамоқ класть на поднос всевозможные сладости для угощения гостя.

пахмоқ лохматый; мохнатый; байка, бу-мазея; ~ сочиқ мохнатое полотенце; ~ соч растрёпанные волосы; ♀ ~ (или етим) қизнинг бахтини берсин благожел. пусть бог осчастливит девушку (сироту).

пахса глинобитный; ~ девор глинобитная стена; ~ қўймоқ возводить глинобитную стену.

пахта хлопок; вата; хлопковый; хлопчатник; ~ мўллиги — Ватап бойлиги погов. обилие хлопка — богатство Родины; жар бошида яшил ~ заагдак у края обрыва зеленеет хлопок (Сизарь); ♀ ~ силамоқ этн. поглаживать больное место ватой (с целью лечения); лечить знахарским методом; ~ олма скороспелый сорт яблока; кўзининг ~си чиқиб кетди он вытаращил глаза; у него глаза полезли на лоб; ~вон гаплар разг. ложные слова, лживые обещания; высокопарные, вычурные слова.

пахтазор хлопковое поле (плантация).

пахтакор хлопкороб.

пахтали ватный; ♀ ~ чопон ватный халат, халат на вате.

пахтачилик хлопководство; хлопководческая; ~ илийи-текшириш институту научно-исследовательский институт хлопководства.

пачак 1. побитый, измятый; ~ тухум би-

тое яйцо; ~ қилмоқ разбить вдребезги;
2. перен. малорослый, худенький, недо-
развитый, ущербный; ~ бола низенький,
худенький ребёнок.

пачақламоқ измять, помять, раздавить,
сплющить.

пашша комар; муха (см. также чивин);
~нинг маҳмадонаси ахлатга қўнади
погов. ирон. самая из высоко летаю-
щих (высокомерных) мух затем садит-
ся на мусор; тўр билан ўраб олган, ~га
занжир солган зағадка сети понаста-
вил, для мух окovsky наготовил (Паук); 0
~дан фил ясамоқ делать из мухи сло-
на; ~ қўримоқ разг. неодобр. (бука. отго-
нять мух, отмахиваться от мух) без-
дельничать; ворон ловить; ~ учса би-
линади слышно даже, как муха проле-
тит; абсолютная тишина.

пашшахона полог для защиты от насе-
комых (комара и т.п.).

пашшахўрда разг. перен. назойливый,
навязчивый (о человеке); 0 ~ бўлмоқ
неодобр. быть назойливым, навязчивым;
пристать как банный лист.

пақир I ведро; ~и йўқ, сув сепар, тут
қоққандай дув сепар зағадка ведёр нет,
а поливает, словно ягоды сшибает
(Туча, дождь).

пақир II уст. две копейки; 0 бир ~га
арзимаиди ни гроша не стоит.

пахлавон богатырь, силач; ~ йигит здо-
ровяк.

пес 1. мед. проказа (ложная); 2. отвра-
тительный, мерзкий (о человеке).

печак бот. выюк; ~ ўт выюнок.

печакгул бот. выюнок садовый.

печатламоқ печатывать, запечатывать;
скреплять печатью.

пеш; ~ қилмоқ выдвигать, выставлять на
показ; козырять.

пешана 1. лоб; кенг ~ широкий лоб; ~
суяги лобная кость; 2. перен. судьба,
предопределение; 0 ~ни боғлаб ишла-
моқ усердно работать; ~сини силамоқ
приласкать, проявить заботу; ~сини си-
ласанг, бўйи ўсади погов. (бука. погла-
дишь ему головку – и он ростом станет
повыше); соотв. чужая ласка – сироте

пасха; верная указка – не кулак, а лас-
ка; ~ битта (бўлади) разг. от судьбы
никуда не убежишь; ~ тери (бука. пот
лба) трудовые денежки; пот (перен.); ~
тери ёзилган ред. так уж, видно, на
роду написано; ~си шўр ему солоно при-
шлось; он несчастный; он обижен судь-
бой; ~си ялтираган ему счастье улыб-
нулось; ~си ўрув он счастлив; ~сида
биттагина ўғли бор у него есть только
один единственный сын; ~ тери тўкмоқ
трудиться в поте лица.

пешин полдень; вақт ~ бўлди наступил
полдень.

пешқадам передовой; видный; успеваю-
щий, лучший; ~ олим передовой учё-
ный; ~ ўқувчи успевающий ученик.

пиёда пеший, пешком; ~ аскар пехоти-
вец; ~ аскарлар пехота; ~ юрмоқ идти,
ходить пешком; ~ туядаги билан баро-
бар эмас погов. пешему не сравняться
с тем, кто на верблюде; қорни қортоз,
бурни буртоз, отга минмас, ~ юрмас
зағадка пузо толстовато, нос узковат,
на коне не ездит и пешком не ходит
(Глиняный кувшин); 0 ~ ўчоқ разг. очаг
для котла, устроенный под открытым
небом (временно).

пиёз лук; луковица; кўк ~ зелёный лук;

пўш ~ репчатый лук; бир бош ~ головка
лука; барра ~ молодой зелёный лук;

~нинг пўсти кўп, яхшининг дўсти кўп
посл. у луковицы много одёжек, у хо-
рошего человека много друзей; 0 қор-
шим ~нинг пўсти бўлиб кетди (бука.
мой желудок превратился в оболочку
луковицы) я сильно проголодался; со-
отв. кишка кишке кукиш кажет; готов
волка съесть.

пиёла пиала, чинчи ~ фарфоровая пи-
ала; бир ~да икки хил шарбат зағадка
в одной пиале два напитка (Яйцо).

пийпасламоқ ощупывать, нащупывать.
пилдирамоқ вертеться, крутиться, бе-
гать; бола пилдираб юриб кетди ре-
бёнок уже научился ходить.

пилик 1. фитиль, фитилёк; 2. косоплёт-
ка из ваты, вплетаемая в конец косич-
ки; 3. кусочек ваты на кончике спички

или щепки (для окрашивания бровей и ресниц); 4. этм. кусочек ваты, наматанный на палочку и намазанной маслом (зажигается, чтобы умилюстить духов).

пилла кокон, коконы; **ўзи** –га **ўхшар**, **ичи тиллага** **ўжшар** загадка с виду – кокон шелковичный, внутри – слиток золотой (Земляной орех); ~ **тайёрлаш** заготовка коконов; ~ **тортмоқ** разматывать коконы.

пиллакаш кокономотальщик; шёлкомотальщик.

пиллачи шелковод.

пиллачилик шелководство; шелководческий.

пилта 1. фитиль, фитилёк; 2. узкая полоска бумаги, накрученная на специальную длинную шпильку для закладывания между верхом и подкладкой тубетейки; ~си **чиққан дўппи** старая, обтрепанная тубетейка; **о** **увинг** ~си **чиқди** его проделки обнаружались.

пишак дрема, дремота; ~ка **кетмоқ** 1) дремать; клевать носом; 2) грезить, погружаться в грезы; **о** **пипагини ҳам бузмайди** он никак не реагирует; он никакого внимания не обращает; он и в ус не дует; он и бровью не (по) ведёт.

пингилламоқ бурчать, ворчать, бормотать; **кўп пингиллама!** перестань бурчать!

пинҳон скрытый, тёмный, секретный; скрыто, тайно, секретно; **сирри** ~ уст. сокровенные тайны; **дарди** ~ тайное желание; ~ **тутмоқ** держать в секрете, в тайне; скрывать, таить, утаивать; ~ **ишламоқ** работать (действовать) тайно, скрытно.

пир 1. старец; ~и **бадавлатлик** зажиточная старость; обеспеченная, счастливая старость; ~и **бадавлат бўлинг** благожел. желаю вам долгой и счастливой старости; 2. рел. пир, духовный наставник; **ё**, ~им! **межд.** 1) о пир мой! (выражает удивление, восхищение, возмущение); 2) опля!, гопля! (употребляется при начале какого-л. дела); ~имнинг **ҳаққи!** (бука. ради моего духовного на-

ставника!) честное слово!; ~ **урган** (бука. проклятый духовным наставником) ничтожный, низкий, самый худший; –га **қўл берган одобр.** подавший руку духовному наставнику, пиру (о добропорядочном, счастливым человеке); 3. перен. авторитет (в чём-л.), «король» (в какой-л. области); **у овчиларнинг** ~и он «король» охотников.

пирилламоқ порхать, дёргаться; мигать. **пировард** конец, исход; конечный; ~ида в конце, на исходе; **ишпинг** ~ида в конце работы.

пирирамоқ дрожать, трепетать; вертеться.

писанд; ~ **эмас** ничего, не стоит; ничего не составляет; **нипочём;** **унга пул** – **эмас** для него деньги ничего не составляют; **бу иш менга** ~ **эмас** эта работа мне ничоём; **сеп ҳеч кимни** ~ **қилмайсан**, **яхши эмас!** ты ни с кем не считаешься, нехорошо!

нисанда оговорка, условие; ~ **қилмоқ** ставить условие.

писмиқ скрытый человек, себе на уме; **солда сири тилида,** ~ **сақлар дилида** поэов. у простодушного его тайна на языке, у скрытного тихони – внутри (на замке); ~**дан ҳар нарса чиқади** от скрытного человека всего можно ожидать; **соотв.** в тихом омуте черти водятся.

писмиқлик скрытности; ~ **билал** исподтишка, скрытно.

писта 1 бот. фисташка; 2. семена подсолнуха, семечки; **о** ~ **даҳан** (бука. фисташка-рот, рот фисташкой) 1) маленький, красивый ротик; ротик бантиком; 2) девушка или молодая женщина с маленьким, красивым ротиком; ~ **пўчоққа арзимаиди** (бука. не стоит и шелухи фисташки) выеденного яйца не стоит.

пистирма засада; **о** ~ **пихтирма** ишлар разг. неодобр. тайные, секретные дела. **питирламоқ** трепетать, биться; суесться; ёрзаты; **оёги куйган товқудай** **пихтирлаб** **юрибди** он мечется как угорелый (бука. как курица, обжётшая ноги). **пих** шпора, шпоры (на ногат птици); **о**

-ини ёрган хитрый, лукавый; пройдоха.

пичан сено; ~ **пишгунча от Ёлиб бўлади** погов. *ирон.* пока сготовят сено, лошадь околет; **соопа** пока солнце взойдет, роса глаза выест.

пичинг колкость, язвительное замечание; ~ **отмоқ** говорить колкости, язвить. **пичирламоқ** шептать, нашёптывать; **пичирлаб гапирмоқ** говорить шёпотом.

пичоқ нож; **Ўтмас** ~ **ер кавлар зағадка** тупенький ножик землю долбит (Капля дождя); **Ўт эмас, куйдирар**, ~ **эмас, сўйдирар зағадка** не огонь, а сжигает, не нож, а зарежет (Ложь); ~ **қанча ўткир бўлса ҳам. ўз солипи кесмайди** посл. как бы нож ни был острым, а свои ножны не порежет, т.е. как бы ты ни был могущественным и сильным, а против своих близких и родных не станешь насильничать; **0 пичори мой устида** одобр. *или ирон.* он как сыр в масле катается.

пичоқламоқ нанести ножевую рану, ранивать ножом.

пишилламоқ сопеть, пыхтеть; **нега бунча пишиллайсан?** что ты так пыхтишь?

пишимоқ 1. становиться (быть) готовым; **лой пишипти** глина готова к использованию; **2.** приобретать навыки, привыкать; **одам ишда пишийти** человек в работе приобретает навыки, становится опытным.

пиширмоқ понуд. от **пишмоқ** варить; готовить (пищу); кипятить; печь; **пиўрва** ~ варить суп; **пиширса ош бўлур**, **пиширмаса қуш бўлур зағадка** сварить - пища будет, не сварить - птица будет (Яйцо); **ош** ~ готовить плов; **нон** ~ печь хлеб; **0 пишиб қолган (или турган) ош** глубокая старость; **пишириб е** разг. *ирон.* обожрись, подавись; **пишириб ейманми** разг. *ирон.* (бука. что я сварю и съем что ли); на черта мне он нужен (она нужна); **пишириб қўйбидими (унга)** разг. *ирон.* только его не хватало; что он там потерял; куда его черти несут?

пишиқ 1. жжёный; ~ **пишт жжёный кир-**

пич; **2.** время, сезон созревания (хлебов, плодов, фруктов и т.п.); зрелый, созревший; **қовун пиширида келинг** приезжайте в сезон, когда поспевают дыни; **хом солдим**, ~ **олдим зағадка** сырым поместила, сбитым получила (Лепёшка); **3.** крепкий, прочный, здоровый, выносливый; ~ **газлама** крепкая ткань; **0** ~ **чол** крепкий старик; **4.** прижимистый; расчётливый; **у жуда** - **одам** он очень прижимист; **ишига** ~ **одам** человек, знающий своё дело.

пишмоқ 1. вариться; жариться; **палов пиши** плов сварился, плов готов; **пишган оқватнинг умри қисқа** погов. *шутл. ирон.* у сваренной (готовой) пицци короток век; **2.** печься; **нон пиши** ди лепешки спеклись; **3.** зреть; спеть; **олмалар пишмоқда** яблоки зреют; **4.** закаляться, получать закалку; **0 ичидан пишган** скрытный, себе на уме.

режалаштириш планирование.

режалаштирмоқ планировать.

нода стадо; ~ **боқмоқ** пасти стадо; **ўзга элда подшо бўлгандан ўз элингда** ~ **боққанинг яхши** посл. лучше быть пастухом в родной стороне, чем быть царём на чужбине.

нодачи пастух; **0 ~нинг оши шутл.** (бука. пища пастуха) виногрет; сборное кушанье из разнообразных продуктов.

подшо(ҳ) падишах; царь; царский; **икки** ~ **қоп чиқармай уришади зағадка** два падишаха фехтуют бескровно (Ножница); ~ **золим бўлса, юрт тўзар**, ~ **одил бўлса, юрт ўзар** посл. при жестоком падишахе царство распадется, при справедливом падишахе царство расцветет.

подшо(ҳ)лик царство; государство; ~ **қилмоқ** царствовать.

поён конец, предел, край.

поёнсиз бесконечный, беспредельный.

пой один из парных предметов; **бир** ~ **этик** один из сапог; ~**ма**~ **ган** несуразное высказывание; несуразная речь; **0** ~и **натак бўлмоқ** любезничать, подхалимничать, угождать; ... ~и **қадамли бўлсин (или келсин)** *благодаря.* пусть несёт счастье.

пойабзал обувь; спорт ~и спортивная обувь.

пойга бега, скачки; пробег; оломон ~ мас-совые скачки.

пойгачи 1. участник скачек или пробега, наездник, жокей, гонщик; ~ от скакун; скаковая лошадь; 2. гоночный.

пойдевор основание; основа; фундамент; фундаментный; ~ **қўймоқ** заложить фундамент.

пойламоқ подстергать; тулкини ~ подстергать лису; **акиси уй пойлайди**, **укаси ўйнаб** юради загадка старший брат дом караулит, младший брат разгуливает (Замок, ключ).

пойлоқчи стоящий на карауле, на страже.

поймол: ~ **қилмоқ** топтать; попирать. **пойтахт** столица, Тошкент - Ўзбекистоннинг ~и Ташкент - столица Узбекистана.

пок 1. опрятный, чистый; 2. честный; ~ одам честный, добросовестный человек.

покиза 1. чистый, опрятный, чистоплотный; 2. целомудренный; ~ хотин целомудренная женщина.

полвоп 1. палван, силач, борец (профессиональный); 2. богатырь.

полиз бахча; **қовуи** ~ дынное поле.

пона клин; ~ **қоқмоқ** вбить клин.

попишак зоол. угод.

попук 1. кисточка; 2. бахрома; **оёғи** ~, **оғзи кўник** загадка с бахромой нога, в пене губа (Верблюду); **ф** **попуги пасайди** он перестал сердиться; он перестал важничать; **полугини пасайтириб қўймоқ** (бука. укоротить перышко на его турбане) обломать рога (хому-л.); сбивать спесь (с кого-л.).

пора взятка; ~ **бермоқ** давать взятку, подкупать; ~ **донингандни ҳам кўр қилади** погов. взятка порой и мудрого ослепляет; **ф** ~ **емоқ** неодобр. брать взятки.

порахўр взяточник.

порахўрлик взяточничество.

порламоқ блестеть, сиять, блистать.

порлоқ сияющий, лучезарный, блестящий.

портламоқ взрываться, разрываться.

портлатмоқ понуд. от портламоқ взрывать, взрывать.

портловчи взрывчатый; ~ моддалар взрывчатые вещества; ~ **товуш грам.** взрывной звук.

посанги противовес; балансир.

посбпв страж; постовой; охранитель;

кўриниши ёйсимон, **остида сонсиэ тикан**, **жуда нолик чашмага шу тикан эрур** ~ загадка на лук изогнутый похож, под ним игольчатые ростки, над чистым дивным озерком застыли стражники - ростки (Брови, ресницы).

похол солома (рисовая); **бир боғ** ~ **бели боғлиқ** загадка сноп соломы туго перевязан (Борода); **ф** **у менинг олдимга бир боғ** ~ **солиб кетди** (бука. он положил передо мной сноп соломы) он меня одурачил, обманул, он оставил меня в дураках.

поча 1. нижняя часть ноги животного; 2. голень, икра; 3. нижняя часть шаровар, брюк.

почча зять (муж сестры).

пошна каблук; каблучный.

поя стебель; **ўт** ~си стебель травы; **ғўза** ~си стебель хлопчатника; **буғдой** ~си стебель пшеницы.

пул деньги, денежный; ~ **бўлди** - кул **бўлди** погов. (бука. превратилось в деньги, значит, превратилось в золу) что продано, то пропало, т.е. хорошую вещь лучше не продавать; ~ **замбурнинг нишини қайтаради** погов. денежка удержала даже осиное жало; **нақд** ~ наличные деньги; **ф** ~ **туғад** разг. деньги приносят (бука. рожают) проценты; ~ **қистирмоқ** этич. дарить деньги (напр., артистам, певцам, танцовщицам) на свадьбах, на тоях и т.п.; ~и **чақад** разг. (бука. деньги жалят) не по карману; и хочется, и колется.

пулдор денежный, богатый (человек).

пулламоқ 1. продавать (с целью выручить деньги); 2. сбывать, реализовать (товар).

пуллик платный; ~ **ўқитиш** платное обучение.

пуркагич опрыскиватель.

пуркамоқ опрыскивать, опрыскать; меҳмон бўлиб ботима, ҳид пуркар димогима зағадка явишиши ко мне в сад, развеивает аромат (Ветер).

пут пах; лайлакнинг юришини қиламан деб читтакнинг ~и йиридибди погов. синица захотела ходить, как аист, и пах у нее разорвался; соота. куда конь с копытом, туда и рак с клешней.

пуф заужкопобр.; шампи ~ деб ўчирди он погасил свече одним дуновением; карпайчидан нима кетди — бир ~ см. карнайчи.

пуфламоқ дуть, задувать, сдувать; оловни пуфлаб Ўдирмоқ раздувать огонь; чангии ~ сдувать пыль.

пуфак пузырь; ўт пуфаги анат. жёлчный пузырь; совун пуфаги мыльный пузырь.

пухта 1. прочный, крепкий; ~ газлама прочная ткань; 2. тщательный, аккуратный; чёткий; ~ ишланган иш тщательная работа; ~ иш чёткая работа; 3. расчётливый; ~ одам расчётливый человек.

пухталиқ 1. прочность, крепость; 2. аккуратность, тщательность; 3. расчётливость.

пуч 1. пустой; ~ бошоқ пустой колос; 2. перен. пустой; вздорный; бессодержательный; ~гап вздор; 3. перен. дутый; ~ рақамлар дутые цифры; 0 ~га чиқармоқ свести на нет; қўйини ~ ёнроққа тўлдирмоқ неodobр. (букв. наполнять кому-либо пазуху пустыми орехами) наобещать с три короба; сулить золотые горы (кому-л.).

пучаймоқ пустеть, становиться пустым; 0 ҳамён пучайиб қолди в кармане стало пусто; в кармане денег не осталось.

пучуқ 1. курносый; (человек) с приплюснутым носом; 2. безносый, с отбитым носиком; ~ чайнак чайник с отбитым носиком.

пушаймон раскаяние, сожаление, досада; ~ бўлмоқ раскаяваться; сўнги ~ ~ ўзилга душман погов. позднее раскаяние — враг тебе самому.

пушт 1. семья; потомство; поколение; 2.

зародыш; етти ~га на семь поколений, до седьмого колена; 0 ~и паноҳ надежная опора, защита.

пушта грядка, верх грядки.

пушти розовый; оч ~ бледно-розовый; ~ ранг розовый цвет.

пўк пустой, рыхлый, трухлявый; ~ дарахт трухлявое дерево; 0 ~ одам растяпа; простофиля.

пўка пробка, затычка.

пўлат сталь; тили ~ шоввоз, сўзлай олмас беқороғ зағадка язык стальной у молодца, без бумаги — ни словца (Ручка).

пўписа угроза; запугивание; ~ қилмоқ запугивать, грозить.

пўртана книжн. буря, шторм; денгиз ~си морской шторм.

пўст кожаца; шкурка; корка; шелуха; 0 гапига илов ~ ташлайди из-за этих слов и змея сбросит кожу (о неприличном выражении); ~ига сомон тикмоқ (букв. набить чью-либо шкуру саломой) показать где раки зимуют; измучить, истерзать.

пўстак овчина; 0 пўстагини қоқмоқ избить; резко критиковать; зеҳни ~ скудоумный, слабоумный; туповатый.

пўстип шуба, тулуп.

пўстлоқ кора; дарахт пўстлоғи кора дерева.

пўчоқ кожура; корка, скорлупа; шелуха; тарава пўчоғи корка арбуза.

пўшт межд. берегись, посторонись.

пўшт-пўштламоқ предупредить, чтобы кто-либо посторонился, дал дорогу.

Р

Раб(б) рел. господь (эпитет бога); в Раб-биям! о боже!; о господи!

Рабабон рел. наш господин (обращение к богу).

Рабий: в ~ о боже!; о господи!

работ ист. рабат (1. сторожевые посты в укреплённой стене или само-

стоятельные укрепления, отстоящие на определенном расстоянии друг от друга; 2. укрепленные стоянки на торговых путях; 3. караван-сарай, постоянный двор; ~ солма, дуст арт-тир погов. не строй рабат, а приобретай друзей.

равниш 1. образ, вид, способ, манера; форма действия; амалий ~да практически; 2. грам. наречие.

равнишдош грам. деепричастие.

равнақ 1. блеск, сияние; 2. процветание, развитие.

раво 1. дозволенный, допустимый; 2. добавляющий, соответствующий, достойный; 0 ~ кўрмаслик не желать (жомул.) хорошего (или плохого); ҳожатиши ~ қилмоқ удовлетворять (чы-л.) потребности, исполнять (чы-л.) желания; ~ кўрмоқ 1) считать (что-л.) дозволенным, допустимым; 2) считать (что-л.) добавляющим, соответствующим.

равшан 1. светлый, ясный; яркий; светло; ясно; ярко; ~ чироқ яркая лампа; 2. хороший, острый (о зрении); кўзим ~ у меня зоркие глаза, острое зрение, я хорошо вижу; 3. отчетливый; определенный; отчетливо, определено; ~ жавоб определенный ответ; ~ сурат ясный снимок; 4. проясниться, становится ясным; масала ~ бўлди вопрос стал ясным; 0 кўнгли ~ бўлди на душе стало спокойно, ушли обиды и сомнения.

равшанлашмоқ 1. становиться ярким, светлым; 2. улучшаться, становится хорошим; кўзи равшанлашди зрение его улучшилось; 3. проясниться, становится ясным.

рад: ~ қилмоқ (этмоқ) отклонять, опровергать; отрицать; доказать ложность, неверность (чыт-л. утверждений, катих-л. слухов и т.п.); миш-мишларни ~ қилмоқ опровергнуть слухи.

раддия опровержение.

разил презренный; подлый; низкий прохвост, мерзавец; ~ душман презренный враг; ~ одам подлый человек.

разиллик подлость, мерзость, гнусность.

разм: ~ солмоқ смотреть со вниманием;

присматриваться; окинуть внимательным взором.

раис председатель; илмий кенгаш ~и председатель ученого совета.

раислик председательство; ~ қилмоқ председательствовать.

райҳон бот. базилика, душистое растение; ош ~ вид базилика (употребляемого в пищу в качестве приправы); тор ~и душица

рамазон рамазан (название девятого месяца мусульманского лунного года, в течение которого мусульмане соблюдают пост).

рамз 1. символ; 2. намёк; аллегория; ~ билан гапирмоқ говорить намёками; говорить загадками; каптар ~ тинчлик ~и голубь - символ мира.

ранг 1. краска; 2. цвет; окраска; ўзи ариқ, ~и сариқ, юзи қизил, боши қилтиқ зағадка сама чиста, цветом желтоватая, щеки красноватые, голова щетиниста (Пшеничный колос); тўқ қизил ~ темно-красный цвет; ~баранг бўлиб товланмоқ переливаться разными цветами; 3. цвет лица; бугдой ~ одам смуглый человек; ~ кўр - ҳол сўр посл. Погляди, как выглядит человек, а потом справляйся о его здоровье (т.е. по виду, по цвету лица человека ты сам должен догадаться о состоянии его здоровья); соотв. не спрашивай здоровья, а глянь на лицо; не спрашивай у больного здоровья; Ғидашмагин Ғомога, ~инг ўхшар сомонга посл. с худым не знайся, не то лицо твоё пожелтеет (от горя); 0 унинг ~и ўчиб кетди он побледнел, ~и-рўйи яхши у него хороший вид; ~и бир ҳолатда он выглядит плохо; ~и синиқ болезненно бледный, имеющий болезненный вид; побледневший, осунувшийся; ~и сомон бўлди он пожелтел, побледнел (от невзгод); его лицо стало чёрным (от горестей).

рангдор цветной; красочный; ~ чит цветной ситец

рангсиз 1. бесцветный, нецветной; 2. неокрашенный; 3. бледный; ~ бола бледный ребёнок.

равда рубанок, фуганок.
 равдаламоқ строгать, фуговать.
 ранжимоқ обижаться, огорчаться; сердиться.
 ранжитмоқ понуд. от ранжимоқ обижать, огорчать.
 расадхона уст. обсерватория; Улугбек -си обсерватория Улугбека (в Самарканде).
 расамад разг. причитающаяся часть, доля; ~ қилмоқ распределять; 0 -и гапни айтганда (или -ини айтганда) по правде говоря; откровенно говоря.
 расво 1. опозоренный; посрамлённый; ~ қилмоқ опозорить; осрамить; испортить; 2. плохой; 3. беспутный; пошлый; гнусный; 0 -йи жаҳон (или -йи олам) опозоренный (на весь мир); ~си чиқди 1) дело испорчено; 2) дела ухудшились; 3) он опозорился, осрамился; ~сини чиқармоқ опозорить, обесчестить; обезобразить; изгадить.
 расм I изображение, рисунок; иллюстрация; ~ солмоқ рисовать; ~ дарси урок рисования.
 расм II обычай, обряд; привычка; обиход; ~ бўлмоқ входить в обычай; ~ русм обычай и обряды; ~и кушод уст. официальное открытие (чего-л.).
 расман нареч. официально, формально.
 расмий 1. официальный; формальный; ~ равнишда официально; формально; ~ уч-ранун официальный визит; ~ ахборот официальное сообщение; ~ хужжат официальный документ.
 расмийлашмоқ оформляться; становиться официальным; легализоваться.
 расмийлаштирмоқ понуд. от расмийлашмоқ оформлять, легализовать.
 расмият официальность; формальность.
 расмиятчи формалист; буквоед.
 расмили иллюстрированный, снабженный рисунками; ~ журнал иллюстрированный журнал.
 расо 1. полный, целый; 2. совершенный; достигший зрелости; ақлли ~ одам человек зрелого ума.
 рассом живописец, художник.
 рассомлик занятие, профессия худож-

ника; ~ мактаби школа живописи.
 раста ряд, торговый ряд; аҳли ~ торговый люд.
 рафиқ книжн. товарищ, друг.
 рафиқа книжн. жена, супруга, подруга жизни.
 рахна пролом, пробоина, брешь; 0 ~ солмоқ 1) проламывать, пробивать отверстие; 2) нарушать; препятствовать; наносить душевную травму.
 рашк ревность; зависть; ~ қилмоқ ревновать, завидовать.
 рашкли ревнивый, завистливый.
 рағй воля, желание, расположение; ўз ~и билан по своему желанию; унинг ҳеч ~и йўқ у него нет никакого желания; 0 ~ и келди (одам) человек, исполняющий что-либо по настроению; ~ ига юрмоқ (или қарамоқ) считаться с чьим-либо желанием.
 раъло бот. 1. шиповник розового цвета; 2. привлекательный, красивый, милый.
 рақам 1. цифра; цифровой; араб ~лари арабские цифры; 2. уст. номер; тартиб ~и порядковый номер.
 рақиб 1. соперник, конкурент; 2. противник; сийсий ~ политический противник.
 рақиблик соперничество, конкуренция; ~ қилмоқ соперничать.
 рақс танец, пляска; ~ қилмоқ (тушмоқ) танцевать, плясать; чирмаңдаси осмонда. ~и ерда, ҳар ёнда зағадка бубен его в небе, а пляс - на земле (Гром, дождь); ~ мусиқаси танцевальная музыка; ~ билмаган жой тор деб баҳона қилар лозов. неумелому танцору мало места; соота. плохой плясун всегда музыканта хает; плохой работник всегда жалуется на свой инструмент; плохому танцору и штаны мешают.
 раққос танцор, плясун.
 раққоса танцовщица, плясунья; балерина.
 рағбат желание, охота, расположение; склонность.
 рағбатланмоқ заинтересоваться.
 рағбатлантирмоқ понуд. от рағбатланмоқ заинтересовать; возбуждать лю-

- бопытство.
- раҳбар** руководитель.
- раҳбарлик** руководство; ~ қилмоқ руководить.
- раҳм** жалость, сострадание, милосердие, пощада; ~ қилмоқ проявлять жалость, щадить; сжалиться.
- раҳмат** благодарность; спасибо, благодарю; ~ айтмоқ благодарить; ~ олган омондир, лаънат олган ёмондир посл. кто получал благодарности от людей – добром вспомнится, а кто получал проклятия – худым словом осудится; \emptyset отанга \rightarrow (букв. спасибо твоему отцу) вот молодец!, браво!, худо ~ қилсин рел. да будет милость божья; упокой его господь; царство ему небесное.
- раҳмдил** жалостливый, милосердный, участливый; добросердечный, добрый; ~ одам милосердный человек.
- раҳмсиз** безжалостный, беспощадный, жестокий; бездушный; ~ одам безжалостный человек.
- реаллашмоқ** становиться реальным.
- реаллаштирмоқ** пошуд. от реаллашмоқ делать реальным.
- режа** 1. шнур, верёвка (у плотников, столяров); 2. план; намётка; ~сиз иш – қилипсиз ишот погов. бесплановая (непродуманная) работа – подобна кирпичу без формы; ~ бўйича по плану; 3. порядок; ~га олмоқ упорядочить.
- ривож** развитие, расцвет; ~ топмоқ развиваться, рабцветать; ноҳақ ишга ~ йўқ посл. несправедливому делу недолго существовать.
- ривожланмоқ** развиваться; процветать, расцветать.
- ривожлаштирмоқ** пошуд. от ривожланмоқ развивать.
- ривоят** предание; сказание; повествование; ~ қилмоқ повествовать.
- риккор** лицемер, ханжа; двуличный человек.
- ризқ** 1. пропитание, хлеб насущный; меҳмон келар эшикдан, ~и келар тешикдан погов. гость приходит в дверь, а угощение для него – в щель (т.е. когда приходит гость, угощение для него найдется); иши йўқнинг ~и йўқ посл. у кого нет работы, у того нет и еды; 2. редк. пища; ~и рўз (букв. каждодневное пропитание) хлеб насущный.
- ризқли** рел. обеспеченный пропитанием, хлебом насущным; ~ меҳмон ош устидан чиқар посл. счастливый (желанный) гость к обеду приходит.
- риоя** 1. снисхождение, уважение, почтительное отношение; ~ қилмоқ почитать, уважать; 2. соблюдение, выполнение; қонунга ~ қилмоқ соблюдать закон.
- рози** 1. удовлетворённый; довольный; ~ бўлмоқ быть довольным; 2. согласный; у ~ бўлди он согласен; ота ~ – худо ~ логов. отец согласен – бог согласен (говорится, когда дочку выдают замуж).
- розилик** согласие, санкция; ~ билдирмоқ выражать согласие.
- роса** основательно, как следует, здорово, сильно; ~ тўйдик как следует поели.
- рост** 1. правдивый; правильный, верный; 2. правда; (см. также тўғри); ~ гап нафтолининг данагидан аччиқ посл. правдивое слово горше персиковой косточки; правда бывает горькой; соотв. правда глаза колет; ~ сўз ҳаққа қарор топади посл. правдивое слово отыщет путь к истине; соотв. правды не скроешь; правда двенадцать цепей разорвёт; правда светлее солнца; ~ин айтсанг – урарлар, хушомадни сулрлар посл. скажешь правду – побьют, скажешь лесть – полюбят; \emptyset ~ келмоқ прийти по душе; ~ кўтармоқ легко, без труда поднять (что-л.) над головой; бошни ~ кўтармоқ смело поднять голову, выпрямиться.
- ростакам** 1. настоящий, действительный; 2. серьёзно, всерьёз; ~ жаҳли чиқди он рассердился всерьёз, не на шутку.
- ростгўй** говорящий правду; прямой, правдивый; ~ одам правдивый человек.
- ростгўйлик** правдивость, прямота.
- ростдан** в самом деле, действительно, всерьёз; ~ бораснами? действительно пойдёте?

ростламоқ 1. выпрямлять, выравнивать; 2. наладить, отрегулировать.

роқатлик правдивость; правильность, истинность; правда, истина; ~ — **муҳаббат** алчиси *посл.* правдивость — посол любви (т.е. истинно любящий тебя человек не скажет неправду).

роҳат 1. наслаждение; удовольствие; блаженство; отрада; 2. покой, спокойствие; ~ **ини кўрган**, **азобига ҳам чидайди** *посл.* кто усладу испытал, тот ради этого и муку терпит; **соога** любишь медок, люби и холодок; **меҳнат**, **меҳнат таги** ~ *посл.* труд, а дне труда — услада; **меҳнатсиз** ~ **йўқ** *посл.* без труда нет отрады; **соога** после трудов сладок покой; **о** бола-чақангизнинг ~ **ини кўринг** *благожел.* пусть ваши дети доставят вам спокойную отрадную жизнь; ~ **и бадан кўйлак** платье из тонкой ткани.

роҳатбахш книжн. доставляющий удовольствие, наслаждение; дающий отдых; ~ **жой** благодатное место.

роҳатланмоқ наслаждаться, получать удовольствие, блаженствовать.

рубий лит. рубаи (четверостишие, в котором рифмуются первая, вторая и четвертая строки).

рус русский; ~ **тили** русский язык.

русча по-русски; русский; ~ **ўзбекча** *лугат* русско-узбекский словарь; ~ **гапирмоқ** говорить по-русски.

рухсат разрешение, позволение; ~ **бермоқ** разрешить, позволить; **сига** ~ *вам разрешается, вы можете идти.*

рухсатнома письменное разрешение, виза.

рухсатсиз *сж.* **берухсат.**

руҳ дух; настроение, психика; ~ **и тетиклиги** — **ини тетик** *посл.* кто бодр (здоров) духом, у того и дела благополучны; **жанговар** ~ боевой дух; **баланд** ~ воодушевление; **о** ~ **и сигил торти** он почувствовал облегчение; ~ **и тушиб қолди** он пал духом.

руҳий 1. духовный, нравственный, моральный; ~ **озиқ** *книжн.* духовная пища; 2. душевный, психический.

руҳланмоқ воодушевляться, вдохновляться; воспрянуть духом; ободряться. **руҳлангирмоқ** *понуф.* от **руҳланмоқ** воодушевлять; вдохновлять, одобрять, поднимать дух, настроение.

руҳоний *рел.* духовное лицо, служитель культа, священник.

рўёб: ~ **га чиқмоқ** осуществляться, воплощаться; сбываться; появляться.

рўза *рел.* ураза; мусульманский пост (*я течение месяца рамазана*); ~ **тутмоқ** поститься, соблюдать пост.

рўзгор 1. хозяйство; **катта** — большое хозяйство (*хозяйство большой семьи*); 2. имущество, утварь; — **моллари** хозяйственные товары.

рўй-рост 1. прямой, открытый; прямо, открыто; ~ **гапирмоқ** говорить прямо; 2. во весь рост; **масалани** — **қўймоқ** (*бука.* ставить вопрос во весь рост) обсудить проблему всесторонне.

рўйихотир: ~ **қилмоқ** уважать, почитать.

рўйхат список, перечень, описание, перепись.

рўйхатчи регистратор, переписчик (*тот, что составляет список, производит перепись*).

рўкач отборная часть товара, которая выставляется напоказ, чтобы привлечь внимание покупателей; ~ **қилмоқ** 1) выставлять напоказ (*что-л.*); 2) выставлять (*что-л.*) в качестве довода, использовать (*что-л.*) как оправдание, спекулировать (*чем-л.*); **увнопингни** ~ **қилма!** не спекулируй своим званием!

рўмол платок; **дока** ~ платок из белой кисеи; **шол** ~ шаль; **зру хотиннинг уриши** — **дока** ~ **нинг қуриши** *посл.* ссора супругов иссякнет прежде, чем кисея высохнет; **соога** мыльные бранятся — только тешатся; ссора в своей семье до первого взгляда.

рўпара лицом к лицу, напротив, навстречу; ~ **бўлмоқ** встретиться лицом к лицу (*с кем-л.*); ~ **қилмоқ** сталкивать лицом к лицу; показывать, представлять (*кого-что-л. кому-л.*); ~ **ма~** лицом к лицу, друг против друга.

рўшнолик светлая, настоящая жизнь;

~ка чиқмоқ выйти на широкую дорогу; выйти в люди; увидеть настоящую жизнь; 0 ~ни берсин *благожел.* дай бог (вам) счастья, светлой жизни.

С

саба обл. (см. также меш) большой кожаный бурдюк, в котором квасится и хранится кумыс.

сабаб причина; повод, мотив; ~ бўлмоқ послужить причиной; шу ~дан по этой причине, ввиду этого, поэтому; ~ билан сават аравага минар *погов.* по своей причине и корзина выбирается на арбу; ~ эргаш гап *грам.* придаточное предложение причины; 0 ~и тирикчилик надо же как-то жить; как-то надо жить; ради заработка.

сабабли 1. имеющий причину; резонный; 2. *послелог* по причине (*того, что*), вследствие (*того, что*); так как; ввиду того, что...

сабабсиз без причины; беспричинный; ~ оёққа тикап кирмас *погов.* без причины и колючка не вонзится в пятку (т.е. всё причинно и обусловлено в этом мире).

сабабчи виновник, причина (*чего-л. о человеке*); таптана ~си виновник торжества.

сабаза зелень; зелёная молодая трава; ~ бўлмоқ зеленеть; ~ ранг зелёный цвет; 0 ~ урмоқ *кнжж.* вырастать, пробиваться (*о молодой траве; об усад юности*).

сабазавот овощи; зелень; ~ дўкони овощная лавка.

сабази морковь; ~ тўғраши билмасанг, ўтти пуфла *погов.* если не умеешь резать морковь (для плова), то хоть займись очагом (*букв.* раздувай огонь), и хоть на это ты согласишься.

сабил осиротевший; оставшийся без хозяина; 0 ~ қолгур *пренебр.* чёрт бы побрал!; чёрт его дер!

сабо утренняя прохлада; утренний лёгкий ветерок.

сабон *уст.* плуг, соха; ~ тўй *этн.* праздник первой борозды, праздник пахоты.

сабот твердость; стойкость; непоколебимость, настойчивость; ~ билан *настойчиво.*

сабоқ урок; (см. также дарс); ~ бермоқ давать уроки; ~ олмоқ брать уроки; извлекать урок (*из чего-л.*); аччиқ тажрибадан ~ олмоқ учиться на горьком опыте.

сабр 1. терпение; выдержка; ~ қилмоқ терпеть, проявлять терпение; ~ таги сариқ олтин *погов.* на дне терпения золото желтеет; ~ қилсанг, ғўрадан қалво битар *посл.* если потерпишь, то зеленые фрукты поспеют и превратятся в халау; *соотв.* терпение и труд всё перетрут; терпение и труд дивные всходы дают; 2. воздержанность; 3. выносливость; 0 ~ касоси тўлди чаша терпения переполнилась.

сабрли терпеливый, выдержанный.

сабрсиз нетерпеливый, невыдержанный. сабрсизлапмоқ терять терпение; делаться нетерпеливым; проявлять нетерпение.

сабрсизлик нетерпение, нетерпеливость, невыдержанность; ~ билан с нетерпением.

саваламоқ стегать, хлестать, сечь, бить (*прутом, палкой*).

савамоқ см. саваламоқ.

сават корзина, плетёнка; бир ~ анор, ҳадинг бўлса ол зағадка корзина гранат, попробуй-ка достать (Угольки); зув-зув борагай, томдан қарагай; чўп, лой чўқиғай. ~ тўқиғай зағадка часто-часто летала, от крышки к сосне сновала; сор, глину клевала, корзиночку сплетала (Ласточка).

саваш 1. и д. от савамоқ; 2. фольк. борьба; сражение, битва, сеча; ~ га кирмоқ вступить в битву; ~ли кун тортилади парли ёй («Алломиш») в день битвы (воины) натягивают лук.

савашмоқ 1. *совм.* от савамоқ; 2. бить-

ся, сражаться.

савдо торговля, торг; купля-продажа; ~ **қилмоқ** торговать, вести торговлю; торговаться; ~**ни пиширмоқ** договориться о цене; ~**сотиқ** купля-продажа.

савдогар 1. купец, торговец, коммерсант; 2. торгош.

савдолашмоқ торговаться; рядиться.

савия уровень; илий ~ научный уровень.

саялат важность; величие, величавость; напыщенность; 0 ~**идан от ҳуркади** букв. лошадь шарахается от его важности (говорится о напыщенном человеке).

савоб 1. рел. воздаяние, награда за добрые дела; ~ **бўлади** зачтётся (как доброе дело) на страшном суде; ~**га қолмоқ** получать награду от бога, получать воздаяние за добрые дела; 2. доброе дело; благодеяние; ~ **иш қилмоқ** делать добро (доброе дело); совершать благодеяние; ~ **йўлида уст.** на пути добродетели; ~**нинг таги тешик** погов. ирон. добро — благо, но за добро не всегда воздаётся добром (букв. у добра дно дырявое); чёрная неблагодарность; 0 ... ~**ига ким етсин** 1) как было хорошо; благодать, благодатный; 2) это доброе дело, благодеяние.

савод грамота, грамотность; ~ **чиқармоқ** становится грамотным, обучаться грамоте; ~ **и чиққан** 1) грамотный; 2) разг. перен. он уже раскусил (что-л.).

саводли грамотный.

саводсиз неграмотный.

савол вопрос; ~ **бермоқ** задавать вопросы.

савсир 1. зоол. куница; 2. мех куницы.

савқ книжн. чувство; побуждение; ~ **и табиий** естественное чувство; инстинкт.

сад обл. сто; ~ **бор** сто раз; 0 ~ **и пок** сто дней зимы; ~**и пок бўлди** зима кончилась.

сада бот. вяз густой; ~**қайраоч** густой раскидистый карагач.

садаф 1. перламутр; **қоронги уйда ўттиз** ~ **загадка** в тёмном доме тридцать жем-

чужин (Рот, зубы); 2. зоол. жемчужница, раковина-жемчужница; ~**сиз дур бўлмас, тиконсиз гул бўлмас** посл. нет жемчуга без раковины, нет розы без шипов.

садақа 1. милостыня, подаяние; ~**радди** бало (или ~**балони қайтаради**) погов. суев. милостыня, подаяние отвергают зло (дающий подаяние избавляется от несчастий); ~ **сўрамоқ** просить милостыню; 2. жертва; ~ **қилмоқ** жертвовать; 0 ~**нг бўлай** ласк. миленькая; душечка моя; дорогой мой (букв. да буду я жертвой за тебя).

садо звук, голос; **мусиқа** ~**си** звуки музыки; **акс**~ эхо; 0 ~ **чиқмади** (ундан) он не издал ни звука; он не проронил ни слова.

садоқат преданность, верность.

садоқатли преданный, верный.

сайз 1. мель, отмель; ~ **дарё шағиллайди** погов. мелкая река (пуще) гремит; **соотв.** только мелкие реки шумливы; пустая бочка громче гремит; 2. мелко, неглубоко; **ерни** ~ **ҳайдамоқ** мелко вспахать землю; 3. перен. мелкий, неглубокий, поверхностный, незначительный; ~ **асар** серое незначительное произведение.

сайқ 1. бродяга; бродячий; ~ **ит** бродячая собака; ~ **юрмоқ** вести бродячую жизнь; распутничать; ~ **юрсанг, таёқ ерсан** посл. бродячая (распутная) жизнь плохо кончится; гуляка будет наказан дубинкой. 2. бот. ризеда.

сайҳат путешествие, посадка, странствование; ~ **қилмоқ** путешествовать, странствовать.

сайҳатнома описание путешествия, путевые заметки; дневник путешествия.

сайҳатчи путешественник.

саж лит. рифмованная проза.

сажда 1. рел. земной поклон (во время молитвы); 2. преклонение, поклонение; челобитье; ~ **қилмоқ** класть земные поклоны; бить челом, кланяться.

сало воздаяние, возмездие; ~ **бермоқ** пристыдить, устыдить; 0 ~**сипи ўлдирмоқ** отказывать (кому-л.) в просимом.

сазovor достойный, заслуживающий; ~ **бўлмоқ** быть достойным, заслужить уважение.

сайёр 1. разъездной, выездной; передвижной; походный; ~ кино кинопередвижка; 2. уст. книжн. странствующий, не имеющий постоянного местожительства; 3. уст. книжн. путешественник.

сайёр 1. планета, светило; 2. уст. странствующая, не имеющая постоянного местожительства.

сайёҳ 1. путешественник; 2. уст. экскурсант.

сайил 1. праздник весны; 2. народное гулянье; ~ **ҳам** ~, **саргардон ҳам** ~ погов. (бука гулянье – это гулянье, мытарство тоже гулянье); если не погуляли, так побродили; как бы то ни было, а время провели.

сайилгоҳ место, где приисходят народные гулянья.

сайламоқ выбирать; избирать.

сайланмоқ выбираться; избираться.

сайлов выборы; баллотировка; избирательный; ~ **ҳуқуқи** избирательное право.

сайловчи избиратель.

сайр 1. гулянье, прогулка; ~ **қилмоқ** гулять, прогуливаться; 2. осмотр, обозрение (во время прогулки).

сайрамоқ 1. петь (о птицах); **боғда булбул сайрайди**, **эгалари сўзлайди** загадка в саду соловей поет, его владелец рассказ ведёт (Дутар); 2. перен. болтать, шепетать.

саккиз восемь; **санамай** ~ **дема** погов. не сосчитав, не говори восемь (т.е. не проверив, не делай поспешных выводов); **соотв.** не говори «гоп», пока не перепрыгнул; \emptyset ~ **тепки** атлас хан-атлас, атлас высшего качества.

сакрамоқ прыгать, скакать; подпрыгивать; **сакраб ўтмоқ** перепрыгнуть; **сакраб тушмоқ** спрыгнуть; **оқ кучугим аравадан сакради** загадка моя белая собачка с арбы спрыгнула (Слюна); \emptyset **юз газ нари сакрайди** (бука отскакивает на сто аршин) он бежит, как чёрт от ладана.

саксон восемьдесят; **дарахт шохида** ~ **тухум загадка** на ветке дерева восемьдесят яиц (Шелковичный червь).

сал чуть, чуть-чуть, немножко, слегка; ~ **пал** чуть-чуть, чуточку.

салбий отрицательный.

салкам чуть-чуть; почти; ~ **қирқ** почти (без малого) сорок.

салла чалма, тюрбан; **оқ** ~ **ли** **бобо том устидан янтоқ таилайди** загадка в белой чалме мой дед с крыши янтак сбрасывает (Бритва); «салла ол!» **деса**, **калла олади погов.** прикажешь ему снять чалму, он снимет голову; **соотв.** заставь дурака молиться, он и лоб расшибёт; \emptyset ~ **нг юмалаб кетадими разг.** ирон. (бука у тебя чалма с головы свалится что ли) ничего с тобой не случится; за это тебя не накажут.

салом 1. приветствие, привет, поклон; 2. здравствуй(те); ~ **бермоқ** приветствовать; ~ **айтмоқ** передавать привет; ~ **ҳам** – **фарз**, **алик ҳам** – **фарз погов.** (бука. привет – это долг, и ответ на привет – долг) поздороваться друг с другом, приветствовать друг друга – долг и обязанность каждого человека.

салом-алик см. салом 2; \emptyset **салом-алиги бор** он здоровается (с кем-л.); он общается (с кем-л.); **уларнинг салом-алиги бор** они знакомы; они (изредка) общаются; у них шапочное знакомство; ~ **қилмоқ** здороваться (с кем-л.); **улар** ~ **қилиб** **юришади** они изредка общаются.

саломат 1. здоровый; ~ **бўлинг** будьте здоровы; 2. целый, невредимый; благополучно.

саломатлик здоровье; – – **туман бойлик погов.** здоровью цены нет; здоровье дороже всякого богатства.

саломлашмоқ здороваться, приветствовать друг друга.

салтанат 1. власть; владычество, господство; 2. правление, царствование.

салқин прохлада; прохладное, тенистое место; свежий; прохладный.

салқинлашмоқ становиться более прохладным, свежеть; **ҳаво анча салқин-**

лашди намного похолодало.
саман буланый, саврасый; ~ **отим сой** ёқалаб келади зағадка мой саврасый конь по саю мчится (Сель).
самара плод, результат; достижение.
самарали плодотворный; результативный; эффективный; ~ **меҳнат** плодотворный труд.
самимий искренний, душевный, сердечный; ~ **суҳбат** душевная беседа; ~ **ташаккур билдиrhoқ** выражать искреннюю благодарность.
самимият искренность, душевность.
самовар 1. самовар; ~ **қўймоқ** поставить самовар; 2. чайхана.
самоварчи чайханщик.
сан обл. разг. см. сен; 0 ~ **кўр, ман кўр** (или **кўрмагандек бўлиб кетмоқ**) как рукой сняло; как бабушка отчитала.
саналмоқ 1. быть считанным; **бу нарсалар саналди** эти вещи пересчитаны; 2. считаться; **дўстим аълочилардан саналади** мой друг считается отличником.
санам 1. кумир, идол; 2. **перен.** красавица.
санамоқ считать, отсчитывать.
сандиқ сундук; **оқ** -, **оғзи йўқ** ~ **зағадка** белый сундук - без крышки, без затворки (Яйцо); 0 **пўлат** ~ несгораемый ящик (бука. стальной сундук); **силама** ~ 1) сундук, наполненный вещами; 2) холёный, лощёный франт, щеголь.
сандиқча сундучок; ~да **михча зағадка** сундучок, в нём гвоздок (Рот, зубы).
сан-ман обл. см. сен-мен; 0 ~ **га бориб қолмоқ** дойти до брани (ссорясь между собой); тыкать друг на друга; перебраниваться.
саноат промышленность, индустрия; **енгил** - лёгкая промышленность.
сапоқ 1. счёт; числение; 2. перечень; 3. число; - **сон грам.** числительное количественное.
сапоқли считанный.
савоқсиз бесчисленный; бессчётный; неисчислимый.
сансалорлик волокита; сваливание друг на друга.
санчмоқ 1. втыкать, вонзать; колоть;

ништар ~ втыкать ланцет; 2. колоть, причинять боль; **биқилим сапчиб оғрипти** у меня колет в боку.
санъат искусство; мастерство.
санъаткор искусный мастер; художник; работник искусства; **Навоий буюк сўз** ~и **оди** Навои был великим мастером (художником) слова; ~ **қўлида дутор, деҳқон елкасида кетмон погов.** в руках музыканта дутар, на плече дехкана кетмень (т.е. искусство развивается, если будет труд земледельца).
саодат счастье; блаженство; благоденствие; ~ **топмоқ** стать счастливым.
сапсар бот. ирис; ~ **ранг** фиолетовый.
сапча недозревшие дыни.
сапчимоқ 1. бросаться, кидаться; набрасываться; 2. прыгать, подпрыгивать, подскакивать; **кўкка сапчидиган отлар фольк.** лошади, подскакивающие до небес; 0 **ерга урса, кўкка сапчиди** (бука. если ударишь о землю, он подпрыгнет до неба) озорной, бедовый, непоседа.
сара отборный, лучший, наилучший; **уй устида** ~ **ёй зағадка** над домом лук (тугой) отменный (Брови); **майдонда билинар мардинг** ~си **погов.** лучший из храбрецов узнаётся на поле брани.
сараламоқ сортировать, отбирать, выбирать.
сараланмоқ страд. от сараламоқ сортироваться, отбираться, выбираться.
саранжом аккуратный, убранный; ~ **одам** аккуратный человек; ~ **бўлмоқ** быть убранным; ~ **қилмоқ** прибирать, убирать, приводить в порядок.
саратон 1. саратан, самое жаркое летнее время; ~ **да сигир совуққа қотибди погов.** **шутл.** в самом жарком месяце лета (саратане) корова замёрзла (говорится как о чём-то до смешного невероятном); **соотв.** в праздник от голода умер, а в летнюю жару замёрз; 0 ~ **нинг сариқ куни** (бука. желтый день саратана) самый жаркий день лета; 2. **мед.** рак (болезнь); **кўкрак** ~и **рак** груди.

сарв бот. кипарис пирамидальный.

сарвиноз поэт. стройная как кипарис красавица (бука. изнеженный кипарис); ~, салласи катта, буйни кир зағадка со стройным станом, с чалмой большой и с шейей запачканной (Чилим).

саргардон мытарящийся; мытарствующий; странствующий; обивающий пороги; горемыка.

саргузашт приключение, похождение, происшествие; ~ларни сўзламоқ расказывать о похождениях, о разных случаях.

сардор уст. предводитель, глава, начальник.

саржин сажень.

сариёв масло (сливочное и топленое).

саримсоқ чеснок; оч қоринга сассиқ ~ погов. (бука. горький чеснок да на голодный желудок) на голодный желудок острая пища (говорится, когда голодному предлагают что-нибудь острое, кислое); ~, ~ еганиниг тани соғ погов. чеснок-чесночок, кто поел его – здоровяк.

саришта см. саранжом; ~ли уй – фариштали уй погов. уютно прибранный дом – это дом с ангелом, т.е. доставляет радость гостям и окружающим.

саришталик аккуратность, упорядоченность.

сариқ 1. жёлтый; тухум сариги желток; оқ товоқда ~ қайчи зағадка на белом блюде желтые ножницы (Часы); 2. рыжий; блондин; бозорда ~ айғир киш-найди зағадка рыжий (каурый) жеребец ржёт на базаре (Самовар); сап~ очень жёлтый, совершенно желтый; юм-юмалоқ, ой эмас, сап-сариғу – мой эмас, думи ҳам бор, той эмас зағадка круглое-круглое – не луна, жёлтое-желтое – не масло, хвост имеет, а не стригунок (Репа); 3. мед. желтуха; 0 ~ сумалак желтые сосульки (символ ранней весны); ~ чақа (бука. желтая монета); медная монета, медный грош; ~ чақага арзимаиди (бука. не стоит и медного гроша) выеденного яйца не стоит; не стоит ломаного гроша.

сариққина уменьш. от сариқ 1; ~ тўни бор, ичи тўла дови бор зағадка в халатик одет желтенький, внутри семян поленько (Гранат).

саркарда 1. полководец; буюк ~ великий полководец; 2. предводитель; начальник.

сарлавҳа заглавие, заголовок.

сарой 1. дворец; замок; 2. постоянный двор; 3. сарай, склад; қоронги ~да бузоқ шиқирлаб оғзидан кўпик сочади зағадка в тёмном сарае телёнок расшумелся, и белая пена изо рта его валит (Мельница).

саройбон содержатель постоянного двора.

саросима растерявшийся, пришедший в замешательство; ~ бўлмоқ растеряться, приходиться в замешательство; ~ да қолмоқ растеряться, находиться в растерянности.

сарпўш крышка; тандирнинг ~и крышка тандыра (см. тандир); Узи катта, ~и йўқ зағадка сам большущий, нет крышки для него (Хауз-водоём).

сарсон мытарящийся; странствующий, бродячий; измученный в хлопотах, беготне; ~ бўлиб юрмоқ скитаться, бродить (не зная, куда голову приклонить); ~ қилмоқ заставлять мытариться.

тайинпланмоқ страд. от тайинламоқ назначаться, быть назначенным; Карим мактаб директори қилиб тайинланди Карим назначен директором школы.
 така козёл; катта ~м бесоқол загадка мой большой козёл безбородый (Ишак); ~ бўлсицу сут берсин погол. (бука. пусть будет козёл, лишь бы молоко давал); соотв. будь хоть пёс, лишь бы яйца нёс; с паршивой овцы хоть шерсти клок; 0 шум ~ проказник, озорник; ўзини ака, эчкисини ~ демоқ (бука называть его самого старшим братом, а его козу - козлом) пресмыкаться, подобострастничать.

такаббур гордый, высокомерный, спесивый, надменный.

таклиф 1. предложение; **2.** приглашение; пригласительный; ~ қилмоқ предлагать, приглашать.

таклифнома приглашение (письменное); пригласительный билет.

такомил 1. эволюция, прогресс, развитие; **2.** усовершенствование.

такомиллашмоқ 1. совершенствоваться; **2.** развиваться.

такомиллаштирмоқ понуд. от такомиллашмоқ **1.** совершенствовать; **2.** развивать.

такрор повторение; повторно, вторично; ~ айтаман повторяю (говоря еще раз); ~ қилмоқ повторять; деҳқон бўлсанг, шудгор қил, мулла бўлсанг, ↑ қил посл. если ты земледелец - паши землю под зябь, если учёный - повторяй (т.е. совершенствуй свои знания).

такрорламоқ повторять; дарсни ~ повторять урок.

талаб 1. требование; ~ини қондирмоқ удовлетворять (чъё-л.) требование; **2.** требующий; чопиқ ~ кинлар посеви, требующие окурки; посеви, нуждающиеся в окурке; **3.** спрос, запрос; депутатнинг ~и запрос депутата.

талабтор желающий; домогающийся;

охотник; ошга ~ борми? кто желает плова?

талабнома требование, заявка (письменно), требовательная ведомость.

талабчан требовательный.

талабчанлик требовательность; ~ни кучайтирмоқ усилить требовательность.

талай много, немало; бир ~ довольно много, несколько.

таламоқ 1. грабить, растаскивать, растаскивать; **2.** кусать, набрасываться; уни ит талади его укусила собака; сен бўрини аясанг, бўри сени талайди см. сен.

талафот 1. потери, жертвы; **2.** урон.

талаффуз произношение, выговор, акцент; ~ этимоқ произносить.

талаш 1. грабёж, разграбление; **2.** спор, тяжба.

талашмоқ 1. нападать, набрасываться (друг на друга); покусать; **2.** ссориться, браниться; претендовать (яместе на одну и ту же вещь); оспаривать (друг у друга).

талваса сильное беспокойство, сильное душевное волнение; 0 жон ~си агония.

таловчи грабитель, мародёр.

таловчанлик грабительство, мародёрство.

талон грабёж, разграбление; 0 ~тароқ қилмоқ разграблять, растаскивать, разбазаривать; похищать.

талончи см. таловчи.

талоқ уст. развод, расторжение брака; ~ қилмоқ разводиться, давать жене развод; 0 уч ~ уст. рел. трёхкратный развод (особый вид развода, после которого восстановить брачный союз возможно только после того, как разведённая жена выйдет замуж, хотя бы фиктивно, за другого и новый муж даст ей со своей стороны развод).

талтаймоқ 1. гордиться, высокомерничать; **2.** испытывать удовольствие; делаться довольным, веселым; предаваться удовольствиям; **3.** чрезмерно баловать, нежить, носить на руках (кого-н.), от чего тот еще больше становится избалованным и капризным; эрка тутса

опаси, талтаяди боласи посл. если мать растит дитя баловнем и любимцем, то он распустится чересчур.

тама корыста, алчность, вождеделение.

тамагир корыстолубец; корыстолубивый; ~ **одам** корыстолубивый человек.

тамадди легкая закуска; ~ **қилиб олайлик** давайте немного закусим; **О бир** ~ **миз ўтиб турибди** (мы) живём кое-как, (мы) живём помаленьку.

тамаки табак; ~ **чекмоқ** курить табак.

тамаинно кокетство; ~ **қилмоқ** кокетничать.

тамба подпорка, палка или шест, которыми подпирают дверь.

тамбаламоқ подпира́ть дверь палкой или шестом (чтобы она не открывалась).

тамом 1. конец; ~ **бўлмоқ** кончаться, завершаться; **иш** ~ **бўлди** работа закончена; ~ **қилмоқ** заканчивать, завершать; 2. разг. весь, совершенно, совсем, полностью; **қаринини** ~ **улдим** я полностью рассчитался с долгами.

тамоман нареч. весь, всецело, вполне, целиком, совсем, абсолютно, окончательно, полностью.

тамомила нареч. целиком, полностью, вполне, совершенно.

тамомламоқ кончать, заканчивать, завершать.

тамга 1. клеймо, тавро, знак, примета, метка, пометка; 2. герб; 3. *ист.* печать; **О тилиннга** ~ **билганми?** язык что ли у тебя отнялся?

тамғаламоқ клеймить, таврить, помечать, обозначать.

тан I тело, стан; физический; **икки япроқ бир** ~ **да, кезар Ёзда чаманда зағадка** два листочка на одном тельце обходят летом все лужайки (Бабочка); ~ **и соғлик** - **туман бойлик** погов. здоровье - бесценное богатство; здоровье всего дороже; **унишг** ~ **и тоза** у него чистое тело; ~ **и соғ физически** здоровый; ~ **и жонингиз соғми?** вы живы и здоровы?; **О бир жон, бир** ~ **бўлиб** (ишламоқ) работать дружно, как один человек; держаться вместе, быть единомышленными во всём.

тан II доля, часть, пай; **менинг** ~ **имни сеп ол бери мою** долю (часть); **О** ~ **бермоқ** признаваться, признавать, отдавать должное, восхищаться, преклоняться; **тақдирга** ~ **бермоқ** покоряться судьбе, смиряться с судьбой; ~ **олмоқ** признавать, принимать.

тана I 1. тело, туловище, стан; ~ **си чилпор, ўрмондан чиқар зағадка** полосатая телом из леса выходит (Змея); ~ **си бошқа дард билмас** посл. чужую боль (болезнь) никому другому не ощутить; 2. *соота.* чужое горе душу не тяготит; 2. *ствол (дерева);* **О** ~ **ннга ўйлаб кўр** хорошенько всё обдумай и всё взвесь.

тана II тёлка (по второму году).

таназуул распад, деградация, регресс; **О** ~ **га юз тутмоқ** идти к упадку; приходить в упадок; деградировать.

танаффус передышка, отдых, перерыв, перемена (в школе).

танбал лодырь; ленивый; ~ **нинг иши унмас** погов. у лентяя работа не спорится.

танбеҳ замечание, предостережение; предупреждение; взыскание; взбучка; ~ **бермоқ** делать замечание, ставить на вид, предупреждать.

танг 1. тесный, узкий; ~ **кўча** узкая улица; 2. затруднительный; стеснённый; ~ **аҳволга тушмоқ** попасть в затруднительное (стеснённое) положение; **вақт** ~ времени мало, очень ограниченное время.

танга 1. *ист.* теньга (серебряная монета); двугривенный; 2. монета; 3. чешуя; ~ **балиқ сазан**; рыба с крупной чешуёй; **боши бору сочи йўқ, кўзи бору қоши йўқ, -си бор, пули йўқ, қаноти бор, учуви йўқ зағадка** с головой, а нет волос, есть глаза, да нет бровей, есть монеты, денег нет, с крыльями, а лёта нет (Рыба).

танглай небо; **қаттиқ** ~ твёрдое небо; **О** ~ **им тақиллаб кетди** меня мучает жажда, мне сильно хочется пить; ~ **кўтарар этн.** подъём неба (обряд, во время которого повивальная бабка на девятый день от рождения младен-

ца, обернув белым платком указательный палец, слегка надавливая им на небо, за что получает подарок); ~ни шу варса билан кўтарган он воссал что-либо с молоком матери; это у него от роду, это у него в крови.

танглик 1. теснота; 2. трудность, затруднительное положение; 3. нехватка, недостаток; бизда озиқ-овқат танглиги йўқ у нас нет недостатка в продовольствии; 4. кризис; иқтисодий ~ экономический кризис; ҳукумат танглиги правительственный кризис.

тангри тенгри (бог); мен қиламан ўттиз, ~м қилади тўққиз посл. (букв. я делаю тридцать, а бог делает девять); соота человек предполагает, а бог располагает; тенг егани ~ суйибди погов. тех, кто поделились едой, бог полюбил.

тапта спец. натянутая основа (ткани); ~ қўймоқ 1) спец. сновать, 2) перен. бегать туда-сюда; бегать, как белка в колесе; метаться.

таптир тандыр (печь для выпекания лепёшек); кичкина ~ча, ичи тўла кулча зағадка маленький тандыр, полно лепёшек в нём (Орех); уйда чакса уни йўқ, том бошида қўш ~ погов. в доме ни чаксы (ни пуда) муки, а на крыше двойной тандыр; соота много дыму, да мало пылу; визгу много, шерсти мало.

танимоқ 1. знать (человека), быть знакомым; мен уни яхши танийман я его хорошо знаю; 2. узнавать, признавать; китобини муқовасидан танидим я узнал свою книгу по переплёту; отинг борида йўл тави, зсия борида эл тани посл. пока у тебя есть лошадь, знакомься с дорогой, пока ты в уме, знакомься с людьми; 0 оқ-қорани тавиган 1) грамотный; 2) бывалый, выдавший виды; танимасни сийламас кого не знают (не узнают), того не уважают, не примечают (хоть он достойный, уважаемый человек); ит эгасини, мушук бекасини танимади см. ит.

тапитмоқ понуд. от танимоқ 1. знакомить, представлять (кого-л.); 2. учить,

показывать; у менга ақл тапитди он учил меня уму-разуму; сен ким эканлигингни тапитдинг показал себя, кто ты такой.

таниш знакомый, приятель; бу киши менга ~ этот человек мне знаком; ~билишлар разные знакомые; бир кўрган ~, икки кўрган ~ билиш погов. впервые встретишь ~ познакомишься, второй раз ~ подружишься и ближе узнаешь; 0 кўз ~ шапочное знакомство.

танишмоқ взаимн. и совм. от танимоқ знакомиться, познакомиться, ознакомиться; меҳмонлар бир-бирлари билан тез танишдилар гости быстро познакомились друг с другом; ишлар билан танишдик ознакомились с работой.

тавламоқ выбирать, отбирать, подбирать, выделять; тарвузиниң элг яхшиси ~ отобрать, облюбовать самый лучший арбуз; ташлаб-ташлаб тозига учрабди погов. выбирала-выбирала ~ и повстречала паршивого; соота кто думает три дни, тот выбирает злыдни; пожила на веку, досталась хомляку.

танланган избранный; ~ асарлар избранные произведения.

тавнарх себестоимость.

тавиноз кокетливый; кокетка; ~ тарангунча, тўй тарқар погов. пока жеманница расчесется (нарядится), свадьба кончится; соота собирается как Маланья на свадьбу.

тапоб 1. уст. танап (мера площади); 2. уст. спец. длинный шнур или тонкая верёвка, при помощи которой измеряли площадь; пўсти қалиң, қовоқдай, бели боғли ~дай, меваси сариғ ёғдай зағадка шкурка толстая, как у тыквы, пояс повязан, как бечевой, и плод его масло сливочное (Орех); ~ тортмоқ измерять земельный участок; 0 ~ици тортмоқ проучить; призвать к порядку; оззиниң ~и қочди он очень обрадовался; соота расплыться в улыбке; рот до ушей, хоть завязочки пришей.

тавсиқ 1. редкий, редкостный; ~ менга редкостный фрукт; ~ овқат любимая

- еда, деликатес; 2. перен. единственный, любимый; ~ ұғил единственный, любимый сын.
- таптана** 1. торжество, триумф; байрам -лари праздничные торжества. 2. пышность, помпезность; байрам зўр ~ билан ўтди праздник прошел торжественно; 3. перен. победа; торжество; демократия тузумининг ~си победа демократического строя.
- таптанали** 1. торжественный; ~ мажлис торжественное собрание; 2. пышный, помпезный.
- таптиқ** 1. избалованный, изнеженный; 2. взыскательный, полоумный, вздорный.
- тапқид критика**; ~ қилмоқ критиковать, подвергать критике; ўз-ўзини ~ қилмоқ самокритика; -дан қўрқма, мақтовдан қўрқ посл. не бойся критики, а бойся похвалы; 0 ~ни бўтмоқ, зажимать критику; -дан тубан книжн. ниже всякой критики.
- тапқидий** критический; критически; ~ мақала критическая статья.
- тапқис** недостающий; дефицитный; нулдан ~ бўлиб қолдим я нуждаюсь в деньгах.
- тапқо** один, одинокий, единственный (см. также ёлғиз); ~ яшамоқ жить одиноко, в одиночестве.
- таом** пища, еда, кушанье; ~ смоқ кушать, есть (пищу); ~ эгаси билан лазиз погов. вкусно утошенье рядом с угощающим.
- тап** I звукоподражание глухому звуку от удара или падения; ~~~ этади, тагидан карвоп ўтади загадка по нему «тап-тап» - стучат, под ним караваны спешат (Сито и мука).
- тап** II: ~ тортмоқ 1) стесняться; 2) бояться, труситься; 0 ~ тортмаслик не стесняться; подойти без опаски; держаться смело, мужественно.
- тапир-тупир** звукоподражание топоту, грохоту, стуку; - тұртовлон, ҳанграгани бировлон загадка топ-топ - вчетвером, за одного ревём (Ишак).
- тапт** пыл, жар; тандирнинг ~и жар тандыра; 0 ~идан тушмоқ остывать, переставать гневаться.
- тараддуд** 1. колебание, нерешительность; 2. беспокойство, забота; 3. суета, хлопоты, приготовления, сборы; мен йўл ~ини қиламан я готовлюсь к отъезду.
- тараддудланмоқ** 1. колебаться, быть в нерешительности, не знать, что делать; 2. суетиться, беспокоиться; 3. приготовляться, собираться.
- таралмоқ** I распространяться, раскопаться, рассеиваться, разноситься.
- таралмоқ II страд.** от тарамоқ расчёсываться, причёсываться (о волосах).
- тарамоқ** расчёсывать, причёсывать (волосы, лён, пеньку и т.п.).
- тарап** тугой, туго натянутый; ~ қилиб боғламоқ завязать, туго натянуть; 0 ~ қилмоқ отказываться (для приличия или из-за каприза), ломаться, жеманничать.
- таранну** книжн. музыка, мелодия, напев; ~ қилмоқ воспевать.
- таратмоқ** 1. распространять; 2. рассеивать, разгонять, заставляя разойтись.
- тараф** 1. сторона, направление; у бозор ~га қараб кетди он пошёл в сторону рынка; ҳар ~дан шовқин-сурон эшитиларди со всех сторон послышались крики и шум; мен кўчанинг нариги ~ида яшайман я живу на той стороне улицы; 3. край, страна; бу ~ларда яхши одамлар кўп в этих краях много хороших людей; 0 ~ини олмоқ держать чью-л. сторону, заступаться (за кого-л); поддерживать; ~ма-~ бўлмоқ разделиться на противоположные группы.
- тарафдор** сторонник, приверженец; типчилик ~лари сторонники мира.
- тарафлама**: ҳар ~ всесторонне; бир ~ односторонне.
- тараша** щепка, чурка, стружка.
- тарашламоқ** обтесывать, соскабливать, подчищать.
- тарақ** звукоподражание треску, грохоту; ~ этмоқ грохотать; трещать; ~туруқ грохот, треск, трескотня; 0 кайфи ~ он сильно пьяный; иши ~! дела у него на высоте!, дела у него идут хорошо.
- тарақламоқ** 1. грохотать; трещать; 2. пе-

- рен. процветает; иметь успех; гресметь; унинг иши тарақлаб кетди его дела идут успешно.
- тараққийёт** развитие, прогресс; ~ йўлидан бормоқ идти по пути прогресса.
- тараққий:** ~ қилмоқ (этмоқ, топмоқ) развиваться, прогрессировать; усовершенствоваться; ~ қилдиrhoқ (эттиrhoмоқ) развивать, усовершенствовать.
- тараққийпарвар** сторонник прогресса.
- тарбия** 1. воспитание; ~ кўrhoқ полу-чать воспитание, воспитываться; ~ тақани тўрилайди посл. (бука. воспитание выпрямит даже подкову) мудрым воспитанием можно исправить любого трудного, непослушного ребёнка; 2. уход, присмотр; ~ бермоқ (қилмоқ) воспитывать, ухаживать.
- тарбиявий** воспитательный.
- тарбияламоқ** 1. воспитывать; 2. ухаживать, присматривать.
- тарбияловчи** воспитатель, воспитывающий.
- тарбиячи** воспитатель; воспитательница.
- тарвуз** арбуз; бир қўлтиққа икки ~ сигмас погов. (бука. два арбуза под мышкой не умещаются), т.е. нельзя сделать невозможное; соотв. двум шпагам в одних ножнах не уместиться; в одной берлоге двум медведям не жить; 0 ~и қўлтигидан тушди он огоршен; он убит; у него руки опустились.
- таржима** перевод (на другой язык); ~ маҳорати мастерство перевода; ~ қилмоқ переводить (с.м. также ўтиrhoқ); 0 ~и ҳол биография; автобиография.
- таржимон** переводчик; тил - дил ~и погов. язык - переводчик души человеческой.
- тарз** 1. форма; 2. манера, образ, способ; шу ~да таким образом, так; бир ~и кое-как; так себе; немного, чуть-чуть.
- тарих** 1. история; исторический; **Ўзбекистон тарихи** история Узбекистана; ~ фани историческая наука; 2. дата, хронограмма.
- тарихий** исторический; ~ вақеа историческое событие.
- тарихшунос** историк; знаток истории.
- тариқ** просо; **Тошкентнинг таригини еган чумчуқ Маккадан келади посл.** воробей, попробовавший ташкентское просо, из Мекки вернётся (т.е. Ташкент славится изобилием фруктов, хлеба, света и солнца, и кто в нём хоть раз побывает, тому захочется вновь вернуться сюда) соотв. Ташкент - город хлебный (А.С.Неверов); ~и еган - чумчуқ, балога қолган - бедана погов. просо воробей склевал, а перепел в беду попал; 0 ~ча қиймати йўқ (оно) ничего не стоит; не имеет никакой ценности; ~ча ақли йўқ у него нет ни капли ума (бука. даже с просыаное зёрнышко).
- тариқа** путь; способ, образ; шу ~ таким образом (путём, способом).
- тариқат** рел. путь духовного совершенствования (согласно учению суфиев, состоящий в глубоком «внутреннем» соблюдении законов религии) (с.м. сўфийлик).
- тарк** отречение, отказ; оставление; ~ қилмоқ отказываться, отречься, оставлять, покидать, бросать; дўстим бу жойларни ~ этиб кетди мой друг покинул эти места; у бу одатини ~ қилди он бросил эту привычку; ~и одат - амри маҳол погов. (бука. отказаться от привычки - дело невозможное); соотв. привычка - вторая натура (природа); 0 ~и дунё қилмоқ отказываться от мирской жизни.
- таркиб** состав, структура, строение; ~ топмоқ складываться (из каких-л. частей или элементов).
- таркибий** составной, относящийся к составу или структуре, структурный.
- тармашмоқ** 1. карабкаться; 2. цепляться, хвататься.
- тармоқ** 1. ответвление, ветвь; сеть; темир йўл тармоғи ветка железной дороги; савдо ~лари торговая сеть; 2. рукав (реки); 3. отрасль, область; халқ хўжалиғи ~лари отрасли народного хозяйства.
- тармоқланмоқ** разветвляться, давать ответвления.
- тарноп** жёлоб; водосточная труба, во-

досток.

тарози весы, безмен; **бозорда сотилмайди**, ~да тортилмайди см. **сотилмоқ**; ~идан уриб қолмоқ обвесить (жого-л).

тарозу см. тарози; **ҳар жойни қилма орзу**, **ҳар жойда бор тош**— **погов.** (бука. не мечтай бывать везде, повсюду есть тири и весы) **соота**. хорошо там, где нас нет; **0 ~си тенг** (бука. весы равны) силы равны.

тароқ расчёска, гребень, гребёнка; **калнини нимаси бор** — **темир тароғи погов.** **шутл.** что имеет наш облезлый — только гребешок железный.

таррак сорт огурца (длинный, светло-зеленый, водянистый и безжусный); **0 ~дек қотмоқ 1)** спать крепким сном; **2)** лежать без памяти; **соота**. спит, как убитый; спит — хоть из пушек пали.

тарсаки пощёчина; — **солмоқ** (~ **туширмоқ**, ~ **қўймоқ**) дать пощёчину.

тарсилламоқ трещать, трескаться; **тарсиллаб ёнмоқ** гореть с треском (напр., о дровах).

тартиб порядок; распорядок; порядковый; **кун ~и** порядок дня; ~ **ўрнаштирмоқ** наводит порядок; ~ **билан** по порядку; ~**га солмоқ** (**қўймоқ**) приводить в порядок, ускорять, налаживать, регулировать.

тартибсиз см. бестартиб.

тарқалмоқ 1. расходиться, разбредаться; рассеиваться; распространяться; **одамлар тарқалди** люди разошлись; **моллар далага тарқалиб кетди** скот разбредся по полю; **туман тез тарқалди** туман быстро рассеялся; **қувончли хабар тез тарқалди** радостное известие быстро распространилось; **2.** распадаться; разваливаться; **тўғарак тарқалиб кетди** кружок распался.

тарқатмоқ понуд. от **тарқамоқ 1.** распространять, раздавать; **2.** разгонять, заставить разойтись; распускать (какую-л. группу, организацию и т.п.); **0 хафагарчиликни** ~ **рассеивать** (разгонять) грусть; **кайфини** ~ **отрезвлять**; **аччигини** ~ **успокаивать**.

тарқатувчи распространитель; раздат-

чик.

тарқоқ 1. разрозненный; разбросанный; **2.** необъединённый, неорганизованный.

таррибот пропаганда.

тарриботчи пропагандист.

тасаввур представление; воображение; ~ **қилмоқ** представлять, воображать.

тасалли утеха, отрада; утешение; ~ **бермоқ** утешать, успокаивать.

тасанно **поэт.** хвала, восхваление; ~ **айтмоқ** (или **демоқ**, **ўқимоқ**) восхвалять; **воздавать хвалу**; **восславлять**.

тасвир 1. изображение; картина, рисунок; **2.** описание; ~ **қилмоқ** (**этноқ**) изображать; рисовать, описывать.

тасвирий изобразительный; ~ **санъат** изобразительное искусство.

тасвираммоқ 1. изображать; рисовать; **2.** описывать, характеризовать; выражать.

тасдиқ утверждение; подтверждение; санкция; ~ **этноқ** (~ **қилмоқ**) утверждать; санкционировать; подтверждать.

тасдиқламоқ 1. утверждать, санкционировать, подтверждать; **2.** ратифицировать; **3.** заверять.

тасдиқланмоқ страд. от **тасдиқламоқ 1.** утверждаться; подтверждаться; **кўрсатилган фактлар тасдиқланди** указанные факты подтвердились; **2.** ратифицироваться.

тасдиқлатмоқ понуд. от **тасдиқламоқ** заверять.

таскин успокоение; утешение.

таслим капитуляция, сдача; ~ **бўлмоқ** капитулировать, сдаваться; **пасовать**.

тасма 1. полоса, тесьма; лента; **Бухордан келган фил, орқасидан** ~ **тил зағадка** из Бухары прибыла слониха — **вырежи** из её спины полоску (Дыня); **2.** ремень; приводной ремень; **0** ~ **бел** стройный стан; стройная фигура.

тасодиф случай, случайность; неожиданность.

тасодифан нареч. случайно, неожиданно.

тасодифий случайный; неожиданный; ~ **равишда** случайно.

таталамоқ царапать.

татбиқ применение, приложение; приспособ-

собление; ~ қилмоқ применять; приспособлявать; амалда ~ этмоқ применять на практике.

татимоқ 1. пробовать на вкус, отвеживать; испытывать; шўрвани татиб кўрмоқ попробовать суп; 2. перен. доставлять удовольствие; келмасавгиз, бизга ҳеч нарса татимайди если вы не придёте, мы не получим никакого удовольствия; 3. заменять; соответствовать; бир ўзингиз ўн кишига татийсиз вы один замените десятерых; 4. испытывать; переносить; улар кўн азобуқубат татишди они перенесли много страданий.

тафаккур 1. мышление; тил ~ билан бевосита болганган язык непосредственно связан с мышлением; 2. размышление.

тафовут разница, различие.

тафсил подробность; деталь; ~и билан подробно, детально.

тафсилот подробности, детали.

тафт то же что тапт; ~ини босмоқ 1) оступиться; 2) перен. смягчить боль переживания, страдания.

тафтиш контроль, ревизия, расследование; контрольный, ревизионный.

тах 1. линия складки, складка; ~ бермоқ делать складки, складывать; дўппига ~ бермоқ, дўппининг ~ини чиқармоқ складывать тибетейку (класть ее под пресс, чтобы получилась складка); 2. что-либо сложное; пачка; 0 ~ (или тахт) ураг этн. обряд складывания одеял во время проведения пира по поводу обрезания; ~и (или тахти) бузилмаган новенький, накрахмаленный; хрустящий, (ещё) не тронутый.

тахаллус псевдоним.

тахир горький, горьковатый; терпкий; ~ турп горькая редька; ~ беҳи терпкая айва; қовуниинг ~и чиқди дыня горчит; улинг ~и чиқди его вывели на чистую воду; опозорили перед честным народом.

тахламоқ складывать, укладывать (вещи, книги, одеяло и т.п.).

тахлит вид, форма, облик; маймун ~ обе-

зьянообразный.

тахмин предположение; догадка; ~ қилмоқ предполагать.

тахминан нареч. приблизительно, предположительно, примерно; около, почти. **тахминламоқ** предполагать, делать предположительные расчёты.

тахт I трон, престол; ~га ўтиртирмоқ возводить на престол; ~дан туширмоқ низложить с престола.

тахт II готовый; подготовленный; готово; ~ қилмоқ подготовить, приготовить, приводить в полную готовность; ҳамма нарса ~ всё готово; 0 ~ тиңдиради разг. он(а) хорошо помогает (по хозяйству).

тахта 1. доска; қурилишга ~ керак для строительства нужны доски; шахмат ~си шахматная доска; 2. плита; лист; мрамар ~си мраморная плита; ~ чой плиточный чай; бир ~ фанер один лист фанеры; 0 ~ўқлогили йиғиштирмоқ (бука. собирать свои доску и скалку) собирать манатки; смывать удочки; ~ бўлиб қолмоқ 1) остолбенеть, окаменеть (от испуга, изумления т.п.); 2) остыть, отвердеть, окостенеть.

таш наружная сторона, внешняя сторона; ичи ун-ун, ~и гулгуи зағадка внутри мука и мука, снаружи цветистая она (Джида); мол оласи ~ида, одам оласи ~ ичида посл. разношерстность скота видна снаружи, а разногласия людей скрыты внутри; қулоқсизга сўз айтсанг, қулоғининг ~идан поғова. если скажешь глухому (или непослушному), пройдёт мимо его ушей; соств. ему что ни говори, как об стену горох.

ташаббус 1. инициатива; ~ кўрсатмоқ проявлять инициативу; 2. начинание, почин; ватаппарлик ~и патристическое начинание.

ташаббускор (ташабусчи) инициатор, застрельщик.

ташаккур благодарность; спасибо; ~ билдирмоқ (айтмоқ) благодарить, выражать благодарность.

ташакурнома благодарственное письмо, благодарственная грамота.

ташвин 1. забота, хлопоты; 2. беспокой-

ство; тревога; ~га тушмоқ становиться озабоченным, беспокоиться; ~ чекмоқ беспокоиться, быть озабоченным; 0 ~ ни пулга сотиб олмоқ разг. ирон. купить заботу за свои же деньги; со-отма не было у бабы хлопот — купила пороса.

ташвишланмоқ беспокоиться, тревожиться.

ташвиқот агитация; ~ юргизмоқ проводить агитацию.

ташмиқот носить, таскать; переносить, перетаскивать; возить, перевозить; транспортировать.

ташқил: ~ қилмоқ (этмоқ) организовывать; составлять.

ташқилий организационный.

ташқилот организация; савдо ~и торговая организация.

ташламоқ 1. бросать; забрасывать; кидать, выкидывать; парсаларни полга ~ бросать вещи на пол; сувга тош ~ бросать камни в воду; иш ~ бросать работать; бастовать; 2. сбрасывать; бомба ~ сбрасывать бомбы; 3. накидывать, набрасывать; қиз бошига рўмол ташлаб кўчага чиқди девушка, надвинув на голову платок, вышла на улицу; 4. в сочетании с именами образует сложные (составные) глаголы; орқага ~ откладывать, переносить; гул ~ переливаться; гап ~ задевать словом, задираться; ташлаб келмоқ оставить; отвести; ташлаб кетмоқ покинуть; оставить; отиб ~ застрелить; чиқариб ~ выкинуть, выбросить.

ташландиқ 1. брошенный, покинутый; 2. отброски; ~ бола подкидыш.

ташна жаждущий; ~ бўлмоқ жаждать.

ташналик 1. жажда; 2. перен. вожделиние.

ташриф: ~ қилмоқ (~ этмоқ, ~ буюрмоқ) высок. удостоить посещением, посетить, осчастливить посещением, изволить прийти, пожаловать.

ташувчи 1. и.д.л. от ташмиқот; 2. подносчик; разносчик; сув ~ водонос, водовоз; 0 гап ~ сплетник.

ташқари 1. внешняя, наружная часть;

кундузи ~ кечаси ичкари загадка днём наружу, ночью вовнутрь (Дверь, калитка); ~ совуқ во дворе холодно; ~ига чиқмоқ выйти во двор; 2. вне, за (пределами); 3. ист. ташқари (наружный двор в узбекском доме, ср. также ичкари 2).

ташқи внешний, наружный; ~ савдо внешняя торговля; ~ сиёсат внешняя политика.

таъб 1. натура; характер; нрав; настроеное; ~им хира у меня настроение плохое; ~имиз чоғ у нас настроение хорошее; 2. перен. желание; воля; бировнинг ~ига қарамоқ считаться с (чьим-л.) желанием; 3. перен. вкус; ~ингни қара-я! ну и вкус у тебя!; ~им тортан одам человек по моему вкусу (т.е. нравящийся мне); человек, к которому меня тянет; 0 ~и кир бўлди он расстроился; он пал духом; у него испортилось настроение; ~им тортмайди (или кўтармайди) не в моей натуре, я безгаю (кем-чем-л.).

таъбирламоқ 1. выражать; формулировать; 2. истолковывать, объяснить.

таъзим поклон; почтение; преклонение; ~ қилмоқ поклониться; почитать, выказывать почтение, преклоняться.

таъзир укор, осуждение; выговор, взыскание; ~ бермоқ укорять, осуждать; ~ини бермоқ наказать, проучить; 0 ~ини емоқ замучиться, чертовски устать; испытывать трудности; изводиться; получить по заслугам, быть проученным.

таъзия 1. соболезование; 2. траур.

таъкид 1. констатирование; 2. подтверждение.

таъкидламоқ 1. констатировать, подчеркивать, отмечать; 2. подтверждать.

таълим учёба, обучение, преподавание, образование; ~ олмоқ учиться, обучаться, получать образование; ~ бериш учув ~ олиш керак посл. чтобы обучать, нужно прийти обучению.

таълимот 1. учение, доктрина; Дарвин ~и учение Дарвина; 2. обучение, образование; ~ бермоқ обучать, дать обра-

зование.
тағам вкус; привкус; ошнинг ~и туз билан, одамнинг ~и сўз билан *посл.* пища вкусна солью, человек приятен речью; \emptyset ошнинг ~ини билмоқ пробовать пищу.
тағмин: ~ қилмоқ снабжать, обеспечивать.
тағминламоқ обеспечивать, снабжать.
тағминламоқ *страд.* от тағминламоқ обеспечиваться, снабжаться.
тағминот обеспечение; снабжение; со-держанис.
тағна порицание, упрёк, укор; ~ қилмоқ порицать, упрекать; ~ йўли тордир, тойоқлари бордир *посл.* (буке. путь порицаний узок, можно и поскользнуться) *соотв.* других не суди, на себя погляди; \emptyset ~ тошларини отмоқ упрекать, делать горькие упрёки, порицания.
тағриф 1. описание, характеристика; 2. определение; \emptyset ~дан ташқари неопи-суемый; и пером не описать.
тағрифламоқ 1. описывать, обрисовы-вать, характеризовать; 2. определить, формулировать.
тағсир 1. влияние, воздействие; эффект; ~ этмоқ (қилмоқ) влиять; 2. впечатле-ние; ~ қолдирмоқ оставить (производ-ить) впечатление.
тағсирланмоқ испытывать влияние (чего-л.); подвергаться воздействию; 2. быть под впечатлением, быть трону-тым.
тағкиб 1. преследование; 2. бдительное и неуставное наблюдение; 3. слежка, негласный надзор.
таямоқ опираться.
таянмоқ *возвр.* от таямоқ опираться; кетар, кетар изи йўқ, таянмоққа тизи йўқ *заадка* бежит, бежит – следу нету, опереться бы – колена нету (Воды реки).
таянч 1. опора, подпорка; опорный; ~ нуқ-таси *физ.* точка опоры; ~ бўлиб хиз-мат қилмоқ служить опорой; ~ пунк-ти *воен.* опорный пункт; 2. *перен.* под-держка, оплот; Ёшлар – жамият ~идир молодежь – опора общества.

тақ звукоподражание стуку; --- томдан қор ёғди *заадка* тук-тук – и с крыши снег валит (Сито).
тақа подкова; ~ қоқмоқ ковать, подко-вывать (напр., лошадь).
тақамоқ упираться, ставить вплотную; \emptyset деворга ~ (буке. припереть к стене) при-жать в угол; привести в растерянность, нанести поражение.
тақачи кузнец (изготавливающий подко-вы и кующий лошадей); *см.* также тсмирчи.
тақдим: ~ этмоқ (қилмоқ) преподносить (подарить), представлять; китоб ~ қилмоқ преподносить (подарить) кни-гу; мукофотга ~ қилмоқ представить к награде.
тақдимот презентация; презент.
тақдир 1. предопределение, судьба, рок; ~нип балоси кўп, сақласа паноси кўп *посл.* у судьбы много напастей, сохра-нить от них у неё много укрытий; шум ~, қора ~ злой рок; 2. случай; бу ~да в этом случае, если так; \emptyset ~ тақозоси би-лан волею судеб; ~га таи бермоқ пок-оряться судьбе; смириться с судьбой; свыкаться.
тақдирламоқ оценить (заслуги).
тақилламоқ издавать стук, стучать (о предметах); эшик тақиллапти в дверь стучат.
тақилмоқ *страд.* от тақмоқ прицеп-ляться, быть прицепленным, привешиваться, прикалываться, привязываться.
тақир 1. *геогр.* такыр; 2. гладкий, голый, не имеющий на своей поверхности ни-чего; ~ чўл голая степь; ~чоқ тўбада той ўйнар *заадка* на такыре стригу-нок игриво скачет (Бритва); \emptyset ~ бош лысый; плешивый; ~ бошдан тароқ сўрама *погов.* шутл. не спрашивай у лысого гребёнки; *соотв.* к босому за сапогами пошёл.
тақиқ запрет; запрещённый; ~ этмоқ (қилмоқ) запрещать.
тақиқламоқ запрещать, воспрещать.
тақлид подражание; ~ қилмоқ подра-жать; ~ билан тонг отмас *посл.* (буке. от подражания рассвет не наступит),

т.е. не надо кому-либо слепо подражать, а учись всему сам и иди своим путём.

тақмоқ 1. прицеплять, нацеплять, привешивать, прикалывать; 2. сваливать (*вижу на кого-л.*), приписывать (*кому-л.*); *бу айбни менинг бұйымга тақма* не сваливай эту вину на меня.

тақсим деление, разделение, раздел, распределение; ~ *қилмоқ* делить, разделять, распределять.

тақсимламоқ делить, разделять, распределять, раздавать.

тақсимот распределение, разделение; *даромад* ~и распределение дохода; *меҳнат* ~и разделение труда.

тақсир *уст.* почтенный, сударь, господин.

таққос соответствие, аналогия; ~ *қилмоқ* сопоставлять, проводить аналогию.

таққосламоқ проводить аналогию, сопоставлять, сравнивать.

тағин нареч. ещё, опять, снова.

тағлика опасность, угроза; ~ *ўтди* опасность миновала; \emptyset ~*та* **тағимоқ** быть охваченным тревогой, опасением, страхом.

тағхир редакция, редактирование; ~ *қилмоқ* (*этмоқ*) редактировать.

тағсил учение, учеба, обучение.

тағсин 1. одобрение, похвала; восхищение; ~ *айтмоқ*. ~ *ўқимоқ* одобрять, хвалить, восхищаться; 2. *межд.* bravo.

тебранмоқ 1. двигаться; 2. качаться, колебаться; 3. *переч.* колебаться; *тебранди*, *жони йўқ зағадка* дрожит, а не живое (Землетрясение); *подшоинг тахти тебрана бошлади* царский трон заколебался; \emptyset *тепса тебранмас* неодобр. (*бука* если пнуть – не пошевелится); неподвижный, инертный; тяжёлый на подъём.

теварақ окружность, окрестность; ~*да* вокруг; *мактаб теvaraғида* вокруг школы; ~*дан* со всех сторон.

тегизмоқ *понуд.* от **тегмоқ**, заставлять (*позволить*) касаться (*трогать*); *ҳеч нарасага тегизманг* не позволяйте ничего трогать; *қўл* ~ трогать рукой, прикалывать руки; \emptyset *тил* ~ (*бука* прикасаться языком) задевать (касаться) в

разговоре; упомянуть; поносить, оскорблять (*кого-л.*); *тегизиб гапирмоқ* упрекать; задевать за живое, язвить, говорить колкости; *унга тил тегизманг* не задевайте его; не говорите о нём плохо.

тегирмон мельница; *игна тегмасдан қон*, ~ *бермасдан ун*, *теша тегмасдан устун зағадка* иголкой не кольнули – уж кровя, на мельницу не ходили – уж мука, *тешой* не обстругали – уж столб (*Джида*); ~ *навбати билан посл.* мельница по очереди обслуживает; *соота* всему свой черед; ~*да туғилган сичқон*, *момақалди роқ товушидан қўрқмас* *погов.* *шутл.* мышь, родившаяся у мельницы, раскатов грома не страшится; \emptyset ~*та* *тушса*, *бутун чиқади* (*бука* упав в мельницу, он выйдет целым) шустрый человек (который вывернется из любого положения) *соота*, и сквозь сито и сквозь решето проскочит; *бошингда тегирмон тоши юргизаётirmanми?* (*бука* разве я кручу мельничный жёрнов на твоей голове?) разве я мучаю тебя?

тегирмончи мельник; \emptyset ~*нинг ўринга кўсани уйғотиб қўймоқ* (*бука* разбудить безбородого вместо мельника) бить мимо цели; ошибиться; попасть пальцем в небо; *чол деб* ~*ни тутмоқ* (*бука* поймать мельника вместо старика) обзнаться, принять кого-н. за другого, что-н. за другое; *соота* не каждый старик твой дедушка.

тегишли 1. надлежащий, соответствующий; ~ *равишда* надлежащим образом; ~ *чоралар кўрмоқ* принять надлежащие меры; 2. относящийся; 3. следующий; 4. принадлежащий.

тегмоқ 1. касаться, прикасаться; *шилдир-шилдир сув кечар*, *оёғи сувга тегмас зағадка* шлёп-шлёп по воде переходит, ногами воды не касается (Неродившийся жеребёнок); 2. трогать; *ҳеч нарасага тегманг* ничего не трогайте; 3. задевать; 4. попадать (*в цель*); *ўқ* *тегди* пуля попала; \emptyset *кўз тегмасин* чтобы не спазить; *қўлим тегмайди* мне некогда; *жонга* ~ надоедать; *арга* ~ вы-

ходить замуж; **теккапта тегади, тегмагянга кесая отади** неодобр. озорник, проказник; приставала (о кавераном, нахальном, назойливом человеке).

тежамкор бережливый; бережливо.

тежамоқ экономить, беречь.

тез 1. скорый, быстрый, стремительный; скоро, быстро, стремительно; ~ **ирмоқ** быстро ходить; ~ **юрган** ~ **чарчар** посл-кто быстро пошел, тот быстро устал; **соота** поспешишь — людей насмешишь; ~ **сурьат** быстрый темп; 2. беглый; ~ **ўқин** беглое чтение; 3. перен. вспыльчивый, раздражительный, невыдержанный; у одам жуда ~ этот человек очень вспыльчивый; **о жақли** ~ (одам) злой, раздражительный (человек); **зеҳни** ~ сообразительный, сметливый; ~ **орада** скоро, в ближайшее время.

тезламоқ 1. торопить, подгонять; 2. натравливать; **хўроларни бир-бирига** ~ натравливать петухов друг на друга.

тезлатмоқ помуд. от **тезламоқ** ускорять, торопить, подгонять.

тек спокойно, тихо, смирно; ~ **турмоқ** стоять без движения, молчать; **хамма** ~ **қолди** все замолчали.

текин даровой, бесплатный; ~га даром, бесплатно, безвозмездно; ~га **мушук ҳам офтобга чиқмайди** погов. за даром и кошка не выйдет на солнце; даром никто ничего не делает; ~ **сирка асалдан тотди** погов. даровой уксус слаще мёда; **сув** ~ (почти, как) даровая вода, т.е. очень дешёво, почти бесплатно; **соота** дешевле пареной репы.

текияхўр дармоед, паразит.

текис 1. ровный, гладкий; 2. мерный, плавный, ритмичный; 3. разг. красивый (о человеке).

текисламоқ ровнять, выравнивать.

текишириш 1. проверка, поверка, ревизия; 2. исследование; **қовни** ~ исследование крови; 3. расследование; 4. разбор.

текиширмоқ 1. проверять, обследовать; 2. исследовать; 3. расследовать; 4. разбирать.

телба 1. юродивый; помешанный; безу-

ный; ~ **тенги билан, атаги энги билан** погов. юродивый с юродивым, как рукава с подолом; **соота** свояка свояка видит издалека; поп пола, дурак дурака и знают; 2. перен. капризный, бурный; сумасшедший; ~ **дарё** капризная, бурная река; **о** ~ **линг териси қалин** у дурня толстая шкура (говорится о человеке, которого словом не проймёшь); **соота** хоть код на голове теши.

телебишқарини телеуправление.

телемарказ телецентр.

телетомошабин телесмотритель.

телекўрсатув телепередача.

телеингиликлар теленовости.

телехикоя телерассказ.

теппак теплая меховая шапка.

темир железо; железный; ~ **йўл** железная дорога; **тўрт оёқли**, ~ **туёқли** загадка о четырёх ногах, с железными копытами (Конь); ~ **қўрғон ичида**, **қизил тойчоқ ўйнайди** загадка в железном городке красный жеребёнок скачет (Язык); ~ **ни қизигида бос** посл. куй железо пока горячо; ~ **ни занг емиради, одами** — **қайгу** посл. ржа ест железо, а печаль — человека; **о** ~ **қанот бўлмақ** оперяться (о птицах); ~ **қошу** кнжн. железный (непреложный) закон.

темиратки мед. лишай (накожная болезнь).

темирчи кузнец; кузнечный; ~ **нинг дами** кузнечный мех; **о отанг ~ми?, отанг ~ўтганми?** (бука. твой отец был кузнецом что ли?) что ты мелешь одно и то же?, что ты заладил одно и то же? **соота** заладила сорока Якова; тарихит, как бадя с горохом.

тенг 1. равный, одинаковый, поровну; ~ **бўлақлар** равные части; ~ **бўл** раздели поровну; ~ **ҳуқуқли** равноправный; 2. наравне; **хамма билан** ~ **ишламоқ** работать наравне со всеми; 3. ровня; **унинг ~и эмасан** ты ему не ровня, он тебе не пара; ~ **и билан, тезак қопи билан** погов. ровня с ровней, а кизяк со своим мешком; **соота** куда нам соваться с суконным рылом в калашный ряд; **о** ~ **и йўқ** одобр. бесподобный, превосход-

ный; ~ шерик компаньон (на равных правах).

тенгдош ровесник, сверстник.

тенглама мат. квадратное уравнение.

тенгкур сверстник, ровесник.

тентак 1. глупый, придурковатый; глупец, дурак; олух; ~ түрни бермайди посл. неодобр. дурак никому не уступит почетное место; 2. буйный, непокорный, капризный; ~ дарҕи буйсундирмоқ покорять бурную (капризную) реку.

тептирамоқ шататься без дела, бродить.

тепа 1. холм, бугор; юмалоқ ~да қилч ұйнар загадка на пологом холме меч пляшет (Бритава); 2. верх, вершина, верхушка; дарахт ~сида на верхушке дерева; 3. на, над, к, ко; том ~сида на крыше; ◊ ~ сочи тикка бўлди у него волосы дыбом встали.

тепки I 1. пинак, толчок; ~ смоқ получить пинок; 2. воен. спусковой крючок; ◊ ~ арава уст. велосипед.

тепки II мед. свинка (болезнь).

тепкиламоқ 1. пинать, лягать; 2. топтать; 3. перен. унижать, оскорблять.

тепмоқ 1. пинать, лягать; отни тепмайди дема, итти қолмайди дема погов. (букв. не думай, что лошадь не будет лягать, а собака не будет кусать) к собаке саади подходи, а к лошади — спереди; 2. топтать; притаптывать, утаптывать, затаптывать; лой ~ топтать глину, месить глину ногами; калта момом лой тепар загадка маленькая моя тётя глину месит (Сакич — жевательная смолка); теңдим, теңдим, теракка чиқдим загадка пнул, топнул — и на тополь влез (Лестница); 3. биться (о сердце); ◊ сўзиниг (гәпиниг) белига ~ перебить (прервать) разговор на самом интересном месте; ишнинг белига ~ нанести серьёзный ущерб делу (работе).

тер пот, испарина; ~га ботмоқ обливаться потом, сильно потеть; ~га ботган роҳат кўрар посл. кто в поте лица трудился, тот познал усладу; ◊ ~ түкиб... (букв. проливая пот) в поте лица; ~га

пишиб в поте лица, обливаясь потом. терак тополь; уауи ~, ичи ковак загадка длинный тополь, внутри полый (Камыш); ◊ «Оқ ~ми, кўк ~?» название детской игры; буйи ~дай долговязый, длинный, каланча.

тергамоқ 1. допрашивать, расспрашивать; 2. производить следствие, расследовать, вести допрос.

тергов следствие, дознание, расследование.

тери кожа, шкура; кожный; кожаный; кожевненный; оппоқ, семиз, мойи йўқ, ~си қалин, жузи йўқ загадка белый, толстый, жиру нет, с толстой кожей, шерети нет (Тыква); ~ пишириш обработка кожи; қўй ~си овечья шкура; ~ заводи кожевненный завод; ~ касалликлари кожные болезни; ◊ хурсанд бўлганидан ~сига сизмади он от радости вне себя; ~сига сомон тикмоқ драть (жого-л.) как сидорову козу; ~си юпка обидчивый, не терпящий замечаний, шуток и т.д.; ~си қалин 1) толстокожий; 2) перен. наглый; не реагирующий на замечания; ~ түнини тескари киймоқ (букв. надеть свой тулуп наизнанку) упрячиться, артачиться, настроиться против.

терим сбор, уборка; уборочный; пахта ~и сбор хлопка; ~ машициси уборочная машина.

терлама тиф; тепкили ~ сыпной тиф.

терламоқ потеть; терлаб кетмоқ вспотеть; ◊ терлаб-пишиб обливаясь потом; со всем усердием, старательно, не щадя сил.

терма сборный; ~ команда сборная команда.

термоқ 1. собирать, убирать; пахта ~ собирать хлопок; 2. расставлять, укладывать, складывать; китобларни тоқчаларга териб қўймоқ расставить книги по полкам; 3. отбирать, выбирать; булардан энг яхшиларини териб олигиз этих отберите лучшие; ◊ без ~ попршайничать; без тер презр. попрошайничать (чем жульничать).

террор террор; ~ қилмоқ терроризировать.

вать.

террорчи террорист.

терслик упрямство; ~ **қилмоқ** упрямит-ся, артачтысь.

тесқари изнанка, оборотная сторона; противоположный, обратный, вверх ногами, наоборот, наизнанку; **дастурхолишип** ~си обратная сторона скатерти; **қўйлақни** ~ **киймоқ** одевать рубашку наизнанку; ~ **томоғга қараб кетмоқ** идти в обратную сторону; **0** ~ **ўғирилмоқ** (бурилмоқ, қарамоқ) отворачиваться; **улар бир-бирлари билан** ~ **бўлиб қолишди** они поссорились друг с другом; ~ **одам упрямый человек**; **тўйиши** ~ **кийиб олди он** заупрямился; **иши** ~ **кетди ему** не повезло; ~ **дуни** прсватный (изменчивый) мир; ~ **йўл тутмоқ** поступать (делать) наоборот; **бировнинг деворили** ~ **урмоқ** (бука. лепить кому-либо забор наоборот) подкладывать свинью; **мен сизнинг деярингизни** ~ **урдимми?** что я вам плохого сделал?

тетик бодрый, зоровый; бодро; ~ **чол бодрый старик**; **ўзининг** ~ **тут** держи себя бодро, не падай духом.

техникавий технический.

теша теша (орудие тила маленького топорика); **0** ~ **тегмаган** разг. совершенно новый, свежий; ~ **тегмаган гап-лар разг. шутл.** свежие удивляющие всех новости, известия, вести; оригинальные, интересные разговоры.

тешик дыра, отверстие; дырявый; **миглаб игнани кўрдим, тешиги йўқ ҳеч бирин зағадка** видел я тысячу игл, и ни на одной нет ушка (Ёж); **бир** ~ **да қамма олам зағадка** в одной щёлочке весь мир (Уши); ~ **қулоқ эшитади** погов. слухом земля полнится (бука. ведь уши не заткнуты, всё равно услышат об этом); **0** **бурун тешиги** ноздря; ~ **томоқ** (бука. открытая глотка); едок, рот; ~ **кулча** (бука. лепёшечка с дыркой); сушка.

тешмоқ продырявливать, пробивать, проделывать отверстие; **ҳақкам чўлоқ ер тешар зағадка** сорока-хромоножка землю ковыряет (Капля дождя); **0** ~ **те-**

шиб чиқади раз. црон. боком выйдет (дармовщина); ... **тешиб чиқсин разг. бран.** пусть поперёк горла встанет; ... **тешиб чиқадими** црон. что, поперёк горла что ли встанет?

тиббий медицинский; ~ **ёрдм** медицинская помощь.

тивит пух; пуховый; ~ **рўмол** пуховый платок.

тиз колено, колени (см. также тизла); ~ **чўкмоқ** 1). становиться на колени; 2). перен. просить, умолять; сдаваться; **0** ~ **чўктирмоқ** поставить на колени; **тиз чўкиб** яшагунча, **тик туриб ўлган** яхши **посл.** лучше умереть стоя, чем жить на коленях; **соота** жизнь на коленях позорнее смерти.

тизза колено; колени; ~ **чўкиб ўтирмоқ** сесть, поджав под себя ноги; **иштонсиз** ~си **йиртиққа кулар** **посл.** (бука. у самого штанов нет, а смётся над тем, у кого порваны колени) **соота**. в чужом глазу соломинку видит, а в своём бревна не замечает.

тизма цепь; ~ **тоғлар** горная цепь.

тизмoқ 1. навизывать; **инга мунчоқ** ~ навизывать бусы на нитку; 2. выстраивать в один ряд.

тийин тийин; копейка; **беш** ~ пять тийинов; **0** ~ни ~га **уламоқ** сводить концы с концами.

тиймоқ 1. удерживать, сдерживать; **қорнинг оғриси** ~ **нафсингни тий** **посл.** если у тебя болит живот ~ умерь аппетит (т.е. свою жадность); 2. утихомиривать, унимать, укрощать, обуздывать; 3. запрещать.

тик 1. отвесный, крутой; 2. **мат.** перпендикулярный; 3. прямой, прямо; **кундузи юради-юради, оқшом** ~ **туради зағадка** днём ходит, бродит, вечером смирно (прямо) стоит (Трость); ~ **йўл** прямая дорога; ~ **қарамоқ** смотреть прямо.

тикан колючка, шип, заноза; колючий; ~ **бўлиб оёққа қадалгунча, гул бўлиб жўкракка санчил** **посл.** не колючкой к ноге прицепляйся, а цветком на груди быть старайся.

ТИКИЛМОҚ страд. и возвр. от **ТИКМОҚ**

1. втыкаться (быть втыкаемым); 2. шиться; 3. уставиться, пристально смотреть; **тикилиб қарамоқ** смотреть пристально (внимательно); **тикилган қозон қайнамас** погов. (бука. котёл, на который уставились в ожидании, не сразу закипит), т.е. в ожидании время долго тянется; когда спешишь (ждёшь), не дождёшься, как назло; \diamond **тикилиб тургани шу разг.** единственный ребёнок у него; у неё вся надежда на этого ребёнка.

ТИККА 1. прямой, вертикальный, прямостоящий; прямо, вертикально; ~ **тош йўл** прямая шоссеяная дорога; ~ **боринг** идите прямо; **вертолёт** ~ **кўтарилди** вертолёт поднялся вертикально; 2. крутой, отвесный; круто, отвесно; ~ **кўтарилган қоя** отвесная скала; \diamond **сочи** ~ **бўлди** у него волосы поднялись дыбом.

ТИКЛАМОҚ 1. ставить прямо; поднимать; 2. восстанавливать; **хўжаликни** ~ **восстанавливать** хозяйство.

ТИКМОҚ 1. втыкаться; 2. сажать (растение); 3. шить; **хаммага тўн тикаман**, **ўзим ялангоч зағаджа** всем халаты шью, а сама голая кожу (Игла); \diamond **кўз** ~ **уставиться**, вперить взор.

ТИКРАЙМОҚ см. **БАҚРАЙМОҚ**; **маталим матти**, **қулови қатти**, **қозонга солсам**, **тикрайиб ётди зағаджа** зағадочка – зағадка, ушки твердоваты; в казан опустила – глаза выпучили (Чучвара).

ТИЛ 1. язык, речь; она ~и родной (материнский) язык; ~ини билсанг, дилига йўл топсан *посл.* познаешь язык – дорогу к сердцу найдёшь; ~ кичик бўлса ҳам, дунёни бузиб тутадади *посл.* язык хоть и мал, а может перевернуть мир и снова поставить его на место; *соотв.* язык мал, да горы качает; ~суяксиз *посл.* язык без костей; *соотв.* всякая сорока от своего языка погибает; ~ – **ақл тарозиси** *посл.* язык – весы (мерило) ума; ~га эътибор – алга эътибор *посл.* внимание языку – внимание народу (уважаешь народ – уважай и его язык); ~инг билан дилингни бир тут

посл. язык и сердце пусть едины будут (т.е. будь прямодушным и правдивым; не говори обратное тому, о чем думаешь); ~сиз, ақл ўргатар зағадка без языка, а разуму учит (Книга); 2. воен. язык (пленный, от которого можно добыть нужные сведения); \diamond ~га кирмоқ заговорить; ~и аччиқ (или заҳар) *неодобр.* язвительный, злоязычный человек; ~и бошқа, дили бошқа *презр.* на словах одно, в душе другое; лицемер, неискренний человек; ~и бурро он хорошо говорит, он боек на язык; ~и уаун тот, кто не боится смело говорить; ~и қисиқ тот, кто зависит от кого-н.; ~и бир қарич тот, кто много говорит; тот, у кого язык подвешен; ~ бириктирмоқ сговориться; уларнинг ~и бир они сговорились; айтишга ~им бормайди я не посмею сказать; ~ тортайғи ўлди он умер моментально; боланинг ~и чиқиб қолди ребёнок уже говорит; ~га келмоқ начать говорить; ~га кирмоқ обрести дар речи; ~дан~га кўчмоқ передаваться из уст в уста; ~дан қўймаслик (туширмаслик) всё время вспоминать, беспрестанно говорить; соат ~и стрелка часов; ~ини тишлаб қолмоқ прикусить язык; сожалеть, раскаиваться; ~инига шакар (бука. сахару тебе на язык) твоими устами да мёд бы пить.

ТИЛАК 1. желание, стремление, мечты; **тилагим икки билагимда** *посл.* мое счастье в моих (сильных) руках; 2. пожелание; 3. просьба; **сиздан битта тилагим бир** у меня к вам есть одна просьба.

ТИЛАМОҚ 1. желать, хотеть; **яхшилик** ~ **пожелать** всего хорошего, выразить благожелание; **бировағи ўлим тилагупча**, **ўзингга умр тила поғоя** чем желать другому смерти, лучше пожелай себе здоровья (жизни); 2. просить; **тилаб олган боламини эчки тегиб ўлдириди** погов. (бука. ребёнка, которого я выпросила у бога, лягнув, убила коза) с таким трудом добыл, и того лишился.

ТИЛАНМОҚ возвр. от **ТИЛАМОҚ** кланяться;

нищенствовать; попрошайничать; тиланганинг тўрваси тўлмас посл. у выключивающего (просящего) сума не заполнится.

тиланчи попрошайка, нищий.

тилим ломоть, кусок; **бир** ~ қовун ломтик дыни.

тилимламоқ резать ломтями, полосами. **тилка**: --пора қилмоқ раздирать на части (куски), разбивать в дребезги, кромсасть.

тилла 1. золото; золотой; йўрғакланган маликам, ~ сочи бир тутам зағадка у запеленатой принцессы выбылась пряда волос золотых (Кукуруза); 2. *ист.* золотой, золотая монета.

тиласимон золотистый.

тилло то же, что тилла; \emptyset ~ қош эти корона (женское украшение); --га тортиб олмоқ дорого обойтись (кому-л.).

тилмоқ 1. разрезать полосами; разрезать на ломти; 2. пилить; **тахта** ~ распиливать бревна на доски.

тилхат расписка.

тилчи лингвист, филолог, языковед.

тилшунос языковед, лингвист.

тилшунослик языкознание, лингвистика.

тимдаламоқ царапать.

тимсоҳ крокодил.

тивгламоқ слушать, внимать.

тиним покой, отдых, передышка.

тивиш передышка; \emptyset ~ белгилари грам. знаки препинания.

тивик прозрачный, чистый, отстоявшийся (о жидкости); светлый (о цвете); свежий, приятный (о лице).

тивка: --си қуриди он обессилен, он изнемог.

тинмоқ 1. отстаиваться (про жидкость); 2. успокаиваться; кўнгли тинди он успокоился; 3. прекращаться; стихать, умолкать; ёмгир тинди дождь прекратился; 4. отдыхать, быть в покое; **тинмай** ишламоқ работать без отдыха, не покладая рук; кўзим тинди у меня в глазах потемнело; я начал действовать вслепую, лишился здравого рассудка.

типтимоқ обшаривать, обыскивать, про-

изводить обыск.

тинтув обыск; ~ қилмоқ обыскивать, производить обыск.

тинч спокойный; мирный; спокойно, мирно; -- оққан сув ғарқ қилар погов. (бука тихое течение в реке утопит) соота. в тихом смуте черти водятся; тихая вода берега подмывает; ~ яшамоқ жить спокойно; жить в мире; --осоийшга мирный; мирно; \emptyset --ини бузмоқ встревожить, обеспокоить (кого-л.); --ини кўзаламоқ искать покоя, стремиться жить в покое.

тинчимоқ успокаиваться; утихать; умиротворяться.

тинчитмоқ понуд. от тинчимоқ успокаивать, водворять спокойствие; усмирять.

тинчлик 1. спокойствие, покой; 2. мир; ~ тарафдорлари сторонники мира; 3. тишина.

тинчликсевар миролюбивый; ~ халклар миролюбивые народы.

типирламоқ (типирчиламоқ) 1. трепыхаться, биться в конвульсиях; 2. топоропиться, спешить; \emptyset у оёғи куйган товукдай типирчилаб қолди он мечется, как угорелый (бука. как курица, обжёгшая ноги) соота. как угорелая кошка.

типратикан зоол. ёж.

тирак подпорка, опора.

тирамоқ подпирать; упирать.

тиржаймоқ скалить зубы; расплываться в улыбке.

тирик живой; арслоннинг ўлиги -- сичқоннинг тириги посл. мёртвый лев сильнее живой мыши; ~ қолмоқ выжить; ~ бўлиб сонда йўқ, ўлик бўлиб гўрда йўқ погов. (бука. и в живых не числится, и в мёртвых его нет); ни жив, ни мёртв; ~ этгани қуруқ этмас погов. живой человек с голоду не помрёт; соота. даст бог день, даст бог и пищу; \emptyset ~ бева соломенная вдова; ~ вази живой вес; ~ душман заядлый враг, -- жон живое существо; живой человек.

тириклайин нареч. живою, живьём.

тириклик жизнь; существование.

шибба трамбовка.

шиббаламоқ уплотнять, трамбовать, ут-рамбовывать.

шиваламоқ крапать, моросить (о дожде).

шивир-шивир звукоподражание шёпоту, шушуканью; ~ гаплашмоқ разговаривать шёпотом; шушукаться; ~ гаплар слухи, толки; қоронғи уйда ~ загадка в тёмном дому шепоток слышен (Шавля).

шивирлаб шёпотом, вполголоса; ~ гапирмоқ говорить шёпотом.

шивирламоқ шептать, нашёптывать, нашептать.

шивирғони шивиргани (сорт винограда).

шиддат интенсивность, сила, напряжение; тўлқин ~ билан қирғоққа урилди волны с силой ударились о берег.

шиддатли сильный, интенсивный; напряжённый; ожесточённый, жестокий; стремительный, порывистый; ~ жанг ожесточённый бой; ~ қужум стремительная атака; ~ совуқ лютый мороз.

шийпой 1. беседка, павильон; 2. полевой стан.

шикаст увечье; поломка; повреждение; ~ стказмоқ изувечить; повредить; ~ емоқ получить увечье (пострадать).

шикаста убитый горем; разбитый; ~ дил разбитое сердце; \emptyset ~ хат (бука ломаное письмо) скоропись (вид арабского письма).

шикоят жалоба; ~ қилмоқ жаловаться, пожаловаться; обжаловать; ~ қилиб ариза бермоқ подать жалобу.

шикоятчи жалобщик, заявитель.

шилдир звукоподражание шуму воды; \emptyset ~ сув разг. одна вода (об очень жидкой пище).

шилдирамоқ шелестеть, шуршать; журчать; шаркать; у ёққа ўтади қизгина, бу ёққа ўтади қизгина, қулоғига ҳалқа тақиб, шилдираб ўтади қизгина загадка снуёт туда девчушка, снуёт сюда девчушка, сергуь в ухо вдеа, го-моня, снует девчушка (Челнок).

шилиқ звукоподражание бульканью; оқ эчким ичи йўқ, суяги йўқ, гўшти йўқ; ўзи ~ ~ этади, юмалаб ерда этади загадка у козы моей внутри пусто, ни мяса, ни костей; сама глухо пощёптывает, развалившись полёживает (Бурдюк).

шилиқ I слизи; слизистый; ~ парда слизистая оболочка.

шилиқ II зоол. улитка.

шилимоқ 1. сдирать, обдирать; снимать шкуру; 2. обобратъ, обчистить.

шилниқ мед. 1. трахома; 2. больной, страдающий трахомой.

шилта 1. мокрый, вымокший; 2. грязь, слякоть.

шилқим назойливый, нахальный; надо-едливый.

шилқимлик назойливость; нахальство; ~ билан назойливо, нахально.

шим брюки.

шимармоқ засучить, засучивать; енгини шимариб қўймоқ засучить рукава.

шимимок 1. сосать; 2. впитывать, втягивать (в себя).

шимирмоқ 1. сосать, посасывать; 2. выпить залпом.

шиммоқ 1. всасывать, впитывать, вб-ирать; 2. сосать.

шимол север; ~и шарқ северо-восток; ~и-ғарб северо-запад.

шимолий северный; Шимолий қутб Северный полюс.

шинаванда 1. умеющий разбираться, знаток (в ком-чем-л.); 2. любитель.

шинам уютный; удобный; уютно; удо-бно; ~ уй уютная комната.

шингил 1. веточка; гроздь; 2. перен. небольшая часть; немного, малость.

шиор лозунг; девиз

шип I потолок; потолочный.

шип II звукоподражание шелесту, шороху, легкому шуму; ~ этди. Шивир-

гон кетди загадка шорох раздался – до Шивиргана довёсса (Молния).

шипилламоқ шелестеть, шуршать; шипеть.

шипнак чувяки; тапочки; шлёпанцы.

шипшимоқ шептать; шушукаться.

шира I сок, сусло; 0 ~ **богламоқ** 1) наливать соком; вызревать (о плодах); 2) довариваться (о пище); 3) *перен.* набирать силу, звонкость (о голосе); **кўзини** ~ **босди** он зазнался; он перестал замечать людей.

шира II тля.

ширавор сласти.

ширадор сочный; ~ **ўт** сочная трава.

ширач клейстер; сапожный клей.

ширачламоқ клеить.

ширгуруч молочная рисовая каша.

ширилламоқ журчать (о воде).

ширин сладкий; вкусный; сладко; вкусно; **ўзи болдан** ~, **еса бўлмади загадка** слаще мёда, а есть нельзя (Сон); ~ ~ **сўзласанг** – илон инидан **чиқар** *посл.* ласковым словом и змею сможешь выманить из норы; ~ **узун** сладкий виноград; **тили** ~ ласковый; ~ **хаёл** грёзы; ~ **хаёлга ботмоқ** грезить; **жони** ~ (он) дрожит за свою жизнь; ~ **сухбат** *одобр.* приятная беседа; ~ **сўз** *одобр.* 1) ласковое слово; 2) обходительный, вежливый; ~ **чай** 1) сладкий чай; 2) разг. приторный разговор.

ширинлик I. сласти, лакомство; 2. сладость, сладости.

ширкат ширкат, товарищество, сообщество, объединение; ~лар **тузмоқ** создать ширкаты.

ширмой *сдобная лепёшка; тепамда кўк дастурхон, дастурхонда* ~ **нон**; ~ **нон бир донадир, сииририлмас ҳеч қачан** *загадка* надо мной синее скатерть, а на скатерти лепёшка; та лепёшка лишь одна, её не крошат никогда (Небо, луна).

шитирламоқ шуршать, шелестеть.

шифй исцеление, выздоровление; ~ **топмоқ** исцелиться, выздороветь.

шифобахш целительный, исцеляющий; ~ **балчиқ** целебные грязи.

шифоланмоқ исцеляться, излечиваться,

выздоровливать.

шиш опухоль; шишка; отёк; **шиши қайтди** у него опухоль опала.

шина 1. склянка, бутылка; 2. стекло; ~ **банка** стеклянная банка; ~ **пай** стеклянная трубка

шишинмоқ 1. разбухать, набухать; 2. *перен.* зазнаваться, чваниться, задирать нос.

шишмоқ пухнуть, опухать, распухать; раздуваться; отекает; **оғри** **шиши** у него распухла нога; 0 **миям** **шишиб** **кетди** у меня вспухла голова; **димори** **шишибди** он загордился, стал высокомерным.

шишиллатмоқ 1. греметь, стучать (*погремушкой*); 2. защёлкать; **бармоқларини** ~ защёлкать пальцами.

шиқирламоқ звякать, греметь, звенеть; **қоронги саройда бузоқ пиқирлаб** **орзидан кўпик сочади** *загадка* в тёмном сарае телёнок расшумелся, и белая пена изо рта его валит (Мельница).

шов *заукоподражание лёгкому шуму, одномерному стуку; шов тегирмонный тоши, олтин эгарнинг қоши; шули топган йигитнинг юз йигирма икки ўши* *загадка* жёрнов мельницы шумливой, лука седла золотого; кто отгадку найдёт, сто двадцать два года проживёт (Зубы).

шоввоз молодец; боевой, бравый; **тили пўлат** ~, **сўзлай** **олмас беқораз** *загадка* язык стальной у молодца, без бумаги – ни словца (Ручка).

шонулламоқ шуметь, шелестеть; плескать; **сон-сапоқсиз қиличли, узун бўйли баҳодир; ётар узала тушиб, шонулла бехавотир *загадка* не счастье всех сабел у него, он высокий богатырь; словно в дрёме вниз склонившись, что-то шепчет тихо, мирно (Камыш).**

шов-шув I. шум; гам; гомон; ~ **гап** **молва, слух**; 2. сенсация; 0 ~ **кўтармоқ** **трубить, раструбить, поднимать шумиху.**

шовқин шум, крик; гомон ~ **кўтармоқ** **зашуметь; ~ солмоқ** **шуметь; нашуметь, расшуметься, ~ сурои шумиха; шум и гам.**

шоҶиқиламоқ шуметь, кричать, галдеть. **шоҶирд** ученик, подмастерье, подручный (у мастера); ~сиз олим – мевасиз дарахт посл. ученый без учеников – бесплодное дерево.

шод радостный, весёлый, довольный; **шод этмоқ** радовать, веселить.

шода связка, вяланка; **бир** ~ тешик кулча связка сушек.

шодиёна радостно, весело.

шодланмоқ радоваться; ликовать; веселиться.

шодлик радость, веселье; ликование; **бе-ниҳоят** ~ безграничная радость.

шоир шاعر, поэт; народный поэт-певец, сказитель; ~га уч парса лозим: сўз-у овоз ила соз посл. поэту нужны три предмета: слово, голос и музыка; ~ – сўзининг деҳқони, ҳикмат – хирмони посл. поэт – труженник поля слов, а мудрость – его хирман.

шоира поэтесса.

шоирона поэтический; поэтично.

шойи шёлк; шёлковый; ~ кўйлак шёлковое платье, шёлковая рубашка.

шол паралич; парализованный; **шол бўлиб қолибди** его парализовало.

шоли 1. шала (неочищенный рис); 2. рис (растение); ~нинг орқасидан курмак сув ичади погов. (бука за спиной риса и курмак пьёт воду) благодаря большому делу попутно осуществляется и маленькое дело; соотв. возле большого пожара и мы руки погреем.

шолиноя рисовое поле.

шолча палас, половики, коврики.

шолғом репа.

шом время после захода солнца, сумерки.

шон 1. честь, слава; **шон-шараф** честь и слава; 2. достоинство, благородство; **шону шавкат истасанг, шармандалик йўлидан кеч** посл. если желаешь себе чести и славы, то откажись от неправедного пути.

шона бутон хлопчатника.

шонвамоқ начать завязывать бутоны (о хлопчатнике).

шоналаш бутонизация.

шоли славный, доблестный.

шопирмоқ 1. переливать, перемешивать; 2. веять.

шотут чёрный тут (плод и дерево).

шоҳ 1 ветвь; ветка; сук; **шоҳ отмоқ** (чиқармоқ) ответвляться.

шоҳ II рог, рога; **ҳўқиз** шоҳли, буқа бўйишли, қийғир қанотли, эшак сағирли, туя оёқли зағадка с рогами воловьими, с бычьей шеей, с крыльями перепелятника, с крупом ослиным, с ногами верблюдьими (Сверчок); 0 **шоҳли** синдирмоқ (или қайирмоқ) обломать рога (кому-л.); **шоҳнинг чиқадими** разг. ирон. что это тебе даст?; что прибавится от этого?; **шоҳ ташламоқ** 1) хромать; 2) увильгивать, хитрить; 3) козырять, крутиться (о бумажном змее). **шохламоқ** ветвиться, разветвляться.

шоҳобча 1. небольшой проток, рукав реки; 2. ответвление; ветка; сеть; **темир йўл** ~си ответвление железнодорожного пути.

шошақон фблък расторопный; **кичкина хотин** ~, **кичкина қозон тошақон зағадка** маленькая женщина расторопна, маленький казан переполнен (Орех). **шошилич** спешный, срочный; ~ равишда (или суратда) спешно, срочно.

шошилмай медленно, не торопясь.

шошлмақ торопиться, спешить; **шонлиб** второпях, поспешно.

шошилтирмақ понуд. от шошилмақ торопить, поторапливать.

шоширмоқ понуд. от шошмақ 1. торопить; 2. исполнить; 3. оторошить.

шошмоқ спешить, торопиться; суетиться; **ишга** ~ торопиться на работу; **оёғи йўқ, қўли йўқ, шошиб чопиб чиқар** у; **улкан замиш бағридан, салом олиб чиқар** у зағадка не можешь рук и ног, торопится, бежит; **привет большой земли он принести спешит** (Родник); **шошганда «лаббай» топилмас** погов. (бука, когда торопишься, не можешь даже вспомнить ответного слова – «лаббай») когда очень спшишишь, не сразу найдёшь то, что ищешь; **шошган қиз эрга ёлчимас** погов. у торопливой девицы не бу-

дет хорошего мужа; *соога*. воробей торопился, да невелик родился; *шошмансанга*, тез етасан, шошганда *ўзиб кетасан* логот. не будешь торопиться – доберёшься быстрее и торопливого обгонишь; *соога*. тише едешь, дальше будешь; *шошма-шошар бўлса* киши – эл олдида кулгидир посл. над делами того, кто спешит, народ смеётся; *соога*. поспешить – людей насмешить; *о* *шошмай тур*, *сени.* угроза ну погоди!

шошқалоқлик торопливость, поспешность; ~ – *аҳмоқлик* логот. торопливость – неразумность.

шояд возможно, может быть, авось; ~ у *келиб қолса* возможно, он придёт.

шоҳ шах; царь, король; государь; аладыка; *о* *шоҳ асарлар* выдающиеся произведения литературы; *шоҳ роль* кишиж. коронная роль; *шоҳ сула* 1) глиняное возвышение во дворе для сидения; 2) кишиж. пьедестал почета.

шоҳид свидетель, очевидец; ~ *бўлмоқ* быть свидетелем.

шу мест. 1. этот, эта, это; *шу китоб менига керак* эта книга мне нужна; *шу киши билан бирга бўлдим* я был вместе с этим человеком; *шу орада* в это время; *шу ерда* здесь; *шу ерга* сюда; *шу ердан* отсюда; *шу ерлик* здешний; *шу ергача* досюда; *шу билан бирга* вместе с этим; *шу сабабли* ввиду этого, по этой причине; 2. в знач. сказ. вот, это и есть; *айтадиган ганим шу* вот это я и хотел сказать; 3. он, она; *мажлисда сўзлаган шу* это он произнёс речь на собрании; *о шу-шу* с тех пор, с той поры; *шу кам эди* ирон. только этого не хватало; *шу ҳам ганим* *неодобр.* разве это дело?; что за разговоры?; *шу аллозда* в таком состоянии; в таком духе; так.

шубҳа сомнение, подозрение, недоверие; ~ *қилмоқ* подозревать; заподозрить; ~ *билан* подозрительно; ~ *йўқ* нет сомнения; нет слов; ~ *тувдирмақ* возбуждать сомнения; зародить сомнения; ~га *тушмоқ* впадать в сомнение; сомневаться. **шубҳаланмоқ** подозревать, заподозрить;

сомневаться; у *мендан шубҳаланиб юради* он относится ко мне с подозрением.

шубҳали сомнительный, подозрительный; сомнительно; подозрительно.

шубҳасиз несомненный, неоспоримый; несомненно, бесспорно; ~, у *яхши ходим* бесспорно, он хороший работник. **шувалоқ** мазать, обмазать, замазать.

шудгор 1. вспаханное поле; бир балоси бўлмаса. – да *қуйруқ* на *қилур* посл. (бука. если бы ничего не было, то откуда в поле взяты курдюку) *соога* нет дыма без огня. 2. земля под паром; ~ *қилмоқ* вспахивать под зябь; *деҳқон бўлсанг* ~ *қил*, *мулла бўлсанг* *такрор қил* см. *деҳқон*; *кузги* ~ зяблевая вспашка, зябь.

шудгорламоқ вспахивать под зябь.

шудли способный, умеющий (всё делать).

шудринг роса; ~ *томчиси* капля росы; ~ *тушган майсозор* росистый луг.

шукур: *шунга ҳам* ~ спасибо и на этом; *соғлигингиз қалай?* – **Шукур**, *яхши!* как ваше здоровье? – Спасибо, хорошо!; *о* *худога* ~ *рел.* благодарение богу, слава богу; ~ *қилмоқ* довольствоваться тем, что есть; **борингга** ~ благодарен тебе (и судьбе, что ты есть на свете).

шум 1. озорник, проказник, шалун; 2. коварный, лукавый; злой; злополучный; приносящий зло, несчастье; шум хабар дурное известие; шум тақдир злосчастная судьба; *о* *шум камшир* злая старуха, ведьма; шум камшир, шумалоқ камшир, *икки бети юмалоқ камшир* загадка злая старушка, зловещая старушка, обе щеки надула старушка (Тандыр); ~ *така* проказник, шалун; ~*қидам* (или *оёқ*) *неодобр.* человек, приносящий своим приходом (*куда-л.*) несчастье; неудачник.

шумшаймоқ 1. корчиться, ёжиться; 2. дуться, хмуриться; наспириться; *о* у бир *ўзи шумшайиб қолди* он остался в одиночестве.

шумшук человек, свискавший себе не-любовь окружающих; ~ *бўлмоқ* всем оп-

ротиветь.

шундай так, таков, такой; ~ бўлса если так; ~ бўлса ҳам тем не менее; однако; ~ бўлиши керак эканда стало быть, так нужно; ~ қилиб таким образом; итак; ана ~ вот так, вот-вот; худди ~ именно так; ~ми вот как, разве; ~ депг 1) вот так и скажите; 2) что вы говорите.

шунча столько, столь, так, сколько; ~ нақтдан бери қарерда эдинг? где ты был столько времени?; ~ ўйласам ҳам эслай олмадим сколько я ни думал, никак не мог вспомнить; 0 ~ кетганинг бири (бука. еще одно из многого пропало) где наше не пропадало; за кем наше не пропадало.

шунчалик 1. настолько; до такой степени; 2. пустяковый, нестоящий; ~ гап экан-ку! только и всего!, какой пустяк.

шунқор 1. кречет; сокол; ~ ҳам қарийди, тулпор ҳам посл. и кречет придет к старости, и скакун тоже; икки ~ талашса, бир қарага ем тушар погов. где два сокола дерутся, там одна ворона может прокормиться; соота. орлы бьются, а молодцам перья достаются; пастухи за чубы, а волки за овец; 2. шункар (символическое обозначение грозного воина, богатыря); Бойсиндан қуюлган ~ бўламан («Алпомиш») возмужавшим в Байсуве шункаром буду я...

шунъла 1. луч, свет; ой ~си свет луны; 2. пламя; зарево; Ёнгил ~си зарево пожара.

шунулламоқ заниматься; вести; ўқувчилар билан ~ заниматься с учениками.

шунхрат слава, известность; популярность; ~ қозонмоқ прославиться; донога иш - шоуа ~ подога иш - гаму кулфат посл. для мудрого работа - слава и честь, для невежды работа - горе и мучение.

шунғимоқ 1. окунаться, нырять; 2. пикировать (о самолете); шўнғиб кетмоқ нырнуть; шўнғиб чиқмоқ вынырнуть.

шўр 1. солёный; шўр қилмоқ пересолить; 2. солончковый, засоленный; шўр ерда экин битмас посл. на солончаках урожай не произрастает; шўр сув солёная вода; 0 шўр пешона несчастная судьба; шўрим қурсин на моё горе; шўи шўрим! или шўримга шўрпа тўкилсин! разг. ах, я несчастный; боже ты мой; унинг ~и қуриди его постигла неудача ~инг қуррур бедный, бедняга, несчастный; ~ини қуритмоқ обездолять (жаго-л.); навлячь беду (ча кого-л.).

шўра I лебеда; бу ёққа ўтди лоп-лоп, у ёққа ўтди лоп-лоп; «Шўра» деди, қўймади, ютаверди сонлаб загадка туда прошёл топ-топ, сюда пришел топ-топ, ухватился за лебеду - и ну глотать подчистую (Верблюду).

шўра II бутон винограда перед цветением.

шўрва шурпа, суп; ер тагида кумуш қунла, ~ қилсанг келар кунда загадка под землей серебряная ступа, шурпу затеешь - придет всегда (Лук); эт - этга, ~ - бетга погов. одоб. мясо к мясу, шурпа - к лицу; 0 ~сининг ~си пренебр. (букв. похлёбка от похлёбки) соота. седьмая вода на киселе; ~га йи-қилгур шутка. чтоб тебе пусто было; ох, ты озорник.

шўрви беспорядок, суматоха; 0 ~ солмоқ устраивать неприятность, поднять суматоху; бедокурить; ~и галяю неприятности, суматоха.

шўрлик I солёность, пересол; оқатнинг шўрлиги солёность еды.

шўрлик II 1. несчастный, бедный; бедняжка; ~ она бедная мать; ~ка йўл ўйилур погов. перед горемыкой дорога в рывтинах и ухабах; 2. несчастье, беда; бошига ~ тушиди на его голову обрушилось несчастье.

шўртанг солёный.

шўртумшук необщительный, неуживчивый.

шўрхок солончак.

шўх 1. шаловливый, озорной; озорник; сорванец; шўх бола шалун, шалунишка; 2. весёлый, резвый, живой; бола бўлса

– шўх бўлсин, шўх бўлмаса – йўқ бўлсин погов. лучше иметь ребёнка шустро́го (энергичного) или никакого; 3. перен. игривый, задорный, веселый, ухарский; шўх йигит веселый разбитного пареня; шўх отга – пўлат жилво погов. для ретивого коня – стальные поводья.

шўхлик 1. шалость, озорство; ~ қилмоқ шалить, озорничать; 2. резвость, весёлый нрав; тўқликдан чиқар ~ с.м. тўқлик.

Э

э межд. эй, э, ай, ах (выражающие возражение, удивление, недовольство, сожаление); э, қўйсангиз-чи ах, оставьте (это); 0 э, ўлганинг яхши пренебр. эх, как тебе не стыдно; лучше тебе умереть, чем...

эв: ~и билан в меру, умеренно; в пределах допустимого.

эвара правнук; правнучка.

эвоқ межд. увы.

эга 1. хозяин, владелец, обладатель; ~ бўлмоқ владеть, обладать; мамлакатимиз катта табиий бойликларга ~ наша страна обладает большими природными богатствами; бовгда булбул сайрайди, ~лари сўзлайди зағадка в саду соловей поёт, его владелец рассказывает песнь (Дугар); ~си минг пойласин, ўғри бир пойласин посл. хозяину тысячу раз стеречь, а вору достаточно один раз подстеречь; ~сини сийлаган итнга суйак ташлар погов. кто уважает хозяина, тот бросит кость его собаке (т.е. если уважаешь хозяина, то уважай и его родных-близких); 2. грам. подлежащее; 3. разг. бог, господь; ~м мой бог; 0 гап ~си билан юрмайди (бука. слово с хозяином не ходит); соотв. скоро на хвосте принесла; ит ~сини тапмайди (бука. собака не узнает своего хозяина) полная неразбериха, бес-

порядок; весь дом вверх дном.

эгалик 1. право или положение хозяина; 2. обладание, владение (чем-л.); ~ қилмоқ хозяйничать; обладать.

эгалламоқ 1. овладевать, захватывать; 2. занимать; ўрин ~ занимать место.

эгар седло; отга ~ урмоқ седлать лошадей; отдан тушса ҳам, ~дап тушмайди с.м. тушмоқ; 0 ~ қош брови дугой; человек с изогнутыми бровями; ~ қоши передняя лука седла.

эгарламоқ седлать; 0 эгарланган отдек одобр. (бука. словно оседланный конь) юркий, расторопный; готовый (одетый, обутый).

эгат борозда; ~ тортмоқ делать борозды; ~ очмоқ нарезать борозды, бороздить.

эгизак двойня, близнецы.

эгилмоқ страд. и возвр. от эгмоқ; 1. склоняться, наклоняться, нагибаться; эгиллади, букилади, мевалари тўкилади зағадка горбится, наклоняется, плоды свои разбрасывает (Чигирь); ўзи катта, кичикка эгиллади зағадка сам большой, а перед малым склоняется (Чайник); эгилган бошни қилич кесмас погов. покорную (повинную) голову и меч не сечёт; Буучаам дарқаҳр бўлма, Рустамжон, Қурудимга кетган отанг келгандир. Қандай фарзанд отасига тиг тортар? Эгилган бўйиши кесмайди ханжар («Рустамжон»). Рустамджан, таким жестоким не будь! Вернулся отец твой, что в страну Курудым уходил. Какой же сын пронзает своего отца мечом? Повинную голову меч не сечет; 2. перен. гнуть спину (занимаясь домашним хозяйством).

эгмақ прям. и перен. гнуть, сгибать; нагибать, наклонять; бўйин ~ гнуть шею; покоряться.

эгов напильник, подпилочек; 0 умр ~и перен. 1) что-либо подтачивающее жизнь; 2) тот, кто постоянно пилит (кого-л.); ~ бўлмоқ перен. разг. надоедать, пилить.

эговламоқ точить, опиливать (подпилочком или напильником).

эгри кривой, согнутый; ~бугри искрив-

лённый, изогнутый; **отаси** ~ **боласи чо-пқир йўрга зағадка** отец – кривенький-хиленький, а сын – резвый иноходец (Приток, река); ~ **сига эт битар, суйри-сига сут битар посл.** кривизна исправится, со временем поправится (говорится о младенцах, которые рождаются некрасивыми, а вырастают хорошенькими); ~ **оғади, тўғри ўзади** погов. нечестный, криводушный (человек) собьётся с пути, а прямой (честный) – преуспее; **o қўли** ~ (человек) нечестный на руку; ~ **йўлга кирмоқ** сбиться с правильного пути; идти на преступление, на разврат; ~ **калтакка** ~ **тўқмоқ** для кривой палки – кривая колотушка; **соотв.** как аукнется, так и откликнется.

азгу книжн. благой; добрый; ~ **ини** святое дело, доброе дело, благодеяние.

азгулик книжн. благодеяние; доброе дело; ~ **линг кечи йўқ** посл. никогда не поздно сделать доброе дело.

эзилмоқ страд. и возвр. от **эзмоқ**; **эзилган қовун** мятая дыня; **юраги эзилди** у него сердце щемит (от жалости).

эзма болтливый; пустомеля; болтун; **o** ~ **чурук** надоедливо болтливый, многословный; пустомеля, пустослов.

эзмоқ 1. давить, мять; выжимать (напр., сок); 2. угнетать, притеснять; **o эзиб ичмоқ** 1) **суев.** растереть и выпить (напр., растолочь бумагу с написанной молитвой и выпить с бульоном и чаем); 2) **перен.** запомнить, заучить; собаку съесть (на чём-л.); **эзиб ташламоқ** 1) уничтожить, задавить; 2) **перен.** мучить, угнетать; **эзиб ёрмоқ** нудно моросить (о дожде).

эй 1. то же, что э; 2. эй, гей; эй, хола эй, тетя; **o эй, ўлманг** 1) многих нам лет; bravo!; 2) да что вы наделали!

экан оказываться; **бор** ~ **оказывается** есть; **у касал** ~ **оказывается**, он болен, **o бор** ~, **йўқ** ~ (притом сказка, обычный начин узбекских сказок) было или не было (жили-были).

экилмоқ страд. от **экмоқ**; сеяться, высеваться, сажаться; **ариқ бўйига да-**

рахт экилди вдоль арика посадили деревья.

экин посев; ~ **майдони** посевная площадь.

экинзор заселянное поле.

экмоқ сеять, засеивать; сажать; **сули** ~ **засеять** овсом; **кўчат** ~ **сажать** саженцы; **эксанг битар, иси ҳамма ёқни тутар зағадка** посеешь – взойдёт, кругом запах пойдёт (Райхан-базилик); **ҳар ким ақкашини ўрар посл.** каждый пожнёт то, что посеял, **соота** что посеешь, то и пожнёшь; **o экиб қўй прост.** ирон. оставь (что-л.) себе на память; **мне** твое добро не нужно; на чёрта оно мне.

эл 1. народ, люди; 2. страна; **чет элларда** за границей, в иностранных государствах; **эл-уруғ** родные, родственники; **Эсонбой акамнинг киссасини эл йиғилиб тиколмас зағадка** у Эсанбая-ака прохутился карман, и всем миром не могли починить (Расщелина в земле); **эл оғзига элак тутиб бўлмас погов.** (бува. рты людям не закроешь ситом); **соота** на чужой роток не накинешь платок; **эл ўғрисиз бўлмас, тўқай** – **бўрисиз погов.** народ не без воров, **туғри** (камышовые заросли) не без волков; **элга қўшилсанг, эр бўласан, элдан ажралсанг, ер бўласан** посл. будешь с народом – будешь молодцом, отделишься от него – будешь праком; **o эл бўлмаслик** неуживчивость, отчуждение; **эл қатори** наравне со всеми, наравне с другими (людьми); как все; **эл оғзига тушмоқ** прославиться; стать темой разговора; **эл ётар пайт** ночное время; время, когда люди ложатся спать; **элга дoston бўлди** (у) о нём все говорили; о нём пошла молва (хорошая или дурная); он стал притчей во языцех; **элдан бурун** ирон. раньше всех; раньше чем другие.

элак сито.

эламоқ протсеивать.

электрстегирмон электромельница,

эллик пятьдесят; **у** ~ **ка кирди** ему пятьдесят лет; **эл олмаса, ~ йил ётади** зағадка и пятьдесят лет не сгниёт, если

никто не возьмёт (Золото).
элтмоқ носить, относить; отвозить.
элчи 1. посол, посланник; 2. парламентар; ~га ўлим йўқ погов. посла не убивают; парламентёр неприкосновенен.
элчихона помещение посольства или консульства.
эмакламоқ ползать, ползти, ходить на четвереньках.
эман дуб; дубовый; ~ дарахтиниң эгилгави – сингани, эр йигитниң уялгани – ўлгани посл. для дуба согнуться – значит сломаться, а для молодца быть опозоренным равносильно смерти.
эмас не (отрицание); қозонда ~ қайнайди, қишин-ёсин тинмайди зағадка не в котле, а кипит, зимой-летом не утомонится (Родник); ёмон ~ неплохой, неплохо; мумкин ~ нельзя; невозможно; 0 йўқ ~ есть; не без того чтобы не было.
эмизик соска (для кормления ребёнка).
эмизикли 1. кормящая (мать); 2. грудной, сосущий грудь; ~ бола грудной ребёнок; ~ хотин иштаҳали бўлади посл. у кормящей матери всегда бывает аппетит.
эмизмоқ кормить грудью.
эмиш якобы, как будто; говорят; у келмас ~ якобы он не придёт; у билмас ~ 1) он якобы не знает; 2) ирон. он, видите ли, не знает; 0 —мемиш гаплар небылицы, слухи, молва.
эмламоқ производить прививку (против болезни).
эммоқ сосать.
эмоқ быть (недостаточный глагол); онап уйда йўқ эди мамы дома не было.
эмчак женская грудь; (см. также кўкрак); 0 ~ дан (или кўкрақдан) ажратмоқ отнять (ребёнка) от груди.
эн ширина; широкий.
эпага кормилица, бабка.
эпг самый; ~ яхши самый хороший, наилучший; ~ катта самый большой; ~ олдиш прежде всего.
эпгак подбородок; (см. также ияк); 0 ~ отмоқ хрипеть в агонии; быть при смерти; эпгагини боғласанг, тайёр мур-

да букв. если подвязать платком его подбородок – самый что ни есть покойник (по обычаю умершему подвязывают платком подбородок) соотв. живой покойник; краше в гроб кладут.
эпгашмоқ наклоняться, нагибаться, склоняться.
эпди теперь; только что; как только.
эпдиги теперешний, следующий.
эпкиймоқ склоняться, клониться; нагибаться; эпкайган чол согбенный старец; Эрназар бобом эпкаяди, калласи қипқаяди; тевараги тўп-тўп, ўртаси қип-қизил зағадка дедушка Эрназар нагибается, головой вниз склоняется; вокруг толпа-куча, посреди красным-красно (Просо); кеккайганга кеккайгин, бошинг кўкка этгунча, эпкайганга эпкайгин, бошинг ерга теккунча посл. перед горделивым держись гордо, а кланяющемуся тебе поклонись до земли.
эпни широкий (про материю).
эпламоқ справляться; ухищряться; ухитряться; изловчиться.
эпчил ловкий, умелый, расторопный, изворотливый.
эр 1. муж; эрга тегмоқ выходить замуж; эрга бермоқ выдавать замуж; эр – бош, хотин – бўйин погов. муж – голова, жена – шея; эру-хотин – қўш ҳўкиз погов. муж и жена – два вола в упряжке (т.е. трудности жизни разделяются поровну между мужем и женой); эру хотин уруши – дока рўмон қуриши погов. ссора супругов иссякнет прежде, чем кисея высохнет; соотв. милые бранятся – только тешатся; 2. мужчина; эр бола мальчик; 3. мужчина, мужественный человек; эр йигит ўзи учун туғилар, эли учун ўлар посл. истинный джигит рождается для себя, а умирает за свой народ; эр сўзидан қайтмас, шер – изидан посл. лев по следу не возвращается, муж от слова не отпирается; эрга навбат – шерга навбат см. навбат.
эргаш ~ гап грам. придаточное предложение.
эргашмоқ следовать, идти (за кем-л.);

увязаться (за кем-л.).
эримоқ 1. таять; 2. плавиться; 3. растворяться; қанд суида эриди сахар растворился в воде; 4. переи. эриб кетмоқ умиляться; растаять от удовольствия (поддаётся алиянню ласки, похвал и т.п.). эримоқ лениваться.
эриячак ленивый, лентяй, лодырь; — икки ишлар, охири бармоғини тишлар погов. ленивый делает двойную работу (т.к. не доделывает или переделывает) и в конце концов кусает палец (досадует); соотв. глупый да ленивый одно и то же дважды делают.
эритма раствор.
эритмоқ 1. растапливать, топить; 2. плавить, расплавлять; 3. растворять.
эришмоқ 1. достигнуть; добиться; биз галабага эришдик мы достигли победы; 2. добраться, дойти, доехать.
эрк воля, свобода; — бермоқ предоставлять свободу, давать свободу или волю.
эрка баловень, любимец; неженка; — тилинги чиқар покажи язычок (говорится ребёнку).
эркак 1. мужчина; ~ киши қирққа кирса қирчиллайди погов. сорок лет для мужчины — самый расцвет; 2. самец; — қўй баран (самец); ♀ ~нинг бурни бўлса бас бука. мужчине достаточно иметь нос (мужчине не обязательно быть красивым, лишь бы был умным); — сабзи одревеневшая морковь.
эркакламоқ одревенеть (о моркови, луке и т.п.).
эркаламоқ ласкать, нежить, баловать.
эркалик 1. избалованность; изнеженность; 2. переи. жеманство.
эркатой любимчик.
эрки свободный, вольный; свободно.
эрмак забава, развлечение; утешение, отрада; — учун для забавы, для потеха, ради развлечения; эртак — ~ сказка — забава; ♀ ~ қилмоқ забавляться (чем-л.); подсмеиваться (над кем-л.).
эрта 1. ранний; рано; утро; — турди, икки айри йўлга тушди загадка рано встав поднявшись, развилина в путь вышла (Брюки); — билап (~лаб) утром; —дан

кечгача с утра до вечера; 2. завтра; — ни ўйла думай о завтрашнем дне; бугун келмаса —га келади если не сегодня, то завтра придёт; ♀ ~ келинг, индин келинг неодобр. кормить (кого-л.) завтраками (бука, придите завтра, придите послезавтра).

эртаги 1. то что будет завтра; завтрашний; — думба мойдан бугунги шалқажши (см. шалқаж); 2. ранний (о фруктах, об овощах).

эртак сказка; — айтмоқ сказывать сказки; ўзбек халқ ~лари узбекские народные сказки.

эртакчи сказочник, рассказчик сказок; — аёл сказочница.

эс память; эсинг борида этагингни ёп посл. (бука пока ты в здравом рассудке, закрывай себе подол) пока не поздно, сделай свои дела; эсда тутмоқ помнить; эсга олмоқ вспоминать, припоминать; эсга тушмоқ прийти на память; вспомнить; эсга туширмоқ 1) напомнить; 2) вспомнить; эсидан (кўтарилимоқ, чиқмоқ) забываться, вылетать из памяти; эски-эски чопоним, эсимдан чиқмас чопоним, жанда-жанда чопоним, ёнимдан кетмас чопоним загадка старый, старый мой чапан, забыть нельзя про мой чапан, обносился мой чапан, всегда со мною мой чапан (Тень); эсингизда борми? помните ли вы? эсимда йўқ я не помню; ♀ эси кетди растревожился; измучился; лип этади, кириб кетади, чиқазолмай э инг кетади загадка враз вонзается, пока вытацишь — терзаешься (Колючка); эси чиқмоқ напугаться; эсини йингоқ собраться с мыслями, взять себя в руки; эсингизли еб қўйибсиз вы поглупели; эсинг ўзингдами?; ты в своём уме? в уме ли ты?; эси кириб қолибди он обзадумался, он поумнел; он стал взрослым; эсимни таниганимдан бери с тех пор как я стал помнить себя; эси наст глупый, глуповатый, недалёкий.

эса же, а, что касается; Карим ўқийди, мен эса ишлайман Карим учится, а я работаю.

эсанкирамоқ растеряться, опешить; испытывать головокружение, терять голову.

эсадали воспоминание, память; ~ дафтари памятная книжка, дневник.

эски 1. старый, изношенный; ~ уй старый дом; ~ кийим старая, изношенная одежда; бўлон-бўлон, ~ чопон, енгиямоқ, дарди томоқ загадка старый чапан, рукав заплатками ткан; дума у него одна - была бы только еда (Верблюду); ~ дўстлик зангламайди посл. старая дружба не ржавеет; ~ини имагунча, эсинг кестар погов. пока залатаешь старое, измучаешься (лучше сделать заново, чем переделывать что-л.); 2. старинный; ~қўл ёзма старинная рукопись; ~ урф-одатлар старые обычаи; 0 ~ ҳаммом, ~ тос (бука. та же прежняя баня, тот же прежний таз); соотв. а воз и ныне там; ~ гап (или ~ ашула) известный разговор; ~ дард застарелый недуг.

эскимоқ 1. изнашиваться, затаскиваться; 2. приходиться в ветхость; 3. стареть, устаревать.

эскирмоқ см. эскимоқ; эскирган сўз устаревшее слово, архаизм; эскирган ун залежалая мука.

эсламоқ помнить, вспоминать.

эслатма примечание.

эсли 1. умный, понятливый; 2. большой, старший (о детях, подростках).

эсмоқ дуть, веять (о ветре).

эснамоқ зевать, позёвывать.

эсон 1. здоровый, целый; невредимый; ~мисиз? как ваше здоровье? как выживаете?; ~ бўлсак кўришамиз будем живы-здоровы, увидимся (встретимся); 2. благополучный; благополучно.

эсхона (бука. вместителище памяти); ~си чиқиб кетди разг. он сильно перепугался.

эт 1. мясо (см. также гўшт); қўй эти баранина; этни тирноқдан ажратиб бўлмайти (см. тирноқ 1.); 2. мякоть (фрукта, плода); эти қалип қовун мясистая дыня; 0 эти сизники, суяги бизники (бука. его мясо принадлежит вам, а кости - нам) делайте что хотите с

моим ребёнком, только обучите его грамоте или ремеслу - так говорили прежде родители учителям-наставникам.

этак 1. подол, пола; ойни ~ билан ёниб бўлмас посл. луну подолом не закроешь; соотв. шила в мешке не утаишь; 2. край; 3. фартук (для сбора хлопка); 4. подножие, подошва; таъ этаги подошва горы; 0 ~ қоқмоқ покончить (с кем-л.); отречься (от кого-чего-л.); махнуть рукой; бир - очень много, уйма.

этик сапог, сапоги; сапожный; 0 икки оёғини бир ~ка тиқмоқ (бука. засунуть обе ноги в один сапог) упорно настаивать (на чём-л.); упорно требовать (что-л.).

эчкемар 1. зоол. варан (крупная ящерица); 2. эчкемар (сорт винограда).

эчки коза; кичкиш митти ~ни йиқитди загадка мал карпуз, а козу повалил (Нож); ~ни ҳам ўз оёғидан осадди, қўйни ҳам погов. и козу подвешивают за ноги, и овцу (каждый отвечает за себя; кто согрешил, тот и будет отвечать); қассоб мой қайғусида, ~ жон қайғусида погов. мясник думает о сале, а коза о своей жизни; ~нинг ажали етса, қассобни сузади погов. когда козе приходит смертный час, она бодает мясника; соотв. баловливая овца всегда волку корысть; ~нинг шохи, отнинг тўғи хавфли, нодоннинг - ҳамма ёғи посл. у козла опасен рога, у коня - копыта, а дурак опасен со всех сторон.

эшак осёл; ослиный; бир сурув эшагим бар, бари бир охурдан сув ичар загадка есть у меня табун ослов, все они из одних яслей воду пьют (Рот, зубы); кўп гап - ~ка юк посл. многословие - груз для ослов; ишим битди - эшагим лойдан ўтди погов. (бука. дело сделано - мой осёл прошёл через болото) дело сделано, а теперь знай как хочешь - и дружба врозь; эшагита ярана тушови погов. каков осёл, таковы и путы; эшагидан тўқими қиммат погов. потник дороже осла; соотв. сам осёл, а попона бархатная; 0 ~ мунчоқ ослиные бусы; дешевые украшения; ~ ўлдирар офтоб

бабье лето; ~нинг қуловига танбур чертгандек ирок. метать бисер перед свиньями (бука. играть на танбуре под ухо ослу).

эшик 1. дверь; Қоравой бунам ~ қўрир загадка мой дед Карабай сторожит в дверях (Замок); ~ очик бўлса ҳам, сўраб кир посл. хоть дверь открыта, без спроса не входи; 2. обл. двор, дом; 0 ~ка чиқмоқ 1) выйти во двор; 2) перен. выйти по естественным надобностям; бирвининг эшигида юрмоқ служить у кого-либо в качестве слуги.

эшилмоқ страд. от эшмоқ скручиваться (быть скручиваемым).

эшитмоқ слышать, слушать; эшитган бошқа, кўрган бошқа логов. одно дело услышать, другое – увидеть; лучше увидеть один раз, чем услышать сто раз; эшитади, кўрмайди, кўради, эшитмайди загадка слышит, но не видит; видит, жо не слышит (Ухо, глаз), 0 эшитар қулоққа ёмон (бука. плохо для услышавшего уха) что люди скажут, когда услышат, стыд и срам.

эшиттириш передача; эрталабки ~ утренняя передача.

эшкак весло, вёсла.

эшмоқ вить (нитку), скручивать, пряхть.

эшон 1. ишан (духовное лицо); 2. знахарь (я старину ишаны нередко выстунали в роли целителей от болезней и предсказателей будущего).

эшон объявление.

эштибор внимание; тилга ~ – элга ~ см. тил 1; ~га олмақ принимать во внимание; ~ қилмоқ (бермоқ) обращать внимание, считаться, придавать значение; ~ топмоқ завесаять авторитет.

эштиборан послелог начиная с; от; считая; бириичи майдан ~ начиная с 1-го мая.

эштиборли авторитетный, влиятельный.

эштироз возражение; протест; несогласие; ~ қилмоқ (этмоқ) возражать, не соглашаться.

эштироф признание, сознание; ~ қилмоқ (этмоқ) признать.

эҳ межд. эх, ах.

эҳа межд. ого, эге.

эҳсон 1. добро; доброе дело; благодеяние; ~ қилмоқ делать добро; 2. пожертвование.

эҳтиёж потребность, надобность, нужда; ~ иштиёққа йўл очади посл. потребность открывает дорогу желанию (увлечению); ~ шерии тулкига айлантитар посл. необходимость обращает льва в лисицу; соота. нужда ум острит (всему научит).

эҳтиёт осторожность, осмотрительность, предосторожность; ~ юзасидан в целях предосторожности; на всякий случай; ~ бўлмоқ быть осторожным; остерегаться; 0 ~ шарт на всякий случай; из предосторожности.

эҳтиёткор 1. осторожный; предусмотрительный; 2. расчётливый.

эҳтиётламоқ беречь, оберегать; сберегать; припрятывать.

эҳтимол возможно, вероятно, может быть; 0 ҳар ~га қарши на всякий случай; ~дан узоқ эмас вполне возможно, вполне вероятно.

эҳтиром уважение, почтение, почёт; ~ қилмоқ уважать, чтить, чествовать; 0 камоли ~ на салом билан с совершенным почтением и уважением (заключительная форма письма).

эҳтирос книжн. страсть, страстность; ~ билан гапирмоқ говорить со страстью, страстно.

Ю

юбилей юбилей; юбилейный, Навоий ~и юбилей Навои.

юбияр юбияр; ҳурматли ~имиз наш уважаемый юбияр.

юборилмоқ страд. от юбормоқ посылаться, отправляться, направляться; быть посланным (отправленным, направленным).

юбормоқ посылать, отправлять, направ-

лять; \emptyset жаҳаннамга ~ (бука. отправить в ад) уничтожать, покончить (с кем-л.). ювилмоқ страд. от ювмоқ мыться, смываться, быть мытым (смываемым). ювинмоқ возвр. от ювмоқ мыться, умываться.

ювмоқ мыть, умывать; смывать (что-л.); кир ~ стирать бельё.

ювош 1. смирный, тихий, спокойный; 2. кроткий, безобидный; \emptyset қўйдек ~ (бука. смирный как овечка) кроткий, тихий (о человеке), мулла минган эшакдек ~ послушный (смирный), что ослик под муллою; соотв. смирнее телёнка.

юган узда, уздечка.

югурдак 1. бегун; быстроногий; ~ оёққа кавуни тошилар погов. (бука. для быстроногого кавуши найдутся) кто деятельен, тот отыщет необходимое для себя. 2. перек. мальчик на побегушках; 3. перек. необобр. лакей.

югурик резвый, быстроногий; шустрый; келак еган от ~ бўлмас посл. если коня кормить отрубями, он не будет быстроногим; ~ тозици тулки суймас погов. быстрого гончего не любит лиса (говорится о тех недоброжелателях, кто завидует успехам расторопных деловых людей).

югуриш бег; беготня; хлопоты.

югурмоқ бегать; бежать; югуриб чиқмоқ выбежать, взбесжать; югуриб келмоқ прибежать; югуриб кетмоқ убежать; оналари тоқчадан тушса, бошлари югуриб келди зағадка матушка с полки спустилась — и к ней деток ва-тага прибилась (Чайник, пиалы); югурганшики эмас, буюрганшики погов. достанется (что-л.) тому, кому бог велел, кому суждено, а не тому, кто бегал, хлопотал, старался.

юз I 1. лицо, физиономия; щека; ўзи кўмкўк, юзи қип-қизил зағадка сама вся зелёная, щеки румяные (Яблона, яблоки); борнинг юзи ёруғ, йўқнинг ~и чориқ посл. имущий ликует, а неимущий вздыхает; юзага айтганинг заҳри йўқ погов. сказанное в лицо не таит яда; лучше говорить в глаза (в лицо),

чем за глаза; юзадаги яра ямоғини яшириш қийин посл. след от раны на лице невозможно скрыть, т.е. содеянный кем-либо грех всем виден; юзи таниш знакомое лицо; 2. поверхность; ер юзи поверхность земли; 3. площадь; доира юзи площадь круга; \emptyset ~ бермоқ проявляться, случаться; иметь место; юзи шамгин (или юзи шувит) ему совестно (стыдно); ~и (или юлдузи) иссиқ он симпатичный (она симпатична); у него (у неё) милое лицо; обаятельный, привлекательный; юзига чарм қоплаган (бука. надевший кожаную маску) бессовестный, бесстыдный, нахальный человек; юзи қора презренный, отверженный; юз кўрмас бўлмоқ навсегда разойтись друг с другом; айтишга юзи чидамайди ему стыдно (неудобно) сказать; юзма-юз қилмоқ делать очную ставку; юз ятри ширин в лицо (в глаза) сказать что-нибудь плохое или о каком-либо недостатке и т.п. неловко; в лицо говорят лишь приятное; юз кўрар эти. визит родственников мужа к молодой невестке через три дня после свадьбы; юзага солмоқ упрекать, порицать, укорять, высказывать; выложить прямо в лицо; юз-хотир қилмоқ уважать, почитать; юзи ёруғ он оправдал себя, он прав; он ликует.

юз II сто; бир юз сто; сотня; юзлаб сотнями; сотни; бир онадан юз бола, юзони ҳам бўз бола зағадка у одной матери сто детей, и все сто — незрелые (Виноградная лоза, виноградники); юз номард бир марддан садақа погов. сто малодушных не стоят одного молодца.

юза поверхность; площадь; ҳовли юзаси площадь двора; юзага чиқмоқ (или юзага келмоқ) выявляться, проявляться, появляться; осуществляться; юзага чиқармоқ выявлять, проявлять; проводить в жизнь, осуществлять; юза жой открытое, возвышенное место (местность).

юзаки поверхностный; формальный; внешний; поверхностно; формально.

юзасидан послелог по, из, в силу, по от-

ношению, в отношении; **дўстлик** – по дружбе; **инсоф** – по совести.

юлашмоқ встречаться (*лицом к лицу*).

юлсиз бесстыдный, наглый, бессовестный.

юк груз, поклажа, вьюк; **оғир юк** тяжелый груз; **кўп гап (или сўз)** – эшакка юк см. эшак; **юки снгил туя ёторон**

келади погов. ирон. если у верблюда легкая ноша, он становится лежебокой;

юк оғирини вор кўтарар, дард оғирини – эр посл. самый тяжёлый груз поднимает нар (верблюд-самец); самую

сильную боль выносит мужественный

мужчина; **о юкли бўлмоқ (или икки-қат бўлмоқ)** забеременеть; **юки ерда қилмайди он не** испытает трудностей,

особенных хлопот и беспокойств (*букв.* его ноша не останется на земле).

юклама грам. частица.

юклагом 1. грузить, нагружать, наклады-
вать; навьючивать; 2. взваливать; 3.

возлагать; поручать.

юксак высокий, возвышенный; ~ **унвон**

высокое звание.

юксалмоқ возвышаться, подниматься, развиваться.

юлдуз звезда; звёздный; **ёруғ** ~ яркая

звезда; ~лар туркуми созвездие; **тўрт ой, йигирма тўрт** ~ **загадка** четыре полу-

месяца и двадцать четыре звезды

(Подковы коня, гвозди); **илдизи ерда,**

~и кўкда загадка корни его под зем-

лёй, звёзды его в небе (Коробочки хлоп-

ка); **о Кутб** ~и Полярная звезда; **учар** ~

метеор; **у ~ни беварвон уради неодообр.**

он достаёт звёзды без лестницы (об

очень ловком, пронырливом человеке,

пройдохе); **~и ~ига тушди** они сошлись

характерами, полюбили друг друга (*жи-*

вут в мире и согласии); **~лари чап тушди**

они не ладят друг с другом; они не

сошлись характерами.

юлишмоқ страб. от **юлмоқ 1.** выщипываться, выдергиваться, быть выщипанным; **думи иллинг товуқдай** (*букв.* как курица, у которой выдернули хвост)

как общипанная курица (*о человеке в*

кущей одежде); 2. быть поцарапанным.

юлмоқ 1. выщипывать, выдергивать;

рвать; царапать; 2. вырывать, выхватывать; **қўлимдан юлиб олди он** вырвал у меня из рук; **юмалтсам жопи йўқ, юлиб олсам қопи йўқ** **загадка** перекатывается, а не живое, вырвешь кусок – крови нет (Тесто).

юлуғ бот. тамариск, гребенщик; **ер тагида қизил** – **загадка** под землёй красный тамариск (Марена).

юмаламоқ катиться, перекатываться, скатываться; **қирли тоғдан қизил қўйлакли қиз юмалаб тушди** **загадка**

с косогора девушка в красном кубарем

скатилась (Кровь из носа); **о юмалаб-юмалаб куллоқ** кататься со смеху.

юмалатмоқ катить, перекатывать.

юмалоқ круглый, шарообразный; **бир** ~

чой пачка чая; **юм-~, ой эмас, сап-саригу** – мой эмас; **думи ҳам бор.** той

эмас **загадка** круглое-круглое – не луна,

жёлтое-жёлтое – не масло, хвост имеет,

а не стригунок (Репя); **о ишпи** ~

ёстиқ қилиб тугатмоқ сделать работу

кое-как, с грехом попалам, небрежно.

юмдаламоқ царапать, поцарапать (*кого-л.*).

юммоқ закрывать (*глаза, рот*); **кичкина қумгон, ўтириб кўзини юмгон** **загадка**

маленький кумган (кувшин) сидит, глазки прижмурип (Кошка); **о кўз юмиб очгунча** мгновенно.

юмронқолиқ зоол. суслик.

юмуш дело, работа; **оғир** ~ тяжёлая работа.

юмуқ закрытый (*о глазах, рте*), зажмуренный.

юмшамоқ 1. смягчаться; размягчаться, размякнуть; 2. рыхлеть.

юмшоқ 1. мягкий, нежный; мягко, нежно; **қордай оппоқ, югдай** ~ **загадка** как снег, белый, как шерсть, мягкий (Хлопок); ~ **пон** мягкий хлеб; ~ **одам** мягкий человек; ~ **қўнгилли** мягкосердечный; спокойный; 2. рыхлый; ~ **тупроқ** рыхлая почва; **о ~ сулуғи ирон.** (*букв.* мягкий веник) подхалим, подлизв, угодник; **соота.** мягко стелет, да жестко спать.

юнг шерсть; ~ **газлама** шерстяная ткань.

юпатмоқ успокаивать, утешать; развле-

каты (грустящего или скучающего человека).

юпка тонкий; \emptyset **териси** ~ (бука. имеющий тонкую кожу) быстро обижающийся; **сояси** ~ (бука. имеющий тонкую тень) предрасположенный к болезням; хилый, слабый.

юрак сердце; **уиниг юраги** сорлом у него здоровое сердце; ~ **уйноги** сердцебиение; **чин** ~дан от чистого сердца; \emptyset **деа** (или **шер**) ~ смелый, храбрый; **тош** ~ жестокий; ~дан **урмоқ** покорять, пленять, очаровывать; **юраги қора** скрывтый, злой, завистливый (человек); **юраги ачийди** ему жалко (кого-а.); **юраги дарё** (или **кенг**) (бука. сердце его, как река) хладнокровный; неунывающий человек; **юраги тор** (бука. сердце его узкое) нервный, болезненно нетерпеливый.

юракли храбрый, смелый; ~ **одам** смелый человек.

юрмоқ ходить, идти, ездить, ехать; двигаться; **тез** ~ быстро ходить; **олдинда юр** иди впереди; **юраверади, юраверади, йўли кўпаймайди** загадка двигается, двигается, а путей не проходит (Бешик-колыбель); **юргау йўлдаш** топади, **ўтиргау қайдан** топади **погов.** идущий найдёт в пути, а где найдёт сидящий? **соотв.** под лежачий камень вода не течёт; \emptyset **сўзга юрмоқ** слушаться; **сговариваться**; **тўри** ~ жить честно, по-честному; **саёк** ~ развратничать; сбиваться с праведного пути.

юрт 1. страна, родина; народ; **гур-гур этар, учар кетар, ~дан ~га одам элтар** загадка с гулом громким пролетает, людей из страны в страну доставляет (Самолёт); ~ **пуфласа** ~ шамол туради **посл.** если дунет весь народ ~ поднимется ветер; 2. заведение; **ўқув** ~и учебное заведение; ~ **сўрамоқ** фольк. управлять страной; \emptyset ~га **ош бермоқ** эти. устраивать угощение для родных и близких, знакомых, соседей, односельчан (на свадьбах и других обрядах).

ютмоқ 1 глотать, проглатывать; **кўп сйди, тез сйди, майда чайнайди; ўзи**

юта олмайди, **ўзгаларни тўйдиради** загадка много ест, быстро ест, мелко пережёвывает; сама не может проглотить, других досыта кормит (Мельница); **ютганинг ўзингники, чайпаганинг гумон** погов. что проглотил – твоё, а что жуёшь – под вопросом (о беспокойном времени); \emptyset **қон** ~ (бука. глотать кровь) хлебнуть горя; исстрадаться.

ютмоқ II выигрывать; **уйинни** ~ выигрывать (в игре).

ютум глоток; **бир** ~ сув один глоток воды. **ютуқ** 1. достижение, успех; ~ларни **қўлга киритмоқ** добиться успеха 2. выигрывать **ютқизмоқ** проигрывать.

юқмоқ 1. прилипать, приставать (о саже, жидкости и т.п.); 2. переходить, передаваться (напр., о заразной болезни); \emptyset **юққанга юқади** погов. не каждому пристало, не каждому суждено.

юқори 1. верх, верхний; **уйнинг** ~ қана-тида на верхнем этаже дома; 2. вышший; высокий; ~ **қосил** высокий урожай; 3. старший; ~ **синфлар** старшие классы.

юқориламоқ возвышаться, двигаться вверх; **у юқорилаб кетяпти** он поднимается вверх; **юқорилаб учмоқ** лететь выше.

юқорилик высь, высота, вышина; 2. высшее качество.

юқумли заразный, инфекционный (о болезни); ~ **касаллик** инфекционное заболевание.

юқумсиз незаразный, неинфекционный (о болезни).

Я

ягана с.-х. прореживание; **ғўзани** ~ **қилмоқ** прореживать всходы хлопчатника.

яганаламоқ с.-х. прореживать.

ягона 1. единый; 2. единственный.

яд а., книжк. 1. рука, десница; 2. могу-

шественный; \diamond яда тоши *ист.* гадаль-
ные камни.

яёв пешком; пеший.

яйдоқ голый, лишённый растительного
покрова; ~ чўллар голые степи; ~ от
неосёдленная лошадь; яп -- неосёдлан-
ный, разнузданный; \diamond ~ қилмоқ срав-
нять с землёй.

яйлов джайлау, летовка.

яйрамоқ 1. наслаждаться; чувствовать
себя свободно; 2. гулять.

якдил единодушный; солидарный; еди-
нодушно, *единогласно*; ~ бўлиб *едино-*
душно.

якдиллик *единодушие; солидарность.*

якка 1. один; сен ~ ўзинг ипга борасан
ты один пойдёшь на работу; ~ма -- один
на один; 2. *единоличный, одиночный*; ~
отпинг чапги чиқмас *посл.* один конь
пыль не поднимает; *соотв.* один в поле
-- не воин; \diamond ~ мих прикол; ~ мохол пре-
необщительный, одичалый; бирюк;
~ю ягопа совершенно один; один-оди-
нёшенек.

яккаламоқ обособлять, отделять; изо-
лировать.

яккалик *одиночество, изолированность.*

яккан: ~ қилмоқ (*или этмоқ*) уничто-
жить, разрушить до основания; ~
бўлмоқ разрушаться до основания,
уничтожаться; \diamond ~ бўлгур *бран.* чтоб
тебе егинуть.

яктак национальный летний халат без
подкладки.

якуи итог; хўжалик йилининг ~лари
итоги хозяйственного года; ~ ясамоқ
подводить итоги.

якупламоқ подытоживать, подводить
итоги.

якшанба воскресенье.

яламоқ лизать, облизывать; қора хўкиз-
линг путини қизил хўкиз ялайди за-
гадка пах черного быка красный бык
языком лизет (Казан, огонь); \diamond илои
егини ялаган полизавший сало змеи (об
очень *гитром*, коварном человеке).

яланг I голый, открытый; -- ер голая зем-
ля; -- жой открытое место; ~ оёқ босо-
ногий.

яланг II; ёш--лар *или* йигит--лар мо-
лодые люди, парни, молодёжь.

яланглик равнина, открытая ровная ме-
стность.

ялангоч голый, раздетый; нагой; ~ қоча-
ди, ерғоқли қувади загадка голый --
убегает, со *читом* -- догоняет (Игла, на-
пёрсток); ~ сувдан тоймас *погов.* голый
воды не боится; *соотв.* шуку водой не
испугаешь.

ялапчоламоқ оголять; обнажать; раз-
девать.

яллимоқ 1. умолять, упрасивать; 2. кла-
няться.

ялла песня, лёгкая озорная песенка; (*см.*
также ашула); ~ айтмоқ (*или торт-*
моқ) петь песню; распевать весёлые
песенки; \diamond ~-бепарво *беспечный, без-*
заботный (о человеке).

яллиг 1. пламя; 2. зной; жара.

ялло веселье; ~ қилиб юрмоқ *разг.* праз-
дно проводить время; слоняться без
дела.

ялмовиз 1. *миф.* чудовище; ~ кампир
баба-яга; 2. *противный, зловредный.*

ялли 1. общий, сплошной; валовой; ~ маҳ-
сулот *валовая продукция*; 2. *массовый*;
~ ҳаракат *массовое движение.*

яллиз *бот.* мята.

ялпоқ плоский; расплюснутый; ~ бурун
приплюснутый нос.

ялт: ~ этмоқ блеснуть, промелькнуть;
қора билим қалт этди, қопургаси ~ этди
загадка вздрогнула моя кобыла чёрная
-- и рёбрами сверкнула (Туча, молния).

ялтирамоқ 1. блестять, сверкать; кўкди
қилич ярқирайди, сувда акси ялти-
райди загадка в небе сабля блестит, в
воде отражение дрожит (Месяц); 2. *лос-*
ниться.

ялтироқ 1. блестящий, сверкающий; игна
учи ~ загадка кончик иголки поблёски-
вает (Роса); усти ~, ичи қалтироқ *см.*
уст; 2. *блеск; лоск.*

ялқов лентяй, лодырь; ленивый.

ялқовлашмоқ лениваться, лодырничать.

ялқовлик лень, левость; ~ хўрлик *кел-*
тирар погов. лень наводит на бедность;
соотв. лень -- мать всех пороков.

ямамоқ латавть, чинить, ставить заплату.

ямламоқ глотать не жуя; ялт-ялт этади, ямлаб кетади загадка поблѣскивает – сверкает, всё пожирает (Огонь-пламя); \diamond ҳақ саломинг бўлмаса, икки ямлаб бир ютардинг фолж. я бы тебя живьём съел, если бы ты меня не приветствовал.

ямоқ заплата, латка; ~ солмоқ чинить, латавть; ямоғи бору йиртиғи йўқ загадка заплатки есть, а дырок нету (Пёстрал корова); ~ бўлса ҳам эски тўн афзал погов. мил старый калат, пусть даже с заплатами; соотв. старые башмаки никогда не жмут; \diamond юзинг ямоғи шрам на лице.

ям-яшил ярко-зелёный, совершенно зелёный; ~ ўтлар ярко-зелёные травы.

яна 1. еще; опять; снова; 2. да; вдобавок к этому; 3. будущий, грядущий; ~ куниси на следующий день.

янаги следующий, будущий.

январь январь; январекий; ~ ойи январь месяц; Январь бобо новот сотди, олган эдим қўлим қотди загадка дедушка Январь леденцы продавал, я взял их - и обморозил пальцы (Лёд).

янги новый, свежий; ~ идиш, таги тешик загадка посуда новая, дно дырявое (Сито); ~ сунурги тоза сунуради погов. ирон. новая метла чисто метёт; ~ костюм новый костюм; ~ни эски асрайди погов. новую одежду сохраняет старая; ~ газета свежая газета; ~ хабар новости; \diamond ~ меҳмон новорожденный (ая); ~ меҳмон туғилди нашего полку прибыло.

янгидан снова, заново, вновь.

янгиламоқ 1. обновлять; 2. заменять; смснять.

включать несов. (включить сов.) 1. киргизмоқ, киритмоқ, қўшмоқ; ~включить новый пункт в договор шартномага янги модда киритмоқ; 2. ишга солмоқ, ҳаракатга келтирмоқ, юргизмоқ; қўймоқ (радио, телевизор); ёқмоқ (газни), ёндирмоқ (чироқни); ~включить мотор

моторни юргизмоқ; ~включить свет электр чирогини ёндирмоқ; ~включить газ газни ёқмоқ.

вкус м 1. таъм, маза (мазасини, таъмини сезиш); пробовать на ~ мазасини тотиб кўрмоқ; горький ~ аччиқ таъм; ~ хлеба ноннинг таъми (мазаси); приятный па ~ хуштаъм; яблоко кислое на ~ таъми нордон олма; қимизак олма; 2. дид, таъб; ~иметь хороший ~ дидли бўлмоқ; у него нет ~а унинг диди йўқ; одеваться со ~ом дидли кийинмоқ.

вкусно нареч. ширин, мазали, тотли, лаззатли; ~ поесть маза қилиб емоқ; ~ пахнет пловом паловнинг мазали ҳиди ди-моққа уради.

вкусн/ый мазали, лаззатли, ширин; ~ый обед лаззатли таом; ~ые конфеты ширин конфетлар.

владеть несов. 1. эга бўлмоқ, эгалик қилмоқ; ~ садом боғи бўлмоқ, боққа эга бўлмоқ; 2. билмоқ, эгалламоқ, фойдалана билмоқ; ~ русским языком рус тилини билмоқ; ~ иностранными языками чет (хорижий) тилларни билмоқ (эгалламоқ); ~ оружием қуролдан фойдалана билмоқ; 0 ~ собой ўзини тута билмоқ; ўзини қўлга олмоқ; ўзини босмоқ; иродали бўлмоқ.

владыка м уст. и высок. ҳоким, хоқон, султон; своя рука ~ ~ погов. ўзига хон, ўзига бек.

власть/ь ж 1. ҳокимият; государственная ~ь давлат ҳокимияти; органы ~и ҳокимият органлари; быть у ~и ҳокимият тепасида турмоқ 2. куч, қувват; ирода; ихтиёр; ~ родителей ота-оналар ихтиёри; 3. мн. ~и маъмурлар, бошлиқлар; местные ~и маҳалли маъмурлар; военные ~и ҳарбий маъмурлар.

влезать/ть несоя; (влезть сов.); осилиб чиқмоқ, тирмашиб чиқмоқ, юқори чиқмоқ; устига чиқмоқ; ~влезть на дерево дарахтга тирмашиб чиқмоқ; ~ть в окоп деразадан ошиб утмоқ; 0 ~ть в долги қулогидан ҳарзга ботмоқ; ҳарзга ботиб кетмоқ; ~влезть в душу кўнглига (қалбига) қўл солмоқ; яқинлашиб (пинжига кириб) сирини билиб олмоқ.

влиятли/е с таъсир эйтиш, таъсир эйтиш; **оказывать хорошее** — е яхши таъсир кўрсатмоқ; **быть под ~ем друга** ўртоғи таъсирида бўлмоқ; **попасть под чье ~е** бировнинг таъсирига тушмоқ.

влият/ть несов. (повлиять сов.) таъсир этмоқ; **~ть на детей** болаларга таъсир этмоқ; **погода ~ет на мое настроение** об-ҳаво кайфиятимга таъсир этади.

влюбиться сов. севмоқ, ошиқ бўлмоқ, яхши кўрмоқ; **~ в молодую девушку** ёш қизни севиб қолмоқ; **0 ~ без памяти (по уши)** ошиқу беқарор бўлмоқ; шайдо бўлиб эс-ҳушини йўқотмоқ.

вместе нареч. бирга, биргаликда, биргаличи; **работать ~** бирга ишламоқ; **жить ~ с родителями** ота-оналар билан бирга яшамоқ; **~ тесно, а врозь** скучно погов. яқиндаги тишлашар, йироқдаги кишнашар.

вместо предлог с род. ўрнига, бадалига, эвазига; **взять чужую книгу ~ своей** ўзининг китоби эвазига бировнинг китобини олмоқ; **сделай это ~ меня** менингни ўрнига шуни сен бажар.

вмешательство с аралаштиш, тиқилиш, қотишиш; **~ в чужие дела** бировлар ишига аралаштиш.

вмешаться см. вмешиваться.

вмешиваться несов. (вмешаться сов.) аралашмоқ, қотишмоқ, суқилмоқ; **я не люблю ~ в чужие дела** мен бировларнинг ишига аралаштишни ёмон кўраман; **вмешаться в разговор** суҳбатга аралашмоқ.

вначале нареч. бошида, дастлаб, аввалда, аввал бошда; **~ было трудно, потом стало легче** бошида қийин бўлган эди, кейин осонроқ бўлди.

вне предлог с род. ташқари, ташқарида; **жить вне города** шаҳардан ташқарида яшамоқ; **больной уже вне опасности** бемор энди хавфдан ҳоли; **бемор энди совайиб кетади**; **0 вне себя** ўзида йўқ.., ўзида йўқ ҳолда; **он был вне себя от радости** у ўзида йўқ хурсанд эди; **вне очереди** бенавбат; **навбатга** риоя қилмай; **навбатдан** ташқари; **вне всякого сомнения** ҳеч шубҳасиз; шак-шубҳасиз.

внедрение с жорий қилиш, қўллаш, ёйиш, амалга ошириш.

внедрить см. внедрять.

внедрять несов. (внедрить сов.) жорий қилмоқ, қўлламоқ, ёймоқ, амалга оширмоқ; **~ новую технику в производство** ишлаб чиқаришда илгор техникани қўлламоқ.

внезапно нареч. тўсатдан, бирдан, қўққисдан, бехосдан; **~ пошёл дождь** бирдан ёмғир ёға бошлади.

внезапный бирдан, тўсатдан, қутилмаганда; **~ отъезд гостей** меҳмонларнинг тўсатдан жўнаб кетиши.

внести см. вносить.

внешний/ий 1. ташқи, сиртқи, устки; **~ий вид здания** бинонинг ташқи кўриниши, **~ая сторона** сиртқи томон; 2. ташқи, хорижий; **~ая торговля** ташқи савдо; **~ая политика государства** давлатларнинг ташқи сиёсати; **укреплять ~ие связи** ташқи алоқаларни мустаҳкамламоқ.

внешность ж қиёфа, ташқи кўриниш, афт-ангор, афт-башара; **у него приятная ~** кўриниши чиройли.

вниз нареч. пастга, қуйи томонга, тубанга; **спуститься ~ по лестнице** нарвондан (зинадан) тушмоқ.

внизу нареч. пастда, қуйида, тубанда; **~ течёт река** пастда дарё оқади; **мы живём ~** биз пастда (пастки қаватда) яшаймиз.

внимани/е с 1. диққат; эътибор; с **~ем** слушать диққат билан тингламоқ; **без ~я отнестись к чему** бирор нарсага эътиборсизлик билан қарамоқ; 2. илтифот, ғамхўрлик; эътибор; **окружить гостя ~ем** меҳмонга илтифот кўрсатмоқ, эътибор бермоқ; **~е к нуждам народа** халқ эътиёжига эътибор бериш; **0 ~е! диққат!, диққат қилин!;** **обращать (обратить) ~е на кого-что** эътибор бермоқ, аҳамият бермоқ, диққат қилмоқ; **ноль ~я разг.** назар-эътибор қилмаслик; **бефарқ қараш;** қайрилик ҳам қарамаслик.

внимательно нареч. диққат билан, эътибор бериб; синчиклаб, **~ слушать лекцию** маърузани диққат билан тингла-

моқ.
внимательный диққат билан тинглайдиган, фаҳм-фаросатли, диққат-эйтиборли; — учелик диққат-эйтиборли ўқувчи; ~ взгляд диққат-эйтибор билан қараш, разм солиш.

внести несоев. (внести соев.) 1. киргизмоқ, киритмоқ, ташиб (олиб) кирмоқ; ~ вещи в вагон юкларни вагонга олиб кирмоқ; 2. тўламоқ; ~ деньги за экскурсию экскурсия учун пул тўламоқ (бермоқ); 3. киритмоқ, киргизмоқ, қўшмоқ, тиркамоқ; ~ изменения в проект лойиҳага ўзгартишлар киритмоқ; внести в список рўйхатга киритмоқ; 0 ~ (внести) предложение таклиф киритмоқ; внести ясность аниқлик киритмоқ; ~ свой вклад (свою лепту) ўз ҳиссасини қўшмоқ.

внук м набира, невар; к бабушке приехал ~ бувисининг олдига набираси келди.

внутренн/ий 1. ички, ичкаридаги, ичидаги; ~ая дверь ичкаридаги эшик; ~ие болезни ички касалликлар; 2. руҳий, кўнгилдаги, ичдаги, ички; ~ее состояние человека инсоннинг ички (руҳий) ҳолати; 3. ички (*мамлакат ичкарисид*а бўладиган); ~ая политика ички сиёсат; ~ие дела ички ишлар.

внутри нареч. и предлог с род. ичида, ичда, ичкарида; ўртасида, орасида; ~ города шаҳар ичида; находится ~ дома уйнинг ичида бўлмоқ.

внутрь нареч. и предлог с род. ич, ичи, ичкари; ичкарига, ичига; войти ~ дома уйнинг ичига кирмоқ; принять лекарство ~ дори ичмоқ.

вну́чек/а ж набира, невар; бабушка гуляет с ~ой бобо набираси билан сайр қилиб юрипти.

вну́ша/ть несоев.; (внушить соев.) таъсир қилмоқ, ўқтирмоқ, инонтирмоқ, кўнглига солмоқ; ~ть страх гап билан қўрқитмоқ, қўрқинч туғдирмоқ; ему внушили, что это опасно бу нарса хавфли деб уни инонтириб қўйишипти.

во с.м. в; 0 во всеуслышание ҳаммага эшиттириб айтмоқ, ошкора эълон қилмоқ; во всю ивановскую (кричать)

етти маҳалла эшитгудек бақирмоқ, шангилламоқ.

во время нареч. ўз вақтида, ўз пайтида, белгиланган муддатда; ~ вернуть книгу в библиотеку китобни кутубхонага белгиланган муддатда топширмоқ; сделать работу ~ ишни ўз вақтида бажармоқ.

во-вторых вводн. сл. иккинчидан, сўнгра.
вонять соев. (вгонять несоев.) 1. ҳайдаб киргизмоқ; 2. разг. қоқмоқ, суқмоқ, тиқмоқ; 3. перен. разг. бирор ҳолатга солмоқ, дучор (гирифтор) қилмоқ; 0 ~ в краску уялтирмоқ, қизартирмоқ; ~ в пот разг. роса терлатмоқ, терга ботириб ишлатмоқ; ~ в гроб адо қилмоқ, гўрга киргизмоқ.

вод/а ж 1. сув; пресная ~а чучук сув; морская ~а денгиз суви; проточная ~а оқар сув; питьевая ~а ичиладиган сув; на дворе горой, и в избе ~ой загада (Снег) ҳовлида тоғ-тоғ, уйда сув-булоқ; не зная броду, не суйся в ~у посл. сув кўрмай, этик ечма; 2. сув, сувлар (спиртсиз ичимлик сифатида); минеральная ~а минерал сув; 0 выходить (выйти) сухим из ~ы сувдан қуруқ чиқмоқ; похожи как две капли ~ы с.м. капля; тише ~ы, ниже травы ўта камтар, ўзини жуда паст тутадиган; қўйдайд ювощ; ~ой не разольёшь ораларидан қил ўтмайди; жуда қалин, ажралмас (дўст, овайни); ~ы не замутич чумолига ҳам озор бермайди; мўмин, жуда безор (одам); ~ы в рот набрал оязига толқон солгандай.

водитель м ҳайдовчи, юргизувчи; ~ ая-тобуса автобус ҳайдовчиси.

водн/ый сув...; сувли; ~ый путь сув йўли; ~ый транспорт сув транспорти.

водить несоев. 1. олиб бормоқ, етаклаб бормоқ, бошлаб бормоқ; ~ детей гулять болаларни томошага олиб бормоқ; болаларни сайр қилдириб (етаклаб) юрмоқ; ~ слепого кўзи ожиз кишини етаклаб юрмоқ; 2. ҳайдамоқ, юргизмоқ; ~ трамвай трамвай ҳайдамоқ; 0 ~ за нос с.м. нос; ~ хороводы с.м. хороход; ~ на помочах етаклаб юрмоқ; йўлга сол-

моқ.

водка ж ароқ; \emptyset царская ~ с.м. царский; анисовая ~ анис (арпабодиён) ароғи.

водопад м шаршара, шалолa, шовва; горный ~ тоғ шалоласи; тоғдан тушадиган шаршара.

водопровод м водопровод, сувўтказғич; провести ~ водопровод ўтказмоқ.

воевать несов. урушмоқ, уруш олиб бормоқ, урушга қатнашмоқ; ~ с врагом душман билан урушмоқ; ~ против кого бирор кимсага қарши урушмоқ.

военный 1. уруш...; ~ое время уруш даври; ~ые действия уруш ҳаракатлари; 2. ҳарбий; ~ая промышленность ҳарбий саноат; ~ое училище ҳарбий мактаб; быть на ~ой службе ҳарбий хизматда бўлмоқ; 3. в знач. суц. ҳарбий, ҳарбий хизматчи.

вождь м 1. бошлиқ, сардор; ~ племена қабилa бошлиғи; 2. дохий, йўлбошич.

вожж/и мн. (ед. вожжа ж) тизгин, жиллов; \emptyset ~а под хвост попала кому-н. прост. пайтавасига қурт тушди; (беззвота, бетоқат); держать ~и в руках жилловини қўлга олмоқ; выпустить ~и из рук тизгинни бўшатмоқ, жилловини қўлдан бериб қўймоқ.

воз м 1. юкли арава; 2. аравага ортилган юк миқдори; 3. перен. разг. жуда кўп, бирталай, анча-мунча; \emptyset что с ~у упало, то пропало тушириб қўйган нарсангни қўлдан кетди деявер; а ~ и вылетам аски ҳаммом, аски тос; боғия-боғия; иш жойидан жилмаган; весь ~ тяпуть ҳамма ишни ўзи бажармоқ, ҳамма оғирликни ўзи (ўз елкасида) кўтармоқ.

возбудить с.м. возбуждать.

возбужда/ть несов. (возбудить сов.) қўзғатмоқ, уйғотмоқ, ҳаяжонга солмоқ; ~ть интерес ҳавас уйғотмоқ, ҳавасини келтирмоқ; ~ть подозрение шубҳа турдирмоқ.

возвратить с.м. возвращать.

возвратиться с.м. возвращаться.

возвраща/ть несов. (возвратить сов.) қайтармоқ, қайтариб бермоқ; қайтариб юбормоқ; ~ть книги в библиотеку китобларни кутубхонага қайтармоқ; воз-

вратить долг қарзни бермоқ (тўламоқ); \emptyset возвратить к жизни ҳаётга қайтармоқ; жон киритмоқ, бардам қилмоқ.

возвраща/ться несов. (возвратиться сов.) қайтмоқ, қайтиб келмоқ; ~ться домой уйга қайтиб келмоқ; возвращаться из путешествия сафардан қайтиб келмоқ; вернуться к пройденному ўтган гапта (ишга, мавзуга) қайтмоқ.

возвращение с қайтиш, қайтиб келиш, қайтиб бориш; ~ на Родину Ватанга қайтиб келиш.

возвышенность/ь ж баландлик, тепалик, тепа; город расположен на ~и шаҳар тепаликка жойлашган.

возглавить с.м. возглавлять.

возглавлять несов. (возглавить сов.) бошчилик қилмоқ, бошқармоқ; ~ делегацию делегацияга бошчилик қилмоқ.

воздействию с таъсир, таъсир этиш, таъсир кўрсатиш; физическое ~е жисмоний таъсир; оказывать ~е таъсир (кўрсатмоқ); находиться под ~ем друга дўстининг таъсирида бўлмоқ.

воздух м 1. ҳаво; сырой ~ нам ҳаво; дышать свежим ~ом тоза (соф) ҳаводан нафас олмоқ; 2. ҳаво (ер устидаги бўшлиқ); подняться в ~ ҳавога кўтарилмоқ; летать по ~у ҳавода парвоз қилмоқ; война в ~е ҳаводаги жанг; \emptyset взлетать (взлететь) на ~ с.м. взлетать; висеть в ~е с.м. висеть; на свежем ~е тоза (соф) ҳавода.

воздушный 1. ҳаво...; ~ый поток ҳаво оқими; ~ые ванны ҳаво ваннаси; 2. ҳаво...; авиация...; ~ое сообщение ҳаво йўли; ~ый бой ҳаво жанги; \emptyset ~ый флот с.м. флот.

возит/ь несов. элтмоқ, ташимоқ; ташиб юрмоқ, олиб бориб юрмоқ; кто на себе дом ~? зағадка (Улитка) ким уйини елкасига ортиб юради?; ~ь пассажиров в поезде йўловчиларни поездда ташимоқ.

возлагать несов. (возложить сов.) 1. қўймоқ (устига); возложить венки гулдаста (гулчамбар) қўймоқ; 2. топширмоқ, юкламоқ; \emptyset ~ вину (на кого, на что) бировга айб қўймоқ; бировни айбдор деб ҳисобламоқ; ~ надежды умид борламоқ;

умидвор бўлмоқ.

возле нареч. ёнида, яқинида, олдида, те-
варагида; ~ **меня менинг олдимда** (ёним-
да); ~ **большого пожара и мы руки по-
греем погов.** шолининг орқасидан кур-
мак ҳам сув ичади; **я стойла ~ бани, а
сказали ~ ~ Вани погов.** уйдагилар кул-
ганда, айвондагилар илжаар; мен теги-
мон десам, у дўл дейди.

возможно I. а знач. сказ. мумкин, бўли-
ши мумкин, эҳтимолдан узоқ эмас; ~
ли **осуществить этот план?** ~ **Вполне**
~ бу режани амалга ошириш мумкин-
ми? ~ **Жуда мумкин; 2. вводн. сл.** эҳти-
мол, балки, шояд; ~ **мы уедем биз бал-
ки жунаб кетармиз; 3. нареч.** мумкин
бўлганча, мумкин-қадар, имкон бори-
ча; ~ **скорее мумкин қадар тезроқ; ~
лучше мумкин қадар яхшироқ; ~ луч-
шие условия имкон борича яхши ша-
роитлар.**

возможность/ь ж I. мумкинлик, эҳтимол-
лик; ~ **ь вападения хужумнинг эҳтимол-
лиги; 2. имкон, имконият; использовать**
**любую ~ь қар қандай имкониятдан фой-
даланмоқ; дать ~ть закончить работу**
ишни тутатиш учун имкон бермоқ; при
первой ~и имкон бўлиши билан; 0 по
мере ~и қўлдан келганча; мумкин
қадар, имкони борича.

возмутить см. возмущать.

возмутиться см. возмущаться.

возмуща/ть несов. (возмутить сов.)
газаблантирмоқ, нафратлантирмоқ,
жаҳлни чиқармоқ, аччиқлантирмоқ;
меня ~ет его поведение унинг хулқини
кўриб газабим қайнайди.

возмуща/ться несов. (возмутиться сов.)
газабланмоқ, нафратланмоқ, аччиқлан-
моқ, қаттиқ хафа бўлмоқ; ~ **ться обма-
ном алданганлигидан қаттиқ хафа**
бўлмоқ; чем вы ~етесь? нега хафа
бўлясиз?

возмущение с нафрат, газаб, қаҳр; **вы-
зывать ~** газаблантирмоқ, газабини кел-
тирмоқ.

возника/ть несов. (возникнуть сов.) пайдо
бўлмоқ, тувилмоқ, вужудга келмоқ; **руй**
бермоқ; ~ют новые государства янги

давлатлар вужудга келади; возникло
предположение тахмин тувилди.

возникновение с пайдо бўлиш, туғилиш,
вужудга келиш; **руй бериш; ~ жизни**
на Земле Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши.

возникнуть см. возникнуть.

возобновить см. возобновлять.

возобновиться см. возобновляться.

возобновля/ть несов. (возобновить сов.)

қайтадан бошламоқ, бошидан бошламоқ,
янгиламоқ, янгидан бошламоқ; ~ **ть зна-
комство ошналикни қайтадан бошла-
моқ; ~ть занятия машғулотларни янги-
дан бошламоқ; возобновить прерван-
ный разговор суҳбатни бошидан бош-
ламоқ.**

возобновляться несов. (возобновиться
сов.) қайтадан бошланмоқ, янгидан бош-
ланмоқ; тикланмоқ; **в школе возобно-
вились занятия мактабда дарслар қай-
тадан бошланди.**

возража/ть несов. (возразить сов.) эъти-
роз билдиримоқ (қилмоқ); қаршилиқ
қилмоқ, қарши чиқмоқ; **сўз қайтармоқ;**
возразить домладчику маърузачига
эътироз билдиримоқ; ~ть против чьею
предложения биронинг таклифига
қарши чиқмоқ; вы не ~ете? қаршилиқ
қилмайсизми?

возражени/е с эътироз, қаршилиқ; ~ **й**
нет қаршилиқ йўқ; его предложение
вызвало ~е унинг таклифи қаршилиқ-
ка учради; не терпеть ~й эътирозни
ёқтирмаслик.

возразить см. возражать.

возраст м ёш; дети школьного ~а мак-
таб ёшидаги болалар; **в ~е тридцати**
лет ўттиз ёшида, ўттиз ёшда; я одного
~а с ним мен у билан бир ёшдаман, у
билан икковимизнинг ёшимиз бир; о-
пределить ~ дерева дарахтнинг ёшини
аниқламоқ; 0 вступать в ~ уст. буй
етмоқ; **воляга етмоқ; Бальзаковский ~**
хотинларнинг ўттиз билан қирқ ёш
ўртасидаги даври.

возраcтa/ть несов. (возраcти сов.) ўсмоқ,
кўпаймоқ, кучаймоқ, ошмоқ; ~ **ет про-**
изводительность труда меҳнат унум-
дорлиги ошмоқда; возросла заработная

плата иш ҳақи ошди.
воин *м* **высок.** жангчи, аскар, سپوҳ **один** в поле не ~ *посл.* [майдонда бир жангчи жангчи эмас] ёлғиз йитит алп бўлар, алп бўлса-да, қалб бўлар.
воинск/ий **ҳарбий**, аскарий; **~ая** **обязанность** **ҳарбий** мажбурият; аскарлик бурчи; **~ая** **часть** **ҳарбий** қисм; **~ое** **звание** **ҳарбий** унво; **~ий** **долг** **ҳарбий** бурч.
войн/а **ж** уруш; **~а** **между** **двумя** **государствами** икки давлат ўртасидаги уруш; **участвовать** в **~е** урушда қатнашмоқ; **вернуться** с **~ы** урушдан қайтмоқ; **О** **отечественная** **~а** ватан уруши; **гражданская** **~а** гражданлар уруши; **мировая** **~а** жаҳон уруши; **объявлять** (объявить) **~у** *с.м.* **объявлять**.
войска *мн.* (*ед.* войско *с*) қўшин, лашкар; **сухопутные** ~ қуруқликдаги қўшинлар; **командовать** **~ми** қўшинларга қўмондонлик қилмоқ.
войти *с.м.* **входить**.
вокзал *м* вокзал; **железнодорожный** ~ темир йўл вокзали; **речной** ~ дарё вокзали (порти).
вокруг **1.** *нареч.* атроф, теварак, тева-рак-атроф; **посмотреть** ~ атрофга назар солмоқ; **2.** *предлог* атрофида, тева-рагида, айланасида; **путешествие** ~ **света** дунё бўйлаб саёҳат қилиш; **ходить** ~ да **около** *с.м.* **ходить**; **обвести** ~ **пальца** *с.м.* **обводить**.
вол *м* ҳўкиз; **О** **работать** (*или* **трудиться**) **как** ~ қаттиқ ишламоқ, молдай ишламоқ; **~а** **вертеть** бекорга лақиллаб юрмоқ; **бефойда** (беҳуда) иш билан овора бўлмоқ.
волейбол *м* волейбол; **играть** в ~ волейбол ўйнамоқ; **соревнование** по ~у волейбол мусобақаси.
волейболы/ый волейбол ...; **~ая** **команда** волейбол командаси.
волк *м* бўри, қашқир; **охота** на **~ов** бўри ови; **~ов** **бояться** - в лес не ходить *посл.* чумқудан қўрққан тариқ экмайди; **О** ~ в овечьей шкуре [қўй терисини ёпиниб олган бўри]; **фаришта** тўнидаги иблис; **~ом** **выть** дод-фарёд қилмоқ; **~ом** **смотреть** ёмон (ғаразли) кўз билан қараб

егудек бўлмоқ; и **~и** **сыты** и овцы **цели** **погов.** сих ҳам куймайди, кабоб ҳам.
волна **ж** тўлқин, мавж; **морская** ~ денгиз тўлқини; **людская** **молва**, **что** **морская** ~ **погов.** халқ сўзи - денгиз тўлқини.
волнени/е *с* ҳаяжон, ташвиш, бесаранжомлик, безовталиқ; **гулгула**; **быть** в **~и** безовта бўлмоқ, ҳаяжонланмоқ.
волновать *несов.* (взволновать *сов.*) ҳаяжонлантирмоқ, ховлиқтирмоқ, безовта қилмоқ, ташвишга солмоқ, тинчсизлантирмоқ; **больного** **нельзя** ~ **беморни** безовта қилиш ярамайди.
волноваться *несов.* ҳаяжонланмоқ, безовта бўлмоқ, ташвишланмоқ, хавотирланмоқ; ~ **перед** **экзаменом** имтиҳон олдида ҳаяжонланмоқ.
волос/ы *мн.* (*ед.* волос *м*) соч; **мўй**; **қил**; **черные** **~ы** қора соч; **стричь** **~ы** соч олмоқ; **конский** ~ қил; **О** **до** **седых** ~ қаригунга қада, соч бутунлай оқаргунга қада; **~ы** **стали** (**встали**) **дыбом** (от испуга, от негодования) сочларим тик туриб кетди; **жон-поним** қолмади; **эсим** чиқиб кетди; **шапка** ~ телпақдай бўлиб турган соч; **жуда** қалин, саваддек соч.
волч/ий **1.** бўрига оид; **2.** *перен.* ёвуз, ваҳшиёна, ваҳший; **~и** **законы** ваҳшиёна қонунлар; **О** **~ий** **аппетит** жуда яхши иштаҳа; ишгаҳаси карнай.
вольн/ый ҳур, эркин, озод; **О** **~ая** **птица** [озод қуш, эркин қуш] эркин одам; **ўзига** **хон** - ўзига бек одам; **~ый** **казак** орқасида овирлини йўқ, мустақил киши; **~ий** **перевод** эркин таржима.
вол/я **ж** **1.** ирода; **сильная** **~я** **кучли** ирода; **2.** хоҳиш, истак; **майл**, **ихтиёр**; **вольному** **~я** қозончининг эрки бор, қайдан қулоқ чиқарса; **выполнить** **~ю** **друга** ўртоғининг (дўстининг) истагини бажармоқ; **помимо** **своей** **~и** **беихтиёр**, ўз хоҳишсиз; **О** **давать** (**дать**) **~ю** **чему** эрк бермоқ, йўл қўймоқ; **дать** **~ю** **своим** **чувствам** ҳис-туйғуларга эрк бермоқ; **по** **доброй** **~е** *с.м.* **добрый**, **~я** **наша** (твоё) **ихтиёрингиз**; **ихтиёр** сизда, ўзингиз биласиз; **таъбингиз**; **~сю** **судьбы** тақдир тақозоси билан; **последняя** **~я** охириги

истак; васият.

вон частица ана, ҳов ана; мана; ~ там ана у ерда; ~ он идёт ана, у келяпти.

воображать, несоев. (вообразить соев.) тасаввур қилмоқ, кўа олдига келтирмоқ; ~ картины северной природы шимол табиатига ҳос расмларни тасаввур қилмоқ

воображение с хаёл, ўй; тасаввур; творческое ~ писателя ёзувчининг ижодий ўйи.

вообразить см. **воображать**.

вообще нареч. умуман; ~ вы правы умуман сиз ҳақсиз; \emptyset ~ говоря умуман айтганда (олганда).

вооружать, несоев. (вооружить соев.) қуроллантирмоқ; ~ армию современной техникой армияни замонавий техника билан қуроллантирмоқ.

вооружённый/е с 1. қуролланиш; қуроллантириш, қурол билан таъминлаш; ~е армии армияни қуроллантириш; **2.** қурол-яроғ, яроғ-аслаҳа; **сокращение** ~й қуролларни камайтириш.

вооружённый/ый 1. қуролланган; ~ый техникой техника билан қуролланган; **2.** қуролли; ~ое восстание қуролли қўзғолон.

вооружить см. **вооружать**.

во-первых аводн. сл. биринчидан, аввало.

вопрос м 1. савол, сўроқ; **задавать** ~ савол бермоқ; **2.** масала; муаммо; **национальный** ~ миллий масала; **изучить** ~ масалани ўрганиб чиқмоқ; \emptyset **больной** ~ етилган, аммо ҳал қилиниши қийин бўлган масала; ~ жизни и смерти ҳаёт-мамот масаласи.

вопросительный/ый сўроқ...; савол...; ~ое предложение сўроқ гап; ~ый взгляд савол назари билан қараш.

вор м ўғри; ҳароқчи; ~ у ~а дубинку украл погов. ўғрини ҳароқчи урипти; **домашнего** ~а не бережёнсья погов. ўзимдан чиққан балога, қайта борай давога; и ~ богу молится погов. [ўғри ҳам намоз ўқийди]; ўғри қариса сўфи бўлур; \emptyset на ~е шапка горит ўғрининг кети қувиш; иштонсизнинг ҳадиғи чўпдан.

воробей м чумчуқ; \emptyset **стреляный (или старый)** ~ пихи қайрилган (пихини ёрган) одам; **воробью по колено** паст, саёз (дарё ҳақида).

воробушек (воробушек) м уменъш.-ласк. от воробей; \emptyset **дяденька, достань воробушка!** шутл. [амаки, чумчуқни тугтиб бер] – новча (дароз) одамга айтиладиган ибора.

воробьиный/ый чумчуққа оид; чумчуқ...; ~ое гнездо чумчуқ уяси; \emptyset ~ая ночь 1) тўхтовсиз чақмоқ чақиб, жала ёриб чиққан кеча; 2) ёзги қисқа тун; **короче** ~ого носа жуда қисқа; калта; сичқоннинг думидай.

воровать, несоев. ўғирламоқ, ўғрилиқ қилмоқ.

ворон м қузғун; ~ ~у глаз не выклевает посл. қарға қарганинг кўзини чуқимайди; \emptyset куда ~ костей не заносил тупканинг тағида, жуда узоқда.

ворона ж 1. қарға, зог; **2.** перен. разг. ношуд одам, анқов; \emptyset **белая** ~ см. **белый**; ~ в павлиньих перьях [товус тусига кирган қарға]; ўзини юқори қилиб кўрсатишга урулувчи қуруқ, мақтанчоқ (киши).

ворот/а мн. дарвоза; ~а крепости қўрғон (қалъа) дарвозаси; **открыть** ~а дарвозани очмоқ; **без рук, без ног** ~а отворяет **защадка** (Ветер) қўлсиз, оёқсиз эшик очар; \emptyset у ~ (города) шаҳар остонасида (бўсағасида).

воротник м ёқа; **белый** ~ оқ ёқа; **пальто с меховым** ~ом мўйна ёқали пальто. **восемна́дцат/ый числ.** ўн саккизинчи; ~ая страница книги китобнинг ўн саккизинчи бети.

восемна́дцать числ. ўн саккиз, ўн саккизта; **ему** ~ лет унинг ёши ўн саккизда.

восьмь числ. саккиз; саккизта; ~ **человек** саккиз нафар одам.

восьмьдесят числ. саксон; саксонта; **ему под** ~ унинг ёши саксонга яқинлашиб қолган.

восьмьсот числ. саккиз юз; ~ лет саккиз юз йил.

воск м мум; **пчелиный** ~ асалари муми.

восков/ой 1. мумга оид; мумдан қилинган; мумли; мум.; ~ая свеча мум шам; 2. перен. сомондай сариқ, заъфарон; ~ое лицо заъфарон юз; ♀ ~ая спелость думбуллик, ралланинг (доннинг) думбул пайти; ~ая фигура мум ҳайкал.

воскресёв/е с якшанба; якшанба куни; в ~е мы пойдём в музей якшанба куни биз музейга борамиз; по ~ям якшанба кунлари.

воспалёни/е с яллиғланиш; болеть ~м лёгких зотилжам касали билан оғримоқ.

воспита́ние с тарбиялаш, тарбия бериш; тарбия; ~ детей болаларни тарбиялаш.

воспита́ть с.м. воспитывать.

воспита́ывать несог. (воспитать сов.) тарбияламоқ, тарбия қилмоқ, тарбиялаб етиштирмоқ; ~ в детях привычку к труду болаларни меҳнат қилиш руҳида тарбияламоқ.

воспоми́вание с эслаш, эсга олиш, хотирга олиш; ~ о прошлом (бўлиб) ўтган нарсаларни эслаш.

восста́навливать несог. (восстановить сов.) қайтадан қурмоқ, тикламоқ, асл қолига келтирмоқ; ~ завод заводни қайта қурмоқ; **восстановить** здоровье совляқни тиклаб олмоқ.

воста́ние с қўзғолоң, исён; **поднять** ~ қўзғолоң кўтармоқ, исён қилмоқ.

восста́новить с.м. восстанавливать.

восток м шарқ; кунчиқар; **двигаться на** ~ шарққа қараб юрмоқ; ♀ **Ближний Восток** Яқин Шарқ; **Дальний Восток** Узоқ Шарқ.

востор́г м катта шавқ, завқ, шодлик, хурсандлик, зўр қувонч; с ~ом слушать музыку мусиқани завқ билан тингламоқ; **быть в** ~е жуда хурсанд бўлмоқ, завқланмоқ.

восточн/ый шарқ.; шарқий; ~ые страны шарқ мамлакатлари; ~ый ветер шарқ шамоли; шарқ томондан эсадиган шамол.

востре́бовани/е с: до ~я йўқлаб олинadиган (почтадан йўқлаб, талаб қилиб олинadиган хат, жўнатма ёки телеграмма).

восхити́ться с.м. восхищаться.

восхища́ться несог. (восхититься сов.) завқланмоқ, ич-ичидан қувонмоқ, шодланмоқ, қойил қолмоқ, қойил бўлмоқ; ~ музыкой мусиқадан завқланмоқ.

восход м чиқиш, кўтарилиш; ~ солнца қуёшнинг чиқиши; на ~е солнца қуёш чиққан маҳалда, кун чиқаётганда.

восьмидеся́тый числ. саксонинчи; ~ый номер саксонинчи номер.

восьмисо́т/ый числ. саккиз юзинчи; ~ая страница саккиз юзинчи бет.

восьмо́й числ. саккизинчи; ~ класс саккизинчи синф.

вот части́ца мана, ана; **вот мой дом** мана менинг уйим; **вот здесь** мана бу ерда; **вот и зима** пришла мана қиш ҳам кирди; ♀ **вот тебе, бабушка, и Юрьев день** с.м. Юрьев; **вот где собака зарыта** погов. мана гап (масала) қаерда экан; **вот (тебе) бог, а вот порог** тўрт томонинг қибла; **вот тебе (и) на!** оббо, ана холос; ана бўлмаса.

впервы́е нареч. биринчи марта; ~ в жизни ҳаётда (умрда) биринчи марта.

вперёд нареч. олға, олдинга, илгарига; **идти** ~ ола юрмоқ **сделать шаг** ~ олдинга бир қадам юрмоқ.

вперед нареч. олдда, олдинда, олдида; ~ видны горы олдинда тоғлар кўринади; **он шёл ~ меня** у менинг олдимда борарди; **два брата ~ бегут, два сади догоняют** загадка (Ноги лошади, колёса) тўрт ака-ука бир-бирини тутолмас.

впечатле́ние с таассурот; таъсир; **сильное** ~ кучли таъсир; ♀ **производить (произвести)** ~ на кого с.м. производить.

вполне нареч. бутунлай, тамоман, тамомила, батамом; тўла, етарли даражада, жуда, бемалол; я ~ доволен мен жуда хурсандман; ~ достаточно бемалол етади.

впоследствии нареч. кейин, кейинчалик, сўнгра; ~ он стал врачом кейинчалик у врач бўлиб етишди.

впроче́м союз аммо, лекин, бироқ; айтгандай; шуниси ҳам борки; шундай бўлса ҳам; **вот вам мой совет**, ~, как хотите

сизга берадиган маслахатини мана шу, аммо, яна ўзингиз биласиз.

враг *м* душман, ёв, ганим; **смертельный** ~ ашаддий душман; **стать ~ами ёв бўлмоқ**, ёвлашмоқ; **разбить ~а в бою** жангда душманни тор-мор қилмоқ.

враждебно нареч. душманлик билан, адоват билан, ёв бўлиб; ~ **относиться к кому** бировга душманларча муносабатда бўлмоқ.

враждебн/ый душман..., душманчилик..., **гаразли**, хусуматли; **~ое отношение** тескари (гаразли) муносабат; хусуматли муносабат; **~ые действия** душманчилик ҳаракатлари.

врастать *несов.* (врасти *сов.*) ичига (орасига) қараб ўсмоқ.

врасть *несов.* (соврать *сов.*) ёлгон гапирмоқ (айтмоқ); **0** **врёт**, как сивый мерии уялмай-нетмай ёлгон гапирди; кўзни бақрайтириб туриб алдайди; **ври**, да **знай** мебу ёлгон ҳам эви билан-да; **гар** бўл, **ўгри** бўл - инсофли бўл.

врач *м* врач; доктор; шифокор; **опытный** ~ тажрибали врач; **зубной** ~ тиш доктори; **вызвать к больному** ~а бермога врач чақирмоқ.

враща/ться *несов.* айланмоқ; **Земля ~ется вокруг своей оси** Ер ўз ўқи атрофида айланади.

вред *м* зарар, зиён, захмат; **морозы причинили большой** ~ урожаю совуқ ҳосилга кўп зиён етказди.

вредно нареч. зарарли, зиёнли; **зарар, зиён, курить** - чекиш зарарли; чекиш зарар.

вредн/ый зарарли, зиёнли, ёмон; **~ые вещества** зарарли моддалар; **~ая привычка** ёмон одат.

временно нареч. вақтинча, вақтли, муваққат; **я живу здесь** ~ мен бу ерда вақтинча яшаб турипман.

временн/ый вақтинча, вақтинчалик, вақтли, муваққат; **~ое жилище** вақтинча яшаб турадиган жой; **~ое явление** вақтинчалик ҳолат; **ўткинчи** (ўтиб кетадиган) ҳодиса.

время *с* I. вақт; ~ **идёт быстро** вақт тез ўтяпти; **прошло много времени** (ора-

дан) анча вақт ўтди; **сколько времени?** совт неча (бўлди)?; **2. вақт**, **пайт** (*маълум пайт*, *он*); ~ **приезда** келиш вақти; **3. муддат**, **вақт**, **пайт**; **фурсат**; **хорошо провести** ~ вақтни (фурсатни) яхши утказмоқ; **4. кун**, **пайт**; **он**, **дам**; **дневное** - кундуз кунни; **в тёплое** ~ **иссиқ-илиқ** пайтда; **5. давр**, **замон**; **военное** ~ уруш даври; **мирное** ~ тинч замон; **6. вақт** (*бўш вақт*), **фурсат**; **пайт**; **найти** - **для прогулки** сайр қилиш учун вақт топмоқ; **7. грам** замон; **настоящее** ~ **ҳозирги** замон; **0** ~ **года** (*мн.* **времена** **года**) йил фасли (*йил* **фасллари**); ~ **от времени**, **по временам** баъзи-баъзида, **гоҳ-гоҳ**, **ора-сира**; **баъзан**; **всё** ~ **ҳамма** вақт, **ҳамиша**, **ҳар доим**, **доимо**; **(в)** **первое** ~ **дастлаб**, **аввал**; **бошида**, **бошланишида**; **(в)** **последнее** ~ **кейинги** пайтларда; **кейинги** (**сўнги**) вақтда; **в скором времени** тез кунларда, **яқин** кунларда, **тезда**, **яқинда**; **на** ~ **вақтинча**, **вақтинчаликка**; **раньше времени** (*ишни*) **муддатидан олдин** бажармоқ; **со временем** **вақти** билан, **пайти** келганда; **с течением времени** бора-бора, **вақт ўтиши** билан.

вручать *несов.* (вручить *сов.*) топширмоқ, қўлга бермоқ, элтиб бермоқ; ~ **телеграмму** телеграммани элтиб бермоқ.

вряд *ли* **нареч.** эҳтимолдан узоқ, даргумон; **номаълум**; ~ **они приедут** **сегодня** уларнинг бугун келиши даргумон.

всадник *м* отлик, сувори; ~ **на белом коне** оқ отлик (сувори); **мчится** ~ отлик отини елдек учириб бормоқда.

всё I *с.м.* **всё**.

всё II **частица** борган сари, тобора, ҳарчанд; **температура всё повышается** температура (ҳарорат) борган сари кўтарилмоқда; **0** **всё ещё** қалигача, қануз, қанузгача, қали ҳам; **дождь всё ещё идёт** ёмғир қали ҳам ёвапти.

всегдa *нареч.* ҳамиша, ҳар вақт, ҳамма вақт, доим; доимо; **на улицах** ~ **много народа** кўчада ҳамма вақт одам кўп бўлади.

всего I. *нареч.* ҳаммаси, жаъми; ~ **он получил** **двести** **рублей** ҳаммаси бўлиб у

икки юз рубль олди; 2. фақат, атиги, холос; фақатгина; **прошёл** ~ один год атиги бир йил бўлди, холос.

вселённая ж олам, дунё.

всемирн/ый бутун дунё ..., жаҳон...; **-ая история** (бутун) дунё тарихи.

всё-таки союз и частица ҳар қолда, гарчи, шундай бўлса ҳам; бари бир; **было** уже поздно, но ~ мы пошли из театра пешком гарчи кеч бўлиб қолган бўлса ҳам, биз театрдан пиёда кетдик; ~ я не верю бари бир мен ишонмайман.

вскáкивать несов. (вскочить сов.) 1. ирғиб (сакраб) чиқмоқ, ирғимоқ, ирғиб минмоқ; **вскочить на коня** отга ирғиб минмоқ; **вскочить в вагон** вагонга сакраб чиқмоқ; 2. сакраб (ирғиб) турмоқ; **вскочить от испуга** қўрқиб ўриндан туриб кетмоқ.

вскипятить сов. (кипятить несов.) қайнатмоқ; қайнатиб пиширмоқ, пишириб олмоқ; ~ чай чой қайнатмоқ.

вскóре нареч. тез, тезда, тез орада, бирпасдан кейин, сал ўтмай; ~ он вернулся домой у сал ўтмай уйга қайтиб келди; ~ они **расстались** бирпасдан кейин улар ажралишди.

вскочить см. **вскакивать**.

вслед нареч. и предлог изидан, кетидан, орқасидан; кетма-кет, изма-из; қорама-қора; **бежать** ~ кетидан югурмоқ; **смотреть** ~ ушедшему кетган кишининг орқасидан қараб қолмоқ.

вследствие предлог с род. сабабидан, сабабли, туфайли, орқасида; натижасида, қўра; ~ болезни касаллик туфайли.

вслух нареч. эшиттириб, овоз чиқариб, баланд овоз билан; **читать** ~ овоз чиқариб ўқимоқ.

всасáть сов. (всасывать несов.) эммоқ, сўрмоқ, шиммоқ; Ø ~ с молоком матери она сути билан (яъни болаликдан) ўзлаштирмоқ, ўрганмоқ; сут билан кирган жон билан чиқар.

вспахáть сов. (пахать несов.) ҳайдамоқ; ~ землю ер ҳайдамоқ.

вспоминáть несов. (вспомнить сов.) эсламоқ, ёдга (эста) олмоқ, хотирламоқ; ~ прошлое ўтмишни эсламоқ; ~ школь-

ных друзей мактабдош ўртоқларни эсламоқ.

вспомогательный ёрдамчи, қўмакчи; қўшимча; ~ цех қўшимча цех; Ø ~ глагол грам. қўмакчи феъл.

вспыхивать несов. (вспыхнуть сов.) 1. бирдан ўт олмоқ, туташмоқ, ёниб кетмоқ, ўт чиқмоқ; **вспыхнул огонь** бирдан ўт (олов) чиқди, бирдан ёниб кетди; 2. бошланиб кетмоқ, (бирдан) кўтарилмоқ; **вспыхнула война** уруш бошланиб кетди.

вста/вать несов. (встать сов.) 1. турмоқ (ўриндан); **рано** ~вать барвақт турмоқ, эрта турмоқ; ~вать с постели ўриндан (ётган жойидан) турмоқ; ~вать на ноги оёққа турмоқ; 2. турмоқ, жой (ўрин) олмоқ; ~вать рядом ёнма-ён турмоқ; 3. пайдо бўлмоқ, намоён бўлмоқ, вужудга келмоқ, туғилмоқ; ~л **вопрос** масала турилди; Ø ~ть **грудью** см. **грудь**; ~ть (~вать) с левой ноги разг. чап ёни билан турмоқ; ёмон кайфиятда бўлмоқ.

вставить см. **вставлять**.

вставлять несов. (вставить сов.) қўймоқ, солмоқ, ўрнатмоқ, жойлаштирмоқ (ичига, орасига); ~ стекла в окно деразага ойна солмоқ; **вставить зубы** тиш қўймоқ; Ø ~ палки в колёса тўғоноқ бўлмоқ; бировнинг ишига (хатти-ҳаракатига) тўсқинлик қилмоқ.

встать см. **вставать**.

встревожить сов. (тревожить несов.) ташвишлантирмоқ, хавотирланмоқ, ташвишга (хавотирга) солмоқ; **телеграмма** его ~ила телеграмма уни ташвишлантирди.

встрéтить см. **встречать**.

встрéтиться см. **встречаться**.

встрéч/а ж 1. учрашиш, учрашув, дуч келиш; кутиб олиш, қарши олиш; **случайная** ~а тасодифий учрашув; **торжественная** ~а делегации делегацияни тантанали равишда кутиб олиш; 2. учрашув, кеча; мажлис, йиғилиш; **вечер** ~и учрашув кечаси; 3. мусобақа, учрашув; ~а двух спортивных команд икки спорт командасининг мусобақаси.

встреча́/ть *несов.* (встретить *сов.*) 1. уч-ратмоқ, йўлиқмоқ, дуч келмоқ; қамти келмоқ; **встретить кого на улице** биронни кўчада учратиб қолмоқ; 2. кутиб олмоқ, қарши олмоқ; **хозяйка** ~ла гостей уй бекаси меҳмонларни кутиб олди; 3. қарши олмоқ, кутиб олмоқ; **встретить** ненца шлодисмелтами ашулачини қарсақлар билан кутиб олмоқ; 4. сезиб турмоқ, учрамоқ, ҳис қилмоқ; ~ть чью поддержку бировчинг ердамини сезиб турмоқ; ёнини оластанлигини билиб турмоқ; **встретить упорное сопротивление** ўзи қаттиқ қаршиликка учрамоқ.

встреча́/ться *несов.* (встретиться *сов.*) 1. учрашмоқ, йўлиқмоқ, дуч келмоқ; **встретиться с другом дўсти билан** учрашиб қолмоқ; 2. учрашмоқ; мусобақада қатнашмоқ; ~ются две самых сильных команды иккита энг кучли командалар учрашишади; 3. бўлмоқ, учрамоқ, учраб турмоқ; **это растение** ~ется на юге бу ўсимлик жанубга учрайди; бу ўсимлик жануб томонда бўлади.

вступа́/ть *несов.* (вступить *сов.*) 1. кирмоқ, кириб бормоқ; **войска вступили в город** қўшин шаҳарга кирди; 2. аъзо бўлмоқ, кирмоқ; **вступить в союз писателей** ёзувчилар уюшмасига кирмоқ; 3. киришмоқ, бошламоқ; ~ть (вступить) в борьбу кураша бошламоқ; **вступить в бой** жангга кирмоқ; ~ть в переговоры музокараларни бошлаб юбормоқ; **вступить в разговор** гап бошламоқ; **вступить в должность** бирор мансабда ишлай бошламоқ 0 ~ть в брак уйланмоқ ёки эрга тегмоқ; ~ть в действие жорий бўлмоқ, ишга тушмоқ; **закоп вступил в действие** қонун кучга кирди; ~ть в строй ишлай бошламоқ, ишга тушмоқ; **вступить в свои права** бошланиб кетмоқ; амалга кирмоқ.

вступле́ние с муқаддима, кириш, дебюта; ~ к роману романга ёзилган муқаддима.

вско́/дять *несов.* (взойти *сов.*) 1. чиқмоқ, баландга чиқмоқ, кўтарилмоқ; ~дять на вершину горы тоғ чўққисига чиқмоқ; **взойти на трибуну** минбарга чиқмоқ;

2. чиқмоқ (қуёш, ой ҳақида); **зимой солнце** ~дит поздно қишда қуёш кеч чиқади; 3. унмоқ, униб чиқмоқ, кўкариб чиқмоқ; **огурцы уже** ~дит бедринглар униб қолипти; **пшеница дружно** взошла бугдой ялли униб чиқди.

вско́/ду нареч. ҳар ерда, ҳар жойда, ҳар қаерда, ҳар ёнда; **побывать** ~ ҳар жойларда бўлмоқ, ҳамма ерда бўлмоқ; **хорошие люди есть** ~ яхши одамлар ҳар жойда бор.

вся с.м. весь.

всяк/ий мест. 1. ҳар, ҳар бир, ҳар қандай, ~ому мила своя сторона *посл.* [ҳамманинг юрти ўзига азия]; ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига; ~ая рыба хороша, коли на уду пошла *позов.* [қармоққа илинган ҳар қандай дарё балиғи яхши]; **берган** ҳаммага (худоба) ёқипти; ~ий раз ҳар гал, ҳар сафар; 2. ҳар турли, турли-туман, хилма-хил, ҳар хил; у меня много ~их дел менда ҳар хил ишлар жуда кўп; турли-туман ишларим кўп; 3. ҳеч бир, ҳеч қандай; без ~ого сомнения ҳеч қандай шубҳа қилмай; 0 во ~ом случае ҳар қолда; на ~ий случай ҳар аҳтимолга қарши; не ~ое лыко в строку *разг.* ҳар нарсани айбга ҳисоблайверманг; на ~ого мудреца довольно простоты ҳар қандай ақлли одам ҳам янглишиши, адашиши мумкин; ҳар тўқисда бир айб.

вторник *м* сешанба, сешанба куни; **он уезжает во ~** у сешанба куни жўнаб кетади; со ~а я свободен сешанбадан бошлаб мен бўшман.

втор/ой числ. 1. иккинчи; ~ой день иккинчи кун; на ~ом этаже иккинчи қаватда; 2. *в знач. суц.* **второе** с иккинчи [овқат]; на ~ое были котлеты иккинчи [овқат] *котлетдан иборат эди.*

взвз *м* вуз, олий ўқув юрти; **учиться в ~е** олий ўқув юртида ўқимоқ.

вход *м* 1. кириш; ~ запрещен кириш ман этилади; 2. кириш, киравериш, кириш йўли, кирадиган жой; ~ в метро метрога кирадиган жой; **стоять у ~а** кирадиган жойда (кираверишда) турмоқ.

вхо́/дить *несов.* (войти *сов.*) 1. кирмоқ;

тушмоқ; ~ в дом уйга кирмоқ; корабль вошёл в порт кема портга кирди; войти в воду сувга тушмоқ; 2. сирмоқ, жойлашмоқ; в чемодан пошли все пужные вещи чамодонга ҳамма керакли нарсалар жойлашди; 3. кирмоқ; в комиссию входит пять человек комиссияга беш киши киради; ϕ ~ (войти) в привычку одат бўлиб қолмоқ; одат тусига кирмоқ; ~ в доверие к кому бировнинг ишончини қозонмоқ; ~ в моду расм бўлмоқ, одат бўлмоқ; ~ в чьё положение бировнинг ҳожатини чиқармоқ; бировга мурувват қилмоқ; войти в историю с.м. история.

вчєра нареч. кеча; ~ было холоднее, чем сегодня кеча бугунгидан совуқроқ эди. **вчєрашн/ий** кечаги; ~ий день кечаги кун; ~исе газеты кечаги газеталар; искать. ~ий день с.м. искать.

въезд м 1. кириш, кириб келиш (от-арава ёки транспортда); 2. кириш, кираве-риш; кириш йўли; у -а в город шаҳарга кираверишда.

въезжа/ть несов. (въехать сов.) кирмоқ, кириб бормоқ (от-арава ёки транспортда); -ть в город шаҳарга кириб бормоқ; машина -ет на площадь машина майдонга кириб боряпти.

вы (вас, вам, вас, вами, о вас) мест. 2 л. мн.ч. сиз, сизлар; **вы** наш лучший друг сиз бианинг энг яхши дўстимиасиз; что с вами случилось? сизларга нима бўлди? ϕ быть с кем на «вы» биров билан «сизлаб» сўзлашмоқ.

выбегать несов. (выбежать сов.) югуриб чиқмоқ, чолиб чиқмоқ; выбежать из дому уйдан чолиб чиқмоқ.

выбирать несов. (выбрать сов.) 1. сайлаб олмоқ, танлаб олмоқ; танланмоқ; ~ книгу в библиотеке кутубхонадан китоб танлаб олмоқ; **выбрать** профессию касб танламоқ; 2. сайламоқ (овоз бериш йўли билан сайламоқ); **выбрать** делегата на конференцию конференцияга делегат сайламоқ.

выбор м танлаш, танлаб олиш; ~ покупки танлаб харид қилиш; ~ темы для диссертации диссертация учун тема

танлаш; ϕ на ~ хоҳлаганини, дидига ёққанини (олмоқ, бермоқ).

выбор/ы мн. сайлов, сайловлар; сайлаш; участие в ~ах сайловларда иштирок этиш.

выбрасыва/ть несов. (выбросить сов.) ташламоқ, ташлаб (ирғитиб) юбормоқ, улоқтирмоқ; не ~йте эту газету бу газетани ташлаб юборманг; **выбросить** что в окно бирор нарсени деразадан отиб юбормоқ; ϕ **выбросить** из головы что хаёлдан чиқариб юбормоқ.

выбрать с.м. выбирать.

выбросить с.м. выбрасывать.

вывезти с.м. вывозить.

вывести с.м. выводить; ϕ ~ в люди кого одам қилмоқ, одам қаторига қўшмоқ; ~ на чистую воду кого, что бировнинг сирини фош қилмоқ; шармандасини чиқармоқ.

вывод м хулоса, натижа, яқун; **правильный** ~ тўғри хулоса; **прийти** к какому ~у бирор хулосага (натижага) келмоқ; **сделать** ~ из своих наблюдений ўз кузатишлари бўйича хулоса чиқармоқ.

выводить несов. (вывести сов.) 1. чиқармоқ, олиб чиқмоқ; - **больного** в сад бе-морни боққа олиб чиқмоқ; **вывести** полк на парад полкни парадга олиб чиқмоқ; **вывести** лошадь во двор отни ҳовлига олиб чиқмоқ; 2. яратмоқ, етиш-тирмоқ; - **новые сорта хлопчатника** пахтанинг янги навларини яратмоқ; ϕ ~ из себя жаҳлини чиқармоқ, қонини қайнатмоқ, ғазабини келтирмоқ; ~ из строя ишдан чиқармоқ, яроқсиз қилмоқ, буз-моқ; ~ из терпения тоқатини тоқ қилмоқ, хуноб қилмоқ.

вывоз м олиб кетиш, ташиб кетиш; олиб келиш, ташиш; чиқариш; ~ **школьни-ков в лагерь** ўқувчиларни лагерга олиб бориш.

вывозить несов. (вывести сов.) ташимоқ, ташиб кетмоқ, ташиб битирмоқ; чиқар-моқ; ~ кирпич со двора ҳовлидан гишт ташимоқ; **вывести** детей за город бо-лаларни шаҳардан ташқарига олиб кет-моқ.

выглядить сов. (глядить несов.) дазмол-

ламоқ, дазмол урмоқ, босмоқ; ~ рубашку кўйлакни дазмоллаб олмоқ.

выгля/деть несов. кўринмоқ, муайян кўринишга эга бўлмоқ; тус олмоқ; хоришо ~дет кўриниши яхши бўлмоқ; он ~дит больным у кўринишидан касалга ўхшайди.

выгнать см. выгонять.

выговор м 1. талаффуз; 2. танбеҳ; таъзир, ҳайфсан, койиш; **объявить** ~ ҳайфсан эълон қилмоқ; **получить** ~ ҳайфсан олмоқ.

выгоди/ый фойдали, манфаатли, қулай; ~ый **договор** фойдали шартнома; **условия** ~ы для обеих сторон шартлар ҳар икки томон учун ҳам фойдали.

выгонять несов. (выгнать сов.) қуваляб (ҳайдаб) чиқармоқ; ~ стадо на луг подани далага ҳайдаб юбормоқ; **выгнать кого из дома** бировни уйдан ҳайдаб чиқармоқ.

выгружать несов. (выгрузить сов.) юк туширмоқ; юкдан бўшатмоқ; ~ вещи из машины машинадаги нарсаларни туширмоқ.

выда/вать несов. (выдать сов.) 1. бермоқ, топширмоқ; ~вать зарплату маош (ойлик) бермоқ; ~ть пропуск рухсатнома (ёзиб) бермоқ; 2. маълум қилмоқ, ошкор қилмоқ, сир бой бермоқ; ~ть кому свою тайну ўз сирини бировга айтиб бермоқ; 0 ~вать (~ть) себя (с головой) ўз сирини бутунлай очиб бермоқ; ўз сирини фош қилиб қўймоқ.

выдача ж 1. бериш, топшириш; ~ зарплату маош бериш; 2. ушлаб бериш, тутиб бериш; ~ преступника жиноятчини тутиб бериш.

выдающ/ийся атоқли, машҳур; жуда катта, мисли кўрилмаган; ~ийся ученый машҳур олим; ~иеся успехи жуда катта муваффақиятлар; ~еися событие жуда катта воқеа.

выделить см. выделять.

выдел/ять несов. (выделить сов.) ажратмоқ, айирмоқ ~ить деньги на покупки харид қилиш учун пул ажратмоқ; ему ~или квартиру в новом доме янги уйдан унга квартира ажратиб беришди.

выделя/ться несов. ажралиб (айрилиб) турмоқ, фарқланиб турмоқ; ~ться своими способностями ўз қобилияти билан ажралиб турмоқ; его голос ~лся в хоре хорда унинг овози ажралиб турарди.

выдержать см. выдерживать.

выдержива/ть несов. (выдержать сов.)

1. чидаш (бардош) бермоқ, маҳкам турмоқ, чидамоқ; кўтармоқ; **прибор** ~ет высокому температуру асбоб (прибор) юқори температурага чидайди; 2. чидай олмоқ, бардош бера олмоқ; маҳкам турмоқ; синондан ўтмоқ; полк выдержал атаку противника полк душман ҳужумига бардош бера олди; 0 **выдержать экзамен** (экзамены) имтиҳондан (синовдан) ўтмоқ; **выдержать характер** бўшашмаслик; қатъий турмоқ.

выезд м 1. йўлга чиқиш, жўнаш, кетиш; 2. чиқиш, чиқавериш; чиқиш йўли; на ~е из города шаҳардан чиқаверишда.

выезжать несов. (выехать сов.) йўлга чиқмоқ, жўнамоқ, кетмоқ, чиқиб кетмоқ; **выехать из города** шаҳардан чиқмоқ, шаҳардан жўнаб кетмоқ.

вызвать см. вызывать.

выздоровлива/ть несов. (выздороветь сов.) соғаймоқ, тузалмоқ; **мальчик** ~ет бола соғайиб бормоқда.

вызов с 1. чақириш, ундаш, таклиф қилиш; ~врача на дом врачни уйга чақириш; 2. қарши чиқиш, живига (рашига) тегиб қарши бўлиш.

вызывать несов. (вызвать сов.) 1. чақирмоқ, чақиртириб келтирмоқ; ~ врача доктор чақиртирмоқ; **вызвать в суд** судга чақиртирмоқ; 2. ундамоқ, чақирмоқ; **вызвать на соревнование** мусобақага чақирмоқ; 3. бирор нарсага сабаб бўлмоқ, қўзғатмоқ, тугедирмоқ; **вызвать гнев** аччирини чиқармоқ, азаблантирмоқ; **вызвать улыбку** кулгини қислатмоқ; кулдирмоқ.

выиграть см. выигрывать.

выигрывать несов. (выиграть сов.) 1. ютмоқ, ютиб олмоқ; **выиграть по займу** заёмдан ютмоқ; 2. устун чиқмоқ, галаба қозонмоқ, зафар топмоқ; ~ войну уруш-

да волиб келмоқ, урушда енгиб (ютиб) чиқмоқ.

ВЫЙТИ с.м. **ВЫХОДИТЬ**.

ВЫКЛЮЧАТЬ несоев. (выключить соев.) Учирмоқ; тўхтатмоқ; узмоқ, узиб қўймоқ; ~ мотор моторни тўхтатмоқ (Ғучирмоқ); ~ станок дастоҳни тўхтатиш; ~ радио радиони Ғучирмоқ; ~ электрический свет электрни Ғучирмоқ.

ВЫКОПАТЬ соев. (копать несоев.) 1. қазимоқ, кавламоқ; ~ колодец қудуқ қазимоқ; 2. кавлаб олмоқ, қазимоқ; ~ куст сирени сирень кўчатини кўчириб олмоқ; ~ картофель картошка кавламоқ.

ВЫКРАСИТЬ соев. (красить несоев.) бўямоқ, ранг бермоқ; ~ крышу [тунука] томни бўямоқ; ~ стены в голубой цвет деворни ҳаво ранга бўяб чиқмоқ.

ВЫЛЕТАТЬ с.м. **ВЫЛЕТЕТЬ**.

ВЫЛЕ/ТЕТЬ соев. (вылетать несоев.) учиб кетмоқ, учиб чиқиб кетмоқ; самолёт ~тел утром самолёт эрталаб учиб кетди; птица ~тела из гнезда қуш уяси дан учиб кетди; самолёт ~тел из-за облаков булутлар орасида бирдан самолёт кўринди; ◊ ~теть в тубан разг. синмоқ; бор-йўридан ажралмоқ; пулсиз қолмоқ; ~тять из головы зедан чиқиб кетмоқ; ёддан кўтарилмоқ.

ВЫЛЕЧИТЬ соев. (лечить несоев.) даволамоқ; ~ больного от ангины ангина бўлган беморни даволамоқ.

ВЫЛЕЧИТЬСЯ соев. (лечиться несоев.) даволанмоқ, шифоланмоқ; ~ от ангины ангинадан даволанмоқ.

ВЫЛИВАТЬ несоев. (вылить соев.) тўкмоқ, қуймоқ (сувни); ~ воду сувни тўкмоқ.

ВЫЛЛАВИТЬ соев. (вылавливать несоев.) тутмоқ, тутиб олмоқ; ~ сома лаққа балиқ тутмоқ; лаққа балиқни тутиб олмоқ.

ВЫМЫТЬ соев. (мыть несоев.) ювмоқ, ювиб тозалamoқ; ~ руки кўлни ювмоқ; ~ посуду идиш-товоқни ювмоқ.

ВЫМЫТЬСЯ соев. (мыться несоев.) ювинмоқ, чўмилмоқ; ~ в ванне ваннада чўмилмоқ.

ВЫНЕСТИ с.м. **ВЫНОСИТЬ**.

ВЫНИМАТЬ несоев. (вынуть соев.) чиқармоқ, чиқариб (тортиб) олмоқ, сузуриб олмоқ;

без труда не вынешь и рыбку из пруда посл. меҳнатсиз иш битмас; меҳнатсиз роҳат бўлмас; жон чекмагунча (куйдирмагунча) жонона қайда; ~ деньги из кармана чўнтақдан пул чиқармоқ; ~ одежду из чемодана чамадондан кийимни олмоқ; **ВЫНУТЬ** газеты из почтового ящика почта қутисидан газеталарни сузуриб олмоқ; ◊ **ВЫНУТЬ** серебряжку из ушка жонини ҳам аямаслик (бирор азиз, сеvimли киши учун); **ВЫНЬ** да положь! айтганимни қил; дарров (ҳозироқ) тайёр бўлсин, тутган еридан кесади.

ВЫНОСИТЬ несоев. (вынести соев.) 1. олиб чиқмоқ, кўтариб чиқармоқ, ташиб чиқмоқ, ташиб чиқармоқ; ~ вещи из вагона юкларни вагондан ташиб чиқмоқ; **ВОЛНОЙ** вынесло лодку из берег тўлқин қайиқни қирюққа чиқариб ташлади; 2. чиқармоқ, эълон қилмоқ; эълон қилиб билдириш, маълум қилмоқ; **ВЫНЕСТИ** благодарность ташаккур эълон қилмоқ; **ВЫНЕСТИ** постановление қарор чиқармоқ; ~ приговор ҳукм чиқармоқ. 3. чидамоқ, бардош бермоқ, тоқат қилмоқ; **ВЫНЕСТИ** любое испытание ҳар қандай синовга чидамоқ.

ВЫНОСИЛИВЫЙ чидамли, бардошли, сабрли; ~ человек чидамли одам.

ВЫНУТЬ с.м. **ВЫНИМАТЬ**.

ВЫПИСАТЬ с.м. **ВЫПИСЫВАТЬ**.

ВЫПИСЫВАТЬ несоев. (выписать соев.) 1. кўчириб ёзмоқ, ёзиб олмоқ; ~ отдельные стихотворения из книги китобдан айрим шеърларни ёзиб олмоқ; 2. ёзиб бермоқ, расмийлаштириб бермоқ; **ВЫПИСАТЬ** ордер ордер ёзиб бермоқ; 3. ёздириб олмоқ; ёзилмоқ; ~ газеты газеталарга ёзилмоқ.

ВЫПИТЬ соев. (пить несоев.) ичмоқ; ~ чай чой ичмоқ.

ВЫПОЛНЕНИЕ с бажариш, адо этиш, тўлдириш; ~ плана режани бажариш.

ВЫПОЛНИТЬ с.м. **ВЫПОЛНЯТЬ**.

ВЫПОЛНЯТЬ несоев. (выполнять соев.) бажармоқ, адо этмоқ, уддасидан чиқмоқ; ~ работу ишни бажармоқ.

ВЫПУСК м 1. чиқариш, ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариб сотиш; **увеличить** ~ то-

варов для населения аҳолига товар ишлаб чиқаришни кўпайтириш; 2. битирувчилар; битириш, тугатиш (мактаб ёки курсни битириб чиқиш); прощлогодний ~ ўтган йилги битирувчилар.

выпускать несов. (выпустить сов.) 1. қўйиб юбормоқ, чиқариб юбормоқ, бўшатиб юбормоқ; ~ воду из ванны ваннадан сувни очиб юбормоқ; **выпустить на свободу** озод қилмоқ, озодликка (эркинликка) чиқармоқ; 2. тайёрлаб чиқармоқ, етиштирмоқ; институт **выпускает специалистов** институт мутахассислар тайёрлаб чиқаради; 3. чиқармоқ, ишлаб чиқармоқ; завод начал ~ телевизоры завод телевизорларни ишлаб чиқара бошлади; 4. чоп этмоқ, нашр этмоқ, босиб чиқармоқ; **выпустить книгу** китоб нашр этмоқ; 0 ~ из виду (из памяти) эсдан чиқармоқ; эътибордан четда қолдирмоқ; ~ из рук қўлдан бой бермоқ; қўлдан чиқариб юбормоқ.

выражать несов. (выразить сов.) билдирмоқ, ифодаламоқ, ифода қилмоқ; акс эттирмоқ; ~ радость хурсандчиликни ифодаламоқ, ифода қилмоқ; тасвирламоқ (ёзма равишда); ~ общее мнение кўпчиликнинг фикрини ифода қилмоқ ~ **благодарность товарищам** ўртоқларга ташаккур билдирмоқ.

выражаться несов. (выразиться сов.) 1. билдирилмоқ, ифода қилинмоқ, ифодаланмоқ; кўринмоқ, намён бўлмоқ; на его лице **выразилось удивление** унинг юзидан ҳайратланганлиги кўриниб турарди; 2. гапирмоқ, айтмоқ, сўзламоқ (фикрни ифода қилмоқ); ~ точно и кратко аниқ ва қисқа гапирмоқ.

выражени/е с 1. афт, башара, юз; ички ҳолат, қиёфа, сийрат; ~е лица юз қиёфаси, чеҳра; **весёлое ~е** глаз хушчақчақ кўриниш; 2. ифода, ибора; **употреблять в своей речи народные ~я** ўз нутқида халқ ибораларини қўлламақ; 0 с ~ем **читать** ифодали, таъсирчан ўқимоқ.

выразительно нареч. маъноли қилиб, таъсирли қилиб; ифодали қилиб; бурро, дона-дона; ~ **читать** ифодали ўқимоқ.

выразительный/ый таъсирли, таъсирчан, маъноли; ифодали; ~ое **лицо** нур ёрилиб турадиган юз; ~ые **глаза** порлаб турадиган кўз; ~ая **речь** таъсирчан нутқ.

выразить см. **выражать**.

выразиться см. **выражаться**.

вырасти сов. (вырастать, расти несов.) 1. ўсмоқ, ривожланмоқ; за лето мальчик **вырос** ёз давомида бола ўсипти; 2. ўсмоқ, вояга етмоқ, катта бўлмоқ; дети **уже выросли** болалар катта бўлиб қолишди; 3. ўсмоқ, унмоқ; **дерево** **выросло** у дороги йўлниги четидан бир дарахт ўсиб қикди; 4. кучаймоқ, зўраймоқ, ортмоқ; кўпаймоқ; ўсмоқ; **город** **очень** **вырос** шаҳар анча ўсди (обод бўлди).

вырастить см. **выращивать**.

выращивать несов. (вырастить сов.) 1. ўстирмоқ, етиштирмоқ, парвариш қилмоқ; ~ **рассаду** кўчат етиштирмоқ; гул экиб парвариш қилмоқ; 2. тарбияламоқ, боқиб (тарбиялаб) катта қилмоқ; **вырастить детей** болаларни боқиб катта қилмоқ.

вырезать сов. 1. кесиб (қирқиб) олмоқ; кесиб (қирқиб) ташламоқ; 2. ўйиб ёзмоқ; қирқиб ясамоқ.

вырубать несов. (вырубить сов.) 1. кесмоқ, кесиб ташламоқ; 2. кесиб (чошиб, ўйиб) олмоқ; **секу, секу** – не **высеку, рублю, рублю** – не **вырублю** **загадка** (Солнечный луч) ушлаб тутолмайсан, чошиб чополмайсан.

вырыть сов. (рыть несов.) қазимоқ, қавламоқ, ўймоқ; ~ **яму** ўра қазимоқ; **не рой другому (чужому) яму, сам в неё попадешь** см. **рыть**.

высок/ий 1. баланд, юқори, новча, дароз, узун; ~ие **деревья** баланд дарахтлар; с ~ого **дерева** **далеко** **видать** **посл.** [узун дарахт тепасидан узокни кўриш мумкин]; эшак миниб туёғини кўргунча, туя миниб узогини кўр; 2. кучли, юқори, ортиқ; ~ое **давление** юқори босим; ~ий **урожай** мўл ҳосил, юқори ҳосил; 3. аъло, юқори; ~ая **оценка** юқори баҳо; **товары** ~ого **качества** аъло сифатли товарлар; 4. олий, буюқ,

улуғ, муътабар, азиз; ~ая награда олий мукофот; ~ис гости азиз меҳмонлар; ~ое звание юксак унвои; 0 быть ~ого мнения (о ком, о чем) бирор киши ёки нарсаса жуда юқори баҳо бермоқ; ўзини юқори тутмоқ; катта олмақ; птица ~ого полёта см. птица.

высоко нареч. юқори, баланд, юксак; ~ над землей ердан баландда; жить ~ в горах баланд торда яшамоқ; 0 ~ летать см. летать.

высот/а ж 1. баландлик, юқорилик, юксаклик; ~а горы тоғнинг баландлиги; измерить ~у комнаты хонанинг баландлигини (бўйини) ўлчамоқ; 2. баландлик; ~а полёта учининг (парвознинг) баландлиги; поднятъся на большую ~у жуда баланд кўтарилмоқ; жуда баландликка кўтарилмоқ; 0 (быть) на ~е (положении) талаб даражасида бўлмоқ; ўз давкеига лойиқ иш тутмоқ; с ~ы своего величия манманлик (кибр) билан, тақаббуруна, кекайиб, менсимасдан.

выспаться сов. (высыпаться несоя.) мириқиб ухлаб турмоқ, уйқуга тўймоқ.

выставка/а ж кўрғазма; ~а старинного оружия қадимги қуроғлар кўрғазмаси; посетить ~у кўрғазмани томоша қилмоқ.

выстирать сов. (стирать несоя.) ювмоқ; ~ бельё кир ювмоқ.

выстрел м отиш, ўқ узиш; ўқ овози; произвести ~ отмоқ, ўқ узмоқ; убить зверя одним ~ом бир ўқ узишдаёқ ваҳший ҳайвонни ўлдирмоқ; раздался ~ ўқ овози эшитилди; 0 на ~ яқин масофада, яқинда; без ~а қаршиликсиз, буюнча ўқ сарфламай; курашсиз; крепость сдалась без ~а қалъа курашсиз таслим бўлди; одним ~ом двух зайцев убить бир кесак билан икки қаргани (қушни) урмоқ; холостой ~ см. холостой; подпустить на ~ ўқ еткудек масофада (масофага).

выстрелить сов. отмоқ, ўқ узмоқ; ~ из винтовки милтиқдан ўқ отмоқ.

выступать несоя. (выступить сов.) 1. сўзламоқ, сўзга чиқмоқ; ~ с речью нутқ сўзламоқ; ~ по радио радио орқали гапирмоқ; 2. кўрсатмоқ, ижро этмоқ; то-

моша кўрсатмоқ; выступить с концертом концерт кўрсатмоқ, концерт қўйиб бермоқ; 3. чиқиб кетмоқ, йўл олмақ; отряд выступил в поход отряд походага чиқди; 0 ~ на свет божий книжн. ошкора бўлмоқ; астар-авраси очилмоқ. **выступленье** с 1. нутқ сўзлаш, сўзга чиқиш; краткое ~ қисқача нутқ сўзлаш; 2. ижро этиш, бажариш; чиқиш; ~ артистов артистларнинг чиқиши.

высушить сов. (сушить несоя.) қуритмоқ, қовжиратмоқ; ~ мокрые ботинки ҳўл ботинкани қуритмоқ; ~ бельё кирларни қуритиб олмақ.

высш/ий 1. аъло, юқори; ~ий сорт аъло нав; ~ая награда олий мукофот; 2. олий, бош, энг юқори; ~се воинское звание олий қарбий унвои; 3. олий, олий даражадаги (шлм, фан, маълумот дақида); ~ая математика олий математика; ~се образование олий маълумот; ~се учебное заведение см. заведение; 0 в ~ей степени ниҳоят даражада; ~ая мера наказания олий жазо (ўлим жазоси).

высыпаться см. выспаться.

вытаскивать несоя. (вытащить сов.) 1. тортиб чиқармоқ, тортиб олмақ, судраб чиқармоқ; **вытащить** чмодан чамадонни тортиб олмақ; 2. олмақ, суғуриб (тортиб) олмақ; **вытащить** платок из кармана дастурўмолни чўнтақдан олмақ; ~ книгу из портфеля китобни портфелдан олмақ.

вытереть см. вытирать.

вытереться см. вытираться.

вытирать несоя. (вытереть сов.) суртмоқ; артмоқ, артиб (суртиб) тозаламоқ; ~ руки полотенцем сочиқ билан қўлни артмоқ; **вытереть** пыль со стола столнинг чангини артмоқ.

вытираться несоя. (вытереться сов.) артинмоқ, суртинмоқ.

вить несоя. увламлимоқ, увилламоқ; гувилламоқ, гурилламоқ; гувулламоқ; летит ~ вост, сядет ~ землю роет зағадка (Жук) учса ~ гувуллаиди, қўнса ~ ер ковлаиди.

вытянуть сов. (вытягивать несоя.) 1. чўзмоқ, узайтирмоқ; 2. тортиб, суғуриб

чиқармоқ; ~ зуб тишни сузуриб олмоқ; ~ шуку чўртан балиқни тутиб олмоқ.

о'йуни сов. (учить несов.) ёд олмоқ, ўрганиб олмоқ, билиб олмоқ; ~ стихотворение шеърни ёд олмоқ; ~ науку ёд олмоқ, ёдлаб олмоқ.

о'йуни сов. (учиться несов.) ўқиб билмоқ, билиб олмоқ, ўрганмоқ, таълим олмоқ; ~ читать ўқишни билиб олмоқ; ~ игре в шахматы шахмат ўйнашни ўрганмоқ (билиб олмоқ).

о'йуни м 1. чиқиш; ~ книги в свет китобнинг босилиб чиқиши; ~ на сцену сахнага чиқиш; 2. чиқиш, чиқавериш; чиқиш йўли, йўлак; ~ из метро метродан чиқиш; **закри**ть ~ чиқиш йўлини беркитиб қўймоқ; **стоять у** ~а чиқаверишда турмоқ; 3. чора, йўл, илож; ~ из трудного положения қийин аҳволдан қутулиш чораси; 0 **пайти** ~ чорасини (иложини) топтомоқ; **знать все ходы и** ~ы бутун икир-чикирларидан хабардор бўлмоқ.

о'йуни несов. (выйти сов.) 1. чиқмоқ, ташқари чиқмоқ, чиқиб кетмоқ; **идет в баню** черён, **о'йуни** красен **загадка** (Рак) ҳаммомга қоп-қора бўлиб боради, ҳаммомдан қип-қизил бўлиб чиқади; ~ из дома уйдан ташқари чиқмоқ; **охотники** **о'йуни** из леса овчилар ўрмондан чиқди; 2. чиқмоқ, чиқиб олмоқ; **о'йуни** в сад боққа чиқмоқ; **о'йуни** на дорогу йўлга чиқиб олмоқ; ~ на охоту овга чиқмоқ; артисты **о'йуни** на сцену артистлар сахнага чиқяпти (қўтариляпти); **корабль о'йуни** в море кема денгизга чиқяпти; 3. бўлмоқ, содир бўлмоқ, рўй бермоқ; **о'йуни** большая неприятность катта бир қўнғилсиялик юз берди; **о'йуни** вышло не так иш чапласидан кетди; **из этого ничего не о'йуни** бундан ҳеч бир иш чиқмайди; 4. бўлмоқ, бўлиб чиқмоқ, бўлиб етишмоқ; **из него о'йуни** хороший инженер у яхши инженер бўлиб етишди; 5. чиқмоқ, босилиб чиқмоқ, нашр этилмоқ; журнал **о'йуни** каждый месяц журнал ҳар ойда чиқади; **о'йуни** вышла новая книга писателя ёзувачининг янги китоби босилиб чиқди; 0 ~

на пенсию пенсияга чиқмоқ; ~ замуж турмушга чиқмоқ; ~ из моды модадан қолмоқ; ~ из положения чора (илож) топтомоқ; мушкул аҳволдан чиқмоқ; ~ из себя разабланмоқ; ўзини тугулмаслик; ~ из строя ишдан чиқмоқ; сафдан чиқмоқ; ~ из терпения сабри тугамоқ, тоқати тоқ бўлмоқ; ~ из употребления истеъмолдан чиқмоқ; некоторые слова **о'йуни** из употребления баъзи сўзлар истеъмолдан чиқди; ~ на (свежий) воздух тоза (соф) ҳавога чиқмоқ; ~ сухим из воды с.м. вода; не **о'йуни** из головы (у меня) хаёлимдан кетмайди; унута олмайман; ~ в люди одам бўлиб олмоқ; одам қаторига кирмоқ; ~ из доверия ишончини йўқотмоқ; ишончиз бўлиб қолмоқ.

о'йуни/ой: ~ой день дам олиш куни; ~ой костюм кишилик (кўчалик) костюм; 0 ~ая роль театр. иккинчи даражали роль.

о'йуни сов. (вычеркивать несов.) 1. ўчирмоқ, ўчириб ташламоқ; 2. перен. йўқ қилмоқ, йўқотмоқ; 0 ~ из памяти эсдан (миясидан) чиқариб юбормоқ, бутунлай унутиб юбормоқ; ~ из своей жизни ўзи учун йўқ деб билмоқ (ҳисобламоқ).

о'йуни с.м. **о'йуни**.

о'йуни сов. (чистить несов.) тозаламоқ, артмоқ; ювмоқ; ~ ковёр гилами қоқмоқ (тозаламоқ).

о'йуни с айириш; **о'йуни** ~ айириш амалини бажармоқ.

о'йуни несов. (вычерсть сов.) олмоқ, айирмоқ, чегирмоқ; **о'йуни** из пяти два бешдан иккинчи айирмоқ; **о'йуни** задожность қарани ушлаб қолмоқ.

о'йуни с.м. **о'йуни**, **о'йуни**; қожори, баланд(роқ); ~ головы не прыгнешь погов. беҳуда зўр бериш бел чиқарар.

о'йуни/ить сов. (вышибать несов.) уриб туширмоқ; қоқиб туширмоқ; клин клином ~ают заҳарни заҳар кесади; 0 ~ить дух (или душу) из кого уриб ўлдирмоқ.

о'йуни с.м. **о'йуни**.

о'йуни с.м. **о'йуни**.

о'йуни несов. (выяснить сов.) аниқламоқ, равшан қилмоқ, ойдинлаштирмоқ;

выяснить условия конкурса конкурс шартларини аниқлаб билмоқ; **- обстояновку шароитни аниқламоқ.**

выясняться несов. (выясниться сов.) аниқланмоқ, маълум бўлмоқ; **всё выяснилось** ҳаммаси маълум бўлди; **выяснились подробности катастрофы** ҳалокат тафсилотлари аниқланди.

вылить несов. қоқламоқ, сфтобда қуризмоқ (гўшт, балиқ, мева ва сабзавотни). **вял/ый 1.** сўлиган, сўлиб қолган; **-ые** листья сўлиган барглари; **2.** бўшашган, шалвираган, ланж, суст; **-ый человек** ланж (бўшашган) киши; **-ое** настроение ланж кайфияти.

вынут/ь несов. **1.** сўлмоқ, сўлиб қолмоқ; **цветы** ~ гуллар сўлимоқда; **2.** бўшашмоқ, шалвирамоқ, ланж тортмоқ; **0 уши** ~ қулоққа ёқмайди; **оданнинг** эшитгиси келмайди.

Г

гавань ж гавань; денгиз қирғоғида пароходлар тўхтайдиган жой; бандаргоҳ.

гадать несов. (погадать сов.) **1.** фол кўрмоқ, ром очмоқ; **~ на картах** картада фол очмоқ; **2.** фараз қилмоқ, ўйламоқ, тахминламоқ; **0 ~ на кофейной гуще** бўлмагур тахминларни, мўлжалларни қилмоқ; **сувга қараб** фол очмоқ.

газ м 1. газ; **ядовитый** ~ заҳарли газ; **2.** газ; **включить** ~ газни ёқмоқ (ёндирмоқ); **0 дать** ~ прост. газ бермоқ, газ бериб теаликни оширмоқ; **на полном** ~у прост. жуда теа, охириг теаликда.

газет/а газета; **ежедневная** ~а кунда чиқадиган газета; **выписывать** ~у газетата ёзилмоқ; **читать** ~у газета ўқимоқ.

галёрк/а ж разг. галёрка; театрдаги ўринларнинг устки қавати (галерея); **0 на** ~е разг. шутл. орқада, жуда узоқда (ўтириб қолмоқ).

галюша ж калиш; **0 посадить в** ~у разг. ўтиришни қўймоқ, ўсал қилмоқ; **сесть в**

~у разг. ўсал бўлмоқ; **иши хуржун бўлмоқ.**

галстук м бўйинбоғ, галстук; **завязывать** ~ галстукни боғламоқ; **носить** ~ галстук тақиб юрмоқ; **0 закладывать за** ~ прост. шутл. спиртли ичимлик ичмоқ, (ичкилик) отиб олмоқ.

гараж м гараж; **поставить машину в** ~ машинани гаражга қўймоқ.

гарантия ж кафолат, кафиллик, гаров; таъминлаш, таъмин этиш; **~ безопасности** хавфсизлики таъминлаш.

гардероб м гардероб; **кийим жавони**; **раздеться в** ~е гардеробга ечинмоқ.

гасить несов. (погасить сов.) **Учирмоқ**; **~ лампу** лампани ўчирмоқ.

гаси/уть несов. (погаснуть сов.) **ўчмоқ**, **сўнмоқ**; **огонь** ~ет олов ўчаётир; **звёзды** ~ут юлдузлар сўнаётир.

гастроном м гастроном; **купить продукты в** ~е гастрономдан озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олмоқ.

гвоздик м *уменьш.* от гвоздь.

гвоздик/а ж чиннигуд; **букет** ~ чиннигуддан қилинган гулдаста.

гвоздь/ь м мих; **повесить карту на** ~ харитани михга илмоқ; **0 -ём сидит** разг. маҳкам (қоқилган михдек) ўрнашиб қолди (*фикр, таёл ва ш.к. ҳақида*); **-ь вопроса** масаланинг асл моҳияти (*маъзи*); **(и) никаких** ~ей! прост. гап (иши) тамом, вассалом!; **бошқа гап йўқ!**

где нареч. қаерда, қайда, қани; **~ ны рабтаете?** сиз қаерда ишлайсиз?; **~ ни жить, только бы сыгмы быть** погов. қаерда бўлса ҳам қорни тўқ бўлса бўлгани; **~ товко, там и рвется** погов. [қаери ингичка бўлса, ўша еридан узилди]; **арғамчи** ингичка жойидан узилди; **0 ~ бы то ни было** қаерда бўлмагани; **ҳар қаерда ҳам, ~ попало** дуч келган жойда; **қаер тўғри келса** (ўша ерда); **~ тебя черти** несят разг. қайси гўрда юрибсан? қаерда эдинг?; **~ там қаёқда; бе-е; ~ это видно** ҳеч кўрганмисиз; ҳеч эшитганмисиз; шундай бўлганми ҳеч.

где-нибудь нареч. бирор жойда, бирор ерда, қаерда бўлса ҳам, қаерда бўлмагани; **давайте, мы с вами** ~ встретимся

келинг, сиз билан бирор жойда учрашайлик.

где-то нареч. аллақайда, қаердадир, аллақасрададир, номаълум бир ерда; **он живёт** ~ далеко у қаердадир узоқда яшайди.

гектар м гектар; **сто** ~ов земли юз гектар ер.

генерал м генерал; ~ **армии** армия генерали; \emptyset **свадебный** ~ *шутл.* тўй генерали (нотаниш кишилар даврасига ёки тўйга савлат учун таклиф этилган савлобатли киши).

гениальный/ый гениал; улув, истеъдодли; дохиёна; ~ый **ученый** гениал олим; **музыка** ~ого композитора гениал бастакорнинг муסיқаси; ~ое **открытие** дохиёна кашфиёт.

географическ/ий географик; **жўғрофий**; ~ая карта жўғрофий харита; ~ие условия географик шароитлар.

географ/я ж география; **жўғрофия**; **изучать** ~ю географияни ўрганмоқ.

геологи/я ж геология; **заниматься** ~ей геология билан шуғуланмоқ.

геометрическ/ий геометрия...; **геометрик**; ~ие **фигуры** геометрик шакллар; ~ая **задача** геометрия масаласи.

геометри/я ж геометрия; **преподавать** ~ю в школе мактабда геометриядан дарс бермоқ.

герб м герб; **государственный** ~ **России** Россия давлат герби.

героиня ж қаҳрамон аёл; **мать** ~ қаҳрамон она.

героическ/ий қаҳрамонона; қаҳрамон ...; ~ий **народ** қаҳрамон халқ; ~ая **поэма** қаҳрамонлик достони.

герой м 1. қаҳрамон; ботир, баҳодир; **кто за правду горой, тот истинный** ~ *посл.* ким ҳақиқат учун жон берса, ўша ҳақиқий ботир; 2. қаҳрамон (асардаги образ); ~ **повести** қисса қаҳрамони.

гибель ж ҳалокат, ўлим, завољ; ~ **самолета** самолёт ҳалокати.

гибк/ий букилувчан; эгилувчан, эластик; ~ая **ветка** эгиладиган новда; ~ая **фигура** эгилувчан (нозик) қомат, хипча бел қомат; ~ая **политика** тадбиркор сиёсат.

гибн/уть **несов.** нобуд бўлмақ; ўлмақ; ҳалок бўлмақ; **растения** ~ут от мороза ўсимликлар совуқдан нобуд бўлади.

гитѳр/а ж гитара; **играть** на ~е гитара чалмоқ; **петь под** ~у гитара чалиб куйламоқ.

глав/ѳ I м, ж бошлиқ, раҳбар, бошчи; ~а **правительства** ҳукумат бошлиғи; \emptyset **во** ~е бошида, тепасида, олдинда, биринчи ўринда; **во** ~е с кем бошчилигида, бошчилигидаги; **делегация** **во** ~е с **министром** вазир бошчилигидаги делегация.

главѳ II ж боб, фасл; **первая** ~ биринчи боб.

главн/ый 1. асосий, энг муҳим, энг зарур; ~ая **мысль** асосий фикр (мазмун); ~ый **герой** китобнинг асосий қаҳрамони; 2. бош, энг катта, марказий; ~ая **улица** города шаҳарнинг марказий кўчаси; 3. бош, бошчилик қилувчи; ~ый **редактор** журнала журналнинг бош муҳаррири; ~ый **врач** больницы касалхонанинг бош врач; \emptyset ~ым **образом** см. образ 2.

глабл ж 1. грам. феъл; **спряжение** ~ов феълларнинг тусланиши; 2. **высок** уст. сўз, гап, нутқ; ~ом **жги** сердца людей (А.С. Пушкин) оташин нутқинг ила ёндир инсонлар қалбин.

гладить I **несов.** (погладить сов.) силамоқ, сийпаламоқ; ~ **ребѳнка** по голове боланинг бошини силамоқ; ~ **по шерсти** [юнгини ётиғига силамоқ] бировнинг гапини, фикрини маъқулламоқ; айланиб-ўргулмақ; ~ **против шерсти** [юнгини тескарисига силамоқ] бировнинг жизига тегмоқ; тескарисига гапирмоқ; рашига тегмоқ; аксига юрмоқ.

гладить II **несов.** (выглядить сов.) дазмолламоқ, дазмол урмоқ, босмоқ; ~ **бельѳ** ич кийим ва чойшабларни дазмолламоқ.

гладк/ий текис, теп-текис, силлиқ, тақир; ~ая **доска** силлиқ тахта; ~ая **дорога** текис йўл; тақир йўл; \emptyset **взятки** ~и см. **взятка**.

гладь ж силлиқ юза, теп-текис сатҳ; ~ **воды** сув юзи, сувнинг бети; \emptyset **тишь** да

~ разг. тинч ва осойишта ҳаёт; жимжитлик, осойишталик.

глаз м кўз; **правый** ~ ўнг кўз; **открыть** ~а кўзни очмоқ; ~а завидущие, а руки **загребущие** погов. неодобр. очкўз, суқкинна; тўймас бало; отни кўрса – оқсайди, сувни кўрса – сувсайди; **в своём** ~у бревна не видит, а в чужом соломинку **примечает** погов. иштонсиз тиззаси йиртиққа кулар; аввал ўзингга боқ, сўнгра ногора қоқ; идти, куда ~а глядят погов. боши оққан томонга кетмоқ; ўйламай-нетмай йўлга тушмоқ; в ~а не посмеют, так за ~а **станут** погов. олдингда гапирмайдилар-у, орқангдан марзава авдарадилар, бировларга чалгийдилар; ~ами плачет, а сердцем смеётся погов. жоним-жоним деб жониягни олади; \emptyset в ~а кому тўппа-тўтри, дангал, юзига (бетига); **сказать правду** в ~а тўтрисини айтмоқ, бетига айтмоқ; за ~а орқасидан, ўзи йўғида; на ~ тахминан, мўлжал билан; чамалаб; на ~ах кўз ўнгида, кўз олдида; с ~у на ~ бетмабет; юзма-юз; **разговаривать с кем** с ~у на ~ биров билан юзма-юз гаплашмоқ; **бросаться (броситься)** в ~а см. бросаться; **закрывать (закрывать)** ~а на что см. закрывать; **искать** ~ами кого-что см. искать; ~а бы мои не видели кошки эди кўзаларим кўр бўлса-ю, кўрмасам (кўнгилисиз нарса ёки додисани кўрганда); кўзим чиқсин сени кўргунча бундоқ; кўргани – кўзи, отгани ўқи йўқ.

глази/ой кўз...; ~ые болезни кўз касалликлари.

гласный I лингв. унли; ~ звук унли, унли товуш.

гласный II очиқ, ошкора, ҳаммага маълум; ~ суд очиқ суд

глин/а ж лой, гил; **красная** ~а қизил гил; **из ~ы** делают кирпич лойдан ришт қуйилади.

глотать несоя. (проглотить сов.) ютмоқ; ютинмоқ; ~ пищу луқмани ютмоқ, овқатни ютмоқ; \emptyset ~ слёзы кўз ёшини, йиғисини тўхтатиб қолмоқ; ~ слова сўзини ютиб юбормоқ; ноаниқ (чала) гапирмоқ,

глот/ок м ютум, қултум; ҳўплам; ~ок воды бир қултум сув; **сделать два** ~ка бир ҳўпламоқ, бир ҳўплаб ютмоқ.

глубин/а ж 1. чуқурлик, теранлик; ~а реки дарёнинг чуқурлиги; 2. перен. теранлик, чуқурлик; ~а знаний билимнинг чуқурлиги; ~а чувств ҳиссиёт теранлиги; \emptyset в ~е чего ичкарисига, ичига; ичкарисида, ичида, ичкариликда; в ~е зала залнинг ичида; до ~ы души ниҳоятда, жуда; это событие поразило его до ~ы души бу воқеа унга ниҳоятда таъсир қилди.

глубок/ий 1. чуқур, теран; ~ая река чуқур дарё; ~ий колодец чуқур қудуқ; 2. перен. ўткир, кучли, зўр; чуқур; ~ий ум ўткир ақл; ~ие знания зўр (чуқур) билим; с ~им уважением чуқур ҳурмат билан; ~ий интерес зўр қизиқиш; ~ий сон оғир (қаттиқ) уйқу; ~ое молчание чуқур сукунат; ~ая старость жуда ҳам кексалик; ~ая старина жуда қадимқадим замон; ~ая осень кеч куз.

глубоко нареч. 1. чуқур; теран; ~ шырнуть чуқур шўнғимоқ; сузмоқ; ~ под землей ернинг жуда тагида; **здесь** очень ~ бу ер жуда чуқур; 2. ниҳоятда, жуда; ~ уважать жуда ҳурмат қилмоқ.

глуп/ёц м тентак, аҳмоқ; у ~ца усь послеполудня погов. аҳмоқнинг ақли тушдан кейин қиради.

глупост/ь ж 1. аҳмоқлик, тентаклик, ақлсизлик; **показать** свою ~ь ўзининг аҳмоқчилигини кўрсатмоқ; **сделать** что по ~и аҳмоқлик қилмоқ; аҳмоқлиги туфайли номаъқулчилик қилмоқ; 2. аҳмоқлик, бемаънилик, бемазагарчилик, аҳмоқона ҳаракат; **сделать** ~ь аҳмоқлик қилмоқ; аҳмоқона иш тутмоқ; **говорить** ~и номаъқул гаплар гапирмоқ.

глу́п/ый 1. тентак, аҳмоқ, бефаросат, анқов, овсар; ~ый человек тентак одам; 2. бемаъни, бетамиз; ~ый вопрос бемаъни сўроқ; ~ый поступок бетамиз қилиқ; ~ая статья бемаъни мақола; ~ому счастье, а умному бог даёт погов. бахт қимда – боши пахмоқ, қўли тўқмоқда; **не бойся** врага умного, бойся друга ~ого посл. аҳмоқ дўстан ақлли душ-

ман яхши; на ~ый вопрос не бывает ответа посл. аҳмоққа жавоб – сукут; 0 ~ как пробка ўтакетган (гирт) аҳмоқ. глух/ой қулоғи оғир, кар, гаранг; ~ой старик қулоғи оғир чол; 0 ~ое место пастьма жой; ~ая ночь жийжит тун; ~ая дверь очилмайдиган (ёлғондакам) эшик; ~ая тетеря груб.–прост. кўзи кўр, қулоғи кар; гаранг одам.

глядеть несов. (поглядеть сов.) қарамоқ, боқмоқ; назар солмоқ; ~ в окно деразанда қарамоқ; ~ внимательно диққат билан назар солмоқ; ~ с удивлением ҳайрон бўлиб қарамоқ; 0 ~ в оба қулоқни динг қилмоқ; эҳтиёт бўлмоқ; кўз-қулоқ бўлиб қараб турмоқ.

глядеться несов. (поглядеться сов.) ўзига боқмоқ, ўз аксига қарамоқ (ойна ёки сувда); ~ в зеркало ойнага қарамоқ, ўзини ойнага солиб кўрмоқ.

гпать несов. 1. қувмоқ, ҳайдамоқ; девочка гонит гусей қизча юзларни қувиб юрипти; 2. қувмоқ, қувиб чиқармоқ; кеткизмоқ; 0 ~ в шею прост. ҳайдаб солмоқ, думини тугмоқ, кетига тепмоқ.

гна́ться несов. қувмоқ, орқасидан қувиб бормоқ; бирор нарсанинг кетига, пайига тушмоқ; ~ по пятам изма-из қувиб бормоқ; ~ за славой шухратга интилмоқ; 0 ~ за двумя зайцами икки кемага оёқ қўймоқ; ~ за длинным рублём неодообр. пулнинг кетидан қувмоқ; пулнинг кетига тушмоқ; пулга тузоқ қўймоқ.

гнев м газаб, нафрат, жаҳл, зарда; покраснеть от ~а жаҳли чиқиб қизариб кетмоқ; быть в ~е жаҳли чиқмоқ, зардаси қайнаб турмоқ; 0 менять ~ на милость см. менять; не во ~е будь сказано жаҳлингиз чиқмасин, хафа бўлмайсиз, мени кечирасиз-у...

гнездо с уя, ин; ~ ласточки калдиргоч-нинг уяси; вить ~ уя солмоқ, ин қилмоқ; птица летит в ~ куш уясига қараб учадди; осиное ~ см. осинный.

гнёт м зулм, жабр-зулм, азоб-уқубат; жаф; экономический ~ иқтисодий зулм.

гнуть несов. (сгнуть сов.) чиримоқ, сасимоқ, айнимоқ; рыба гниёт с головы

посл. балиқ бошидан сасийди; сув бошидан лойқа.

гнуть несов. (согнуть сов.); згмоқ, букмоқ; 0 ~ спину (шею) икки букилиб ёлвормоқ; хўрланмоқ.

говор/ить несов. (сказать сов.) 1. сўзламоқ; гапирмоқ, демоқ; ~ить правду ҳақиқатни гапирмоқ; ~ить громко баланд овоз билан гапирмоқ; ~ить быстро тез гапирмоқ; не ~и «топ», коли еще не перепрыгнул погов. санамай саккиздема, подадан олдин чанг чиқарма, тавба деб гапир; у кого что болит, тот о том и ~ит погов. азага борган ўз дардини айтиб йиғлар; 2. гаплашмоқ; сўзлашмоқ; ~ить по телефону телефон орқали гаплашмоқ; 3. гапирмоқ; сўзлаша (гапира) олмоқ (бирор тилда); ребёнок еще не умеет ~ить бола ҳали гапира олмайди; бола ҳали гапиришни билмайди; он хорошо ~ит по-русски у рус тилида яхши гапиради; 0 иначе ~я см. иначе; ~ить по душам бемалол (тортинмасдан) гаплашмоқ; кўнглини ёзмоқ; дўстона ҳасратлашмоқ; ~ить начистоту очиг гаплашмоқ; сидқидиллик билан гаплашмоқ; ~ить лишнее оғиздан гулламоқ; откровенно ~я тўғриси айтганда; гапнинг очиги; ~ить за глаза бировнинг кетидан (орқасидан) гапирмоқ; ўзи йўғида (у ҳақда) гапирмоқ, гийбат қилмоқ.

год м 1. йил; в прошлом ~у ўтган йили; в будущем ~у келаси йил; это было ~ назад бу воқеа бир йил бурун содир бўлган эди; прошёл (один) ~ бир йил ўтди; 2. ёш; ребёнок один ~ бола бир ёшда; пять братьев ~ами равные, ростом разные загадка (Пальцы) беш ўтил – ёши бир хил, бўйи ҳар хил; 3. давр; чор; детские годы болалик даврлари; 0 время года см. время; из года в ~ йилдан-йилга, йил сайин; круглый ~ см. круглый; Новый ~ Янги йил; поздравить с Новым ~ом Янги йил билан табрикламоқ; учебный ~ ўқув йили; ~ на ~ не придётсяс погов. йил йилга ўхшамас (тўғри келмас), ҳар йил ўзича (бошқача) бўлар; не по ~ам ёшига тўғри келмайди; ёшига муносиб эмас; с ~ами йил-

лар (вақт) ўтиши билан; в ~ах ёши ўтиб қолган, ёши анчага бориб қолган.

год/йтърся несoв. ярамоқ, яроқли бўлмоқ (бирор ишга); **эти туфли** ~итса для любoй пoгoды бу туфли ҳар қандай об-ҳавo шарoитига ҳам мoс кeлaвepaди; **этo никудa нe** ~итса бу нарса мутлақo ярамайди; **o** ~иться кoму-либo (в oтцы, в мaтepи, вo внучки и т.п.) (oтaнг, oнaнг, нaбиpaнг) тeнги; ...тeнги кeлaди; в пoд-мeтки нe ~итса тирнoгимгa, oғиримгa арзимайди.

гoдoшoй йиллик, бир йиллик, бир йил ичи-да бўлaдигaн; ~ плaн йиллик рeжa; ~ дoхoд йиллик дaрoмaд.

гoдoшoций/а ж йиллик; **пpаздничoвaть** ~у свaдьбь тўйнинг йиллигини нишoнлa-мoқ.

гoлoв/а ж бoш, кaллa; **кивнyть**, ~oй бoш қимирлaтиб қўймoқ; **нaдeть нa** ~у тy-бeтeйкy бoшгa дyппи киймoқ; ~a **y нoг** умa нe пpocит пoгoв. бoш oёқдaн aқл ўргaнмaс (сўрaмaс); **юкoри мaртaбaли** киши нaсткaш oдaмдaн aқл ўргaнмaй-ди, мaслaҳaт сўрaмaйди; **дyрнaя** ~a пo-гaм пoкoя нe дaёт пoгoв. aҳмoқ oғри-дaн ҳoрийди; бoшдa aқл бўлмaсa, oёққa зўр кeлaди; **o** ~a идёт (нoшлa) кpугoм y кoгo бoши aйлaниб қoлди, бoши aйлa-нaди (қoтди); **лoмaть** ~у нaд чeм бoш қoтирмoқ; **нe выхoдит из** ~ы (y мeня) хaёлимдaн кeтмaйди; **унyтa oлмaймaн**; с ~oй aқлли, дoнo (oдaм ҳaқидa); с ~oй **уйти** вo чтo мyккaсидaн кeтмoқ; **выб-рoсить из** ~ы чтo с.м. **выбpacынaть**; **выдaвaть (пыдaть) сeбя (с ~oй) с.м.** **пыдaнaть**; **вeшaть** ~у с.м. **вeшaть**; ~в сaдoвaя хoм кaллa; **қoвoқ бoш**; ~у дaю нa oтсeчeниe қaсaм ичaмaн, ишoнти-риб aйтaмaн; **ўлaй aгaр**; **нa свoю** ~у ўз иxтиёри билaн бaлoгa қoлмoқ; ~a нa плeчaх aқли жoйдидa; кaллaси ишлaйди.

гoлoвн/oй бoш..., кaллa..., миягa oид; ~aя **бoль** бoш oғpини; ~oй мoзг aнaт. (бoш) мия; **o** ~oй **убop** с.м. **убop**.

гoлoд нe oчлик, қoрин oчлик; **испытывaть** ~ oчликни ҳис қилмoқ, қoрни oчмoқ. **гoлoдн/ый** oч, қoрни oч; ~ый **вoлк** oч бўри; ~oй кyмe хлeб нa умe пoгoв.

[қoрни oчнинг тушигa нoн киради]; oч тoвyқнинг тушигa тaриқ киради; **смытый** ~oгo нe рaзyмeет пoгoв. қoрни тўқнинг қoрни oчдaн нe хaбapи бop; **o** нa ~ый **желудoк** oч қoрингa.

гoлoс м 1. oвoз, тoвyш; **звoнкий дeтc-кий** ~ бoлaлaрнинг жapaнгли oвoзи; **гo-вopить тихим** ~oм пaст oвoз билaн гa-пирмoқ; **услышaть зaкoмый** ~ тaниш oвoзни эшитиб қoлмoқ; **узвaть кoгo пo** ~у бирoвни oвoзидaн тaнимoқ; **рaздa-лись гpомкиe** ~a қaттиқ oвoзлaр эши-тилди; 2. oвoз; **oтдaть свoи** ~a зa кoгo бирoв yчyн oвoз бepмoқ; **имeть пpавo** ~a oвoз бepиш ҳyқyқигa эгa бўлмoқ; **o** **вo вeсь** ~ oвoзи бopичa, бaлaнд oвoз билaн; **ҳaммaгa эшиттириб**; **пoдaвaть (пoдaть)** ~ зa кoгo с.м. **пoдaвaть**; **рeшa-ющий** ~ ҳaл қилувчи oвoз; **нe свoим** ~oм (кpичaть, вьeть.) қўрқинчли (ғaйри-тaбиий, гaлaти) тoвyш билaн бyқирмoқ. **гoлoсoвaни/e** с oвoз бepиш, oвoзгa қўйиш; oвoз; **тaйнoс** ~e aширин oвoз бepиш; **стaвить вoпpoc нa** ~e мaсaлaни oвoзгa қўймoқ.

гoлoсoвaть несoв. (пpогoлoсoвaть сoв.) oвoз бepмoқ; ~ зa кaндидaтoв в дeнy-тaты дeпyтaтликa нoмзoдлaргa oвoз бepмoқ; ~ пpотив кaкoгo пpедлoжeния бирop тaхлифгa қaрши oвoз бepмoқ.

гoлyбин/ый 1. кaптaргa oид, кaптaр...; ~aя пoчтa кaптaр пoчтaси; 2. пepeн. yст. юмшoқ, мyлoйим, рoйиш; ~aя кpотoсть кaптaрдeк ювoш.

гoлyб/oй кўк, oчкўк, ҳaвoрaнг, зaнгopи, мoвий; ~oс нeбo мoвий oсмoн; ~мe глaзa зa кyк кyзa; ~oс пoлe сepебpим yслaнo пo зaгaдкa (Нeбo и звёздy) кўк дaлaгa кyмyш сoчилгaн; **o** ~aя кpовь. yст. aсл-зoдa, тaги-тaхти тoзa, зoдaгoн.

гoлyбь м кaптaр, кaбyтaр; **дикий** ~ ёнвoлий кaптaр; **o** ~ мирa **высoк**. тинч-лик кaбyтaри.

гoл/ый 1. ялaнг, ялaнoғoч, oчиқ, yст-бoш-сиз; ~ый **рeбёнок** ялaнoғoч бoлa; ~aя шeя oчиқ бўйи; 2. шип-шийдaм, сидирaя, япpoқсиз; кyп-кyрyқ; ~ыe вeтви япpoқ-сиз нoвдaлaр; ~aя мeстнoсть шип-ший-дaм ep; **o** с мирy нo ниткe ~ oмy рy-

баха погов. кўпчилик бир муштан урса – ўлдирати, бир бурдадан берса – тўйдирати; **-ой овцы не стригут погов.** камбағалдан ҳеч нарса олиб (ундириб) бўлмайди; мулла қуруқдан пул чиқмайди; **~ как сокол** ҳеч нарсаси йўқ; қоққанда қозиқ, оғанда хурмача йўқ.

гѳмон м разг. говур-ғувур, ғўнғир-ғўнғир, қий-чув; **птичий** – қушларнинг чуғур-чуғури.

гѳмон/ить несов. прост. шовқин қилмоқ, говур-ғувур гаплашмоқ, чувиллашмоқ.

гор/я м тоғ; **высокая** ~а баланд тоғ; **вершина** ~ы тоғ чўққиси; **спускаться** на ~у тоғдан тушмоқ; **подниматься** на ~у тоғқа чиқмоқ; **идти** в ~у тоғқа чиқмоқ, тоғқа кўтарилмоқ; **жить** в ~ах тоғда яшамоқ; **~ а с** ~ой не сходится, а человек с человеком сходится поса. тоғ тоғ билан учрашмас, одам одам билан учрашар; **ѳ** ~а родила мышь [тоғ сичқон тувипти] умид катта эди, натижа пуч бўлди; (как) ~а с плеч (свалилась) елкамдан тоғ ардарилгандай бўлди; тоғдай оғир ишдан қутулдим; **сулить золотые** ~ы ваъдани қуюқ қилмоқ; **бировнинг қўйини** пуч ёнғоққа тўлдирмоқ; **не за** ~ами унча узоқ (узоқда) эмас; яқин орада, тез вақтда.

горáздо нареч. анча, хийла, кўп марта; **~ больше** анча ошиқ (кўп); **~ длиннее** анча узун; **~ лучше** анча яхши; **~ умнее** анча ақлли, анча ақллироқ.

горб м 1. букур, чиқик; 2. ўркач; **ѳ сидеть** на ~у (на шее) разг. қарамоғида (боқувида) бўлмоқ; **своим** ~ом ўз кучи билан, ўз меҳнати, ҳаракати билан.

горбат/ый 1. букур, букчайган; букур одам; 2. эгик, букик; **-ый нос** қирғий бурун; **-ый мост** букри кўприк; **-ого могила** исправит погов. [букрини гўр тузатади]; сут (қон) билан кирган жон билан чиқар; йўрғакда теккан касал ўлганда ҳам кетмайди.

гордйтсья несоя. фахрланмоқ, ифтихор қилмоқ; **~ своими успехами** ўз ютуқлари билан фахрланмоқ; **~ своим сыном** ўз ўғли билан фахрланмоқ.

гордѳст/ь ж 1. ғурур, ор; **оскорбить** его

~ь унинг иззат-нафсига тегмоқ; 2. ифтихор, фахр; фахрланиш; **испытывать** ~ь за свою Родину ўз Ватани ҳақида фахрланиш туйғулари билан тўлиб-тошмоқ; **национальная** ~ь миллий ифтихор.

горд/ый 1. мағрур; мағрурона; **-ый человек** мағрур одам; **-ый взгляд** мағрурона қараш; 2. фахрланадиган, ифтихори зўр; **ғурурланадиган**; **он** ~ **доверием** друзей у дўстларининг ишончидан мағрур; **ѳ мы люди не** ~ые разг. биз фақир кичимиз, бизда кибр йўқ.

гор/е с 1. рам, қайғу, алам, ҳасрат, дард, мусибат; **стать седым** от ~я рам-қайғудан сочи оқармоқ; **делить** ~е и радость с друзьями қайғу ва севинчларини дўстларига айтиб юрагини ёзмақ; дўстлари билан дардлашмоқ; **хлебнуть много** ~я на своём веку ўз ҳаётида кўп қайғу-аламларни бошидан кечирмоқ; **слезами** ~ю не поможешь погов. қайғу – фойдасиз, йиғи – ёрдасиз; қайғуни кўз ёши ювоилмас; 2. кулфат, бахтсизлик, бало, офат; **случилось** больше ~е катта бахтсизлик юз берди; **его постигло** ~е унинг бошига кулфат тушди; **ѳ завить** ~е **верёвочкой** разг. хафаликни ёзмақ; **диққатликни** (рам-ташвишни) орқага ташламоқ; и ~я мало рам-ташвиши ҳам йўқ; парвойи фалак; с ~м (с грехом) пополам жуда қийналиб, зўрға-зўрға, ўлиб-ўлиб; аранг, амал-тақал қилиб.

горёние с ёниш, куйиш; ўртаниш.

горёнк/а ж **уменьш.-ласк.** от горница

гор/ётъ несоя. (сгореть сов.) 1. ёнмоқ, ловулламоқ; **в печке** ~ят **дрова** печкада Утин ёняпти; 2. ёнмоқ, ёрузлик таратмоқ; **в комнате** ~ит **лампа** хонада чироқ ёниб турипти; 3. **перем.** ярқирамоқ, чақнамоқ, ялтирамоқ; **глаза** ~ят **от радости** севинчдан кўзалари чақнаб кетди; **ѳ** ~еть **любовью** ишқ ўтида куймоқ; **~еть** **от стыда** уялганидан лавлагиси чиқиб кетмоқ; **на воре шапка** ~ит погов. бўйнида иллоти борнинг оёғи қалтирайди.

горизонт м уфқ; **солнце** скрылось за

~ом қуёш уфқ ортига беркинди.
горизонтально нареч. горизонтал, горизонтал равишда, ётиқ; **положить** ~ что горизонтал равишда қўймоқ.
горизонтальн/ый горизонтал..., уфқий; **~ая линия** горизонтал чизиқ; в ~ом положении горизонтал ҳолатда.
горло с томоқ, буғиз, халқум; **закрывать** ~ шарфом томоқни шарф билан ўраб олмоқ; **у него болит** ~ унинг томоғи оғрияти; **о во всё** ~ (кричать) разг. томоғини йиртгудек (аўр бериб) бақирмоқ; **завял по** ~ иш бошдан ошиб ётипти; жуда банд; **кусок в** ~ не идёт уст. томоғимдан овақат ўтмайди; **промочить** ~ [томоқни бир оз ҳўллаб олмоқ]; қиттак отиб олмоқ.
гөрница ж крестьянлар (деҳқонлар) уйининг озода қисми; меҳмонхона.
гөрн/ый тоғ..., тоғдаги, тоғли; **~ые вершины** тоғ чўққилари; **~ый климат** тоғ ҳавоси; **~ый водопад** тоғ шаршараси; тоғдаги шалола; **~ое озеро** тоғдаги кўл; **~ая страна** тоғли мамлакат.
гөррд м шаҳар; **большой** ~ катта шаҳар; **население** ~а шаҳар аҳолиси; **жить в** ~е шаҳарда яшамоқ; **за** ~ шаҳардан ташқарига; шаҳар атрофига; **жить за** ~ом шаҳар ташқарисида яшамоқ; шаҳар атрофида яшамоқ; **о ни в** ~е Богдан, ни в селе Селифан на у ёқлик эмас, на бу ёқлик; икки жаҳон овораси; **ни к селу,** ни к ~у на у ёқлик эмас, на бу ёқлик; аросат, дарду бедаво; бевақт; ноўрин; ножўя.
городск/ой шаҳар...; **~ой транспорт** шаҳар транспорти; **~ое население** шаҳар аҳолиси; **~ая библиотека** шаҳар кутубхонаси.
гороҳ м нўхат; **суп с** ~ом нўхат шўрва; **о как об стенку** ~ зшакнинг қулоғига тамбур чертгандай; унга гап бекор; нодонга сўзлаган эсиз сўзим, ўликка йиғлаган эсиз кўзим; **при царе Горохе** жуда қадим замонларда; Даққи Ёнус (Юнус) замонида.
горобов/ый нўхатли; нўхат...; **~ый суп** нўхат шўрва; **о чучело** ~ое (или шут ~ый) таъвия, тасқара; жинни-санги, тен-

так одам; девона.
гореть ж ҳовуч, сиқим; ~ изюма бир ҳовуч майиз.
горчица ж горчица, хантал.
горш/ок м хумча, тувак; **о от** ~ка два **вершка шутл.** ҳали жуда кичкина, жажжи, митти.
горьк/ий аччиқ, тахир, какра; **~ое лекарство** аччиқ дори; **~ий миндаля** аччиқ бодом; **о** ~о **плакать** зор йиғламоқ; қон йиғламоқ; ҳўнграмоқ, ҳўнграб йиғламоқ; **~ая пилюля** кўнгилсиз хабар, аламли таассурот; **~ая истина** (правда) аччиқ ҳақиқат; **~ая судьба** (участь) оғир (бахтсиз) қисмат; толенинг пастлиги; **~ие слезы** аччиқ (қонли) кўз ёшлар; ўкиниб-ўкиниб йиғлаш; **~ий смех** (усмешка) аччиқ кулги; заҳарханда; **знать по** ~ому опыту ўз бошидан ўтказиш натижасида, аччиқ тажриба туфайли билмоқ (билиб қолмоқ).
горяч/ий 1. иссиқ, қайноқ; **~ий чай** иссиқ (қайноқ) чай; **~ая пицца** иссиқ овақат; 2. қизғин, оташин, астойдил; **~ий привет** қизғин салом; **~ая любовь** оташин севги; **~ий спор** қизғин мунозара; **о** **~ая пора** ишининг энг қизғин даври; **под** ~ую (сердитую) **руку** бир ишни жаҳл билан қилмоқ; жаҳл устида (гапириб юбормоқ); **по** ~им (по свежим) следам иссиғида; совумасдан; (бир воқеа, ҳодисадан сўнг) тезгина; **всплыть** ~их прост. қаттиқ урмоқ, адабини бермоқ.
горячо нареч. қизғин, оташин; **~ любить** астойдил севмоқ; **~ поздравить с праздником** байрам билан қизғин табрикламоқ; **куй железю, пока** ~ погов. темирни қизғирида бос.
господйн м жаноб, жаноблари; **~ посол** элчи жаноблари; жаноб элчи; **~ президент** президент жаноблари, жаноб президент; **о** ~ своего слова сўзининг (ваъдасининг) устидан чиқадиган киши, бир сўзали киши; **сам себе** ~ ўзига хон, ўзига бек.
господство с ҳокимлик, ҳукмронлик, устунлик; **политическое** ~ сиёсий ҳукмронлик; **~ в воздухе** ҳаводаги устунлик.
господствовать несосв. ҳокимлик қилмоқ,

хукмронлик қилмоқ; ҳукмрон бўлмоқ; ~ на море денгизда хукмронлик қилмоқ.
господь м худо, парвардигор; **о** слава те (тебе), господи э худо, ўзингга шукур; алҳамдулиллоҳ; не приходи ~ Худо кўрсатмасин; **прости** ~и (или ~и) ўл паноҳингда сақла; помилуй ~и ўзинг кечир; (**о**) ~и! 1) разг. во, ажаб!, ажабо!; 2) рел. в худо; ё раббий!

госпожа ж хоним; бека.

гостеприимно нареч. меҳмондўстлик билан; ~ встретить кого бировни меҳмондўстлик билан кутиб олмоқ.

гостеприимный меҳмондўст, меҳмонни яхши кўрадиган; ~ хозяин меҳмондўст мезбон.

гостиница ж меҳмонхона; **остановиться** в ~е «Узбекистан» «Ўзбекистон» меҳмонхонасига жойлашмоқ; **снятъ номер** в ~е меҳмонхонадан номер (хона) олиб турмоқ.

гость м меҳмон, қўноқ; **о** высокий ~ азият меҳмон.

гостья ж меҳмон (аёл).

государственн/ый давлат...; ~ый строй давлат тузуми; ~ая власть давлат ҳокимияти.

государство с давлат; **границы** ~а давлат чегаралари; **органы управления** ~ом давлатни бошқариш органлари.

готовить несов. (приготовить сов.) 1. тайёрламоқ, ҳозирламоқ; **готовы** сани дотом, а телегу зимой погов. қиш гамини ёзда энг; ~ машину к поездке машинани сафарга тайёрламоқ (шай қилмоқ); ~ статью для газеты газетага мақола тайёрламоқ; 2. тайёрламоқ; ~ уроки дарс тайёрламоқ; ~ новую роль янги роль тайёрламоқ; 3. пиширмоқ, тайёрламоқ; ~ обед овқат пиширмоқ; **о** готов (был) сквозь землю провалиться ер ёрилса-ю, ерга кирсам дедим; етти номусим ерга киргудек бўлди.

готовиться несов. (приготовиться сов.) тайёрланмоқ, ҳозирланмоқ, шайланмоқ; ~ к поездке сафарга ҳозирлик кўрмоқ; ~ к занятиям дарсга (машғулотга) тайёрланмоқ.

готовый 1. тайёр; **купить** ~ое пальто

тайёр (тикилган) пальто сотиб олмоқ; **обед** ~ овқат тайёр бўлди; **у** ~ой пиши жизнь коротка погов. тайёр таомнинг умри қисқа; 2. тайёр; шай, таппа-тахт; **лётчик** ~ к полёту учувчи учишга (парвозга) тайёр; 3. шай; **быть** ~ым на всё шай бўлиб турмоқ; **он** всегда ~ помочь товарищам у ўртоқларига ёрдам беришга доим шай туради; **жить** на (всём) ~ом тайёрига айёр бўлиб яшамоқ; **раз, два и** ~ бирпасда (ҳаш-паш дегунча, қўз очиб югунча) тайёр.

грабли мч. хаскаш.

град м дўл, жала; **идёт** ~ дўл ёяпти; **пошёл** дождь с ~ом дўл аралаш ёмғир ёяпти; **о** пот льётся ~ом терга ботиб (пишиб) кетиш.

градус м 1. градус, даража; **угол** в сорок пять ~ов (45°) қирқ беш градусли (45°) бурчак; 2. даража; **четыре** ~а тепла тўрт даража иссиқ; **о** под ~ом прост. маст ҳолда, кайф устида; кайф билан.

гражданин м 1. граждан, фуқаро; ~ Узбекистана Ўзбекистон фуқароси; 2. гражданин, тақсир; ~, **пройдите** в зал! гражданин, залга кириш!

гражданка ж гражданка, фуқаро аёл.

гражданск/ий 1. гражданлар..., гражданлик..., фуқаролик...; ~ое право гражданлик ҳуқуқи; ~ий долг гражданлик бурчи; 2. граждан..., (ҳарбий бўлмаган); ~ая авиация граждан авиацияси; **о** ~ая война см. война.

грамм м грамм; **купить** двести ~ов сливочного масла икки юз грамм сариёв сотиб олмоқ.

грамматика ж грамматика; **школьная** ~ мактаб грамматикаси; ~ узбекского языка ўзбек тили грамматикаси.

грамматическ/ий грамматика..., грамматик; ~ие правила грамматика қоидалари.

грамот/а ж 1. савод, хат-савод; 2. ёрлиқ; **почетная** ~а фахрий ёрлиқ; **о** филькина ~а прост. саводсизларча ёзилган, инobatга олиб бўлмайдиган ҳужжат; **китайская** ~а билиш (англаш, аниқлаш) қийин бўлган нарса; муаммо.

границ/а ж 1. чегара; **государственная**

~а давлат чегараси; ~а идёт по реке чегара дарё буйлаб кетади; 2. чет, ҳад, чегара; ~а лесов ўрмоннинг чети; 0 за ~у чет элга; за ~сей чет элда; из-за ~ы чет элдан; **нарушать** (нарушить) ~у чегарани бузиб ўтмоқ.

грач м гўнқарға.

гребёнк/а ж тароқ; **стричь под ~у** сочни қисқа қилиб олмоқ (олдирмоқ); 0 **стричь (всех) под одну ~у** суриштирмай ҳаммани бараварлаштирмоқ.

гром/ётъ несов. гумбурламоқ, гулдирамоқ, жарангламоқ; **гром ~ит** момақалдироқ гумбурлайди.

греть несов. (согреть сов.) иситмоқ, илитмоқ, қизитмоқ; ~ воду сувни иситмоқ; ~ руки у костра гулханда қўлни иситмоқ; 0 ~ руки на чем разг. бирор ишда бир нарсали бўлиб қолмоқ, қаллоблик билан бойимоқ.

грех м 1. рел. гуноҳ, ёзиқ; 2. айб, айб иш, гуноҳ; 3. в знач. сказ. айб бўлади, уят, яхши эмас; **над старостью смеяться** ~ қариликдан кулиш яхши эмас; 0 и **смех**, и ~ ҳам куласан, ҳам йилгайсан киши; ҳам куласиз, ҳам қуясиз; ўлганимдан куламан, сочларимни юламан; **чего ~а таить** тўриси (очигини) айтиб қўяқолиш керак; **как на ~ аксига олиб**, аксига юриб, журттага қилгандай.

гриб м қўзиқорин; **следобный** ~ еб бўладиган қўзиқорин; **собирать ~ы в лесу** ўрмонда қўзиқорин термоқ; **есть корешок**, **есть и шляпка**, а не ~а загадка (Зонт) илдизи бор, салласи бор, аммо қўзиқорин эмас; 0 **расти (или вырастать) как ~ы (после дождя)** тез кўпаймоқ, урчимоқ, кўпайиб кетмоқ.

грибной қўзиқоринли; қўзиқориндан тайёрланган; ~ суп қўзиқорин солиб пиширилган шўрва; 0 ~ дождь қуёш чиқиб турган пайтда ёмғир ёиши; бўри турди.

грипп м грипп, тумов; **болеть ~ом** тумов бўлмоқ.

гроб м 1. тобут; 2. қабр; 0 **стоять одной ногой в ~у** бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда бўлмоқ; **вонгать в ~ гўрга** тикмоқ, адо (тамом) қилмоқ, ўлар ҳолатга етказмоқ; до ~а абадий, то ўлгунча, умрнинг охи-

ригача; **хоть в ~ ложись** ҳеч иложи йўқ; бошқа чора қолмади.

гробов/ой 1. тобутга оид; тобут.; 2. қабрга оид; қабр.; 0 ~ая тишина сув қуйгандек жимжитлик; ~ое молчание чуқур сукунат; до ~ой доски то ўлгунча, умрбод.

гроз/а ж момақалдироқли жала; летняя ~а ёзги жала, ёзги момақалдироқ аралаш жала; **разразилась ~а** бирдан момақалдироқ билан жала бошланди; ~а **бьёт по высокому дереву посл.** туянинг улуди кўприкда таёқ ер.

гром м момақалдироқ; яшин; ~ **гремят** момақалдироқ гумбурлайди; ~ не **грянет**, **мужик не перекрестится** погова [момақалдироқ гумбурламагунча мужик чўқинмайди]; тепса-тебранмас; салласи ёнаётганда ҳам менинг учун худо деб қўй, дейди; ~ **гремят не из тучи**, а из **павозной кучи** погов. чўпни хор қилсанг, қўзингга тушади; 0 **как ~ среди ясного неба** бирдангина, тўсатдан; ҳеч кутмаганда.

громáдн/ый улкан, каттакон, жуда зўр, азамат, азим; ~ое **сооружение** катта иншоот; **иметь ~ый успех** зўр муваффақият қозонмоқ.

громк/ий қаттиқ, баланд (овоз ҳақида); ~ий **смех** қаттиқ кулги; ~ая **музыка** баланд қилиб қўйилган мусиқа овози; **говорить ~им голосом** баланд овоз билан гапирмоқ; 0 ~ие **слова** баландпарвоз гаплар.

громко нареч. эшиттириб, баланд овоз билан; ~ **разговаривать** баланд овоз билан гапирмоқ; ~ **кричать** баланд овоз билан қичқирмоқ.

грубо нареч. дағал, қўпол (суратда); ~ **обрацаться** қўпол муомала қилмоқ; ~ **разговаривать** с кем бироя билан қўпол гаплашмоқ.

груб/ый 1. қўпол, дағал; ~ая **мебель** қўпол (хунук) мебель; ~ая **ткань** дағал газлама; 2. қўпол, бетамиз; ~ый **человек** қўпол одам; ~ое **ображение** қўпол муомала; 3. қўпол, катта; ~ая **ошибка** қўпол хато; ~ое **нарушение дисциплины** қўпол равишда интизомни бузиш; 0

~ые корма дарал хашак; ~ая пицца дагал (бадхази) овқат; ~ый голос бўғиқ (ёқимсиз) овоз.

грудь /ж кўкрак, кукс, сийна; широкая ~ь кенг кўкрак; чувствовать боль в ~и кўкракда оғриқ сезмоқ; молод конь за морем бынал, спереда шильце, сзади вильце, на ~и белое полотенце загадака (Ласточка) тойча (отим) денгизлар ортида бўлган, олдида бигиз, ортида санчқи, куксида оқ сочиги бор; \emptyset **встать (стоять)** ~ью за кого-что фидокорлик билан ҳимоя қилмоқ; ~ь с ~ью юзма-юз келиб, рўбарў (учрашмоқ).

груз м юк; **отправить** ~ поездом юкни поездда жўнатмоқ; **машина** с тяжелым ~ом оғир юк ортилган машина.

груздь /м қўзиқорин (ейиш мумкин бўлган ламбуруғ тури); **назвался** ~ем – **полезай в кузов** посл. [қўзиқорин бўлсанг, саватга тушавер]; айтдингми, сўзингдан қайтма.

грузить несов. (погрузить сов.) юкламоқ, юк ортмоқ; юк босмоқ; ~ вещи на машину нарсаларни машинага ортмоқ.

грузовик м юк автомобили, юк машинаси.

грузовый юкка, юк ташишга оид; ~ой транспорт юк транспорти; ~ые самолёты юк самолётлари; ~ая машина юк автомобили; юк машинаси.

груша ж 1. гуруҳ, тўда, тўп; на берегу росла ~ деревьен қирғоқда бир тўп дарахтлар ўсарди; 2. гуруҳ; экскурсионная ~ экскурсияда қатнашувчилар гуруҳи; экскурсиячилар гуруҳи; ~ по изучению иностранного языка чет тилини ўрганувчилар гуруҳи.

грустить несов. қайғурмоқ, ғамгин (хафа) бўлмоқ, ҳасрат чекмоқ, маъюсланмоқ; ~ о прошлом бўлиб ўтган ишларни эслаб қайғурмоқ (афсусланмоқ).

грустно нареч. қўнгли ғаш бўлиб, хафа бўлиб; маъюсона; ~ улыбнуться маъюсона кулиб қўймоқ; ~ посмотреть маъюсона қараб қўймоқ; мне ~ хафа бўлиб кетяпман; кўнглим ғаш.

грустный /ый хафа, ғамгин, ғам-ғуссали; қайғули; маъюс; ~ая музыка ҳазин му-

сиқа; ~ый вид ғамгин қиёфа.

груша ж нок, нашвати, олмурут (дарахти ва унинг меваси); в нашем саду растёт ~ бовимизда нок ўсади.

грузно ифлос, кир; в комнате было ~ хона ифлос эди; на улице после дождя ~ ёмғирдан сўнг кўчалар ифлос бўлади.

грузы /ый кир, ифлос, чиркин; иркит, нопок; ~ые руки кир қўллар; ~ая посуда кир (ифлос) идиш; ~ая одежда кир кийим.

грязь /ый ж 1. ботқоқ, лой, балчиқ; ийти по ~и ботқоқ жойдан юрмоқ; упасть в ~ь лойга йиқилиб тушмоқ; 2. кир, ифлос; ифлослик, кирлик; на руках ~ь қўли кир; в комнате ~ь хона ифлос; \emptyset **вплатить** в ~ь [балчиққа қориштирмоқ] қораламоқ; бадном қилмоқ, обрўсини тўкмоқ; мағзава ағдармоқ.

губа /а ж лаб, дудок; верхняя ~а юқори(-ги) лаб; поцеловать в ~ы лабидан ўпмоқ; \emptyset ~а не дура аной эмас; ўа ишига пишқи; молоко па ~ах не обсохло она сути оғзидан кетмаган; ҳали гўдак; ше по ~ам тўври келмайди; кўтармайди; қўлидан келмайди.

гулять несов. сайр қилмоқ, сайр-томоша қилиб юрмоқ; ~ по городу шаҳарда томоша қилиб юрмоқ; ~ по парку паркда сайр қилмоқ.

гусиний /ый розга оид; роз.; ~ый жир роз мойи; \emptyset ~ое перо роз пати (ёзиш учун). **густо** нареч. 1. қуюқ қилиб; қалин, тивиз; 2. тўлиб-тошиб ётибди; кўп, етарли, мўл; то ~, то пусто поғоз. борида чорачора, йўғида банда бечора.

густой /ой 1. қалин, зич, тивиз; ~ой лес қалин ўрмон; ~ые волосы қалин соч; 2. қуюқ; ~ое варенье қуюқ мураббо; ~ая каша қуюқ шавла; \emptyset ~ой бас йўғон овоз (бас).

гусыня ж урғочи роз.

гусь /м роз; у берега плавают ~и қирғоқ бўйида розлар сузиб юришипти; жарить ~я роз гўштини қовурмоқ; \emptyset ~ь свинье не товарищ поғоз. [роз чўққата ўртоқ эмас] оллиқнинг пиёда билан не иши бор; (как) с ~я вода сув юқтирмайди, ҳеч

нарса (тап) таъсир қилмайди; дунёни сув босса тўлиғига чиқмайди; **~сй дразнить** қитиғига (патига) тегмоқ, яшани келтирмоқ; **хорош ~ь!** разг. хўп одам экан-да!

гуськом нареч. турна қатор бўлиб, бирин-кетин тизилишиб (юрмоқ, бормоқ).

Д

да I частица ҳа, ҳа шундай; **все пришли на занятия?** – Да дарсга ҳамма келдимиз? – **Ҳа; ты закончил работу?** – Да, закончил сен ишни тугатдингми? – **Ҳа, тугатдим; 0 вот это да!** разг. ана буни қойил!; **ну да!** 1) ҳа; ҳа шундай; 2) наҳотки, йўр-э; қўйсангиз-чи.

да II союз 1) (противительный) бироқ, лекин, аммо; **я хотел сделать это, да не было времени** мен буни қилмоқчи эдим, аммо вақтим бўлмади; **он хотел уехать, да раздумал** у жунаб кетмоқчи эди, бироқ фикридан қайтди; 2) **(соединительный)** он да я у ва мен; **молочка, невеличка, топенька да бела, весь мир одела загадка** (Иголка) миттигина оқ келинчак бутун оламни кийинтирар; 0 **да будет вам бас қилинг; тинчланинг; етар энди.**

да III тилак ёки буйруқ маъносини билдирувчи қўшимча; да будет так! шундай бўлсин; 0 **да хранит его бог** рел. худо уни ўз паноҳида асрасин; **да будет милость божья** рел. худо раҳмат қилсин.

давать несов. (дать сов.) 1. бермоқ, топширмоқ; **дать книгу** китобни бермоқ; **~ больному лекарство** беморга дори бермоқ; **2.** бермоқ; **имкон бермоқ, йўл қўймоқ; дать пить** сув бермоқ, сув ичирмоқ; **дать есть** овқат бермоқ, овқат едирмоқ; **дать дорогу** кому бировга йўл бермоқ; **он не даёт мне покоя** у менга тинчлик бермайди; **у меня тинч қўймайди; дать ход** делу ишни жунаштириб юбормоқ; **не дать в обиду** хафа

қилишга йўл қўймаслик; **3.** наф келтирмоқ; олинмоқ; бермоқ; **~ доход** даромад келтирмоқ; **земля даёт богатый урожай** ердан юқори ҳосил олинмоқда; **4.** бермоқ (**расмий равишда уюштирмоқ, ташкил қилмоқ**); **дать обед в честь высокого гостя** ҳурматли меҳмон шарафига зиёфат бермоқ; **~ концерт** концерт бермоқ; **5.** бермоқ (**ўзидан кейинги от билан бириктиб, отдан англашладиган тушунчанинг ҳаракат ёки ҳолатини ифодалайди**); **~ (дать), согласие** кўнмоқ, рози бўлмоқ, розилик бермоқ; **~ (дать) бой жанг** қилмоқ; **~ (дать) задание** топшириқ бермоқ; **6.** повел. қани; бўлмаса; кел (келинг); **давайте обедать** келинглар, овқатланиб олайлик; **давайте поговорим** келинг, бир суҳбатлашайлик; **~ (дать) волю** чему с.м. воля; **~ волю рукам** қўлига эрк бермоқ; **~ волю языку** тилига эрк бермоқ; тилини тиймаслик; бидирламоқ; **~ (дать) слово 1)** сўз бермоқ; ваъда бермоқ; 2) сўз бермоқ, руҳсат бермоқ (мажлисда); **~ (дать) телеграмму** телеграмма бермоқ (юбормоқ); **не ~ (не дать) в обиду** козо с.м. обиди; **~ (дать) подпожку** чалмоқ; билдирмай ғаламаслик қилмоқ; **~ (дать) голову на отсечение** боши билан жавоб бермоқ; калламни кундага қўяман; **~ жизни** разг. қаттиқ сўкмоқ; адабини бермоқ.

давлени/е с 1. босим; атмосферное **~е** атмосфера босими; **~е воды** сувнинг босими; **2.** зўрлаш, зўрлаб мажбур қилиш; тазийқ; **оказывать ~е** на кого бировга тазийқ ўтказмоқ; бировни зўрламоқ; **сделать что под ~ем обстоятельства** вазият талаби билан бирор иш қилмоқ.

давп/ий 1. аллақачонги, бурунги; **с ~их** пор аллақачонлардан бери, азалдан; **2.** қадимдан қолган, қадимги; **~ий** обичай қадимги (қадимдан қолган) одат; **~ий** дуг эски (қадрдон) дўст.

давио нареч. анча, аллақачон, қачонлар, кўндан бери, анчадан бери; **это было ~бу** воқеага анча бўлди; **он ~приехал** у аллақачонлар келган; **он живёт здесь** ~ у бу ерда кўпдан бери яшайди; **он ~у**

нас не был у анчадан бери бизнигига келгани йўқ эди; \emptyset ~ бы так! аввалроқ шундай қилиш керак эди!; давным-~ разг. аллақачон.

даже частица ҳатто, ҳаттоки; ~ дети это понимают бунди ҳатто болалар ҳам тушунади; он ~ не смотрел на меня у ҳатто менга қарамади ҳам; \emptyset очень ~ жуда ҳам; очень ~ хорошо жуда ҳам яхши.

далее: и так ~ ва ҳоказо, ва бошқалар. далёк/ий 1. узоқ, йироқ, олис; узоқдаги, олисдаги; ~ий путь узоқ йўл, олис йўл; ~ое путешествие узоқ сафар, олис сафар; ~ие страны узоқдаги мамлакатлар; 2. узоқ, узоқ келажакдаги, илгариги, эски вақтлардаги; ~ое прошлое узоқ ўтмиш; ~ое будущее узоқ келажакдаги истиқбол; в ~ом детстве болалик даврларида, узоқ ёшлиқда; \emptyset ~ий прицел узоқдан мўлжал қилиб олинган ният (мақсад).

далеко нареч. 1. узоқда, олисда; узоққа, олисга; жить ~ от города шаҳардан узоқда яшамок; уехать ~ узоққа [жунаб] кетмок; ~ от очей, ~ и от сердца посл. кўздан нари – кўнгилдан (қалбдан) нари; 2. в знач. сказ. узоқ, олис; до дому ещё ~ уйга ҳали анча бор; уйгача ҳали узоқ; до весны ~ баҳорга анча бор; \emptyset ~ за ~ дан анча кўп; ~дан (анча) ошганда; ~ за полночь тун қоқ ярмидан ошганда, тун ярим кечадан ошганда; ему ~ за сорок у қирқдан анча ошган; \emptyset ~ не уедешь бу билан узоққа бормайсан.

далёко нареч. узоқ, йироқ; \emptyset прекрасное ~ кички. там-ташвишлардан йироқ, тинч ҳаёт ҳақида.

дальнейш/ий бундан кейинги, келажакдаги; кейинги, сўнги; ждать ~их ukazаний кейинги кўрсатмани кутмок; выяснить что из ~его разговора кейинги суҳбатдан бирор нарсани англаб олмок; \emptyset в ~ем бундан кейин, келажакда, эндиликда; кейинчалик.

дальн/ий 1. узоқ, олис, йироқ; узоқдаги, олисдаги; ~ий путь узоқ йўл; ~ее состояние узоқ масофа; 2. узоқ, чатишган; ~ий родственник узоқ қариндош;

близкий сосед лучше ~ей родни посл. узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхши; \emptyset без ~их слов ошиқча гапирмасдан; ближняя соломка лучше ~го сенца погов. узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши.

дальше 1. см. далёкий, далеко; тише едешь, ~ будешь посл. шошмасанг тез етасан, шошгандан ўзиб кетасан; чем ~ в лес, тем больше дров см. больше. 2. нареч. сўнгра, шундан кейин, бундан кейин, яна; что же ~? хўш, кейин-чи?; я не знаю, что будет ~ бундан кейин нима бўлишини билмайман; 3. нареч. охирроғи, давоми; рассказывай ~ гапиргани давом эттир; \emptyset ~ (ехать) некуда прост. бошқа иложи йўқ; бундан ортиқ бўлиши мумкин эмас; бўлганча бўлди; пичоқ бориб суякка тақалди (қадалди).

данны/ый 1. у, бу, шу, мана шу, ҳозирги, мазкур; ~ый факт мазкур факт; ~ое условие бу шароит; в ~ом случае бу масалада; бундай ҳолатда; 2. в знач. суц. далил, асослар, маълумот; получить новы ~ые янги маълумот олмок.

дарить несоев. (подарить сов.) 1. ҳадя қилмок; совға қилмок, тортиқ қилиб бермок; ~ женщиной цветы аёлларга гул бермок; 2. перек. сазовор қилмок, лутфан бахш этмок, бағишламок; ~ вниманием кого кимсага илтифот қилмок, эътибор бериб қарамок; \emptyset ~ (подарить, принести) на зубок чақалоққа суюнчи (кўрманга) бермок.

даром нареч. 1. текинга, бепул, бекорга; получить ~ текинга олмок; ~ брать хорошо, да отдавать худо посл. оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним; \emptyset ~ не пройдёт (дўқ-пўписани ифодалашда) бекор кетмайди; таъзирини ейди; ~ не надо текинга берса ҳам олмайман. дат/а ж тарих, сана (йил, ой, кун); историческая ~а тарихий сана; ~а рождения туғилиш санаси, туғилган вақти; письмо без ~ы числоси (санаси) қўйилмаган хат; указать ~у санани кўрсатмок.

дательный: ~ падеж жуналиш келишиги. дать см. давать.

дәч/а ж дача, дала ҳовли; **жить на** -с дала ҳовлида яшамоқ; **поскаты на** -у дала ҳовлига чиқиб кетмоқ.

два числ. икки; иккита; **два человека** икки киши; **две женщины** икки аёл; **кто два раза родится?** зағадка (Птица) ким икки марта турилади?; **с двух сторон** икки томондан; **около двух рублей** икки сўмга яқин, икки сўмча; **0 два сапога пара** ирон. ўхшатмасдан учратмас; иккаласи бир гўр; **в два счета** прост. дарров, бир пасда; **осонгина**; **ни два, ни полтора** разг. [иккита ҳам эмас, бир яримта ҳам эмас]; **на у ёқликмас, на бу ёқлик**; **ноаниқ**; **яхши ҳам эмас, ёмон ҳам.**

двадцат/ый числ. йигирманчи; -ая страница йигирманчи бет (сахифа); -ое число йигирманчи число.

двадцать числ. йигирма; йигирмата; - человек йигирмата одам, йигирма нафар одам; ~ лет йигирма йил.

двенадцатый числ. ўн иккинчи; - номер дома ўн иккинчи номерли уй.

запас м **ғамлама**; **заҳира**; ~ **топлива** ёқилги ғамламаси; ~ **боеприпасов** ўқдори заҳираси; **продовольственные** ~ы олиқ-овқат заҳиралари; **сделать** ~ы заҳира қилмоқ; **ғамлаб қўймоқ**; **о про** ~ эҳтиётдан, эҳтиёт учун.

запасаться несоев. зарурат учун бир нарсани илгаридан ғамлаб қўймоқ; ~ **дровами** ўтин ғамлаб қўймоқ; **о запастись терпением** сабр-бардош қилмоқ, тоқатли бўлмоқ.

запах м ис, ҳид, бўй; **приятный** ~ хушбўй ҳид; ~ **цветов** гул ҳиди; **чувствовать** ~ **духов** атир ҳидини сезмоқ.

запачкать соев. (пачкать несоев.) **кого-что** 1. булғамоқ, булғаб (ифлос қилиб, кир қилиб) қўймоқ; ~ **чернилами** руки сиёҳ томизиб қўлни ифлос қилмоқ; ~ **платье** қўйлакни ифлос қилмоқ; 2. **перен.** бадном қилмоқ, номини булғамоқ; ~ **доброе имя** пок номга доғ туширмоқ (иснод келтирмоқ); ~ **репутацию** обрўсини тўкмоқ.

запеть несоев. (запеть соев.) ашулани

бошлаб бермоқ; ~ **буду я, а вы подтягивайте** ашулани мен бошлаб бераман, сизлар менга жўр бўлинглар; **запеть песню** ашула айта бошламоқ, куйлай бошламоқ.

запереть соев. (запирать несоев.) қулфламоқ, қулфлаб бекитмоқ.

запирать несоев. с.м. запереть.

записать с.м. записывать.

записаться с.м. записываться.

записк/а ж **варақа**, **хатча** (хат ёзилган қорозча); **написать** ~у **варақа** ёзмоқ; **передать кому** ~у бировга хатчани узатиб юбормоқ.

запис/ой **ёзув** (ёзиш) **учун** белгиланган; ~ая **книжка** ён дафтар.

записывать несоев. (записать соев.) 1. **что** ёзиб олмоқ, ёзиб қўймоқ, ёзиб бермоқ; ~ **лекцию** лекцияни ёзиб бермоқ; 2. **что** ёзиб олмоқ; ёзиб бермоқ (ашула, мусиқа, нутқ ва ш.к.ни); **записать концерт** концертни ёзиб олмоқ (кассета, диск ва ш.к.га); 3. **кого-что** ёзиб қўймоқ; **кири-тиб** (тиркаб) қўймоқ, олмоқ (рўйхатга); ~ **на прием к врачу** врач қабул қилиши учун рўйхатга олиб қўймоқ.

записываться несоев. (записаться соев.) ёзилмоқ; ёзилиб қўймоқ, отини ёздирмоқ; **ўтмоқ** (рўйхатга); ~ **в библиотеку** кутубхонага ёзилмоқ.

запис/ь же 1. ёзиш, ёзиб олиш, ёзиб қўйиш; қайд, қайд этиш; ~ **народных сказок** халқ артақларини ёзиб олиш; 2. **ёзма**, **ёзув** (ёзиб қўйилган, қайд қилинган нарса); **тетрадь с** ~ями хотира дафтари.

запла/кать соев. **ийглай** бошламоқ, **ийглаб** юбормоқ; **ребёнок** ~кал бола **ийглаб** юборди; ~**кать от обиды** аламдан **ийглаб** юбормоқ.

заплата ж **ямоқ**.

заплатить соев. (платить несоев.) **тўламоқ**; ~ **за покупки** сотиб олинган нарсаларнинг пулини тўламоқ; ~ **за квартиру** квартира ҳақини тўламоқ; **о дорого** ~ **за что** бирор нарсанинг қимматга тушиши; **талафот** емоқ; ~ **головой за что** бирор нарса учун қурбон бўлмоқ, ўз жонини бермоқ.

заплатакка ж то же, что заплата; сидит баба на грядках вся в ~х, кто ни пройдёт, всяк заплачет загодка (Лук) жуйкада утирган жулдир хотин, ёнидан дуггани йивлатар хун-хун; лучше ~, чем дырка погов. йиртиқдан (тешикдан) кўра ямоқ яхшироқ.

запом/инать несов. (запомнить сов.) кого-что ёдлаб олмоқ, ёдда (хотирда) сақламоқ, эсда тутмоқ; эсламоқ; ~нить правило қоидани эслаб қолмоқ; быстро ~нить стихотворение шеърни тез эслаб қолмоқ.

запретить см. запрещать.

запрётный тақиқланган, тақиқ (ман) қилинган; 0 ~ плод тақиқланган неъмат (васваса қиладиган, лаззатли, лекин ман этилган нарса ҳақида).

запрещать несов. (запретить сов.) ман қилмоқ, тақиқламоқ, тақиқлаб қўймоқ. **запрещёни/с** с тақиқ, тақиқлаш; народы мира требуют ~я атомного оружия дунё халқлари атом қуролини тақиқлашни талаб қилмоқдалар.

запуск м отиш, иритиш, улоқтириш; учирш, учуриб юбориш; ~ искусственных спутников сунъий йўлдошларни учирш.

запус/кать несов. (запустить сов.) что ҳаракатга келтирмоқ, юргизиб юбормоқ, ишга солмоқ; ~тить мотор самолёта самолёт моторини юргизиб юбормоқ; ~тить ракету ракета учирмоқ.

зарабатывать несов. (заработать сов.) что ишлаб топмоқ; меҳнат қилиб топмоқ; ~ много денег ишлаб кўп пул топмоқ.

заработн/ый: ~ая плата иш ҳақи, мояна, маош, ойлик.

зарансе нареч. олдиндан, илгаридан, барвақт; прийти на лекцию ~ марузуга барвақт келмоқ; ~ подготовиться к севу экишга олдиндан тайёргарлик кўрмоқ.

заревé/ть сов. бўкира (бақира, чинқира) бошламоқ.

заплáт/а ж ойлик, маош, мояна; **выдавать** ~у ойлик бермоқ.

зарубёжн/ый чет..., чет эл..., хорижий;

~ые государства чет давлатлар; ~ая литература чет эл адабиёти; ~ые гости чет эллик меҳмонлар; ~ая пресса хорижий матбуот.

зарубинка (зарубина) ж то же, что зарубка 2.

зарубить сов. (зарубать несов.) 1. кого чопиб ташламоқ; 2. что кертмоқ, кертик солмоқ; 3. спец. (юзини) очмоқ; ~ иласт угля кўмир қатламини очмоқ; 0 ~ на носу (или на лбу) разг. қулоққа илиб (халққа қилиб осиб) олмоқ, билиб қўймоқ, ҳеч эсдан чиқармаслик.

зарубка ж 1. по гл. зарубить 2,3; 2. кертма белги, кертик; ~ в памяти перен. эсда туттиш, қуловига қуйиб олиш.

зар/я ж 1. тонг; шафақ; утренняя ~я тонг шафақи; **встать на** ~е тонг саҳарда турмоқ; ~я ~ зарница, красная девица, по полю ходила, слёзы обронила загодка (Роса) тонг нуридай гўзал қиз, дашту далани кезар, кўздан ёшин оқизар; ~я золотом осыплет погов. эрта тонг ~ олтин кон; 2. перен. тонг, субҳ, бошланиш даври; на ~е новой жизни янги ҳаёт тонгида; 0 ни свет ни ~я см. свет; от ~и до ~и кечаю кундуз; тонгни тонг оттириб, кунни кун боттириб; тинимни билмай.

зарядк/а ж 1. бадантарбия, зарядка (гимнастика машқи); утренняя ~а эрталабки бадантарбия; он каждый день делает ~у у ҳар куни зарядка қилади; 2. ўқлаш; зарядлаш; ~а аккумулятора аккумуляторни зарядлаш.

заседание с мажлис, кенгаш; научное ~ илмий кенгаш.

заселить сов. (заселять несов.) одам қўймоқ, одамларни жойлаштирмоқ (ўрнаштирмоқ).

заслúг/а ж хизмат, фойдали хизмат (тақдирлашга лойиқ иш, фаолият); ~и перед Родиной Ватан олдидаги хизматлар; **призывать** за кем больше ~и бировнинг катта хизматларини тан олмоқ; 0 по ~ам 1) хизматига яраша, кўрсатган хизматлари учун, его наградили по ~ам уни кўрсатган хизматлари туйфайли мукофотладилар; 2) қилмишига

(айбига) яраша, кирдикорига яраша; он получил по ~ам у қилмишига яраша жазоланди.

заслуженный 1. муносиб, ўринли, сазовор; ҳаққоний, тўғри; ~ человек муносиб одам; 2. хизмат кўрсатган; ~ артист хизмат кўрсатган артист; ~ деятель науки хизмат кўрсатган фан арбоби.

заслужива/ть несоев. (заслужить соев.) сазовор бўлмоқ, эришмоқ, қозонмоқ; он ~ет награды у мукофотга (мукофотлавишга) лойиқ; **заслужить доверие** ишонч қозонмоқ.

засмея/ться соев. кулмоқ, кулиб юбормоқ; кула бошламоқ; **девочка громко ~лась** қизча қаттиқ кулиб юборди.

заснуть см. засыпать.

заста/вать несоев. (застать соев.) кого-что учратмоқ; топмоқ; устига бориб (келиб) қолмоқ, устидан чиқиб қолмоқ; ~вать кого дома бировни уйда учратмоқ; я вас не мог ~ть дома мен сизни уйингиздан тополмадим; я ~л его за чтением мен уни китоб ўқиётган пайтда учратдим.

заставить см. заставлять.

застав/лять несоев. (заставить соев.) мажбур қилмоқ, зўрламоқ; ~лять (заставить) кого читать бировни [китоб] ўқишга мажбур қилмоқ; **дождь ~ил туристов** вернуться назад ёмғир туристларни орқага қайтишга мажбур қилди.

застать см. заставить.

застёгивать несоев. (застегнуть соев.) тугмаламоқ, тугмасини солимоқ, тугмасини қадаб қўймоқ; ~ (застегнуть) пальто пальтонинг тугмасини солимоқ.

застёж/ка ж илгак, тугма; **семьдесят одёжек и все без ~ек** загадка (Лук) етмишга кўйлаги бор, битта ҳам тугмаси йўқ.

засыпать несоев. (заснуть соев.) ухламоқ, уйқуга кетмоқ, ухлаб қолмоқ; **ребёнок начал ~** бола ухлай бошлади; он долго не мог заснуть у анчагача ухлалмай ётди.

затём нареч. сўнгра, кейин, ундан кейин; **машина уменьшила скорость, ~** остановилась машина тезликни камайтди, сўнгра тўхтади; \emptyset ~, чтобы, мақ-

сад билан; мақсадида; я позвал вас ~, чтобы сообщить приятное известие сизни қақришимдан мақсад – сизга бир хушхабарни етказишдир.

зато союз ammo, лекин, бироқ; шундай бўлса ҳам, шунинг бараварига, эвазига; **пришлось много поработать, ~** задание я выполнил кўп ишлашга тўғри келди, ammo шунинг эвазига топшириқни бажардим.

затруднени/е с қийинчилик, қийинлик, малоллик; мушкуллик; **материальные ~я** моддий қийинчиликлар; ~я в работе ишдаги қийинчиликлар; **преодолеть ~я** қийинчиликларни бартараф қилмоқ.

затыл/ок ж энса, гардан, бўйин; **удариться ~ком** бўйинини уриб олмоқ; бўйни (энсаси) билан (бирор нарсага) урилмоқ; \emptyset в ~ок (идти, стоять, шагать и т.п.) турна қатор бўлиб, бирин-кетин (олдинмакетин) тизилиб (бормоқ, турмоқ ва ш.к.); **чесать ~ (в ~се)** бошини қашлаб (ҳайронликда) қолмоқ; ўй-хаёлга ботмоқ.

захватить см. захватывать.

захватывать несоев. (захватить соев.) босиб олмоқ, эгаллаб олмоқ, забт этмоқ; қўлга олмоқ; ~ чужую территорию ўзгалар ҳудудини босиб олмоқ; **захватить власть** ҳокимиятни қўлга олмоқ.

заходит/ь несоев. (зайти соев.) 1. кирмоқ, кириб чиқмоқ, кириб ўтмоқ; **зайти в магазин** магазинга кирмоқ; **заходи к пачке** тез-тез бизникига кириб тур; 2. узоқлашиб кетмоқ, ўтиб кетиб қолмоқ, кириб кетмоқ; ~ь (зайти) далеко в лес ўрмоннинг ичкарасига кириб кетиб қолмоқ; **зайти в воду по горло** томоғигача сувга ботмоқ; **зайти в тыл врага** душман ичкарасига кирмоқ; 3. ботмоқ (қуёш, ой қақида); **солнце ~** кун ботяпти; \emptyset ~ь в тулик [боши берк кўчага кириб қолмоқ]; **калаванинг учини йўқотмоқ; далеко ~ь** (зайти) жуда берилиб кетиб чек-чегарани унутмоқ; ўтказиб юбормоқ.

захотеть/ть соев. (хотеть несоев.) истаб қолмоқ, хоҳлаб қолмоқ, орзу қилмоқ; **кўнгил тусаб** қолмоқ; он ~л пить сув ичгиси келиб қолди; я ~л написать

письмо хат ёзмокчи бўлдим.

захотѣ/ться сов. (хотѣться несов.) безл. истамоқ, хоҳламоқ, истай бошламоқ, орзу қила бошламоқ; ему ~лось **пойти в кино** унинг кинога боргиси келиб қолди; у кинога **бормоқчи** бўлди.

зачасті/ть сов. разг. 1. тезлашмоқ, жадаллашмоқ, тезлашиб кетмоқ; **дождь** ~л ёмгир тезлашди; ёмгир жадалига олди; 2. тез-тез борадиган (келадиган) бўлмоқ; ~ть в гости тез-тез меҳмонга борадиган бўлиб қолмоқ.

зачѣм нареч. нега, нимага, нима учун, нима сабабдан; ~ ты пришел? нега келдинг?, нима учун келдинг?; ~ вы это делаете? нега бундай қиляпсиз?

зачѣркивать несов. (зачеркнуть сов.) 1. чизиб ташламоқ, ўчириб ташламоқ; ~ написанное ёзилганларни ўчириб ташламоқ; 2. перен. унутмоқ, йўққа чиқармоқ; **зачеркнуть** чѣи-н. прошлые заслуги ўтмишдаги хизматларини унутмоқ (йўққа чиқармоқ).

зачѣт м **зачѣт**, синов; **сдать** ~ по математике математикадан синов топширмоқ.

защит/а ж ҳимоя (мудофаа, муҳофаза) қилиш, қўриқлаш, сақлаш; ҳимоя, мудофаа; ~а **Родины** Ватанни ҳимоя қилиш; Ватан мудофааси; ~а **мира** тинчликни ҳимоя қилиш; **брать (взять)** под ~у кого-что с.м. брать, взять.

защитить с.м. заңцищатъ.

защитник м ҳимоячи, ҳимоя қилувчи; ~и **Родины** Ватан ҳимоячилари.

защитцѣ/ть несов. (защитить сов.) 1. ҳимоя (мудофаа) қилмоқ, қўриқламоқ, сақламоқ; **народы** ~ют дело мира халқлар тинчлик ишини ҳимоя қиладилар; ~ть свои взгляды ўз қарашларини ҳимоя қилмоқ; **зонтик** ~л еѣ от палящих лучей солнца шамсия қуёшнинг жазирама нурларидан уни сақлаб турар эди; 2. ёқламоқ, ҳимоя қилмоқ; **защитить диссертацию** диссертация ёқламоқ.

заяшка ж *уменьш. от заяц.*

заявить с.м. заявлять.

заявление с 1. ара қилиш, билдириш, баён

қилиш; баёнот; **сделать официальное** ~ расмий равишда билдириб қўймоқ, расмий равишда билдирмоқ; **сделать** ~ для печати матбуот учун баёнот бермоқ; 2. ариза; ~ о приеме на работу ишга кириш ҳақида ариза; **написать** ~ ариза ёзмоқ.

заявлять несов. (заявить сов.) маълум қилмоқ, хабар бермоқ, билдирмоқ; ~ о своём согласии ўз розилигини билдирмоқ.

заяц м 1. қуён; **зайцы** зимой белые, а летом серые қуёнлар қишда оқ, ёзда кулранг бўлади; за двумя зайцами поговисься ~ ни одного не поймашь с.м. за; 2. разг. чиптасиз йўловчи, қуён; **ехать зайцем** чиптасиз кетмоқ (трамвай, троллейбус, автобус ва ҳ.к.да).

заяч/ий 1. қуёнга оид, қуён ...; ~ья шкурка қуён териси; 2. перен. разг. қуёндек қўрқоқ; юраксиз; ~ья натура (душа) қуён табиатли; қуёндек қўрқоқ нусха (одам); ъ ~ья губа тиртиқ лаб.

звѣние с 1. унвон; **воинское** ~ ҳарбий унвон; **получить** ~ профессора профессорлик унвонини олмоқ; ему присвоили ~ полковника унга полковник унвонини беришди; 2. ном, унвон; **иметь** ~ народного артиста халқ артисти унвонига сазовор бўлмоқ; **получить** ~ заслуженного учителя хизмат кўрсатган ўқитувчи унвонини олмоқ.

звать несов. (позвать сов.) 1. чақирмоқ; таклиф қилмоқ; ~ на помощь ёрдамга чақирмоқ; ~ сына домой ўғлини уйга чақирмоқ; ~ в театр театрга таклиф қилмоқ; **как нас зовут?** отингиз нима? **зваться** несов. аталмоқ, номланмоқ.

звезд/ѣ ж (мн. звѣзды) 1. юлдуз; в августе на небе много звѣзд август ойида осмонда юлдузлар кўп бўлади; 2. юлдуз (юлдуз шаклидаги нарса, расм); **нарисовать** ~у юлдузнинг расмини солмоқ; 3. перен. уст. бахт, толге, омад, тақдир, қисмат; ~а поэта шоирнинг толеи (тақдири); **верить в свою** ~у ўз толеига (тақдирига) ишонмоқ; ъ звѣзды с неба хватать юлдузни бонарвон урмоқ; **звѣзд** с неба не хватает осмондаги

юлдузларга құли етмайди (содда одам ҳақида айтилдиган суз); **родиться подчастливой** -ой бахтли, омадли бўлмоқ; доим иши ўнгидан келмоқ; бахти кулмоқ.

звен/еть несов. жарангламоқ; -ит **звоник** қўнғироқ жаранглайди.

звер/ь м ҳайвон (ёввойи, ваҳший ҳайвон); **хищные** -и йиртқич ҳайвонлар; **когда** -ю **приходит мёртвый час**, он бежит прямо на ловца посл. ажали етган сичқон мушукка гамза қилур.

звон/ить несов. (позвонить сов.) 1. қўнғироқни босмоқ, чалмоқ; жарангламоқ; **открый дверь**, **кто-то** -ит эшикни оч, кимдир қўнғироқ чаляпти; 2. қўнғироқ қилмоқ, телефон қилмоқ, телефон қоқмоқ; -ить **по телефону** телефонда гаплашмоқ (ёки чақирмоқ); 0 -ить **во все колокола** ҳамма ёққа жар солмоқ; ҳамма жойда гап тарқатиб юрмоқ.

звонк/ий жаранлаган, жаранглайдиган, жарангдор, қаттиқ овозли; -ий **голос** жарангдор овоз; -ая **песня** баланд овоз билан айтилдиган кўшиқ; 0 -ая **монета** муллажиринг; -ая **фраза** жарангдор гап; -ий **согласный лингв.** жарангли ундош.

звонко нареч. жаранглаб, қаттиқ овоз билан, баланд товуш билан; ~ **рассмеяться** қаттиқ кулиб юбормоқ.

звонок м 1. қўнғироқ; **электрический** - электр қўнғироғи; 2. қўнғироқ, қўнғироқ овози; **школьный** - мактаб қўнғироғи.

звук м товуш, овоз, садо, ун; **громкие** -и баланд овозлар (товушлар); ~ **выстрела** ўқ овози; **раздавались** -и **музыка** мусиқа садолари эшитиларди; 0 **ни** -а жим-жит; чурқ атган товуш йўқ; **пустой** - арзимайдиган, маъноси йўқ нарса.

звукон/ой товуш..., овоз...; товушли, овозли; ~ые **волны** товуш тўлқинлари; -ой **сигнал** товуш сигнали; -ой **фильм** овозли фильм.

звуч/ать несов. овоз чиқармоқ, товуш чиқармоқ, янграмоқ; **громко** -ит гитара гитара янграйди; **в комнате** -али **голоса** хонадан турли овозлар чиқиб ту-

рарди.

звяк/ать несов. 1. жиригламоқ, шақирлатмоқ; -уть **ключами** калитларни шақирлатмоқ; 2. **прот.** қўнғироқ (телефон) қилмоқ; -ни **мис** вечером мена кечқурун қўнғироқ (телефон) қилгин. **здани/е** с бино, иморат; -е **театра** театр биноти; **многостажное** -е қўп қаватли бино; **общественные** -я жамоатчилик бинолари.

здесь нареч. бунда, бу ерда, шу ерда; **я живу** ~ **давно** мен бу ерда анчадан бери яшайман; ~ **очень красиво** бу ер жуда гўзал; **можно оставить** ~ **свои вещи?** нарсаларимни шу ерда қолдиришим мумкинми?

здороваться несов. (поздороваться сов.) сўрашмоқ, саломлашмоқ, кўришмоқ; омонлашмоқ; ~ **за руку** қўл бериб (олиб) кўришмоқ.

здоров/ый сов. соғлом, саломат, тани соғ; -ый **человек** соғлом одам; -ос **сердце** сов юрак; **в** -ом **теле** -ый **дух** поғос сов танда соғлом руҳ; 0 **в** -ом **уме** и **твёрдой** **памяти** эс-ҳуши жойида пайтда; эси (ақли) ўзидалигида; **валить с больной** **головы** на ~ую **см.** **валить**; **будь** ~ (**будьте** -ы) сов бўл (сов бўлинг); яхши қол (яхши қолинг).

здоровье с соғлиқ, саломатлик, омонлик, эсонлик; **крепкое** - мустаҳкам соғлиқ; ~ **улучшается** саломатлик яхшиланиб борапти; **как ваше** ~? саломатлигингиз қалай?; ~ **есть богатство** **посл.** соғлигинг - бойлигинг; соғлиқ - туман бойлик; 0 **за** **ваше** - сизнинг соғлигингиз учун; **на** (**доброе**) ~ **ош** бўлсин, марҳамат, баҳузур; **ешьте** на ~! марҳамат, олинг (еб-ичиб, ўтиринг)!

здравствуй (**здравствуйте**) салом, ас-салому алайкум; эсонми, эсонмисиз?; 0 -те (вам) **разг.** ана холос; оббо сиз-е!; йўр-е?..

зелен/ть несов. хўкармоқ, кўм-кўк (ям-яшил) бўлмоқ; **осенью** -ет, **а летом** эдлотет **загядка** (Рожь) кузда ям-яшил бўлади, ёзда олтин тусига киради; 0 -ть **от злости** вазабдан кўкариб кетмоқ. **зелён/ый** яшил, кўк, сабза, баргиқарам

(ранг); ~ая трава яшил ўт; платье ~ого цвета яшил ранг кўйлак; сам алый, сахарный, кафтан ~ый, бархатный загадка (Арбуз) яшил бахмал тўни бор, ичи қизил, ширингина; ◊ ~ая улица яшил йўл, йўл очки; ~ый театр ёзги театр.

земельный ер...; ~ая реформа ер ислоҳоти; ~ый участок ер участкаси.

земледелие с деҳқончилик, зироатчилик; заниматься ~ем деҳқончилик билан шурулланмоқ.

землетрясение с zilzila, ер қимирлаш.

земля ж 1. ер; ер шари; Земля движется вокруг Солнца Ер Қуёш атрофида айланади; 2. ер, қуруқлик, қуруқ ер; ~я и вода ер ва сув; на корабле увидели ~ю кемадагилар қуруқликни кўришди; 3. ер, тупроқ, замин; сесть на ~ю ерга ўтирмоқ; лежать на ~е ерда ётмоқ; обрабатывать ~ю ерга ишлов бермоқ; метро находится под ~ей метро ер остида жойлашган; слухом ~я подвнется погов. оламда миш-миш (гап) кўти; 4. ер (кимса ё нарса ихтиёридаги ер); владеть ~ей ерга эга бўлмоқ; ◊ ~я горит под ногами оёғи куйган товуқдек югурмоқ; (шошганидан) питир-питир қилмоқ; ~и под собой не чувят. ўзида йўқ хурсанд бўлмоқ; терисига сирмаслик.

земляной ой ер...; ~ые работы ер қазииш ишлари; ~ой орех ер ёнғоқ, арахис.

земной ой ер...; ~ой шар ер шари; ~ая ось ер ўқи; ◊ ~ой поклон икки букилиб таъзим қилиш; ер ўпиб салом (сажда) қилиш.

зёркало с ойна, кўзга; смотреть на себя в ~о ўзини кўзгуда кўрмоқ; ўзини ойнага солмоқ; под большим ~ом плюх-плюх-плюх! загадка (Лёд на реке) катта кўзга остида шалоп-шулуп, шалоп-шулуп; глаза ~о души посл. кўз - кўнгили ойнаси.

зёрно б с (мн. зёрна) дон; уру; крупные зёрна йирик донлар; ~о пшеницы буздой дони; кофе в зёрнах дондор кофе, донча-дона ҳолдаги кофе (янчилмаган кофе); ◊ ~о истины перен. ҳақиқат уруғи.

зимний ж қиш; снежная ~а серқор қиш;

настушила ~а қиш кирди; на ~у многие птицы улетают қишда кўп қушлар учиб кетади; ◊ зимой и летом қишин-ёзин; сиротская ~а [камбагалнинг қиши]; илиқ келган, қаттиқ совуқ бўлмаган юмшоқ қиш; сколько лет, сколько ~ [неча ёз, неча қиш]; қанча йил, қанча ойлар ўтди; неча замонлардан бери.

зимний қиш...; қишки, қишлик; ~ий вечер қиш оқшоми; ~ее время қиш вақти;

~ие виды спорта спортнинг қишки турлари; ~ля одежда қишлик кийим.

зимой нареч. қишда, қиш кун, қиш палласида; ~ было холодно қишда совуқ эди; ~ и летом одним цветом загадка (Ель и сосна) қишин-ёзин бир тусда (рангда).

злой 1. жаҳлдор, баджаҳл, сержаҳл, қаҳрли, тажанг; ~ человек сержаҳл (баджаҳл) одам; злая собака баджаҳл ит; қоповон ит; злое лицо қаҳрли юз; баджаҳл башара; злая пасменка заҳарханда кулги; 2. жаҳлдор, сержаҳл, тажанг; он зол на всех у ҳаммага жаҳл қилиб юрипти; у ҳаммага заҳарини сочилиб юрипти; я зол на вас сидан жаҳлим чиқди; ◊ ~ дух инс-жин; иблис; шайтон; ~ на язык аччиқ тил; тили заҳар.

змея ж илон; ядовитая ~я заҳарли илон;

днём обрuchем, ночью ~ей загадка (Пояс) кундузи - гардиш, тунда - илон;

◊ ~ю на груди отогреть қўйнида илон асрамоқ; маккор, варазғуй кишини дўст деб юрмоқ, унга сирини бой бермоқ.

знак и 1. белги; тамга; аломат; вопросительный ~ сўроқ аломати; фабричный ~ фабрика белгиси (тамғаси); 2. белги; нишон; ~и препинания тииш белгилари; ~ качества продукции маҳсулотнинг сифат белгиси; 3. имо, ишора; имлаш; подавать ~ рукой қўл билан ишора қилмоқ; делать ~и глазами кўз қисиб имо қилмоқ; ... в ~ чего ~ белгиси (рамзи) сифатида; ... юзасидан; и ~ дружбы дўстлик рамзи сифатида; в ~ протеста норозилик билдириб, норозилик юзасидан; молчанье - ~ согласия погов. сукут аломати ризо.

знаком/ец м разг. уст. таниш, ошна, таниш бўлган; **старый** -ец эски танишим (осна).

знакомиться несов. (познакомиться сов.)

1. танишмоқ, ошна бўлмоқ; ~ с **новыми товарищами** янги ўртоқлар билан танишмоқ; 2. с чем маълумот олмоқ, ўрганиб олмоқ, билиб олмоқ; бориб (кўриб) танишмоқ; ~ с **музеями города** шаҳар музейларини бориб кўрмоқ; ~ с **обстановкой** вазият (шароит) билан танишмоқ.

знакомств/о с 1. танишлик, таниш-билишлик, ошналик; **завязать** ~о таниш бўлиб олмоқ; **поддерживать** ~о с кем биров билан ошначиликни давом эттирмоқ; 2. хабардорлик, хабари бўлиш; маълумот; ~о с **узбекской литературой** ўзбек адабиётидан хабардор бўлиш; ~о с **историей народа** халқ тарихини билиш; халқ тарихидан хабардорлик; 0 **шапочное** ~о (шапочный знакомый) разг. кўз ошна (таниш); салом-алик қилиб юриладиган танишлик); с **первого** ~а биринчи кўришдан, биринчи учрашувданок.

знаком/ый 1. таниш; ~ый **человек** таниш одам; ~ая **женщина** таниш аёл; **мы** ~ы с детства биз болалигимиздан танишмиз; 2. таниш, ошна; таниш одам; **встретить старого** ~ого эски ошнасини учратиб қолмоқ; 3. таниш, маълум, таниқли; ~ый **город** таниш шаҳар; ~ая **песня** таниш ашула.

знаменит/ый машҳур, атоқли, донгдор, номдор; ~ый **писатель** машҳур ёзувчи; **этот город** личем не ~ бу шаҳар ҳеч нарса билан машҳур эмас.

знамя с байроқ; ~ **полка** полк байроғи; ~ **победы** ғалаба байроғи.

знани/е с 1. билиш, таниш бўлиш; маълумот; ~е **жизни страны** мамлакат ҳаётини билиш; **работать** со ~ем дела ишнинг кўзини билиб ишламоқ; 2. билим, илм, фан; маърифат; **научные** ~я илмий билимлар; **получить** **необходимые** ~я керакли билимларни олмоқ; **обладать** ~ями билимга эга бўлмоқ.

знать несов. 1. билмоқ, хабардор бўлмоқ,

огоҳ бўлмоқ; **мы** не знали о **последних событиях** сўнги воқеалардан бизнинг хабаримиз бўлмади; **я** об этом **ничего** не знаю мен бу тўғрида ҳеч нарса билмайман; бундан менинг ҳеч хабарим йўқ; ~ не **знаю**, **ведать** не **ведаю** **погов.** туя кўрдингми - йўқ; 2. билмоқ, ўрганиб олмоқ, хабардор бўлмоқ; ~ **физику** физикави билмоқ; **он** хорошо **знает** **иностранные языки** у чет тилларни яхши билади; 3. танимоқ, таниш бўлмоқ, ошна бўлмоқ, билмоқ; **они** давно **знают** **друг друга** улар бир-бирларини азалдан билишади; **я** его **совсем** не **знаю** мен уни мутлақо танитайман; 0 ~ **все ходы и выходы** бутун иқир-чикирларигача билмоқ; ишнинг кўзини яхши билмоқ; ~ **как свои** **пять пальцев** разг. беш қўлдек яхши билмоқ; кўзини юмиб туриб ҳам айта олишлик; **знай**, **сверчок**, **свой** **шесток** **погов.** ўзингни бил, ўзгани қўй.

значение с 1. маъно, маъни, мазмун; ~ **слова** сўз маъноси; 2. аҳамият, моҳият; **историческое** ~ тарихий аҳамият; **иметь** **большое** ~ катта аҳамиятга эга бўлмоқ.

значительно нареч. анча, анчагина; кўпгина; **он** ~ **старше** **друга** у ўртоқидан анча катта.

значительн/ый 1. катта, йирик, талай, талайгина; ~ая **сумма** **денег** анчагина пул; катта маблағ; на ~ом **расстоянии** **от города** шаҳардан анча (узоқда) узоқ масофада; в ~ой **мере** маълум даражада; 2. муҳим, аҳамиятли; ~ые **события** муҳим воқеалар; **играть** ~ую **роль** муҳим роль ўйнамоқ.

значит **аводн.** сл. демак, демакки, шундай экан.

значит/ь несов. маънога эга бўлмоқ, аҳамиятли (қимматли) бўлмоқ; англаймоқ, ифода қилмоқ; **что** ~ **это** **слово?** бу сўз қандай маънони ифодалайди?

значок м 1. нишон, значок (кўкракка тақиладиган нишон); **университетский** ~ дорилфунун нишони; **памятный** ~ эсдалик нишони 2. ишора, аломат, белги; **значки** на **полях** **книги** китоб ҳошиясидаги белгилар.

зблот/о с олтин, тилла; **добывать** ~о олтин қазиб чиқармоқ; **кольцо из** ~а тилла узук; **не всё** ~о, что блестит посл. ялтираб кўринган ҳамма нарса олтин бўлавермайди; ~о и в грязи блестит посл. олтин - балчиқда ҳам олтин; **0 на вес** ~а (ценить) тилладай қиммат (бўлмоқ); олтиндай қадрли (бўлмоқ); тиллага тортиб олмоқ; **чёрное** ~о қора олтин (нефть ҳақида); **мягкое** ~о юмшоқ олтин (қимматбаҳо мўйна ҳақида); **белое** ~о оқ олтин (пахта ҳақида); **олимпийское** ~о спорт. олимпия олтин медали.

золот/ой тилла..., олтин...; ~ой **браслет** тилла билагузук; ~ая **монета** тилла танга; **0** ~ые руки чевар қўллар; қўли гул (одам); ~ые слова оқилонга сўзлар, қимматли маслаҳатлар; ~ой **дождь** 1) офтоб чиқиб турганда ёққан ёмғир; 2) катта бойлик; ёғилиб турган даромад; ~ое дно «кон»; «казина»; сердаромад иш; ёғлиқ жой; ~ая **свадьба** олтин тўй (эр-хотиннинг никоҳ тўйларига эллик йил тўлган кунни нишонлаш).

зона ж зона; ер, фазо; район; ~ **пустынь** саҳролар минтақаси; **запретная** ~ ман этилган зона; ~ **отдыха** дам олиш ерлари; **пограничная** ~ чегара зонаси.

зонт м зонт, зонтик, шамсия; **раскрыть** ~ зонтикни очмоқ (ёймоқ); **идти под** ~ом зонтиқда юрмоқ, шамсия тутиб юрмоқ.

зонтик м 1. соябон, зонтик; 2. бот. тўпгул, чочоқ.

зрел/ый 1. етилган, пишган; ~ые плоды пишган мсвалар; 2. етук, балоратга (во-яга) етган; ~ый человек етук одам; ~ый мастер етук уста; ~ый ум расо ақл; ~ое произведение етук (пишиқ, пухта) асар. **зрени/е** с кўриш, назар; (у него) **хорошее** ~е кўриш қобилияти яхши; **потерять** ~е кўриш қобилиятини йўқотмоқ; **0 точка** ~я нуқтаи назар, қараш, фикр; **под углом** ~я нуқтаи назардан; **поле** ~я кўриш майдони; билим даражаси, қизиқиш доираси.

зрител/ь м 1. томошабин, томоша қилувчи; **встреча артистов со** ~ями артистларнинг томошабинлар билан учра-

шуви; **взыскательный** ~ь талабчан томошабин; 2. шунчаки (ёки қизиқсиниб) қаровчи, кузатувчи.

зря нареч. Уринсиз, бекорга, бекордан-бекор, беҳудага; ~ **тратить время** вақтни бекор кеткизмोқ; ~ **говорить** бекорга гапирмоқ.

зуб м тиш; **передние зубы** олд тишлар; **коренной** ~ жағ тиш; **озик** тиш; **здоровые зубы** соғлом тиш; **больной** ~ оғриқ тиш; **огриган** тиш; **у меня болит** ~ тишим оғриятти; **дарёному копо в зубы не смотрят** погов. берганнинг бетига қарама; **0 узумини егину, боғини суриштирма; 0** **зубы** заговаривать гапни бошқа ёққа (четга) бурмоқ; гапни айлан-тирмоқ; **усталик** (муғомбирлик) билан савол ёки жавобни чалритмоқ; **класть (положить) зубы на полку** қозонни сувга ташламоқ; тишнинг кирини сўриб (оч) ўтирмоқ; **не по зубам (кому)** тиши ўтмаслик; қўлидан келмаслик; **ни в ~ толкнуты** (ни в ~ поғой) оғзини оча олмайди; алифни калтак дея олмайди; **лежни паст; қовоқ калла; пўстак; ~ на ~ не попадает (у кого)** тиши тишига (жағи жағига) тегмайди (совуқ қотиш ёки қўрқиндан); **зубы съест** ҳадисини (ҳавосини, машқини) олмоқ, эзиб ичиб юбормоқ; **навязло в зубах** жонга тегди, мсъдага урди.

зубастый катта (ўткир) тишли; тиши кўп.

зубн/ой тиш...; ~ая боль тиш оғриги; ~ой врач тиш доктори; ~ая ицётка тиш чўтка(си).

зубок м *уменьш.-ласк.* от зуб; **0** **знать (выучить) на** ~ жуда яхши билиб олмоқ; **ёд билмоқ, ўрганиб (ёдлаб) олмоқ; сувадй ичиб юбормоқ; понасть на** ~ кому разг. оғизга тушмоқ; гап (масхара, майна) бўлмоқ, танқидга учрамоқ.

зуд м 1. қичима, қичиш, қичиқ; **взызывать** ~ қичитмоқ; 2. перен. разг. зўр (қаттиқ) ҳавас, кучли орзу; қисташ, тутиш; **писательский** ~ ёзувчиликка зўр ҳавас; ёзувчилиги қисташ (тутиш).

зубк/а ж *прост.* беланчак; бешик; **качать** ~у беланчакда тебратмоқ.

азбк/ий 1. қалқиб (чайқалиб, қимирлаб) турадиган; **-ая лодка** қалқиб турадиган (қалқима) қайиқ; **2.** перен. беқарор, омонат, ишониб бўлмайдиган, қалқиб турган; **-ое положение** қалқиб турган вазият.

азьб ж кузги шудгор; **поднять** ~ кузги шудгор қилмоқ.

азьят м **1.** куёв; домод; **2.** почча; **3.** қайн-сингилнинг (ёки қайинзгачининг) эри; ~ да сват у тўғи **первыс гости позов.** куёв ва қуда қайнананинг энг азиз меҳмони.

азятюшка м **прост. ласкат.** к **зять;** ~ **азятёк, съешь пирожок!** погов. **уст.-шутл.** ўргилай жон куёвим, шу пирогчани еб олгин! (куёвига айтиладиган қайнананинг ҳазилнамо ширин сўзи).

И

и 1. союз ва; **читать и писать** ўқимоқ ва ёзмоқ; **книга и тетрадь** китоб ва дафтар; **2.** частица ҳатто; **ахир; и сам не рад** ҳатто ўзим ҳам хурсанд эмасман; **3.** ҳам, ҳамда; **и тот и другой** у ҳам, бу ҳам; **0** и **бровью** не повёл **сж. брови:** и **в хвост** и **в гриву** (гнавь, погонявь, бить) разг. [ҳам думига, ҳам ёлига] шитоб билан, зўр бериб (ҳайдамоқ, чоптирмоқ, қичамоқ; дўппосламоқ); **и швец**, и **жнец**, **и в дуду игрец** [ҳам тикувчи, ҳам ўроқчи, ҳам созанда] ҳамма иш қўлидан келадиган ҳунарманд, элчил киши.

игл/а (игблика) ж **1.** нина, игна; **машинная** ~а машина нинаси; **иглолка** с **ниткой** ип ўтказилган нина, ипли нина; **саможная** ~а сўлан; **2.** тикан; тиканак; игна; **словные** ~ы арча игнаси; ~ы **ежа** типратикан игнаси; **0** **иглолку** негде **поткнууть** нина ташлагани жой йўқ; нина ташласанг тикка туради; тирбанд, тикилинч; **сидеть на иглолках** [игна устида утиргандек ўтирмоқ]; **безовта, бетинч** ўтирмоқ; **типирчилаб, ўтиргандек** ҳам бўлмаслиги; **искать иглолку в стого сена**

[сомон (пичан гарами) ичидан нина қидирмоқ]; **фойдасиз** ишга уринмоқ, беҳудага вақт сарф қилмоқ.

иглолчк/а ж **уменьш. от** иглолка; **0** с ~и [ҳозир нинадан чиққандай] андигина тикилган (яп-яги).

игра ж **1.** ўйнаш, машқ қилиш; ўйин, машқ; ~ с **детьми** болалар билан ўйнаш; **2.** ижро этиш, ўйнаш, роль бажариш; ўйин; ~ **артиста** артистнинг ўйини; **3.** чалиш; ~ **на скрипке** скрипка чалиш; **4.** ўйин (маълум усул ёки турдаги ўйин); ~ **в хоккей** хоккей ўйини; **правила игры** ўйин қоидалари; **0** ~ **не стоит свеч** овора бўлишга арзимаиди, арзимайдиган иш; ~ **случая** (судьбы) кутилмаган, ақл бовар қилмайдиган тасодиф; ~ **воображения** пуч хаёл, уйдирма; ~ **природы** табиат ҳазили; ажойиботлар (гайри-табиий, кишини ҳайратга соладиган ҳодиса); ~ с **огнём** ўт билан ўйнашиш; **қалтис** ўйин (иш).

игра/ть **несов.** (сыграть **сов.**) **1.** ўйнамоқ; ~ть **в куклы** қўғирчоқ ўйнамоқ; **2.** ўйнамоқ; **шуфуланмоқ**; ~ть **в волейбол** волейбол ўйнамоқ; **3.** чалмоқ; ~ть **на рубябе** рубоб чалмоқ; **4.** бажармоқ, ижро этмоқ, ўйнамоқ; ~ть **на сцене** сахнада ўйнамоқ, сахнада роль бажармоқ; **0** ~ть **роль** ўйнамоқ (аҳамиятга эга бўлмоқ); ~ть **в бирюльки** қўғирчоқ ўйин қилиб ўтирмоқ; майда-чуйда, арзимаган нарсалар билан овора бўлиб вақтни бекорга ўтказмоқ; ~ть **в коньки-мышки** мушук-сичқон ўйнамоқ; қувлик, айёрлик қилмоқ, алдаб (қочиб) юрмоқ; ~ть **в молчанку** дим ўйнамоқ; индамай мум тишлаб ўтирмоқ; ~ть (**ломать**) **комедию** алдоқчилик қилмоқ, айёрлик (муғомбирлик) билан алдаб (фириб бериб) юрмоқ; ~ть **на нервах** асабини қўзғатмоқ; **жигига** тегмоқ, гашини келтирмоқ; ~ть **под чужую** дудку бировнинг ноғорасига ўйнамоқ; ҳар мақомга йўраламоқ.

игрок м ўйинчи; ~ **в футболе** футбол ўйинчиси; **команда из нескольких** ~ов **бир** неча ўйинчилардан ташкил топган жамоа; **0** **биржевой** ~ биржа чайқовчиси.

игрушка /а ж ўйинчоқ; детские ~и 1) болалар ўйинчоғи; 2) перек. осонлик билан, омма-осон; **о** как (словно) -а кўйирчоқдай, чақмоқдай, бежирим.

идеализм м идеализм (бутун борлиқнинг негизи моддият эмас, балки онг, ғоя, руҳ деб билувчи фалсафий оқим).

идейн/ий ғоявий; ғояли; ~ое содержание книги китобнинг ғоявий мазмуни.

идеологическ/ий мафкуравий; идеологик, ғоявий; ~ан борьба ғоявий кураш.

идеологи/я ж мафкура, идеология.

идё/я ж 1. ғоя; **передовые** ~и илғор ғоялар; 2. ғоя, асосий фикр, мақсад; ~и романа романнинг ғояси; ~я добра эзгулик ғояси.

идти несов. (прош. шёл, шла, шло, шли)

1. бормоқ, юрмоқ; ~ быстро тез юрмоқ; ~ по улице кўчадан юрмоқ; ~ вдоль берега қирғоқ ёқалаб бормоқ; ~ рядом ёнма-ён юрмоқ; **идёшь в бой на день** - бери гранат на неделю лоял. бир кунлик йўлга чиқсанг, бир ҳафталик озиқ ол; 2. ҳаракатда бўлмоқ, силжимоқ; юрмоқ, бормоқ; пароход шёл медленно пароход секин бормоқ; **по реке шёл лёд** дарёда муз оқиб борарди; **поезд шёл без остановок** поезд тўхтамай борарди; 3. жўнамоқ, кетмоқ, бормоқ; ~ на работу ишга бормоқ; ~ вместе бирга бормоқ; 4. бормоқ, ... сари бормоқ (интилмоқ); ~ по пути технического прогресса техника тараққиёти йўлидан бормоқ; ~ к намеченной цели мақсад сари ола юрмоқ; 5. оқмоқ, оқиб (сизиб) чиқмоқ, томмоқ; **из rains идёт кровль** ярадан қон оқяпти; **вода идёт по канале** сув томчилаб оқяпти; **от печки шло тепло** печкадан иссиқ ҳарорат чиқяпти; 6. олиб бормоқ, бўйлаб (ёқалаб) бормоқ; йўналиш бўйича жойлашмоқ; бўлмоқ; **дорога идёт вверх** йўл юқори томон олиб боради; **граница идёт по реке** чегара дарё йўналиши бўйича жойлашган; 7. ўтмоқ, ўтиб бормоқ (вақт ҳақида); **время идёт медленно** вақт секин ўтапти; 8. давом этмоқ, бўлмоқ; бормоқ; **идёт собрание** мажлис давом этмоқда; **идёт разговор** суҳбат бўляпти;

работа идёт хорошо иш яхши боряпти; **речь идёт о новой книге** гап янги китоб ҳақида боряпти; 9. ёрмоқ; **дождь идёт ёмғир ёряпти, шёл снег** қор ёғарди; **идёт - живёт, ляжет - умрёт** завадқа (Снег) ёққанда - тирик, ётганда - ўлик; 10. кетмоқ; бўлмоқ, қўйилмоқ, намойиш қилинмоқ; **в театре шла** лоял пьеса театрда янги пьеса қўйилаётган эди; 11. ярашмоқ; **платье сё идёт** қўйлак унга (аёлга) ярашади; **о** ~ ко дну см. дно; **голова идёт кругом** у кого см. голова; ~ на уступки см. уступка; ~ в ногу бирга ёнма-ён бормоқ, орқада қолмаслик; ҳамнафас бўлмоқ; ~ на поводу жилов биловнинг қўлида бўлмоқ; бировнинг измида бўлмоқ; ~ (пойти) в гору (иши, мартабаси) юқорилашмоқ; омади келмоқ; ~ навстречу ёрдам қўлини чўзмоқ; ҳайрихоҳлик кўрсатмоқ, яхшилик қилмоқ; ~ (пойти) по миру тиламчилик (гадойчилик) қилмоқ.

из (изо) предлог 1. ўзбек тилидаги чиқиш келишиги қўшимчаси -дан ўрнида қўлланади ва қуйидагиларни билдиради; 1) ҳаракат йўналишининг бошланиши нуқтасини ифодалайди; **выходить из автобуса** автобусдан тушмоқ; **приехать из Москвы** Москвадан келмоқ; **вынуть из кармана** қўнтақдан чиқармоқ; **смотреть из окна** деразадан қарамоқ; 2) келиб чиқишни ифодалайди; **он из рабочей семьи** у ишчи оиласидан келиб чиққан; **отец его из Сибири** унинг отаси сибирлик; 3) нарсалар манбаини ифодалайди; **узнать из газет** газетадан билмоқ, газета орқали билмоқ; **статья из журнала** журнал мақоласи, **из достоверных источников** ишончли манбалардан; 4) бутундан қисмини ажратиб кўрсатишда қўлланади; **одно из двух** иккидан бири; **старший из братьев** ака-укаларнинг каттаси; катта ака; 5) материалнинг нимадан қилинганлигини билдиради; **крыша из железа** тунука том; **платье из шёлка** шойи кўйлак; **варенье из яблок** олма қиёми; 2. сабабли, туфайли; юзасидан; **из благодарности** миннатдорчилик юзасидан; **из зависти**

кўролмасликдан; **из уст в уста** оғиздан-оғизга (утмоқ ва ш.к.); **из грязи в князи** ирон. гўлоҳдан чиқиб тўғри тахта; оёқлар бош бўлди; зоти паст киши тахтага ўтирди; **из огня да в полымя** қордан қутулиб, ёмғирга тутулмоқ; ўтдан қочиб яшинга учрамоқ; **из кожи (вои) лезть** бор кучи билан ҳаракат қилмоқ; жонини жабборга бермоқ; қаттиқ тиришмоқ; **из первых рук** биринчи манбадан (ўз оғиздан) [эшитмоқ, билмоқ ва ш.к.]; **из рук вои плохо жуда ёмон, расво**; **из одного теста (сделаны)** зуваласи бир жойдан олинган; **изо дня в день** кундан-кун, қар куни.

изб/а ж уй, ёғоч уй (қишлоқларда); **не красна ~а углами, а красна пирогами** посл. уй тўри билан эмас, нони билан азиз; **скручен, связан, по ~е пляшет загадка** (Веник) ўраб, боғлаб ташланса-да, уй ичида ўйин тушар; **о выносить сор из ~ы** неodobр. уйдаги гапни кўчага олиб чиқмоқ; гап ташимоқ.

избегать несов. (избегать сов.) 1. ўзини четга олмоқ, четга тортмоқ, ўзини олиб қочмоқ; ~ **знакомых танишлардан** ўзини олиб қочмоқ; 2. қутулмоқ, халос (созод) бўлмоқ; холи бўлмоқ; ~ **ответственности** жавобгарликдан холи бўлмоқ; **избегать опасности** хавфдан қутулмоқ.

избиратель/ь м сайловчи; **список ~ей** сайловчилар рўйхати.

избирательный/ый сайлов...; ~**ое** право сайлов ҳуқуқи.

избирать несов. (избрать сов.) сайламоқ; ~ **депутата** депутат сайламоқ; **избрать почётный президиум** фахрий президиум сайламоқ.

избушка ж **уменьш. от изба**; **о** ~ **на курьих ножках** 1) нар.-поэт. ялмоғиз кампир уйи (рус халқ эртақларида); 2) **шутл., ирон.** омонат уй, зўрага турган уй.

извести/е с хабар, ахборот; **радостное ~е** хушхабар; **слушать последние ~я** по радио радио орқали сўнги ахборот эшитмоқ.

известно в знач. сказ. маълум, аён, аниқ;

~ **что он уехал** унинг жўнаб кетганлиги маълум; ~ **ли вам об этом?** сиз бундан хабардормисиз?

известность ж 1. маълумлик, таниқлик, танишлик; машҳурлик; **мировая** ~ дунёга машҳурлик; 2. шуҳрат ном, доврүк, донт; **приобрести** ~ машҳур бўлмоқ, ном чиқармоқ; **о** **ставить в ~** кого маълум қилмоқ, билдириб (хабардор қилиб) қўймоқ.

известный/ый 1. маълум, таниш, аниқ, равшан; ~**ые** **всем события** ҳаммага маълум воқеалар; **эти места ему ~ы** бу жойлар унга таниш; **человек ~ый** своей **справедливостью** ҳақгўйлиги билан танилган одам; 2. машҳур, донгдор, атоқли; ~**ый писатель** машҳур ёзувчи; 3. баъзи, баъзи-бир, айрим; в ~**ых** **случаях** айрим ҳолларда; **при ~ых условиях** маълум шароитда.

извинить с.м. **извинять.**

извиниться с.м. **извиняться.**

извин/ять несов. (извинить сов.) кечирмоқ; ~**ите!** кечиринг!, кечирасиз!; ~**ите за опоздание!** кеч қолганим учун узр! **извин/яться** несов. (извиниться сов.) кечирим сўрамоқ, узр сўрамоқ, узр айтмоқ; ~**иться перед кем-л.** бировдан кечирим сўрамоқ; ~**иться за опоздание** кечикканлиги учун узр айтмоқ.

изгородь ж шох девор, тўсиқ, панжара; **о** **живая** ~ бута (чакалак) ров, ўсимликдан ҳосил бўлган ихота.

изготовить с.м. **изготавливать.**

изготовля/ть несов. (изготовить сов.) ишлаб чиқармоқ, ясаб чиқармоқ, тайёрлаб чиқармоқ; **завод ~ет различные приборы** завод турли асбоб-ускуналар ишлаб чиқаради.

издавать несов. (издать сов.) 1. нашр этмоқ, босиб чиқармоқ; ~ **книгу** китоб нашр этмоқ; ~ **сочинения Пушкина** Пушкин асарларини нашр этмоқ; 2. чиқармоқ, эълон қилмоқ; маълум қилмоқ; ~ **законы** қонун чиқармоқ; **қонунни эълон қилмоқ; издать указ** фармойиш чиқармоқ; ~ **звуки** товуш чиқармоқ

издали нареч. узоқдан, йироқдан; **поздороваться** ~ узоқдан саломлашмоқ; ~ **гора**

казалась небольшой узоқдан тоғ кичик бўлиб кўринган эди.

издание с. 1. нашр; второе ~ книги китобнинг иккинчи нашри; исправленное и дополненное ~ тузатилган ва тўлдирилган нашри; 2. босиш, босиб чиқариш, нашр этиш; ~ закона қонун босиб чиқариш, қонунни эълон қилиш.

издатель с.м. издавать.

изделие /е с маҳсулот, буюм; готовое ~ тайёр маҳсулот; ~я из золота тилла буюмлар.

из-за предлог с род. 1. -дан, орқасидан, кетидан, ичидан, орасидан, ёнидан; ~ угла бурчакдан; ~ моря донгиз ортидан; 2. сабабли, туфайли, учун; он отсутствует ~ болезни у касаллиги туфайли келмаган; мы вернулись домой ~ дождя ёмғир ёққани учун биз уйга қайтиб келдик; поссориться ~ пустяка арзимаган нарса учун уришиб қолмоқ.

излагать несоев. (изложить сов.) баён қилмоқ; ифодаламоқ; ифода қилмоқ; айтиб бермоқ; ~ свои мысли ўз фикрини баён қилмоқ.

изловить /ть сов. (излавливать несоев.) кого-что разг. тутмоқ, ушламоқ; тутиб (ушлаб) олмоқ; ~ть муху пашшани тутиб олмоқ.

изложены /е с баён қилиш, айтиб бериш, ифодалаб бериш; баён; он приступил к ~ю своего дела у ўз ишларини гапириб бера бошлади; ~е содержания книги китоб мазмунини баён қилиш.

изложить с.м. излагать.

измена ж. 1. бевафолик, хоинлик, хиёнат; хиёнат қилиш; государственная ~ давлатга хиёнат қилиш; 2. айниш, қайтиш, юз ўгириш; ~ другу дўстидан юз ўгириш; ~ долгу бурчдан қайтиш; 3. бевафолик, вафосизлик; супружеская ~ вафосизлик, хиёнат (эр хотинига, хотини эрита).

изменения /е с. 1. ўзгартириш; ўзгариш; ~е направления йўналишни ўзгартириш; ~я в жизни общества ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар; 2. тузатиш, ўзгартиш; внести ~я в статью мақолага ўзгартириш киритмоқ.

изменить I с.м. изменять I.

изменить II с.м. изменять II.

измениться с.м. изменяться.

измен/ять I несоев. (изменить сов.) ўзгартироқ, ўзгарттиромоқ; ~ить фамилию фамилиясини ўзгарттиромоқ; ветер ~ил направление шамол ўя йўналишини ўзгарттирди.

измен/ять II несоев. (изменить сов.) кому-чему бевафолик қилмоқ; сўзидан қайтмоқ; хоинлик қилмоқ, хиёнат қилмоқ; ~ять жене хотинига хиёнат қилмоқ; ъ ~ить себе ўя одатига (маслагига, эътиқодига ва ҳ.к.) қарши иш тутмоқ.

измен/яться несоев. (измениться сов.) ўзгармоқ, ўзгариб кетмоқ, бошқача бўлмоқ; город ~ется шаҳар ўзгариб бормоқда; настроение его ~илось унинг кайфияти ўзгарди; погода резко ~илась об-ҳаво бирдан ўзгариб қолди; ~иться к лучшему яхшиланмоқ; яхши томонга ўзгармоқ.

измерение с ўлчаш; ~ роста бўйини ўлчаш; ~ глубины чуқурликни ўлчаш.

измерить с.м. измерять.

измер/ять несоев. (измерить сов.) ўлчамоқ, ўлчаб чиқмоқ, ўлчаб кўрмоқ; ~ить величину чего бирор нарсанинг ҳажминини ўлчамоқ; ~ить глубину колодца қудуқнинг чуқурлигини ўлчамоқ.

изо (баъзи сўзлар олдидан қўлланади, мас. «изо рта», «изо всех сил») с.м. из; ъ - дня в день с.м. из; ~ всех сил бор кучи билан, жон-жаҳди билан.

изобра/жать несоев. (изобразить сов.) 1. тасвирламоқ, тасвир этмоқ; гавдаланттиромоқ; акс эттиромоқ; ~зить на схеме что схемада гавдаланттиромоқ, схемада акс эттиромоқ; 2. кого-что тасвирламоқ; ифодаламоқ, баён қилмоқ; ~зить в романе героя войны романда уруш қаҳрамонларини тасвирламоқ.

изобра/жение /е с. 1. тасвирлаш, баён этиш; акс эттириш; ~е быта турмушни тасвирлаш; 2. тасвир, сурат, расм; монета с ~ем герба герб сурати солинган танга.

изобразить с.м. изображать.

изобрести см. изобретать.

изобретатель м ихтирочи; талантливый ~ истеъдодли ихтирочи; ~ реактивного двигателя реактив двигатель ихтиро-чиси.

изобретать *несов.* (изобрести *сов.*) ихтиро қилмоқ; ~ **новый станок** янги дастгоҳ ихтиро қилмоқ; **0** ~ велосипед разд. ирон. аввалдан маълум бўлган нарсани ўйлаб топмоқ.

изобретение с 1. ихтиро қилиш; ~е **новой машины** янги машинанинг ихтиро этилиши; 2. ихтиро; **важное** ~е муҳим ихтиро; **новые** ~я янги ихтиролар.

из-под предлог с **род.** 1. тагидан, остидан; ~ **стола** стол остидан; ~ **подушки** ёстиқнинг тагидан; 2. бирор нарсадан бўшаган идишни англатади; **коробка** ~ **конфет** конфет коробкаси; 3. бирор жойга яқин ердан; атрофидан; **приехал** ~ **Москва** Москва яқинидан келди; **0** ~ **полы** яшириб, бекитиб, ўринча; ~ **палки** мажбуран, зўрлик билан; **достать** ~ **земли** ернинг тагидан (ер остидан) бўлса ҳам топмоқ.

израсходовать *сов.* (расходовать *несов.*) сарфламоқ, сарф қилмоқ, харжламоқ, харжлаб тамомламоқ; ~ **много времени на поездку** кўп вақтни сафарда ўтказмоқ; ~ **все деньги** бор пулини сарфлаб қўймоқ.

изучать *несов.* (изучить *сов.*) 1. ўрганмоқ, ўрганиб билмоқ, ўрганиб олмоқ; ~ **иностранный язык** чет тилини ўрганмоқ; 2. текширмоқ, текшириб билмоқ, ўрганмоқ; танишиб чиқмоқ; **изучить обстановку** шароитни ўрганмоқ; ~ **характер товарища** ўртоғининг характери (феъл-атвори)ни ўрганмоқ.

изучение с ўрганиш, ўрганиб билиш, ўқиш; ~ **языков** тилларни ўрганиш; ~ **истории** тарихни ўрганиш.

изучить см. изучать.

или союз ё, ёки, ёхуд; **вам чаю** палить ~ кофе? сизга чой қуйиб берайми ёки кофеми?; **да ~ нет?** ҳа дейсизми, ё йўқ?; ~ **сегодня ~ завтра** ё бугун, ёки эртага. **иллюстрация**/я ж безак; ~я в журнале журналдаги безак; **книги с ~ями** бе-

зақли китоб.

имеющийся м **именинани** нишонланаётган киши; **0 сидеть** ~ом **шутл.** шод-хуррам ўтирмоқ; **орзи** қулоғида талтайиб ўтирмоқ.

именины *ми.* именина, исм тўйи (православ ва католикларда бирор авлиё билан оддош кишининг черковда шу авлиё йўқланадиган куни ўтказадиган тўйи, байрами).

имепительный: ~ **падеж** бош келишик. **именно частица** худди, айнан, айни, нақ; ~ **здесь** худди шу ерда; ~ **сегодня, а не завтра** эртага эмас, худди шу бугун; **я обращаюсь ~ к вам** мен айнан сизга мурожаат қилмоқдаман.

иметь *несов.* 1. эга бўлмоқ, бўлмоқ, бор бўлмоқ; ~ **дом** уйи бўлмоқ; ~ **большой опыт** катта тажрибага эга бўлмоқ; ~ **большую библиотеку** катта кутубхонага эга бўлмоқ; ~ **друга** дўсти бўлмоқ; **дўсти** бор бўлмоқ; **не ~ детей** фарзандсиз бўлмоқ; **что имеем** ~ **не храним, потерявши** ~ **плачем** **погов.** олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ; **борингда** қадринг билмадим, йўзингда излаб топмадим; 2. маълум тузилишда бўлмоқ, бирор кўринишга эга бўлмоқ; **комната имсет два окна** хонанинг иккита деразаси бор; 3. баъзи отлар билан қўлланганда отдан англашиган ҳаракат ёки ҳолатни ифодалайди; ~ **влиение** таъсир қилмоқ; **не ~ возражений** қарши эмаслик; қаршилиқ қилмаслик **0 ~ дело с кем-чем** алоқада бўлмоқ; **муносабатда** бўлмоқ; **иши** тушмоқ; ~ **место** содир бўлмоқ; **юз бермоқ**; ~ **в виду кого-что** см. вид I; ~ **запасные для кого, для чего** аҳамият касб этмоқ; аҳамиятга эга бўлмоқ; ~ **голову на плеч** эс-ҳуши жойида бўлмоқ, фаҳм-фаросатли, ақл-идрокли бўлмоқ; ~ **зуб на кого, против** кого тиш қайраб юрмоқ; **кўнглида** кек сақламоқ; **қасд** бўлиб қолмоқ; ~ **на примете** коғд, **что** кўз остига олиб қўймоқ; **кўзлаб** қўймоқ.

империя ж империя; **Римская** ~ Рим империяси.

импорт м импорт; ~ **товаров** товар им-

порти; чет элдан мол келтириш.

имущество с мулк, мол-мулк; личное ~ шахсий мулк; государственное ~ давлат мулки.

имя с 1. исм, ном, от; доброе ~ лучше богатства посл. баланд ном - баланд томдан улут; ~ и фамилия исми ва фамилияси; дать ребёнку ~ болага от қўймоқ; живут пять братьев, у всех одинаковое ~ загадка (Пальцы) беш ака-ука, ҳаммасининг исми бир; его ~ Карим унинг оти Карим; называть по имени отини айтиб чақирмоқ; 2. грам. ~ существительное от; ~ прилагательное сифат; ~ числительное сон; \emptyset имени кого-чего номи, номидаги; парк имени Пушкина Пушкин номидаги парк; во ~ кого-чего шарафига; учун; во ~ дружбы дўстлик шарафига, дўстлик ювасидан; на ~ кого бировнинг номига; заявление на ~ директора директор номига ёзилган ариза; от имени кого биров номидан; говорить от имени отца отаси номидан гапирмоқ.

иваче нареч. бошқача, узгача; сделать ~ бошқача қилмоқ; ~ говоря бошқача айтганда; так или ~ см. так.

индивидуальн/ый шахсий; ~ые особенности шахсий хусусиятлар; ~ый план шахсий режа.

иной м қиров; ~ покрывл деревья дарахтларни қиров қоплапти.

инженер м муҳандис, инженер; военный ~ ҳарбий муҳандис; работать ~ом на заводе заводда инженер (муҳандис) бўлиб ишламоқ; \emptyset ~ы человеческих душ киши рухининг инженерлари (ёзувчилар ҳақида).

инициатив/а ж ташаббус, ташаббускорлик; проявить ~у ташаббус кўрсатмоқ; по собственной ~е ўз ташаббуси билан; взять ~у в свои руки ташаббусни ўз қўлига олмоқ.

иногда нареч. баъзан, баъзида, гоҳо, онда-сонда; ~ он приходил к нам баъзан у бизникига келиб турарди; ~ мы встречаемся биз онда-сонда учрашиб тураемиз; ~ с припасом, а ~ с квасом погов. борида чора-чора, йўзида банда

бечора.

иной мест. бошқа, бошқача, ўзга; приобрести ~ вид бошқача тус олмоқ; это иное дело бу бошқа гап; быть иного мнения бошқача фикрда бўлмоқ; \emptyset ~ раз баъзан; айрим ҳолларда, баъзан вақтларда; тот или ~ икковидан бири; ё униси ё буниси.

инострән/ец м чет эл кишиси, чет эллик, хорижий киши; гостиница для ~ев чет элликлар (хорижий кишилар) учун меҳмонхона.

инострәнн/ый чет, ташқи, хорижий; ~ое государство чет давлат; ~ый язык чет тили; министерство ~ых дел ташки ишлар вазирилиги.

институт м институт; ~ языкознания тилшунослик институти; научно-исследовательский ~ илмий-текшириш институти; поступить в ~ институтга кирмоқ; закончить ~ институтни тугатмоқ; \emptyset ~ благородных девиц уст. ист. аслзода қизлар мактаби (ўтмишда дворян қизлари ўқиган имтиёзли ўрта мактаб).

инструкц/я ж 1. йўриқнома; 2. кўрсатма; давать ~ю кўрсатма бермоқ; получить ~ю кўрсатма олмоқ; действовать по ~и кўрсатма бўйича иш тутмоқ.

инструмент м 1. асбоб, қурол; хирургические ~ы жарроҳлик асбоблари; слесарные ~ы чилангарлик асбоблари; 2. чолгу асбоблари; оркестр народных ~ок халқ чолгу асбоблари оркестри; 3. перен. востита, қурол, йўл, усул; ~ познания бишиш воситаси.

интеллигенция ж интеллигенция, зиёлилар; узбекская ~ ўзбек зиёлилари; творческая ~ ижодий интеллигенция.

интервью с нескл. интервью; суҳбат; мусоҳаба; дать ~ интервью бермоқ.

интерес м 1. қизиқиш, завқ; эътибор; слушать с большим ~ом зўр эътибор билан тингламоқ; книга вызвала ~ читателей китоб ўқувчиларда қизиқиш уйротди; 2. манфаат, фойда; личные ~ы шахсий манфаатлар; защищать ~ы государства давлат манфаатларини ҳимоя қилмоқ; \emptyset оставлять при иковом ~е сувники сувага кетди, қолди қатиқнинг

пули; играть на ~ прост. уст. пул ти-
боқ ўйнамоқ.

интересно нареч. қизиқ, қизиқарли тар-
зда, қизиқарли қилиб; ~ рассказывать
қизиқарли қилиб гапириб бермоқ

интересн/ый қизиқ, ажойиб, қизиқар-
ли, ғалати; ~ый рассказ қизиқарли
ҳикоя; ~ая книга қизиқарли китоб; ~ый
муҳлиша келишган эркак; 0 в ~ом по-
ложении иккиқат, ҳомиладор, овироеқ.

интерес/овать несоев. (заинтересовать
сов.) қизиқтирмоқ, мароқлантирмоқ, диқ-
қат-эътиборни тортмоқ; ҳавас келтир-
моқ; его ~ует народная музыка уни
халқ мусиқалари қизиқтиради; что вас
~ует? сизни нима қизиқтиради?

интерес/оваться несоев. (заинтересо-
ваться сов.) қизиқмоқ, мароқланмоқ,
ҳаваси келмоқ; қизиқиб қолмоқ; ~оваться
искусством санъатга қизиқмоқ; он
~уется техникой у техникага қизиқа-
ди; у техникага ишқивоз.

интернациональн/ый байналмилал, ин-
тернационал ...; ~ая дружба байналми-
лал дўстлик; ~ая солидарность трудя-
щихся меҳнатқашларнинг байналмилал
ҳамкорлиги.

информаци/я ж хабар, ахборот; маъ-
лумот; газетная ~я газета хабарлари;
дать ~ю в газете газетада ахборот бер-
моқ, получить точную ~ю аниқ маълум-
от олмақ.

искать несоев. 1. қидирмоқ; ахтармоқ, из-
ламоқ; ~ ключ калитни қидирмоқ; ~ тро-
пинку в лесу ўрмонда сўқмоқни қидир-
моқ; ~ слово в словаре луватдан сўз
қидирмоқ; 2. қидирмоқ; ахтармоқ, изла-
моқ; ~ защиты ҳимоя қидирмоқ; 0 ~ гла-
зами кого-что кўз югуртирмоқ; қараб
чиқмоқ; кўриб қолишга интилмоқ; ~ вче-
рашний день (вчерашнего дня) [кечаги
кунни қидириб юрмоқ] беҳуда ишга ово-
ра бўлмоқ, йўқ нарсани излаб овора
бўлмоқ; ~ иголку в стоге сена с.м. игла;
инци ветра в поле топил бўлибсан; ер-
нинг тагидан ҳам тополмайсан.

исключать несоев. (исключить сов.) кого-
что чиқармоқ, чиқариб ташламоқ; ўчир-
моқ; ~ из списка рўйхатдан ўчирмоқ;

~ из института институтдан ўчириб
юбормоқ.

исключени/е с истисно, мустасно,
қоидадан ташқари; делать ~е для кого
бировага истисно қилмоқ; нет правил без
~я мустасносиз қоида бўлмайди; в виде
~я истисно сифатида; 0 все без ~я с.м.
песь; за ~ем кого-чего -дан бошқа, -
дан ташқари.

исключить с.м. исключать.

искр/а ж 1. учқун; высечь ~у учқун чи-
қармоқ; ~у туши до пожара погов. [уч-
қуннинг аланга олишига йўл қўйма] фал-
локатнинг олдини ол; 2. перен. нишона,
аломат, учқун; ~а надежды умид учқу-
ни; 0 метать ~ы [кўзларидан ўт соч-
моқ]; ўқрайиб қарамоқ; чақчаймоқ; ~а
божья уст. худо берган истеъдод; ~ы
из глаз посыпались кўздан ўт чақ-
наб кетди; кўзининг олови чиқиб кетди.

искренне с.м. искренно.

искренн/ий самимий, софдил, очиқ
кўнгил; ~ий человек софдил одам; ~ая
благодарность самимий ташаккур.

искренно, искренне нареч. самимийлик
билан, чин юракдан, самимий (садоқат)
билан, чиндан; говорию искренне мен
чин юракдан гапиряпман; ~ рад вашим
успехам муваффақиятларингиздан роят
хурсандман; искренне преданный Вам
Сизга содиқ; мне искренне жаль его
мен унга юракдан ачинаман; уни чин-
дан аяйман.

искусственн/ый 1. сунъий, ясама, гай-
ритабий; ~ые цветы сунъий гул; ~ые
зубы ясама тиш; ~ый шёлк сунъий
шойи; ~ый спутник Земли Ернинг
сунъий йўлдоши; 2. сохта, ёлғондакам,
қалбаки; ~ый смех сохта (ёлғондакам)
култи.

искусств/о с 1. санъат; изобразитель-
ное ~о тасвирий санъат; произведение
~а санъат асари; народное ~о халқ санъа-
ти; прикладное ~о амалий санъат; 2.
маҳорат, усталик, санъат; ~о воспита-
ния детей болаларни тарбиялаш маҳор-
рати; ~о писать ёзув маҳорати; букет
составлен с большим ~ом маҳорат би-
лан қилинган гулдаста.

испечъ сов. (печь II несоев.) пиширмоқ, ёпмоқ; ~ лепёшку нон ёпмоқ; \emptyset испечен из одного теста зуваласи (тупрофи) бир жойдан олинган; жуада ўхшаш.

испытъ сов. (испивать несоев.) 1. протст. ҳўпламоқ, бир оз ичмоқ, ичиб олмоқ; 2. уст. охиригача ичмоқ, батамом ичиб қўймоқ; 3. перен. уст. бошдан кечирмоқ, тотмоқ, тотиб қўрмоқ; \emptyset — горькую чашу страданий зам-кулфат касасини шимирмоқ, азоб-ўқубатлар тортмоқ.

испокон: — веку (всков) қадимдан, азалдан, кўпдан бери, рўзи азал.

исполнѣи/е с бажариш, ижро этиш; бажарилиш; приступить к —ю обязанностей вазифани бажаришга киришмоқ; —е роли роль ўйнаш; —е музыкального произведения мусиқа асарини ижро этиш.

исполнить см. исполнять.

исполниться см. исполняться.

исполнять несоев. (исполнить сов.) 1. бажармоқ; ижро қилмоқ, адо этмоқ, бажо келтирмоқ; ~ приказ буйруқни бажармоқ; 2. ижро этмоқ, ўйнамоқ, чалмоқ, айтмоқ; ~ песню ашула ижро этмоқ, ашула айтмоқ.

исполня/тъся несоев. (исполниться сов.) 1. амалга ошмоқ, юзага чиқмоқ; рўёбга чиқмоқ; ~ются его надежды унинг умидлари рўёбга чиқмоқда; 2. тўлмоқ, ўтмоқ; исполнилось сто лет со дня рождения писателя ёзувчининг тўзилган кунига юз йил тўлди; 3. безл. тўлмоқ, ёшга кирмоқ; ему исполнилось сорок лет у қирқ ёшга кирди.

использование с фойдаланиш, ишлатиш; широкое ~ опыта передовиков илгорлар тажрибасидан кенг фойдаланиш; ~ пустующих земель партов ерлардан фойдаланиш; бекор ётган ерларни ишга солиш.

использовать несоев. и соев. фойдаланмоқ, ишлатмоқ; ~ технику в сельском хозяйстве қишлоқ хўжалигида техникадан фойдаланмоқ; ~ свой авторитет ўз мавқеидан фойдаланмоқ.

использ/оваться несоев. фойдаланилмоқ,

ишлатилмоқ; металл —уется в промышленности металл саноатда ишлатилади.

испортить сов. (портить несоев.) 1. бузмоқ, бузиб қўймоқ, шикаст едиrhoқ, ишдан чиқармоқ; ~ часы соатни бузиб қўймоқ; ~ себе здоровье соғлигини ишдан чиқармоқ; 2. бузмоқ, расво қилмоқ (хулқни, ахлоқни); ёмон йўлга солимоқ; ~ ребёнка дурным воспитанием ёмон тарбия бериб болани бузмоқ; \emptyset ~ много крови кому асабини бузмоқ, қонини қайнатмоқ. қаттиқ хафа қилмоқ.

испорт/иться сов. (портиться несоев.) 1. бузилмоқ, бузилиб қолмоқ, шикастланмоқ, ишдан чиқмоқ; замok —ился қулф бузилиб қолди; у него —ились зубы унинг тиши ишдан чиқипти; 2. ёмонлашмоқ, айнимоқ, бузилмоқ; погода к вечеру —илась кечга томон ҳаво айниб қолди; настроение у него —илось унинг кайфияти бузилди.

исправить см. исправлять.

исправлять несоев. (исправить сов.) 1. тузатмоқ, тўғриламоқ; ~ ошибки хатоларни тузатмоқ (тўғриламоқ); 2. тузатмоқ; исправить часы соатни тузатмоқ.

испуга/тъ сов. (путать несоев.) қўрқитмоқ, чўчитмоқ, чўчитиб (қўрқитиб) юбормоқ; его болезнь —ла всех унинг касали ҳаммани қўрқитиб юборди; трудности не —ли его қийинчиликлар уни чўчилади; у қийинчиликлардан чўчилади.

испугаться сов. қўрқмоқ, чўчимоқ; ~ собаки кучукдан қўрқмоқ.

испускать несоев. 1. см. испустить; 2. чиқармоқ, тарқатмоқ, таратмоқ, сочмоқ; ~ запах ҳид сочмоқ, ҳид таратмоқ; \emptyset ~ последний вздох [сўнги нафасини чиқармоқ] жон бермоқ, жони узилмоқ, ўлмоқ.

испустить сов. (испускать несоев.) что жмиж. чиқармоқ, таратмоқ; чекмоқ; ~ вопль фарёд чекмоқ; \emptyset ~ дух уст. ирон. жон бермоқ, ўлмоқ.

испытани/е с 1. синаш, синов, текшириб кўриш, синовдан ўтказиш; —е самолёта самолётни синаб кўриш; —е весте —е синов қилмоқ, синовдан ўтказ-

моқ; синаб кўрмоқ; 2. мусибат, кулфат, бахтсизлик; **болезнь матери** была для него **тяжелым** — ем онасининг касаллиги унинг учун катта синов эди.

испытать см. испытывать.

испытывать *несов.* (**испытать** сов.) 1. **синамоқ**, **синаб кўрмоқ**; синовдан ўтказмоқ; ~ **новый самолёт** янги самолётни синаб кўрмоқ; 2. бошдан кечирмоқ, чекмоқ, ҳис этмоқ, сезмоқ; ~ **радость** шод бўлмоқ, хурсандчиликни ҳис этмоқ; ~ **страх** қўрқмоқ.

исследование с текшириш, **текшириб кўриш**; **илмий иш**; ~ **крови** қонни текшириш; ~ **по древнерусской литературе** қадимги рус адабиёти бўйича илмий иш (тадқиқот).

исследовать *несов.* и *сов.* **текширмоқ**, **тадқиқ қилмоқ**; ~ **законы природы** табиат қонуларини текширмоқ; **табиатни ўрганмоқ**; ~ **большого** беморни текшириб кўрмоқ; ~ **дорогу** йўлни кўриб (нараб) чиқмоқ.

исстари нареч. қадимдан, азалдан; кўпдан (қадим замонлардан) бери; **так ~ ведётся** азалдан шундай; бурун шундай эди.

истиин/а ж ҳақиқат; **чин**; **знать** ~у ҳақиқатни билмоқ; **стремление к** ~е ҳақиқатга интилиш; **это соответствует** ~е бу ҳақиқатга мос келади; ~а **от земли погов.** уст. ҳақиқат — инсон идрокининг мудки (бойлиги); **в этом есть доля** ~ы бунда оз бўлса ҳам ҳақиқат (ҳақиқат уруви) бор; **старая** ~а эски ҳақиқат, ҳаммага маълум нарса; **о святая** ~а мутлақ тўғри, ҳаққоний; **во** ~у уст. церк.-кнжж. ҳақиқатан, чиндан, чинакам.

истиин/ый ҳақиқий, чин, рост; ҳаққоний, тўғри, барҳақ, асл; ~ая **правда** чин ҳақиқат; ~ый **друг** чин дўст, ҳақиқий дўст; ~ое **рассказание** астойдил (чин дилдан) тавба қилиш; ҳақиқий пушаймон.

истереть *сов.* (**истерать** *несов.*) **ишқалаб майдаламоқ**; **о** ~ в порошок **кулини** кўкка совурмоқ, кунпаякун қилмоқ, толқон қилиб юбормоқ; **уриб мажанини** (аб-жаганини) чиқармоқ.

истерать *несов.* см. **истереть**.

историческ/ий тарихий; ~ие **сведения** тарихий маълумотлар; ~ий **документ** тарихий ҳужжат; ~ая **эпоха** тарихий давр; ~ий **роман** тарихий роман.

истори/я ж 1. тарих; ~я **края** ўлка тарихи; **изучать** ~ю тарихни ўрганмоқ; ~я **древнего мира** қадимги дунё тарихи; ~я **средних веков** ўрта асрлар тарихи; 2. тарих; ~я **человечества** инсоният тарихи; ~я **литературы** адабиёт тарихи; **о войти** в ~ю тарихга кирмоқ; тарих саҳифасидан жой олмоқ.

источник м 1. булоқ, чашма; **минеральный** — минерал сув чиққан булоқ; **пить воду из** ~а булоқдан сув ичмоқ; 2. манба; **книга** — ~ знаний китоб — билим манбаи.

истратить *сов.* (**тратить** *несов.*) **сарфламоқ**, **сарфлаб юбормоқ**, **сарф қилиб** (харжлаб) тугатмоқ; ~ **деньги** пулни сарф қилиб тугатмоқ.

истукан м 1. бут, санам; 2. *прост.* тошбағир одам, баттол; каллаварам, тўнка; **я** — **услужливый** пузанок, **всех охотно угощаю** то молчу, как ~, **а то песни распеваю** **загадка** (Самовар) мен мешқорин хизматкор, ҳаммангизни сийлайман, гоҳ тўнкадек жим тураман, гоҳ қўшиқлар куйлайман; **о** **стоять как** ~ қаққайиб турмоқ; **қотиб қолмоқ**.

истык/ть *сов.* (**истыкивать** *несов.*) **тешмоқ**, **санчиб-санчиб қўймоқ**.

истыкивать *несов.* см. **истыкать**.

исчез/ать *несов.* (**исчезнуть** *сов.*) **йўқолмоқ**, **ғойиб бўлмоқ**; **йўқ бўлмоқ**; **к утру туман** ~ эрталабга туман қолмапти; **он** ~ в толпе **у оломон** ичида кўздан ғойиб бўлди.

исчезновение с йўқотиш, **ғойиб бўлиш**, **йўқ бўлиб кетиш**; **таинственное** ~ сирли суратда йўқ бўлиб кетиш.

исчезнуть см. **исчезать**.

итак союз **демак**, **шундай қилиб**, **бас**; ~, **мы уезжаем** **шундай қилиб**, **биз жўнаб кетялмиз**; ~, **всё решено** **демак**, **ҳамма нарса ҳал**.

и так далее см. **далее**. см **яқун**, **натиха**, **хулоса**; **подводить** ~ **яқун ясамоқ**; ~и **развития** **народного хозяйства** **за год**

халқ хўжалиги ривожланишининг йиллик якуни; ~и **переговоров** музокаралар натижаси.

и **тому подобное** см. подобный

их 1. см. они; 2. уларнинг; уларники; их книги уларнинг китоби; это их дом бу уларнинг уйи; бу уй уларники.

июль/ь м июль, июль ойи; в -е месяце июль ойида; с -я до сентября июль ойидан сентябргача, июлдан сентябргача. июльск/ий июль...; -ие дни июль кунлари

июнь/ь м июнь, июнь ойи; в -е студенты сдали экзамены июнда талабалар имтиҳон топширишди.

июньск/ий июнь...; июнь ойига оид; июнда бўлган (бўладиган).

Й

йог м йога (Ҳиндистонда: ўз-ўзини мушоҳада қилиш, қийнаш, ўз фикри-хаёлига чўмиш йўли билан «илоҳий куч»ларни эгаллаш мумкин деб ҳисоблайдиган диний-фалсафий таълимот ва унга амал қилувчи одам).

йод м йод (1. т.ш. галоидлар гуруҳига мансуб кимёвий унсур; 2. мед. шу унсурнинг спиртдаги эритмаси).

йодировани/ый йодли, йод қўшилган, йод аралашган; -ая пищевая соль йодли оштузи.

йодистый йодли, йодит, йод қўшилган (аралашган); ~ препарат йодли препарат (йод қўшиб ишланган дори); ~ натрий натрий йодит, йодли натрий.

йодн/ый йодга оид, йодли, йод...; ~ый раствор йодли эритма; -ая настойка йод дамламаси.

йодоформ м фарм. йодоформ (ўткир қилди сариқ-лимон рангли кристалл кукун; дезинфекция учун ишлатилади).

йоркшир м с.-т. йоркшир чўчқаси (чўчқанинг бир тури).

йот м йот (лотин алифбосида «j» ундош товушининг номи: йот, й).

йот/а ж (грек алифбосида тўққизинчи ҳарф, «и» товушининг номи); ъ ни на ~у разг. заррача ҳам, зигирча ҳам. сира ҳам; он ни на ~у не изменился у заррача ҳам ўзгармапти.

йотация ж лингв. йотация, «Йо»лашиш (сўз бошида ёки ўртасида унли товуш олдида «j» товушининг келиши).

йотировани/ый лингв «Йо»лашган; ~ые гласные «Йо»лашган унлилар (я-йа, е-йэ, ё-йо, ю-йу).

йотобанный то же, что йотированный.

К

к (ко) предлог с дат. 1. -га; томонига, тарафига (иш-ҳаракатнинг йўналишини билдиради); подьезать к станции станцияга етиб келмоқ, станцияга яқинлашмоқ; позвать к телефону телефонга чақирмоқ; больной обратился к врачу бемор шифокорга мурожаат қилди; к обеду ходят по звону, а к обеду (я гости) по зову посл. [ибодат қилгани (черковга) жом чалинганда борилади, меҳмондорликка эса - чақирилганда] чақирган ерга бор, чақирмаган ерда нима бор?!; 2. -га, -гача, қадар (вақтни, пайтни, мудлатни билдиради); прийти к двенадцати часам соат ўн иккига етиб келмоқ; к вечеру дождь прекратился кеча бориб ёмир тинди; к утру больному стало лучше эрта-лабга бориб бемор енгил тортди; к завтрашнему дню эртагача; 3. -га (ҳаракатнинг бирор кимса ёки нарсага қаратилганлигини билдиради); готовиться к экзаменам имтиҳонларга тайёрланмоқ; обратиться с вопросом к учителю ўқитувчига савол билан мурожаат қилмоқ; склонность к музыке муסיқага бўлган мойиллик; написать письмо к другу ўртоғига хат ёзмоқ; ъ к шапочному разбору прийти тўй тарқалганда, ҳамма нарса оппон-соппон бўлганда

етиб келмоқ (кириб келмоқ).

кабин/а ж **кабина**; ~а самолёта самолёт кабинаси; **войти** в ~у лифта лифт кабинасига кирмоқ

кабинёт м 1. кабинет, маҳкама; **рабочий** ~ **учёного** олимнинг иш кабинети; **заседание** в ~е директора директор кабинетидаги мажлис; 2. кабинет, хона; **урок** проходил в физическом ~е дарс физика кабинетида бўлди.

каблу́к м пошна, ўкча; **пизкий** ~ паст пошна; **туфли** на **высоких** ~ах баланд пошнади туфли; **о** держат под ~ом ўз измида тутмоқ (эрини); **быть** под ~ом хотиннинг измида бўлмоқ.

кабы́ союз усл. прост. агар, агарда; ~ и не стала - я бы небо достала **загадка** (Дорога) агар тура олса, осмонга ета олар; ~ знал, где упасть, **соломки** бы подостлал **погов.** ирон. [йиқилишимни аввалдан билганимда, бир дон похол-поядан тушак қилар эдим] **отимнинг** ўлишини билганимда, тузга алмашардим; **о** если бы да ~ агар-магар, **борди-ю**, шундай бўладиган бўлса; **кошки** зди.

кажд/ый мест. 1. ҳар, ҳар бир, ҳар қайси; с ~ым **днём** қундан кунга, **кун сайин**; ~ые **десять** дней ҳар ўн кунда; в ~ом **доме** ҳар уйда, ҳар бир уйда; ~ая **журица** **своё** насест **хвалит** **погов.** [ҳар бир товуқ ўз қундоғини мақтайди] ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига; 2. в знач. **сущ.** ҳар ким; ҳар бир киши; ~ому **своя** **бочка** **больша** **посл.** ҳар кимнинг жони ўзига ширин; **азага** **борган** **хотин** ўз дардини айтиб йиғлар; ~ый **отвечает** за **свои** **грехи** **посл.** қўйни ҳам ўз оёғидан осадди, эчкини ҳам ўз оёғидан осадди; это ~ый **знает** буни ҳамма биллади; это **касается** **всех** и ~ого бу ҳаммага ва ҳар бир кишига тааллуқли; **о** на ~ом шагу ҳар қадамда; ~ой **бочка** **затычка** ҳар ошга (мошхўрдага) қатиқ; ~ая **собака** **знает** ҳамма биллади, барча танийди; **отнинг** қашқасидай маълум; ~ый **божий** **день** ҳар куни, кунда; **худонинг** берган куни.

казак м казак (талқ); **донской** ~ Дон казаги; **о** **вольный** ~ разг. ўзига хон, ўзига

бек одам.

казаться **несов.** (показаться I сов.) 1. бўлиб кўринмоқ (бирор нарса ё кимсага ўхшаб кўринмоқ); **он** казался **совсем** **ребёнком** у худди ёш болага ўхшарди; ~ **умным** **ақлли** бўлиб кўринмоқ; ~ **моложе** **своих** **лет** ёш кўринмоқ, кўринишдан ёш бўлмоқ; 2. **кажется** **вводч.** с.л. эҳтимол, афтидан, шкилли, бўлса керак; худди; **кажется**, **он** **способный** **ученик** у қобилиятли ўқувчи кўринади; **кажется**, **пойдёт** **дождь** ёмғир ёрса керак; **о** не ~ на **глаза** **прост.** бирор жойга бормаи қўймоқ, кўзига кўринмай кетмоқ.

кайма́ ж ҳошия, жияк; атрофлаб ўраган нарса, гардиш.

как 1. нареч. қандай, қандай қилиб, қанақа, қай тарзда, қай хилда; қандай равишда; ~ это **сделать?** буни қай тарзда қилиш керак; ~ **вы** **сюда** **попали?** қандай қилиб бу ерга келиб қолдингиз?; ~ **вы** **поживаете?** аҳволингиз қалай?, қалайсиз?; ~ **называется** **эта** **книга?** бу китоб қандай аталади?, бу китобнинг номи нима?; ~ **аукнется**, **так** и **откликнется** **погов.** қилмиш-қидирмиш; арпа эккан арпа олар, буғдой эккан - буғдой; 2. нареч. ажабланиш, ачиниш, нафратланиш ва ш.к.ни билдиради; ~ я **рад** **вас** **видеть?** сизни кўрганлигимдан хурсандман!; ~ **красив** **город?** шаҳар қандай чиройли!; ~ **жаль**, **что** **он** **не** **пришёл** **аттанг**, у келмади-да; **афсуски** у келмади-да; 3. союз -дай, худди, ўхшаш; **белый** ~ **снег** қордай оппоқ; 4. союз сифатида, тариқасида; **газ** **используют** ~ **топливо** **газдан** **ёқилги** сифатида **фойдаланилади**; **говорю** **с** **вами** ~ **с** **другом** **сиз** **билан** **худди** **дўстнингиз** **сифатида** **га** **пиришяпман**; 5. союз ҳамона, замон, билан, дегунча; **после** **того** ~ **ушли** **го** **сти**, **он** **лёг** **спать** **меҳмонлар** **кетиши** **билан** у ухлашга ётди; ~ **только** **приедешь**, **напиши** **етиб** **боришинг** **билан** **хат** **ёя**; **о** ~ **будто** **шекилли**, **гўё**, ўхшаш; ~ **без** **рук** **қўли** **кесилгандек** (бўлиб қолмоқ); ~ **бельмо** **в** (на) **глазу** **кўзга** **тушган**

чўлдек; ~ в воду канул дом-дараксиз йўқолиб кетди; ном-нишони ўчиб кетди; ~ в воду опущенный сувга тушган мушукдек; сўлгин, руҳи тушган, хафа; ~ у Христа за пазукой (жить) разг. онасининг қўйнида яшагандек, ташвиштахликасиз яшамоқ.

как-нибудь нареч. 1. қандай бўлса ҳам, бир илож қилиб, амал-тақал қилиб, бир амаллаб; **надо ~ помочь ему** қандай қилиб бўлса ҳам унга ёрдам бериш керак; **он ~ найдёт нас** у бир илож қилиб бизни топиб олади; 2. разг. чала-ярим, чала-чулпа, пала-партиш, қўл учида; **он всё делает ~ у** ҳамма ишни чала-чулпа қилади.

каков мест. в знач. сказ. қандай, қанақа; ~ы наши дальнейшие планы? сизнинг кейинги режаларингиз қандай?; ~ **он собой?** афти-ангори қанақа?; ~ **в колыбельку, таков и в могилку погов.** сўт билан кирган, жон билан чиқар; ~ы сами, таковы и сани погов. мулла мирашир, пулига ярашир; ~о на дому, таково и на Дону погов. қуш инида кўрганини қилади; **о ~ ни (ша) есть** қандай бўлмасин, барибир; қанақа бўлса ҳам, ҳар қандай (ҳам).

как/ой мест. 1. қандай, қанақа, қайси, нечанчи, қайси бир; ~ой палец ни укуси, всё больно погов. қайси барморимни тишласам, шуниси оғрийди; ~ой в реке камень? загадка (Мокрый) дарёнинг тоши қандай бўлади?; ~ие книги вы купили? қанақа китобларни сотиб олдингиз?; к ~ому выводу вы пришли? сиз қандай хулосага келдингиз?; ~ой сегодня день? бугун қайси кун?; 2. қандай, нақадар, ниҳоятда; ~ая неожиданная встреча! тасодифий учрашувни қаранг!; ~ая радость! қандай шодлик!; **о ~им образом см. образ** 2; **ни под ~им видом см. вид** 1; ~ая муха укусила кого нима бало бўлди; бир гап бўлганми ўзи; ким хафа қилиб қўйганикин; ~им ветром занесло қандай шамол учирди; нечух худо ярлақанти; қаёқдан кун чиқди; с ~ой (же это) стати қанақасига; ҳеч бир; ~им случаем қандай қилиб; қанақасига; **пи за**

~ие коврижки ҳеч қанақасига; ҳеч қандай йўл билан бўлмади.

какой-нибудь мест. 1. қандай бўлса ҳам, бирор (бирон), биронта, бир, қандайдир; **дайте какую-нибудь книгу** менга биронта китоб бериң; 2. атиги, бори-йўзи; ортиги билан; **прошло каких-нибудь пять дней** атиги беш кун ўтди; **осталось каких-нибудь три километра** бор-йўзи уч километр йўл қолди; **о хоть ~** қанақа бўлса ҳам (барибир), нима бўлса ҳам (майли).

какой-то мест. қандайдир, аллақандай, аллақайси, аллаким; **нас спрашивал какой-то человек** сизни қандайдир бир киши сўраб келди; **ему дали какое-то новое задание** унга қандайдир бир янги топшириқ беришди.

калач м калач, калава нон; **умуман оқ нон**; **о тёртый ~** пихини ёрган (қўпни кўрган) одам; ~ом не заманишь см. заманивать; ~ом не выманишь ҳеч қандай йўл билан алдай олмайсан; у (сента) анойи эмас.

календар/ь м тақвим; календарь; **повесить ~ч** на стену тақвимни деворта осиб қўймоқ; **отарвать листок ~я** тақвим варагидан бирини йиртиб олмоқ.

каменный/ый тош..., ришт..., риштин; ~ый дом риштин уй; тош уй; ~ый мост ришт кўприк; ~ая гора тош тепа; ~ые стены ришт девор; **от трудов праведных не наживёшь палат ~ых** посл. ирон. сув келтирган хор-зор, кўза синдирган – азиз; **о как за ~ой стеной** ишонган боғим, суянган тоғим; **как на ~ую гору** надеяться жуда ҳам ишонмоқ, суянмоқ; ~ый мешок 1) тош каталак (турманинг тортор хоналари ҳақида); 2) қамоқ, зиндон.

ка́м/ень м тош; дом из ~ня тош уй; риштин уй; **бросаться ~нями** тош отмоқ; тош отишмоқ; **улицы вымощены ~нями** кўчаларга тош ётқизилган (террилган); **твёрдый как ~ень** тошдай қаттиқ; **о ~ня на ~не** не оставить от чего ер билан яксон қилмоқ, вайрон қилмоқ; **~ень на душе** жуда гащ; ичим кир; ичимга чироқ ёқса ёримаяпти; ~ень

с души свалился ғам-ташвиш нари кетди; юрагим анча ёзилди; ~сья за пазухой держать кўнглида кир сақламоқ.

камер/а ж 1. камера, хона, бўлма, ҳужра; ~а хранения омонат сақлаш хонаси; юк (багаж) сақланадиган хона; сдать багаж в ~у хранения юкни омонат сақлаш хонасига топширмоқ; 2. *тех.* камера (бўшлик); ~а иллюза шлюз камераси; 3. копка ёки пневматик шинанинг ҳаво дамланадиган резинаси; *футбольная* ~а футбол камераси; *велосипедная* ~а велосипед камераси.

камушек (камышек) *уменьш. от камень*; 0 ~ в чей огород (бросить, кинуть) бировага теккизиб гапирмоқ.

канал м 1. канал; *судоходный* ~ кема қатнайдиган канал; *пресенные оросительные* ~ы вақтинча суғориш каналлари; 2. *перек. восита, йўл, дипломатические* ~ы дипломатик воситалар.

кандидат м номзод, кандидат; ~ в депутаты депутатликка номзод; ~ *филологических наук* филология фанлари номзоди.

каникулы *мн.* таътил; *школьные* ~ мактаб таътиллари, провести ~ в деревне таътилли қишлоқда ўтказмоқ.

капитал м капитал, маблағ, сармоя; 0 *мёртвый* ~ ишга тушмаган (фойда келтирмай ётиб қолган) маблағ, ўлик капитал.

капитан м 1. капитан (ҳарбий унво); *получить звание* ~а капитан унвоини олмақ, капитан унвоига эга бўлмоқ; 2. дарға, капитан (кема қўмондони); ~ *дальнего плавания* узоқ муддат сузиб юрувчи кема капитани; 3. *спорт.* капитан; ~ *футбольной команды* футбол командасининг капитани (сардори).

капельк/а ж *уменьш.-ласк. от капля*; выпить ~у воды озгина сув ичмоқ; 0 до (последней) ~и бир томчи ҳам қолдирмасдан, ҳаммасини, бутунича; *ни на ~у* ҳеч ҳам; *жидек* ҳам... (эмас).

капл/я ж 1. томчи, қатра; ~я дождя ёмғир томчиси; ~я камень долбит (точит) *посл.* томчи тошни тешар, бир кичик тош - бошни; 2. (*только мн.*) то-

мизги дори; томизиладиган дори; *сердечные* ~и юрак касали томизги дориси; 0 ~я в море *см.* море; *похожи как две* ~и воды битта олмининг икки бўлагдай, бир-бирига жуда ўхшаш, бир туки ҳам ўзгасмас; ~и в рот не брать сира оғзига олмаслик; бир қултум (ҳўплам) ҳам ичмаслик (ичимликни); ~я по ~е нина билан қудуқ қазигандай; оз-оздан; секин-аста.

капўст/а ж *карам*; *цветная* ~а гулкарам; *кислая* ~а тузланган карам; *пирожки с* ~ой карам сомса (карам солиб пиширилган пирожка); *щи из свежей* ~ы яғни карамдан пиширилган шўрва.

каравай м каравай, катта думалоқ нон; *на чужой* ~ рот не разевай *посл.* бировнинг нарчасига кўз олайтирма.

карандаш м қалам; *цветные* ~и рангли қаламлар; *расм* қалам; *химический* ~ сиёҳ қалам; *писать* ~ом қаламда ёзмоқ; *рисовать* ~ом қаламда расм солмоқ.

карман м чўнтак, кисса; *внутренний* ~ ички чўнтак; *пальто с* ~ами чўнтакли пальто; *положить деньги в* ~ пулни чўнтакка солмоқ; 0 *держи* ~ шире *см.* держать; *не лезть за словом в* ~ гапга чечан, ҳозиржавоб.

карт/а ж 1. харита, карта; *физическая* ~а физик харита; *политическая* ~а Европы Европанинг сиёсий картаси; 2. қарта (ўйин қартаси); *играть в* ~ы қарта ўйнамоқ; 0 *раскрывать (раскрыть)* свои ~ы ўз сирини очмоқ; ўз ниятини фош қилиб, билдириб қўймоқ; *ставить (поставить)* на ~у что таваккал қилмоқ; тикмоқ; ~а бита кого, чья ушинг омади кетди; у (энди) синди; *последняя* ~а сўнги имконият, шанс; ~ы в руки кому иш эгасини тонди; худди (сиз) боп иш.

картин/а ж 1. картина, расм, сурат; ~а известного художника таниқли рассом чизган сурат; *писать* ~у сурат ишламоқ; 2. манзара, кўриниш; *величественная* ~а гор тоғнинг улувур манзараси; *представить* ~ы далёкого прошлого узоқ ўтмиш манзараларини тасаввур қилмоқ.

картинк/а ж 1. *уменьш. от картина*;

2. сурат, расм; кпига с ~ами суратли китоб; \emptyset как ~а (как на ~е) жуда чиройли, жуда гўзал.
- картофель** м картошка; **вырастить** ~ картошка ўстирмақ; картошка ештирмақ; **жарить** ~ картошка қовурмоқ; **варить** ~ картошкани сувда қайнатиб пиширмақ.
- карточный** қартага, қарта ўйинига оид; \emptyset ~ домик 1) омонат қурилган, қилтиллаб турган уй, бино; 2) таги бўш, пуч иш.
- касá/ться** несов. (коснуться сов.) 1. тегмоқ, қўл тегизмоқ, тегиб турмоқ; **ветки** ~ются окна новдалар деразага тегиб турипти; 2. тўхталиб ўтмоқ, тилга олмоқ; тааллуқли, дахлдор (алоқадор) бўлмоқ; ... ҳақида бормоқ; **разговор** ~ется **вашего товарища** гап сизнинг ўртоғингиз ҳақида боряпти; **этот вопрос** ~ется **вас** бу масала сизга тааллуқли; **это меня не** ~ется бунинг менга алоқаси йўқ.
- касс/а** ж касса, газна; **театральная** ~а театр газнаси; **сберегательная** ~а омонат касса; **несгораемая** ~а пўлат сандиқ.
- кастрюл/я** ж кастрюлька; ~я с супом шўрва солинган кастрюлька; **варить борщ** в ~е кастрюлькада карам шўрва пиширмақ.
- катание** с юриш, сайр қилиш, томоша қилиб юриш, кезиш (отда, машинада, қайиқда); ~ **верхом** от миниб сайр қилиш; ~ **на лодке** қайиқда сайр қилиш; ~ **на лыжах** чанғида юриш (учиш); ~ **на коньках** конькида учиш, коньки отиш.
- катастроф/а** ж ҳалокат; **авиационная** ~а авиация ҳалокати; **попасть в железнодорожную** ~у темир йўл ҳалокатига учрамоқ; **место** ~ы ҳалокат юз берган жой.
- катá/ться** несов. думаламоқ, филдирамоқ, юрмоқ, кезмоқ, томоша қилмоқ, сайр қилмоқ; учмоқ; отмоқ; ~ться **на велосипеде** велосипедда юрмоқ; ~ться **на лодке** қайиқда сайр қилмоқ; ~ться **на лыжах** чанғида учмоқ; **любишь** ~ться, **люби и саночки возить** посл. [чанада учиниши ёқтирсанг, чана тортишни ҳам ўйлаб қўй]; **роҳатини** ўйлаган, меҳнатига (азобига) ҳам чидайди; \emptyset ~ться со смеху юмалаб-юмалаб кулмоқ, қотиб-қотиб кулмоқ.
- категори/я** ж категория, тоифа, даража; **туркум**; **разделить учеников на несколько** ~й по возрасту ўқувчиларни ёшига қараб бир неча тоифага ажратмоқ; **преподаватель высшей** ~и олий тоифали ўқитувчи.
- катйт/ься** несов. думаламоқ, юмаламоқ, филдирамоқ; \emptyset ~ься **под гору** 1) пастга кетмоқ; иши орқага кетмоқ, сурилмоқ; 2) ўлимга ақинлашмоқ.
- каток** м яхмалак; **зимой мы часто ходили** на ~ қишда биз тез-тез яхмалак отишга борардик; **высокогорный** ~ баланд тоғдаги каток.
- кафё** с нескл. кафе, қаҳвахона; **молодёжное** ~ ёшлар қаҳвахонаси; **завтракать** в ~ кафеда ноношта қилмоқ.
- кафтан** м кафтан, чакмон; \emptyset **тришкин** ~ соқолдан олиб, муртга қўйгандек (бошига тортса, оёқлари очилиб қолади-гандек) бир ҳол.
- кача/ться** несов. тебранмоқ, чайқалмоқ, силкинмоқ; учмоқ; **деревья** ~лись от **ветра** дарахтлар шамолдан тебраниб турарди; **лодка** ~ется **на волнах** қайиқ тўлқинда чайқалади; ~ться **на качелях** арчимчоқ учмоқ.
- качеств/о** с сифат, фазилат, хислат; ~о **товара** товар сифати; **ткань хорошего** ~а сифати яхши газлама; **проявить высокие моральные** ~а юқори савияда ахлоқий хислатларни намоён қилмоқ; \emptyset в ~е **кого-чего** сифатида, тариқасида; ..бўлиб; **он работает на заводе в** ~е **инженера** у заводда инженер бўлиб ишлайди.
- каш/а** ж бўтқа, каша; **жидкая** ~а суюқ каша; **рисовая** ~а на молоке ширгуруч; **сварить** ~у бўтқа пиширмақ; \emptyset **дать безрезовой** ~и с.м. безрезовой; **расхлёбывать** ~у мураккаб, чигал масалани ҳал қилмоқ; ~у **маслом** не испартишь [кашага ёғ қўшган билан бузилмайди]; **нур** устига нур; яна яхши бўлади.
- кашель** м йўтал, йўталиш; **сухой** ~ қуруқ

Йўтал; громкий ~ баланд овоз билан йўталиш; он простудился, у него сильный ~ у шамоллаб колипти, қаттик йўталлапти.

кашка ж ласк. от каша.

кашлять несов. йўталмоқ; сильно ~ қаттик йўталмоқ; ~ от простуды шамоллашдан йўталмоқ.

каюта ж каюта (жемада айрим хона, бўлма); ~ капитана судна кема капитани каютаси.

квадрат м квадрат, тўртбурчак; мураббаъ; двор имел форму ~а ҳовди тўртбурчак шаклда эди; 0 в ~е разг. икки баравар, икки карра; ҳаддан ташқари, ўтакетган.

квадратн/ый квадрат..., квадрат шаклдаги, тўртбурчак, чорбурчак, чорси; ~ый стол тўртбурчак стол; ~ая комната тўртбурчак хона.

квартал м 1. квартал; даҳа; маҳалла; новые ~ы города шаҳарнинг янги даҳалари; он живёт в соседнем ~е у ён даҳада яшайди; 2. квартал, чорак (йилнинг тўртдан бир қисми, чораги); план работы на первый ~ биринчи чорак иш режаси.

квартир/а ж квартира; хонадон, уй, хона; большая ~а катта хонадон; ~а из двух комнат икки хонали хонадон.

квашня ж 1. хамиртоғора; 2. разг. ошган (қўпчиган) хамир; 3. перен. прост. ланж одам, латта.

кивать несов. (кивнуть сов.) бош қимирлатмоқ; ~ головой кому бировга бош ирғатмоқ; ~ в знак согласия бош ирғатиб розиликни билдирмоқ.

кидать несов. (кинуть сов.) отмоқ, ирғитмоқ, ташламоқ; 0 ~ жребий қуръа ташламоқ; ~ упрёк ўпка, гина қилмоқ; пичинг қилмоқ; кинуть якорь 1) лангар ташламоқ; 2) бирор жойга ўрнашиб, жойлашиб олмоқ; ~ камень (камнем или грязью) в кого бировни ёмонламоқ (қораламоқ, айбламоқ, гуноҳкор қилмоқ).

килограмм м килограмм; кило; купить ~ сахара бир килограмм қанд сотиб олмоқ.

километр м километр; пройти два ~а

икки километр йўл босмоқ; остановиться в трёх ~ах от города шаҳарга уч километр қолганда тўхтамоқ; поезд идёт со скоростью сто ~ов в час поезд соатаига юз километр тезликда борапти. кино с несжд. кино; цветное ~ рангли кино; артисты ~ и театра кино ва театр артистлари; пойти в ~ кинога бормоқ; купить билет в ~ кинога билет сотиб олмоқ.

кино- баъзи қўшма сўзларнинг биринчи компоненти бўлиб қўлланилади, мас.: «киноартист», «киножурнал», «кинокомедия», «кинолента», «кинофильм».

кинотеатр м кинотеатр; летний ~ ёғги кинотеатр; пойти в ~ кинотеатрга бормоқ.

киоск м киоска, дўконча; газетный ~ газета киоскаси; купить папиросы в ~е дўкончадан папирос сотиб олмоқ.

кип/еть несов. қайнамоқ; вода уже ~ит сув қайнаб кетди; чай ~ит чой қайнади; 0 как в котле ~еть жиззадек қовурилмоқ, жиғибийрон бўлмоқ; слёзы ~ят ўпкаси тўлиб турибди, йиғлагиси келяпти.

кипятить несов. (вскипятить сов.) қайнатмоқ, қайнатиб пиширмоқ, пишириб олмоқ; ~ воду сувни қайнатмоқ; ~ молоко сут пиширмоқ.

кирпич м гишт; дом из ~а гиштли уй. кирпичн/ый гиштли, гиштин, гишт...; ~ый дом гиштин уй; ~ая стена гишт девор.

кисель м кисель; молочный ~ сутли кисель; клюквенный ~ клюквя кисели. кислород м кислород; дышать ~ом кислород билан нафас олмоқ.

кисл/ый нордон, қимизак; аччиқ; ~ое яблоко қимизак олма, аччиқ олма.

кисть ж 1. панжа, қўл (қўл павжаси); ~ правой руки ўнг қўл панжаси; 2. шингил, бош; шода; ~ винограда бир шингил узум; бир бош узум; ~ сирени сирень шодаси.

кит м кит, наҳанг балиқ (денгизда яшайдиган энг катта сутамизувчи ҳайвон).

кишк/а ж 1. ичка; 2. разг. шланг, энг; пожарная ~а ўт ўчирувчилар шланги; 0

~а тонка у кого прост. кучи етмайди, қўлидан келмайди; выпустить ~и из кого прост. чавоқламоқ, ичагини салла қилмоқ.

клядбище с мозор, қабристон, гўристон; старое ~ эски қабристон; на этом ~ похоронены его родители бу мазорга унинг ота-оналари қўйилган.

кляпаться несов. салом бермоқ; қуллуқ (таъзим) қилмоқ; \emptyset честь имею ~ уст. хайр, соғ бўлинг; ~ в пожки оёғини ўпиб илтижо қилмоқ; ёлвориб сўрамоқ.

класс м 1. синф; рабочий ~ ишчилар синфи; 2. синф, класс; ученики первого ~а биринчи синф ўқувчилари; 3. синф, хона; светлый, просторный ~ ёруғ, кенг синф; 4. синф, туркум; ~ рыб балиқлар туркуми; ~ млекопитающих сутамизувчилар синфи; 5. класс (даража); каюта первого ~а биринчи класс каютаси (кемада).

классов/ый синфий; ~ое общество синфий жамият; ~ая борьба синфий кураш; ~ые противоречия синфий лиддиятлар.

класть несов. (положить сов.) 1. ётқизмоқ, жойлаштирмоқ, ўрнаштирмоқ; қўймоқ; солмоқ; ~ ребёнка на кровать болани кроватга ётқизмоқ; ~ тетрадь на стол дафтарни столга қўймоқ; 2. қўшмоқ, солмоқ, ~ деньги в карман пулни чўнтакка солмоқ; 3. қўшмоқ, солмоқ, аралаштирмоқ, ~ сахар в чай чойга қанд солмоқ; ~ масло в кашу бўтқага ёв солмоқ; \emptyset ~ начало чему асос солмоқ, бошламоқ, бошлаб бермоқ; ~ конец чему тугатмоқ, тамоамламоқ, барҳам бермоқ, битирмоқ; ~ в основу что с.м. основа; ~ кого на лопатки (икки) курагини ерга теккизмоқ; голиб чиқмоқ, енгмоқ (спортда, мусобақада).

клевать несов. (клюнуть сов.) 1. чўқилаб емоқ, чўқиламоқ; 2. алдамоқ; қармоққа илинмоқ; сегодня рыба плохо клюёт бугун балиқ қармоққа оза илиняпти; \emptyset ~ носом [чўқигандек ҳаракат қилмоқ]; бошини осилтириб мудрамоқ; пинакка кетмоқ; денег куры не клюют с.м. деньги. клён м заранг, заранг дарахти; посадить в парке ~ы паркка заранг дарахтлари

ўтказмоқ.

кленовый заранг..., заранг дарахти...; ~ лист заранг барги.

клётк/а ж 1. қафас; лев в ~е қафасдаги шер; выпустить птицу из ~и қушни қафасдан озод қилмоқ; 2. катак; тетрадь в ~у катак дафтар; платье в ~у катак қўйлак.

клец м кана, жулак

клёш/и мн. қисқич, каж омбур; кузнечные ~и темирчи(лик) каж омбури; не кузнец а с ~ами заадка (Рак) темирчимас, қисқичи бор; \emptyset ~ами тащить из кого (слово, ответ) зўрлаб (зўрра) гапиртирмоқ; аранг сўяни олмоқ.

клиент м мижоз; быстрое обслуживание ~ов мижозларга тезлик билан хизмат кўрсатиш.

климат м иқлим; морской ~ денгиз иқлими; холодный ~ совуқ иқлим; жаркий ~ иссиқ иқлим; страна с умеренным ~ом мўътадил иқлимли мамлакат.

клин м пона; загнать в бревно ~ ёчоғга пона қоқмоқ; \emptyset ~ом не вышибешь пона уриб ҳам чиқариб бўлмайди, илдизи маҳкам ўрнашиб олган; куда ни кинь - всё ~ логов. ҳамма ёқ - тўғаноқ; ови юрса ҳам, дови юрмайди; ~ ~ом вышибают ачкиқи ачкиқ кесади.

клок м тутам, даста; ~ шерсти бир тутам жуи; с шаршивой овцы хоть шерсти ~ погов. тўнғиздан бир тук.

клуб м клуб; заводской ~ завод клуби; пойти в ~ на концерт клубга концерт кўргани бормоқ.

клубный/а ж қулупнай (ўсимлиги ва меваси); выращивать ~у қулупнай ўстирмоқ; варенье из ~и қулупнай мураббоси.

клубнич/ый қулупнай...; ~ый куст қулупнай тупи; ~ое варенье қулупнай мураббоси.

клуб/ёк м ўрам, копток; ~ок шерсти бир копток ип; распутывать ~ок перен. чигилини ёзмоқ; чигил масалани ечмоқ; \emptyset свернуться ~ком муж (ғужанак) бўлиб ётмоқ.

клуб/а ж гулхона (маълум шаклдаги гулзор); на ~ах в саду цветут розы бор-

даги гулхонада атиргуллар очилиб ётипти.

клюв *м* тумшуқ (қушларда); орлиный ~ бургут тумшуғи; острый ~ учли тумшуқ. **клюка** *ж* боши эгри ҳасса.

клюкв/а *ж* клюква (қизил нордон мевали ўсимлик ва унинг меваси); кисель из ~ы клюквадан тайёрланган кисель; \emptyset вот так ~а разг. ана холос, пишиди гилос; ана энди.

ключ *м* калит, очқич; закрыть комнату на ~ хонани қулфламоқ; запореть дверь на ~ эшикни калит билан беркитмоқ, эшикни қулфламоқ.

клятва/а *ж* қасам, онт; дать ~у кому онт (қасам) ичмоқ; нарушить ~у қасамни бузмоқ; взять ~у с кого онт (қасам) ичирмоқ.

книг/а *ж* китоб; интересная ~а қизиқарли китоб; ~а с иллюстрациями расмлы китоб; раскрыть ~у китобни очмоқ.

книжка *ж* китоб, китобча; детская ~ болаларга аталган китобча; \emptyset записная ~ см. записной.

книжка/ый китоб.; ~ая полка китоб полкаси, топчаси; ~ый переплёт китоб муқоваси; ~ый магазин китоб магазини; ~ый шкаф китоб шкафи, китоб жавони.

ко (қўш ундос билан бошланувчи баъзи сўзлар олдидан қўлланади; «ко всем», «ко лбу» ва ш.к.) см. к.

кобёл/ь *м* эрак ит, кўппак; \emptyset ~ю под хвост бекорга, беҳудата; текинга (бирор фойдасиз).

кобелёчек *м* уменъш. от кобель.

ковёр *м* гилам; цветной ~ гулдор гилам; ~ без ворса тақир гилам; покрыть диван ковром диванга гилам тўшамоқ.

ковш *м* ковш; чўмич, ёғлоғи; зачерпнуть ~ом воды чўмич билан сув олмоқ.

ковшик *м* чўмичча, кичкина ковш.

когда *1.* нареч. қачон, қай вақт, қай вақтда; баъзан, гоҳ, гоҳида; ~ нужен - в море бросают, а ~ не нужен - наверх поднимают загадка (Якорь) керак бўлганда - денгизга ташлаб юборадилар, керак бўлмаганда - чиқариб оладилар; - вы будете дома? қачон уйда

бўласиз?; не помню, - это было бу воқеанинг қачон бўлганлигини эслай олмайман; *2.* союз пайтда, вақтда; қачон, ҳамоно; ~ он проснулся, было ещё темно у уйқудан турган пайтда ҳали қоронғи эди; ~ дождь кончился, все пошли за грибами ёмғир тиниши билан ҳамма қўзиқорин тергани кетди; \emptyset ~ как свистит прост. туянинг думи ерга текканда; ҳеч қачон, ҳеч вақт.

когда-нибудь нареч. қачондир, қачон бўлмасин; ~ я расскажу об этом бу ҳақда қачондир гапириб бераман; ты был ~ в Москве? сен ҳеч Москвада бўлганмисан?

когда-то нареч. бир вақтлар, бир замонлар, қачонлардир; ~ мы были знакомы қачонлардир биз таниш эдик; ~ он жил в деревне қачонлардир у қишлоқда яшарди.

кожа/а *ж* *1.* тери; весь в перстї, а ~и лет загадка (Валенок) жуни кўп, териси йўқ; уход за ~ей терига қараш, терини парвариш қилиш, ~а лица и рук юз ва қўл териси; гладкая ~а силлиқ тери; *2.* чарм, кўн, тери; чемодан из ~и чарм чамадон; лакированная ~а локланган тери; \emptyset из ~и лезть бор кучи билан ҳаракат қилмоқ; зўр бериб тиришмоқ; -а да кости-эт билан суяк; қуруқ суяк; жуда озган; ни ~и, ни рожи на эт бор, на афт-ангор; совуқ башара. **кожан/ый** чарм.; кўн.; тери.; ~ая обувь чарм пойабзал; ~ые перчатки чарм қўлқоп; в ~ом корытце живо мясо шевелится загадка (Сапоги) чарм тоярачада тирик гўшт қимирлайди.

коз/а *ж* эчки; домашняя ~а хонаки эчки; пасти ~ эчки бақмоқ; \emptyset драть как сидорову ~у прост. терисини шилиб сомон тикмоқ; роса саваламоқ; па ~е не подъедешь к кому прост. ёнига йўлатмайди; олдидан борсанг сузади, кетидан борсанг тепади.

козёл *м* така, серка; \emptyset ~ отпущения ҳамма балога тўғаноқ (одам); пустить козла в огород қўйни бурига топширмоқ; как от козла молоко ундан ёрулик - итдан чориялик.

кол м қозық; 0 пи -а, пи двора қоққанда қозық, останда хурмача; қеч вақо йўқ, шип-шийдон.

колбас/а ж колбаса; варёная -а пиширилган колбаса; купить килограмм -ы бир килограмм колбаса сотиб олмоқ; к завтраку подали сыр и -у нонуштага пишлоқ билан колбаса қўйишди; 0 катись -ой бран. йўқол; тур йўқол; туёлингни шиқиллат.

колебание с 1. тебраниш, қимирлаш, силкипиш; ~ маятника соат капгирининг тебраниши; ~ пламени аланга тилининг қимирлаб ўзағариб туриши; 2. иккиланиш, қатыятеизелик, тараддулланиш; испытывать ~ иккиланмоқ, тараддулланмоқ. колеб/аться несом. 1. тебранмоқ, қимирламоқ, силкинмоқ, қўзаралмоқ; листья -ались от ветра шамолдан барглар силкинарди; тростник -летяса қамши қимирлаб туради; 2. ўзағариб турмоқ, чиқиб-тушиб турмоқ (нарг-наво, курс, ҳарорат ҳақида); температура воздуха -летяса от пяти до семнадцати градусов ҳаво ҳарорати беш даражадан ўн етти даражагача ўзағариб туради; 3. иккиланмоқ, тараддулланмоқ, ҳардамхаёлликка тушмоқ; он долго -ался, прежде чем дал согласие у рози бўлишидан олдин, анча иккиланди.

колён/о с 1. тизза; согнуть ногу в -е оёқни тиззадан буюмоқ; стать на -и тиз чўкмоқ; трава по -о тизза баравар ўт, тизза бўйи майса; 2. (только мн.) тизза (оёқнинг тизза ва ундан юқори қисми); посадить ребёнка себе на -и болани ўз тиззасига олмоқ; положить сумку на -и сумкани тиззага қўймоқ; 0 море по -о кому дунёни сув босса, тўпифига чиқмайди; поставить на -и кого тиз чўктирмоқ, бўйсиндирмоқ.

колес/о с (мн. колёса) гилдирак; колёса автомобиля автомобиль гилдираклари; велосипед на трёх колёсах уч гилдиракли велосипед; 0 грудь -оми кукраги қалқиб чиққан.

колёчко ж уменьш. от кольцо; бежирим узук; ҳалқача; золотое - бежирим тилла узук.

количеств/о с миқдор; сон; -о воды в бассейне ҳовуздаги сув миқдори; больше -о студентов талабаларнинг кўпи; в каком -е? қанча миқдорда?; увеличить -о продукции маҳсулот миқдори ни ошириш; маҳсулот сонини кўпайтириш.

коллектив м жамоа; ~ завода завод жамоаси.

коллектив/ый жамоа, жамоавий, умумий, бирлашиб қилинадиган; -ое хозяйство жамоа ҳўжалиги; -ая работа умумий иш, бирлашиб қилинадиган иш.

коллекци/я ж коллекция, тўплам; -я картин суратлар тўплами; -я почтовых марок почта маркалари коллекцияси.

колбёк м обл. фолж. кулча нош, катта бўғирсоқ; я ~, по сусекам метён, в сыров масле пражён (Из сказки) мен кичкина кулча, хампадан супурилганман, хом ёвда пиширилганман.

колёд/а ж ўйла, кунда; 0 через пень -у (валить) қилайми-қилмайми деб, имиллаб иш қилмоқ.

колёл/ец м қудуқ; рыть -ец қудуқ қазимоқ; доставать воду из -ца қудуқдан сув олмоқ.

колокол м (мн. колокола) қўнғироқ; жом; раздалась звуки -а қўнғироқ овозлари эшитилди; звон -ов қўнғироқ овози; 0 звать во все -а ҳамма ёққа жар солмоқ; шовқин кўтармоқ.

колоколь/я ж қўнғироқхона, қўнғироқлар минораси (бутхоналарда); 0 отзвонил - и с -и долгой прост. қўл тегди - пичоқ тегди; мендан кетгунча згасига етгунча; со своей -и смотреть ўз мезанасидан қарамоқ, ўз гази билан ўлчамоқ.

колокольчик м қўнғироқча, кичкина қўнғироқ.

колонийль/ый колониал, мустамлакачиликка асосланган, қарам; -ые страны мустамлака мамлакатлар.

колони/я ж колония, мустамлака; -и ведёт борьбу за освобождение мустамлака мамлакатлар ўз озодлиги учун кураш олиб бормоқдалар.

колонн/а ж 1. колонна, устуи; дом с

-ами устунли уй; 2. колонна, саф; -а автомашил автомашиналар колоннаси; -а демонстрантов намоибшчилар сафи; ийти в -с сафда бормоқ.

көлөс м (мн. колбсья) бошоқ; спелый ~ пишиб етилган бошоқ; -ья пшеницы бугдой бошоги.

колотй/ть несов. қоқмоқ, тақиллатмоқ, урмоқ.

колоть несов. что ёрмоқ; ушатмоқ, майдаламоқ, чақмоқ; ~ дрова ўтин ёрмоқ; ~ сахар қанд майдаламоқ; ~ орехи ёнвоқ чақмоқ; \emptyset правда глаза колет посл. тўйри гап туққанинга ёқмас; ~ глаза кому таъна қилмоқ, юзига айтиб изза қилмоқ.

колыбёл/ь ж бешик, беланчак; **какон** в -ьку, таков и п могилку см. **какон**; \emptyset с -и тувилгандан (ёки тиши чиққандан) бери.

колыбельн/ый бешикка оид, бешик...; -ая песня алла.

кольц/ó с узук; ҳалқа; золотое ~о тила узуқ; ~о с брильянтом брильянт кўали узук; любовь - ~о, а в ~с пет конца посл. муҳаббат - худди ҳалқадек, унинг поёни бўлмас.

команд/а ж 1. команда, буйруқ (оғзаки); дать ~у команда бермоқ; слушать ~у офицера зобитнинг буйруғига итсат қилмоқ; 2. қўмондонлик, қўмондонлик қилиш; отряд под ~ой офицера зобит қўмондонлигидаги отряд; 3. команда (кемадаги матрос ва қўмондонлар состави); -а военного корабля ҳарбий кема командаси; 4. спорт. команда, жамоа; футбольная ~а футбол жамоаси; ~а лыжников чанричилар командаси.

командир м командир, қўмондон; ~ полк полк қўмондони; приказ ~а қўмондон буйруғи; он назначен ~ом отряда у отряд қўмондони қилиб тайинланди. **командировк/а ж** хизмат сафари; научная ~а илмий хизмат сафари; ехать в ~у хизмат сафарига бормоқ.

командование с қўмондонлик; командирлик қилиш; ~ отрядом отрядга командирлик қилиш; принять ~ на себя командирликни ўз зиммасига олмоқ;

қўмондонликни қабул қилмоқ.

команд/овать несов. 1. буйруқ бермоқ; офицер ~ует «Вперёд!» зобит: «Олга!» дея буйруқ беради; 2. чел қўмондонлик қилмоқ, командирлик қилмоқ; ~овать полком полкга қўмондонлик қилмоқ; ~овать парадом парадга қўмондонлик қилмоқ.

комар м чивин; искабтопар; в сырых местах много ~ов зах жойларда чивин кўп бўлади; слоны трутся, а между собой ~ов давят посл. икки нор урушса, ўртасида чивин ўлар; ~ ~а парождает, человек - человека посл. илондан - илон, чаёнен - чаён; ёмон урудан яхши мева кутма; сто ~ов и кобылу зарежут посл. етти чумоли бирлашиб бир ёвни йиқитади; чивин кўплашса, филипп йиқитади; \emptyset - носу (носа) не подточит айб (нуқсон, камчилик, кир) топиб бўлмайди; бесками-кўст; бенуқсон (жуда пухта ишланган).

комбайн м комбайн; самоходный ~ ўзйорар комбайн; зерновой ~ валла комбайни.

комбинат м комбинат; ~ бытового обслуживания маиший хизмат кўрсатиш комбинати; мясо-молочный ~ гўшт-сут маҳсулотлари комбинати.

комеди/я ж комедия; писать ~и и драмы комедия ва драмалар ёзмоқ; сегодня в театре идёт ~я бугун театрда комедия қўйиляпти; \emptyset ~ю ломать найранг ишлатмоқ; ўзини ҳар ҳунарга солиб, бировларни алламоқ.

комисси/я ж комиссия; избирательная ~я сайлов комиссияси; избрать ~ю комиссия сайламоқ.

комитет м қўмита, комитет.

комнат/ы ж хона, бўлма, уй; светлая ~а ёруғ хона; квартира из трёх ~уч хонали уй.

композитор м композитор, бастакор; опера известного ~а машхур композитор операси.

компот м компот; ~ из яблок и вишни олма ва олчадан тайёрланган компот.

конвэрт м хатжилд, конверт; ~ с маркой маркали конверт; написать адрес

на ~е конвертта манзилни ёзмоқ; **вы- нуть письмо** из ~а хатжилддан хатни олмоқ.

конгресс м конгресс; делегаты ~а конгресс делегатлари; **участвовать в ~е** конгрессда иштирок этмоқ.

кондитерск/ий шакарпазлик, қандолатчилик...; ~ая фабрика қандолат фабрикаси; ~ий магазин қандолат магазини; ~ие изделия қандолат маҳсулотлари.

копец м 1. уч; **острый** ~ иглы нинанинг ўткир учи; ~ верёвки арқоннинг учи; 2. охири; этак; адоқ; оёқ; ~ лета ёзнинг охири; ~ стихотворения шеърнинг охири; **прочитать книгу от начала до конца** китобни бошдан-оёқ ўқиб чиқмоқ; \emptyset без конца ҳа деб, зўр бериб, тинмай, қайта-қайта; в конце концов пировардида, охирида, оқибатда, натижада, ниҳоят; **класть (положить) ~ см. класть; приближаться (приблизиться) или подходить (подойти) к концу** тамом бўлмоқ, охирига етмоқ, тугамоқ; ~ - делу венец посл. [ишининг тамоми (охири) - ишининг гултожи]; иш тамом, васалом.

копечно 1. вводн. сл. албатта, турган гап, шубҳасиз, табиий; **вы, ~, правы** албатта, сиз ҳақсиз; ~, он рад приезду сына турган гап, ўғли келганлигидан у хурсанд; 2. **частица шундай, ҳа; албатта; вы любите читать?** - Копечно сиз китоб ўқишни яхши кўрасизми? - Албатта.

конкурс м танлов, конкурс; ~ скрипачей скрипкачилар танлови; **участвовать в ~е** танловда қатнашмоқ.

консерв/ы консервалар; консерва; мясные ~ы гўшти консервалар; **открыть банку ~ов** консерва банкасини очмоқ.

конституци/я ж конституция; давлатнинг асосий қонуни.

консул м консул (бирор давлатнинг бошқа давлат шаҳарларига, ўз давлати ва мамлакати граждaнларининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун қўйилган расмий вақили).

консульство с консуллик (консуллик ва-зифаси); консулхона; **обратиться в ~**

консулликка мурожаат қилмоқ.

консультаци/я ж 1. консультация; мас-лаҳатхона; **получить ~ю** профессора профессордан маслаҳат олмоқ; **обратиться к врачу за ~ей** маслаҳат олиш учун врачга мурожаат қилмоқ; 2. мас-лаҳатхона, консультация (халққа мас-лаҳат бериб туриш учун тузилган мах-сус муассаса); **юридическая ~я** юридик маслаҳатхона; **детская ~я** болалар кон-сультацияси.

контролировать несова. (проконтролиро-вать сов.) текширмоқ, назорат қилмоқ; ~ **работу магазина** магазин ишларини назорат қилмоқ.

контроль/ь м назорат, общественный ~, жамоат назорати; **государственный ~** давлат назорати; **работать под ~ем мастера** устоз назорати остида ишла-моқ; \emptyset **брать (взять) под ~ь** кого-что см. брать, взять.

контроль/ый контроль...; назорат...; ~ая комиссия назорат қўмитаси; ~ая **рабо-та по математике** математикадан на-зорат иши.

конференция ж конференция; анжуман; **международная** ~ халқаро анжуман; ~ **учителей** ўқитувчилар конференцияси.

конфёт/а ж конфет, қанд; **вкусные ~ы** ширин конфетлар; **коробка** ~ конфет қутиси.

конфетка ж **уменьш. от конфета**, \emptyset как ~ разг. чақмоқдай, қўғирчоқдай (ясанган, безанган).

концерт м 1. концерт; ~ **современной музыки** замонавий мусиқа асарларидан тузилган концерт; ~ **артистов кино кино артистлари** концерти; **пойти на ~** кон-цертга бормоқ; **посещать ~ы** концерт-ларга бориб турмоқ; **давать ~ы** концер-т[лар] бермоқ, концерт қўйиб бермоқ; 2. концерт (якка саз ёки якка овоз учун ёзилган ва оркестр жўрлигида ижро эти-ладиган мусиқа асари); ~ **для скрипки** скрипка учун ёзилган концерт.

конч/ать несова. (кончить сов.) 1. битир-моқ, битказмоқ, тугатмоқ, охирига ет-казмоқ; ~ить **работу** ишни тугатмоқ; ~ить **занятия** машғулотни тамомламоқ;

~ил дело – гулий смело посл. иш бошлаганда мақтанма, иш битганда мақтан; 2. тугатмоқ, тамомламоқ, тамом қилмоқ; ~ить школу мактабни тамом қилмоқ; он ~ает университет в будущем году у университетни келаси йил тамомлайди; 3. ~ билан тугатмоқ, ... билан якунламоқ; ~ить вечер пением кечани ашула билан якунламоқ; 0 ~ен бал шутл. тамом, ҳаммаси тамом бўлди, тугади; ~ать (покончить) с собой ўзини ўзи ўлдиarmoқ; ўз жонига қасд қилмоқ.

конч/аться несов. (кончиться сов.) битмоқ, тугамоқ, тамом бўлмоқ; занятия ~ились машулотлар тугади; лето ~ается, скоро осень ёз тугаб борапти, яқинда куз келади; каникулы ~ились, таътил тугади; всё хорошо, что хорошо ~ается посл. ҳар ишнинг охири яхши бўлсин.

кончить см. кончатъ; 0 ~ дурию (плохо, скверно) прост. охири ёмон (хор-зор) бўлмоқ; охири вой бўлмоқ.

кончиться см. кончатъся.

кон/ь м от; вскоить на ~я отга сакраб минмоқ; ~о четыре нога, да и то спотыкается посл. отнинг тўрт оёғи бўлса-да қоқинади; ~я куют, а жаба лапу подставляет погов. эшакка тақа қоққанда, қурбақа ҳам оёғини кўтарар; дарёному ~ю я зубы не смотрят погов. берганнинг бетига қарама; улумини е, боғини суриштирма; 0 не в ~я корм фойдасия уриниш; муносиб (лойиқ) эмас; тиши ўтмайди, кучи етмайди; ~ь ещё не валялся погов. ҳали бирор иш қилингани йўқ, иш жойидан жилгани йўқ; ход ~ём охири ишга солинган қатъий чора, бирданига топилган тўғри йўл.

коньк/и мн. (ед. конёк) коньки; кататься на ~ах коньки отмоқ, коньки учмоқ.

копать несов. (выкопать сов.) 1. чопмоқ, юмшатмоқ; ~ землю ер чопмоқ; ~ огород томорқани чопмоқ; 2. қазимоқ, кавламоқ; ~ яму ўра қазимоқ; 3. кавлаб олмақ, қазимоқ; ~ картофель картошка кавламоқ.

копейк/а ж копейка (майда чақа); тийин; ~а рубль бережёт посл. тийин сўмни

асрайди; 0 ни ~и за душой муллақуруқ; ёнида ҳемириси (сарик чақаси, бир тийини) йўқ; дрожать пад каждой ~ой тийин устида қалтирамоқ; ~а в ~у тийини тийинга тўғри келди, тўппа-тўғри чиқди.

копи/я ж нусха, кўчирма; ~я известной картины машхур суратнинг нусхаси; снять ~ю с чего бирор нарсадан нусха олмақ, кўчирмоқ; сделать ~ю с документа ҳужжатдан нусха кўчирмоқ.

копыто с туёқ; ~ лошади от туёғи.

копытц/е с уменьш.-ласк. от копыто туёқча; свика море перескочил, а ~а не смочил лагадка (Месяц) кўк от денгиадан ўтса, туёқчаси қўл бўлмас.

коп/ь с найза; метать ~ё найза отмоқ, найза иргитмоқ; 0 ~я ломать қаттиқ тр-тишиб (жанжаллашиб) қолмоқ; сену манга (гапга) бориб қолмоқ.

кор/а ж пўстлоқ, пўст, қобик; сосновая ~а қарағай пўстлоғи; белая ~а берёзы қайиннинг оқ пўстлоғи; снить с дерева ~у дарахт пўстлоғини кўчирмоқ.

корабль/ь м кема; военный ~ь ҳарбий кема; плыть на ~е кемада сузмақ; ни море, ни земля, ~и не плавают, а ходить нельзя загадка (Болото) денгиз эмас, қуруқлик ҳам эмас, унда на кемалар сузишади, на пиёдалар кезишади; большому ~ю большое плавание посл. [катта кемага катта сув]; катта карвонга – катта йўл; 0 сжечь свои ~и [ўз кемаларига ўт қўймоқ]; орқага, эскиликка қайтиш йўлини кесиб қўймоқ.

кор/ень м илдиз; томир; ~ни дерева дарахт илдиэлари; нырпать сорняк с ~нем бегона ўтти илдиэл билан суғуриб ташламоқ; что растёт без ~ня? загадка (Жамень) нима илдиэлсиз ўсади?; ~ень учения горек, а плод его сладок посл. ўқиш – жафоли, кети – вафоли; 0 в ~не бутунлай, таг-губидан; в ~ень смотреть тагини, аслини билиб олмақ; моқиятини тушунмоқ; красеть (покрасеть) до ~ей волос қаттиқ қизармоқ; қуловигача қизармоқ; қип-қизил қизариб кетмоқ, лавлаги бўлиб кетмоқ.

корень/я мн. овқатта солинадиган баъ-

зи илдиэли кўкатлар.

корайна ж сават, кажава.

коридор м коридор; йўлак; узкий ~ тор йўлак; ~ гостиницы меҳмонхона коридори; **выйти из комнаты в** ~ хонадан йўлакка чиқмоқ.

коричневый жигарранг, долчинранг; ~ костюм жигарранг костюм.

корм м хашак; ем-хашак; ~ для скота мол еми, молларга бериладиган ем-хашак; **дать корове** ~у сигирга ем солмоқ.

корм/ить несов. (накормить сов.) едирмоқ, овқат бермоқ, едириб-ичириб қўймоқ; ем-хашак бермоқ, овқат солмоқ, озиқ бермоқ; ~ить больного с ложки касалга қошиқда овқат едирмоқ; ~ить ребёнка рисовой кашей болага ширгуруч едирмоқ; ~ить лошадей отга ем солмоқ; \emptyset ~ить завтраками см. завтрак; ~ить обещаниями қуруқ ваъдалар билан алдаб юрмоқ; хлебом не ~и кого ош берма нон берма, ... бўлса бас.

короб м пўстлоқдан тўқилган қути; кажава, сават; \emptyset с три ~а (наговорить, рассказать) бир қоп (қоп-қоп) гап гапирмоқ (ваъдалар бермоқ).

коробка ж коробка, қути, қутича; ~ спичек гугурт қутиси; ~ конфет қутили конфет.

корба/а ж сигир; стадо ~ сигир подаси; части ~у сигир боқмоқ; ~а на дворе, так еда на столе посл. агар бўлса оқлигинг, билинмайди йўқлигинг; \emptyset сидит, как на ~е седло ярашмапти; сигирга тўқим ур-гандай.

(даҳли) бўлса-бўлмас қизиқавериш.

люди *кишилар, одамлар, инсонлар, свет*
не без добрых людей *посл.* [дунёда
 яхши одамлар йўқ эмас (бор, топила-
 ди)] *гадойга* *бир зшиқ ёпиқ бўлса, бири*
– очик; \emptyset *на людей* *посмотреть и себя*
показать [одамларга ҳам қарамоқ, ўзини
 ҳам кўрсатмоқ]; *одамларга қарамоқ* *ва*
ўзининг ясан-тусанларини ҳам бошқа-
ларга кўрсатмоқ (меҳмондорчиликка,
томошага борганда).

люлька I ж *беланчак, осма беланчак*;
 болалар аравачаси.

люлька II ж *обл. тамаки солиб чекила-*
диган трубка.

лягушк/а ж *бақа, қурбақа; и траве пры-*

гали ~и ўтаорда қурбақалар сакраб юрарди; **холодный, как -а** [қурбақадай совуқ] хунуқ, жирканч нарса ҳақида; **не бывает бычком -е посл.** [қурбақа бу-қачадай бўлолмас]; чумчуқ семириб бот-мон бўлмас.

М

мавзолей м мақбара, мавзолей.

маг м сеҳргар, жодугар, афсунгар; **о** ~ и **волшебник** *шутл.* чаққону абжир; ҳар илга чечан, уддабурон одам.

магазин м магазин, дўкон; **книжный** ~ китоб магазини; **купить в -е** масло дўкондан ёғ сотиб олмоқ.

магнитофон м магнитофон; **включить** ~ магнитофони қўймоқ; **записать на ~ новую песню** магнитофонга янги ашу-ла ёзиб олмоқ.

маль ж малҳам (суркайдиган малҳам дори).

май м май, май ойи; в начале мая май ойининг бошларида.

майск/ий май...; ~ая погода май об-ҳаво-си.

мак м кўкнор; лола қизғалдоқ.

майовка ж 1. гумбаз; 2. калланинг, бош-нинг қоқ учи, тепаси.

маков/ый кўкнор ўсимлигига оид; ~ое масло кўкнор (уруғи) мойи; **о** ~ой ро-синки во рту не было туз тотганим йўқ; ичимга тариқдай нарса киргани йўқ.

макўшк/а ж 1. уч, тепа, чўққи; ~а де-рена дарахтнинг учи; 2. калланинг, бош-нинг қоқ тепаси; **о** ушқи на ~е у кого бўри қулоғи овда, қулоғи динг; сергак; ҳамма нарсдан бохабар; кўз-қулоқ.

мал кичик; кичкина; **костюм нам** ~ ко-стюм сизга кичик экан; ~ залотшик, да **дорог** логов. оз бўлсин-у, соа бўлсин; ~ да удал (маленький, да удаленький) кичкина деманг бизни, кўтариб урамиз сизни; ёш бўлса ҳам бош.

маленьк/ий 1. кичкина, кичик, кички-нагина; ~ий город кичкина шаҳар; 2.

кичкина, майда; ~ие дети ёш болалар; ~ое дело лучше большого безделья [катта бекорчиликдан кўра кичкина бир иш яхши]; бекор тургунча бекор ишла; **о** по ~ой (выпить, пропустить) қиттак-қиттак қилмоқ.

мало нареч. оз, кам, оғина, бирозгина; **он** ~ говорит, но много делает у оз га-пиради, ammo кўп иш қилади; ~ време-ни вақт оз; людей на улице было ~ кўчада одамлар оз эди; **о** ~ ли что нима бўпти; ҳар нарса бўлиши мумкин; ~ того у ҳам майли, ундан ташқари.

мал/ый I 1. кичик, кичкина; 2. оз, кам; 3. тор, чок (кийим); **о** без ~ого салгина кам; қарийб, деярли.

малый II м разг. ёш йигит, ўспирин, йи-гитча; **о** старый и ~ (стар и мал) катта ҳам, кичик ҳам; ёшидан қатъий назар. **мальчик** м бола, ўғил бола; ~ пяти лет беш яшар бола; ~и и девочки болалар ва қизчалар; **о** ~ с пальчик нўхат пол-вон; кичкина митти.

мама ж она; ойи, ая.

маменькин ж уст. онажон, ойижон.

маменькин уст. онага тегишли, онани-ки, ойиники; **о** ~ сынок (сыночек) *шутл.* ирон. онасининг эркатойи, эрка боласи; эркатой, арзанда.

мапёр/а ж 1. усул, одат (ҳаракат ёки муомала, иш услуби); ~а держать себя ўзини тута билиш; ~а пеня ашула ай-тиш усули; 2. одат, одатлар, қилиқ; хо-рошие ~и яхши одатлар.

марк/а ж 1. марка (почта ёки герб белгиси); **почтовые** ~и почта маркала-ри; **конверт с -ой** маркали конверт; 2. марка, белги, тамга (фабрика ёки то-вар тамгаси); русум; машина новой ~и янги русумдаги машина; **о** (плут) выс-шей ~и ўтакетган, фирт; юқори дара-жали (ўғри, муттаҳам).

март м март, март ойи; **весна** начина-ется в ~е март ойдан баҳор бошла-нади.

мартовск/ий март...; ~ие дни март кун-лари; **о** ~ий кот *шутл.* мов мушук.

маршал м маршал (энг олий ҳарбий ун-вон); ~ авиации авиацил маршали.

маршрут м маршрут (босиб ўтиладиган йўл); ~ поездки по стране мамлакат бўйлаб қилинадиган саёхат маршрути; **изменить** ~ маршрутни ўзгартирмоқ; **паметить** ~ маршрут режасини тузмоқ; **идти по повому** ~у янги маршрут бўйича юрмоқ.

маск/а ж 1. маска, ниқоб; ниқоб кийган одам (маскарад тамошасида); ~а медведя айиқ қиёфасидаги ниқоб; 2. перен. ясама қиёфа, сохта кўриниш; ~а раянодушия сохта бепарволик; **о надевать** ~у ниқоб кийиб олмоқ; кирдикорини бекитмоқ; қийла ишлатмоқ; **снимать (сбрасывать)** ~у ниқобини олмоқ; асл башарасини кўрсатмоқ.

масленица ж масленица (қишни кузатиш байрами); **широкая** ~ масленицанинг охиригга ҳафтаси; **не жизнь, а ~ погов** ҳаётмисан, ҳаёт; қозон ҳам мой, чўмич ҳам мой; **не всё коту ~ см. кот**.

маслен/ый 1. ёғли, серёғ; ёғ суртилган; 2. перен. эҳтиросли, хумор; ~ый взгляд эҳтиросли нигоҳ; **о ~ая неделя то же, что масленица**.

масл/о с мой, ёғ; хлопковое ~о пахта ёғи; чигит ёғи; **хлеб с ~ом ёғ** суртилган вон; **положить ~а в кашу** ширгуручга ёғ солмоқ; **о как по ~у силлиқ**, силлиқ қина; хамирдан қил суғургандай; тезлик билан; қийналмай; **работа шла как по ~у** иш силлиқ борарди; **как сыр в ~е** катчилиқ нонни мой билан емоқ, мўлқўлчиликда яшамоқ; **кашу ~ом не испортишь см. каша**.

масля/ый ёғ (мой) га оид; ёғли, мойли; - **Петушок, петушок, золотой гребешок, ~а голлушка, шелкова бородинка** (Рус эртақларидан) хўрозча, хўрозча, олтин тоғли хўрозча; 4. кўп, кўпчилик бошгинанг, шойи (ипак) соқолчанг.

масс/а ж 1. физ. масса; единица ~ы масса бирлиги; 2. модда; бўтқа; **густая** ~а қуюқ модда; 3. омма; **трудящиеся** ~ы меҳнаткашлар оммаси; 4. кўп, кўпчилик, жуда кўп, кўпгина, бирталай; ~а цветов бирталай гул; **у него ~а срочных дел** унинг зарур ишлари кўп.

массов/ый 1. оммавий; умумий; ~ый ми-

тинг оммавий митинг; ~ое движение сторонников мира тинчлик тарафдорларининг умумий ҳаракати; 2. кўплаб ишлаб чиқариладиган; ~ый выпуск товаров для населения аҳолига кўплаб товарлар ишлаб чиқариш.

мастер м 1. мастер, уста; ~ цеха цех устаси; **работать ~ом на заводе** заводда мастер бўлиб ишламоқ; 2. уста, устоз, ҳунарманд; ~а высоких урожаев хлопка пахтанинг мўл ҳосил усталари; ~ своего дела ўз ишининг устаси; **о** ~ спорта спорт мастери; ~ на все руки ҳамма ишга моҳир, қўлидан ҳамма иш келади-ган, қўли гул; ~ на выдумки ўйлаб чиқаришга уста одам; ~ломастер шутил. разг. устабузармон.

мастерск/ая ж 1. ишхона, устахона; ~ая по ремонту обуви этикдўзлик, этикдўзлик дўқони; **отнести часы в ~ую** соатни соатсозлик дўқонига олиб бормоқ; 2. рассом устахонаси; ишхона; ~ая художника рассом устахонаси, ишхонаси.

мастерств/о с маҳорат, моҳирлик; санъат; **актёрское** ~о актёрлик маҳорати; **достигнуть высокого** ~а в своём деле ўз соҳаси (иши) бўйича юқори маҳоратга эришмоқ.

математик/а ж математика; учитель ~и математика ўқитувачиси.

математическ/ий математика...; математик; ~ая задача математик масала; ~ий анализ математик анализ.

материал м 1. материал, хом ашё; **строительные** ~ы қурилиш материаллари; **мост сделан из прочного** ~а кўприк муштаҳкам материалдан қилинган; 2. материал, маълумот; асос, далил; **подготовить ~ы для доклада** доклад учун маълумот тўпламоқ; **собрать большой** ~ по истории города шаҳарнинг тарихи ҳақида кўп материал тўпламоқ; 3. газлама, газмол; ~ на платье кўйлақлик газлама; **пальто из дорогого** ~а қимматбаҳо газмолдан тикилган пальто.

материаль/ый моддий, мулкый; ~ое положение моддий аҳвол; **повысить ~ый уровень жизни народа** халқнинг моддий даражасини кўтармоқ.

материк м материк; қитъа; **Африканский** ~ Африка қитъаси.

матери/я ж *филос.* материя (киши онгидан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган объектив реаллик); **формы существования** ~и материянинг яшаш шакллари; **строение** ~и материянинг тузилиши.

матрос м денгизчи, матрос; **служить** ~ом на корабле кемада матрос бўлиб хизмат қилмоқ.

матч м мусобақа; ~ между командами **России и Франции** Россия ва Франция командалари ўртасидаги мусобақа; ~ на первенство мира по шахматам жаҳон биринчилиги бўйича шахмат мусобақаси.

мать ж она, ойи, ая; **родная** ~ ўз онаси (ўғай эмас); **птица радуется весне, а ~ - деткам посл.** она кўнгли болада; бола — онанинг юрагига пайванд қилинган; \emptyset **всосать с молоком матери что** сут билан (она сути билан бирга) кирган; **в чѐм ~ родила разг.** онадан тувилгандагидек; қип яланғоч.

махать *несов.* (махнуть *сов.*) силкитмоқ, силтамоқ; қоқмоқ; **стоит старик над водой** — машет белой бородой загадка (Камыш над водой) ариқ узра турган чол, силкитади оқ соқол; ~ **руками** қўл силтамоқ; **один паншет, а семеро руками машут посл.** бир деҳқон омон билан, еттовлон чўмич билан; **после драки кулаками не машут см.** *после;* **махнуть платком дастрѐмол** силкитмоқ (хайрланганда); **птица машет крыльями** қуш қанот қоқади; \emptyset **махнуть рукой на кого, на что** қўл силтамоқ; аҳамият бермаслик; ташлаб қўймоқ.

мачт/а ж мачта; **корабль с двумя ~ми** икки мачтали кема.

машин/а ж 1. машина; **сельскохозяйственные ~ы** қишлоқ хўжалик машиналари; **стиральная** ~а кир ювиш машинаси; **швейная** ~а тикув машинаси; **хлопкоуборочная** ~а пахта териш машинаси; 2. машина, автомашина; **грузовая** ~а юк машинаси; **легковая** ~а енгил машина (автомобиль); **ехать в ~е**

машинада кетмоқ; **машинк**/а ж машинка, ёзув машинкаси; **печатать на ~е доклад** докладни машинкада босмоқ.

маяк м маяк; **свет ~а маяк** чирои (ёруғи). **мгновение** с лаҳза, он, дам, нафас; зум; **остановиться на ~ бир лаҳза** тўхтамоқ; \emptyset **в одно ~ см.** один; **в ~ ока** кўз очиб юмгунча, бир лаҳзада.

мебел/ь ж жиҳоз, мебель; уй жиҳози; **мягкая ~ь** юмшоқ жиҳоз; \emptyset **для ~и** (находиться, быть) *шутл.* жой бўш турмаслиги учун, қуруқ савлатга.

мед м асал, бол; **пить чай с ~ом** асал билан чой ичмоқ; **сладкий, как ~ асал** дек ширия; **о ~е хоть год думай, во рту сладко не будет посл.** ҳалво деган билан оғиз чучимас; \emptyset **не ~ я знач.** сказ. ширин-шакар эмас (оғир, мушкул, машаққат келтирадиган); **вашиими устами да ~ пить!** оғзингизга шакар!; айтганингиз келсин!

медал/ь ж медаль; **получить ~и за боевые заслуги** жанговор хизматлари учун медаль олмоқ; **наградить ~ью** медаль билан тақдирламоқ; **окопчить школу с золотой ~ью** мактабни олтин медаль билан тамомламоқ; \emptyset **оборотная сторона ~и** (медальнинг орқа томони); бирор ишнинг ёмон (акс) томони.

медвед/ь м айиқ; **белый ~** оқ айиқ; **охотиться на ~я айиқ** овига чиқмоқ; айиқ овламоқ; \emptyset **~ь (слон) на ухо наступил кому** [қулоғини айиқ босиб олган]; **музыкальный йуқ одам;** куйни фаҳмлаш қобилиятига эга эмас; **истеъдоди йуқ.**

медвеж/ий 1. айиққа оид; айиқ; 2. **перен.** айиқникига ўхшаган; **~ья походка** айиққа ўхшаб лапанглаб юриш; \emptyset **~ья услуга** қош қўяман деб кўз чиқариш.

медицина ж тиббиёт, табобат, тиб, медицина; **народная** ~ халқ табобати. **медицинск**/ий медицина ..., тиббиёт ..., тиббий; **~ий институт** тиббиёт институти; **~ие работники** тиббиёт ходимлари; **~ая помощь** тиббий ёрдам.

медленно нареч. секин, аста; **аста-секин;** ~ **ехать** секин бормоқ (кетмоқ); ~ **писать** секин (имиллаб) ёзмоқ; ~ **рабо-**

тать секин ишламоқ;
мёдленн/ый секин, секин-аста, сушт, узоққа чўзиладиган; **-ая работа** секин бажариладиган иш; **-ое течение** сушт оқим; **идти ~ым шагом** секин бормоқ, секин юриб бормоқ; \emptyset на **-ом огне** паст оловда.

медлять несог. сустлаштирмоқ, орқага судрамоқ, кечиктирмоқ; **с этим делом нельзя** ~ бу ишни кечиктириб бўлмайди; **~ с ответом** жавоб беришни чўзиб юбормоқ; \emptyset **не медля ни минуты** бир минут ҳам кечиктирмай, дарҳол, зудлик билан.

мёдн/ый мис..; **-ая руда** мис рудалари; **-ая посуда** мис идиш; \emptyset **-ая монета** чақа; **~ый лоб** каллаварам; **қовоқбош;** **фаҳм-фаросатсиз;** **~ый век** артеол. мис асри.

мёдový/й 1. асалга сид; асал..; **~й вкус** асал таъми; 2. перен. тилёғлама, чучмал; **-е речи** тилёғлама гаплар; \emptyset **~й месяц** уйлангандан кейинги биринчи ой.
медок *м* разг. ласк. *от* мёд; асал, бол; на языке **~а** на сердце **ледок** погов. тилида жоним дейди, дилида ейман дейди.

мед/ь ж мис; проволока из **-и** мис сим.
между *предлог* 1. ўртасида, орасида, оралрида, **~ окном и дверью** дераза билан эшик оралрида; **~ деревьями** дарахтлар орасида; 2. ўзаро, бир-бири билан, ўртасида; **договориться ~ собой** ўзаро келишмоқ; \emptyset **~ двух огней** икки ўт ўртасида; икки ўртада; **~ прочим** 1) йўл-йўлакай, шунчаки; 2) дарвоқе, айтмоқчи, айтгандай.

международн/ый халқаро; **-ое положение** халқаро аҳвол; **-ое значение** халқаро аҳамият; **-ое сотрудничество** халқаро ҳамкорлик; **-ые отношения** халқаро муносабатлар; **Международный женский день** Халқаро хотин-қизлар куни.

мел *м* бўр, мел; **написать ~ом** на доске доскага бўр билан ёзмоқ.

мёлк/ий 1. майда, кичкина; **-ий песок** майда қум; **-ие яблоки** майда олмалар; **-ая рыба** майда (кичик) балиқлар; **идёт**

-ий дождь майдалаб ёмғир ёғяпти; 2. **свёз, чуқур** бўлмаган; **ясси, юза;** **-ая река** саёз дарё; \emptyset **-ая сошка** см. *сошка*.
мёлко 1. безл. в знач. сказ. саёз, юза; в этом месте **реки** очень **~** дарёнинг бу жойи жуда саёз; 2. нареч. майдалаб, майда-майда қилиб; **~ колоть сахар** қандни майда-майда қилиб ушатмоқ; \emptyset **~ плавать** разг. 1) етарли билим, маълумот ва тажрибага эга эмаслик; билими саёзлик; 2) жуда кичик, назарга илинмайдиган лавозимни эгаллаб туриш.
мелбди/я ж куй, оҳанг, наво; **весёлая** **-я шўх куй,** шўхчанг куй; **-я песни** ашула куйи (оҳанги); **услышать покую** **-ю** янги куй тингламоқ.

мёлоч/ь ж майда пул, танга, чақа; в кошельке **осталась одна ~ь** ҳамсида фақат майда пул қолипти; \emptyset **размениваться** по **~ам** энг муҳим (асосий, керакли) ишни қўйиб (иш турганда) бошқа (кераксиз, майда-чуйда) ишлар билан овора бўлмоқ.

мельк/ть несог. (мелькнуть сог.) милтилламоқ, милт-милт этиб кўринмоқ; в темноте **мелькнул огонь** қоронғиликда милтиллаган чироқ кўринди; **~ют звёзды** осмонда юлдузлар милтиллаб кўрина эди; \emptyset в **глазах** **-ет** лип-лип кўзага кўринади; кўз ўнгидан лип-лип ўтапти.

мельниц/а ж тегирмон; **ветряная** **-а** шамол тегирмон; \emptyset **лить воду на чью** **~у** бировнинг тегирмонига сув қуймоқ.
мёнее нареч. 1. унчалик.. эмас; **~ высокий** унчалик баланд эмас; **он** **~ разговорчив** у камгапроқ; 2. камроқ, озроқ; **он** **знает ~ других** у бошқалардан камроқ билади; \emptyset **более** или **~ см.** **более;** **тем не** **~** шундай бўлса ҳам, шунга қарамасдан, бироқ.

мёньше 1. кичикроқ, қисқароқ, калтароқ; **он** **~ меня** у мендан кичикроқ; 2. озроқ, камроқ; **в** **десять раз** **~** ўн марта камроқ; **~** **месяца** бир ойдан камроқ; **лучше** **~, да лучше** см. *лучше*; \emptyset **~** **все** **го** ҳаммасидан кўра, ҳаммасидан ҳам.

мёлш/ий озроқ, камроқ, кичикроқ; \emptyset **по** **~ей** **мере** камида; энг камида; жуда

бўлмаганда.
меньшинств/о с озчилик, камчилик; ~о голосов озчиликни ташкил қилган овоз; **остаться в -с** озчилик томонида қолмоқ; озчиликни ташкил этмоқ; **о** национальные ~а майда миллатлар.
меню с нессл. таомнома (ресторан, ошхона ва қаҳвахоналарда – оқватларнинг номи ва нархи кўрсатилган варақа); **попросить у официанта** ~ официантдан таомномани сўрамоқ.
менять несоев. 1. ўзгартирмоқ; ~ форму шақлини ўзгартирмоқ; ~ миснис фикрини ўзгартирмоқ; 2. алиштирмоқ, алмаштирмоқ, алмашмоқ; ~ марки маркани алиштирмоқ; **о** ~ гнев на милость аччиқдан (жаҳлдан, шахтидан) тушмоқ; юмшаб қолмоқ; ~ кукушку на ястреба [каккуни қарқуноққа алиштирмоқ]; ёмон нарсани янада ёмонига, ундан баттарига айирбош қилмоқ.
меня/ться несоев. 1. ўзгармоқ; **истер** ~ется шамол ўзгариб турипти; 2. алмаштирмоқ, алмашмоқ, айирбош қилмоқ; ~ться кинигами китоблар билан алмашмоқ; китобларни алмаштирмоқ; **о** ~ться в лице афти-ангори ўзгариб кетмоқ, ранги ўчиб кетмоқ, кайфи учмоқ.
мер/а ж 1. ўлчов; ~ы длины узунлик ўлчовлари; ~ы веса оғирлик ўлчовлари; 2. чора, тадбир, илож; **строгие** ~ы қатъий чоралар; **принимать** ~ы чора кўрмоқ; **о** без ~ы жуда, чексиз, ҳаддан ташқари; в **полной** ~е тўллик, тўла равишда; по **крайней** ~е см. крайний.
мерзл/уть несоев. совқотмоқ, совуқ سموқ, тунгмоқ; в **комнате** холодно, я ~у хона совуқ экан, мен совқотяпман; вода ~ет сув музлаяпти; **руки** ~ут қўллар совқотяпти.
мер/ить несоев. ўлчамоқ; ~ить глубину чуқурлигини ўлчамоқ; ~ить расстояние масофани ўлчамоқ; **о** ~ить на свой аршин см. аршин; ~ить вёрсты прост. кўп юрмоқ; йўл юрса ҳам мўл юрмоқ; ~ить глазами кўз билан чамаламоқ, чамалаб ўлчамоқ.
мертв/ый ўлган; ўлик; ~ый человек ўлган одам; ~ый лев хуже живой со-

баки посл. ўлик арслондан тирик сичқон яхши; из **живого** – ~ое, из ~ого – **живое** зағадка (Яйца из курицы, из яйца цыплёнок) жонлидан жонсиз турилади, жонсиздан жонли; **о** ~ая тишина жимжитлик, сокинлик; ~ым **сном** (спать, заснуть) донг қотиб (ухламоқ); ~ые души ўлик жонлар; ни **жив** пи ~ чалажон; қанганг; эси (эсхонаси) чиқиб кетган; (поможет) как ~ому **припарки** сўқир кўзага сурмадек (ҳеч фойдаси, нафи йўқ); ҳеч қандай ёрдам бера олмайди.

мест несоев. (подмести сов.) супурмоқ; ~ двор ҳовлини супурмоқ.

местност/ь ж жой, ер; **красивая** ~. гўзал жой; **сельская** ~. қишлоқ; дала жой; **оказаться в незнакомой** ~и нотаниш жойга бориб қолмоқ.

местн/ый маҳаллий; ерли, тубжой; ~ые жители тубжой аҳоли, ерли аҳоли; ~ая промышленность маҳаллий саноат.

мест/о с 1. жой, ўрин, ер; ~о **ветречи** учрашадиган жой; ~о **присшествия** воқеа содир бўлган жой; 2. ўрин, жой; не ~о **красит** человека, а человек – ~о **посл.** одамни курси безатмас, одам курсини безатар; **сесть на свои** ~а ўз ўрнига бориб ўтирмоқ; 3. жойлар; **вернуться в родные** ~а она юртига қайтмоқ; 4. жой, ер (бирор нарсанинг маълум қисми); **поранить руку в нескольких** ~ах қўлнинг бир неча жойидан ярадор бўлмоқ; **самое интересное** ~о в рассказе ҳикоянинг энг қизиқарли ери; 5. ўрин; **занять первое** ~о в соревновании мусобақада биринчи ўринни эгалламоқ; **о** на ~о ўз ўрнига, ўз жойига; на ~е ўз ўрнида, ўз жойида; на ~е кого, на чьем ~е бировнинг ўрнида; на **вашем** ~е я бы согласился сизнинг ўрнингизда (бўлганда) мен рози бўлардим; на ~е преступления (застать, поймать) жиноят устида (қўлга туширмоқ, ушламоқ); **выходить (выйти)** на **первое** ~о см. выходить; **иметь** ~о см. иметь; с ~а в **карьер** қўшдан чиқиб молага; кечиктирмай; бирданига; ўйламай-нетмай; тай-ёргарликсиз; шу заҳоти; не **находить**

себе ~а ўзини қасрга қўйишни (сиядиришни) билмаслик; ўзини қўярга жой топмаслик.

местоимёни/е с олмош; личное ~е кишилик олмоши; **вопросительные** ~я сўроқ олмошлари.

мест/ь ж қасос, ўч, интиқом; **сделать что-нибудь из** ~и қасддан бирор иш қилмоқ.

месяц м 1. ой; **пронлый** ~ ўтган ой; **в этом** ~е шу ойда; 2. ой, Ой; **полный** ~ тўлин ой; **серп молодого** ~а қиллол; 0 **медовый** ~ см. **медовый**.

металл м металл; **чёрные** ~ы қора металллар.

металлическ/ий металл.; металлдан қилинган (ясалган); ~ие изделия металл буюмлар; ~ая решётка металл панжара.

металлургическ/ий металлургия.; ~ая промышленность металлургия саноати.

металлурги/я ж металлургия (металл ишлаб чиқариш ҳақидаги фан; металлургия, металл ишлаб чиқариш); **развитие** ~и металлургия тараққиёти.

метла ж супурги; **новая** ~ чисто метёт *посл.* [янги супурги тоза супуради] янги қўзанинг суви тогли.

метод м усул, метод; ~ исследования тадқиқот методи; ~ работы иш усули; **передовые** ~ы производства ишлаб чиқаришнинг илғор методлари; **применить новый** ~ янги методи (усулни) қўлламоқ.

метр м метр (ўлчов бирлиги); **длина комнаты** пять ~ов хонанинг бўйи беш метр.

метро с нескл. метро; **станция** ~ метро станцияси; **спуститься в** ~ метрога тушмоқ.

метрополитен м метрополитен (ер ости темир йўли); **строительство** ~а метрополитен қуриш; метрополитен қурилиши.

мех м мўйна, тери; ~ лисы тулки тери[си]; **пальто** на ~у мўйнали пальто, мўйна пальто; **шапка** из ~а мўйна телпак; 0 **на рыбьей** ~у *шутл.* [балиқ мўйнали пўстин кийган]; юпун кийинган;

уст-боши юпун.

механизация ж механизация, механизациялаш, механизациялаштириш; ~ сельского хозяйства қишлоқ хўжалигини механизациялаш.

механизм м механизм (машиналарнинг, аппаратларнинг ички тузилиши); **сложный** ~ мураккаб механизм; ~ часов соат механизми, соатнинг ички тузилиши.

механик м механик; машина устаси; **главный** ~ завода заводнинг бош механиги.

механическ/ий 1. механик (механизм ёрдамида ҳаракатга келадиган, механизм воситасида ишлайдиган); ~ий двигатель механик двигатель; ~ая игрушка механик ўйинчоқ; 2. механик; механика.; ~ая мастерская механик устахона; ~ий цех механика' цехи.

мехов/ой мўйна.; ~ой воротник мўйна ёқа; ~ая шапка мўйна телпак.

меч м 1. қилич, шамшир, тиг; **острый** ~ ўткир қилич; 2. *перен.* жазоловчи восита; шамшир; 0 **вложить** ~ в пожны урушни тўхтатмоқ; **поднять (обнажить)** ~ [қилич кўтармоқ]; жангга отланмоқ; уруш бошламоқ.

мечт/а ж орзу, хаёл, истак, тилак; ~ы юности ёшлик ораулари; ~ы о будущем келажак ҳақидаги ораулар; ~ам и годам нет возврата (Пушкин) ўтган кун топилмас; ўтган кунинг - сўлган гулинг; ўтганини қайтариб бўлмас.

мечт/а/ть *несов.* хаёл қилмоқ, орзу қилмоқ, истамоқ, ният қилмоқ; ~ть о путешествиях саёҳатга боришни орзу қилмоқ; 0 ~ть о себе (много, высоко) *прост.* ўзини катта фаҳмламоқ, ўзини катта олмоқ.

меш/а/ть I *несов.* (помешать I *сов.*) тўсқинлик қилмоқ; халақит (халал) бермоқ; шум ~ет ему работать ишлаш учун унга гала-говур халақит бераётир, я вам не мешаю? мен сизга халал бераётганим йўқми?; сизга халал бермаяпманми?

меш/а/ть II *несов.* (помешать II *сов.*) кавламоқ, қормоқ, қориштирмоқ; аралаш-

тирмоқ; ~ть чай ложечкой чойни қошиқча билан аралаштирмоқ; помещать кашу шавлани кавламоқ.

меш/ок м қоп, қанор, ~ок муки бир қоп уи; ~ок с картофелем картошка солинган қоп; \emptyset купить (покупать) kota в ~е см. кот; золотой (денежный) ~ок уст. жуда пулдор, бадавлат одам; ~ок с соломой анқов, тентакнамо; судралган, одам.

меш/ок/ек м қопчиқ, халта, халтача; \emptyset в ~ек илитмоқ, илитиб пиширмоқ; сварить яйцо в ~ек тухумни илитиб пиширмоқ; миг м бир лаҳза, бир дам, бир он, бир нафас; не останавливаться ни на ~ бир лаҳза ҳам тўхтамаслик; \emptyset в один ~ см. один.

миг/ть несоя. (мигнуть сов.) 1. кўзни пирпиратмоқ, кўзни чирт-чирт юммоқ, пирпир учирмоқ, кўзни тез юмиб очмоқ; 2. кўз билан имламоқ; кўз қисмоқ.

мигн/уть сов. однокр. см. мигать; \emptyset не успеть (глазом) ~ (моргнуть) кўз очиб юмгунча ҳам улгурмай, бир лаҳзада.

микрофон м микрофон; включить ~ микрофони қўймоқ; говорить в ~ микрофон орқали гапирмоқ; выступить перед ~ом микрофонда нутқ сузламоқ.

милиционер м милиционер, миршар; дежурный ~ навбатчи милиционер.

милици/я ж милиция; работник ~и милиция ходими; обратиться в ~ию милицияга бориб мурожаат қилмоқ.

миллиард м 1. миллиард; 2. мн. ~ы миллиард-миллиард, жуда кўп, сон-саноксиз; на небе ~ы звезд кўкда сон-саноксиз юлдузалар.

миллиметр м миллиметр (метрнинг мингдан бир бўлаг); проволока толципой в несколько ~ов йўгонлиги бир неча миллиметр келадиган сим.

миллион м миллион; в городе два ~а жителей шаҳарда икки миллион аҳоли яшайди.

мил/ый 1. мулойим, ёқимли, ёқимтой, дилбар; ~ый ребёнок ёқимтой бола; ~ая девушка мулойим қиз; ~ое лицо ёқимли чеҳра; чиройли юз; ~ая улыбка ёқимли жилмайиш; 2. азиз, қадрли, қад-

рдон (ўзига яқин кишиларга мурожаатда қўлланади); \emptyset ~ые бранятся – только тешатся позов. эр-қотиннинг уруши – дока рўмолнинг қуриши; ~ое дело разг. ямуш, савобли иш; тинч, кўнгилдагидек юмуш.

миля ж миля; географическая ~ жўрофий миля (7420 м); морская ~ денгия миляси (1852 м); без души, без тела, за сто миль залетело загадка (Письмо) жони йўқ ва тани йўқ, юз милядан елиб келар.

мимо нареч. и предлог 1. олдидан, ёнидан; посад прошёл ~ станции поезд станция олдидан тўхтамай ўтиб кетди; 2. тегмай, ёнидан, четлаб; бекорга, хато; стрелять ~ ўқ тегизолмаслик; бекорга ўқ узмоқ; попасть ~ цели ўқни мўлжалга тегизолмаслик; шёл ~, зашёл, где мило погов. ёнидан Утар эдим, ёримникига кирар эдим; \emptyset пропустить ~ ушей ўзини эшитмаганликка солмоқ; қулоққа олмаслик; милый, поди-ка ты ~! аравангани торт!; кавушинг тўғри.

минерал м минерал; соль, уголь – ~ы туз, кумир – минераллардир.

минераль/ый минерал...; минералли, таркибида минерал бўлган; ~ая вода минерал сув; ~ый источник минерал сув манбаи, булуги.

министерство с вазирлик; ~ сельского хозяйства қишлоқ хўжалик вазирлиги. министр м вазир, министр; ~ иностранных дел ташқи ишлар вазир; заместитель ~а вазир ўринбосари.

минус с 1. минус (айириш белгиси ёки манфий миқдор аломати); десять ~ три будет семь ўндай учни олсак етти қолади; 2. минус (ҳаво ёки сувнинг ноль даражадан пастлигини ифодаладиган қўлланади); сегодня на улице холодно, ~ двадцать градусов (-20°) бугун кўчада йигирма даража (-20°) совуқ.

минут/а ж 1. минут, дақиқа; до отхода поезда осталось три ~ы поездинг жўнашига уч дақиқа қолди; сейчас пять ~ десятого ҳозир соат тўққиздан беш минут ўтди; 2. лаҳза, дам, он; дақиқа; сию ~у ҳозир, шу дамда, бир зумда; \emptyset

~а в ~у ропша-роса, тўппа-тўғри; айни белгиланган вақтда; в свободную ~у бўш вақтда; (одну) ~у бир минут [сабр қилинг]; бир лаҳза сабр қилинг; **подождите меня** ~у мени бироз кутинг.

мир I м 1. олам, коинот; **происхождение** ~а оламнинг яратилиши; **2.** дунё, жаҳон, ер юзи; **чемпион** ~а жаҳон чемпиони; **побывать во всех странах** ~а бутун дунё мамлакатларида бўлмоқ; **он известен всему** ~у (во всём ~е) у бутун дунёга машҳур; **весь** ~ одевает, сама нагишом загадка (Иголка) бутун оламини кийинтирар, ўзи эса яп-яланғоч; **3.** дунё, олам; **капиталистический** ~ капиталистик дунё. **4.** дунё, олам (ҳаёт ёки ҳодисаларнинг бирор соҳаси); ~ **растения** ўсимликлар дунеси; **5. уст.** жамоа (қишлоқ жамоаси); **всем** ~ом жамоа жам бўлиб, бутун жамоа бир бўлиб, биргалашиб; **ҳамжиҳатлик билан**; ~ **плюнет по разу**, так одного утопит посл. кўп оғиз бирикса, бир оғиз йўқ бўлар; кўпчилик бир ошамдан берса - тўғдирар, бир муштдан урса - ўлдирар; **на ~у и смерть красна** посл. ёр-биродарлар ўртасида ўлимдан ҳам қўрқмайсан киши; **0 в иной** ~ (уйти, переселиться) **уст.** нариги дунёга кетмоқ, оламдан ўтмоқ; **не от ~а сего разг.** ирон. (у киши) осмондан тушган, турилганча қолган; **пустить по ~у** хонавайрон қилмоқ, абгор қилмоқ; **сильные ~а сего уст.** и ирон. бу дунёнинг зўрлари.

мир II м 1. осийшталик, иноқлик, тотувлик; тинчлик; **силы** ~а тинчлик кучлари; **жить в ~е** иттифоқ бўлиб яшамоқ, тотув яшамоқ; **борьба за ~** тинчлик учун кураш; **2.** сулҳ; **заклучить** ~ сулҳ тузмоқ; **0 ~ его праху** рел. жони (жойи) жаннатда бўлсин; **гўри нурга тўлсин**; у дунёда ярлақасин; ~ **дому сему** хонадонингизда тинчлик-омонлик бўлсин; с ~ом (иди, поезжай) оқ йўл (бўлсин).

мири́ться несов. **1.** (помири́ться сов.) ярашмоқ, битишмоқ; ~ с товарищем уртоғи билан ярашмоқ; **2.** кўнмоқ, кўниқмоқ, чидамоқ; ~ с недостатками

камчиликларга чидамоқ; ~ с создавшимися положением вужудга келган аҳволга (шароитга) кўниқмоқ.

мирн/ый 1. тинчлик, тинчликсевар; ~ая политика тинчлик сиёсати; ~ая держава тинчликсевар давлат; **2.** тинчлик.; сулҳ.; тинчликка асосланган; дўстона; ~ый договор сулҳ шартномаси; ~ые переговоры сулҳ ҳақида музокаралар; ~ое время тинчлик даври; **решение вопроса** ~ым путём масалани тинч йўл билан ҳал қилмоқ

мировоззрение с дунёқараш; **научное** ~ илмий дунёқараш.

миров/ой 1. олам.; оламшумул; дунё.; ~ое пространство олам фазоси; **2.** жаҳон.; жаҳоншумул; ~ая война жаҳон уруши; ~ые запасы нефти жаҳон нефть запаслари.

миролюбив/ый тинчликсевар; сулҳпарвар; ~ые страны тинчликсевар мамлакатлар; ~ая политика тинчликсевар сиёсат.

митинг м митинг, намойиш; ~ **протеста против войны** урушга қарши норозилик намойиши; **открыть** ~ намойиш очмоқ; **провести** ~ намойиш ўтказмоқ; **собраться на ~** намойишга йиғилмоқ; **выступить на ~е** намойишда нутқ сўзламоқ.

младенец м 1. чақалоқ, гўдак, ёш бола; **народился** ~ ~ никому не сын загадка (Дочь) чақалоқ тувилди, лекин ҳеч кимга ўғил эмас (ким у?); **2. перен.** вўр, хом одам, гўдак; **он ещё сущий** ~ у ҳали қип-қизил гўдак.

младш/ий 1. кичик; ёш, ёшроқ; ~ий брат ука; ~ая сестра сингил; **он ~ий в семье** у оилада энг кичиги; у оила аъзолари ичиди энг кичиги (кенжаси) ҳисобланади; ~ее поколение ёш авлод; **2.** кичик (унвон, вазифанинг, хизматнинг қуйи даражасини ифодалайди); ~ий научный сотрудник кичик илмий ходим.

ми́ни/е с фикр, ўй, мулоҳаза; **общественное** ~е жамоатчилик фикри; **обмен** ~ями фикрлашув, фикр олишув; **высказать своё** ~е ўз фикрини айтмоқ; **быть хорошего ~я** о ком бирор ҳақида

якши фикрда бўлмоқ; это моё личное —е бу менинг ўз мулоҳазаам, бу менинг шахсий фикрим; быть одного —я с кем биров билан бир фикрда (ҳамфикр) бўлмоқ.

миоѓ/ие мн. 1. кўп, кўпгина, анча; —ие люди кўп кишилар; вернуться после —их лет отсутствия бир неча йилдан сўнг қайтиб келмоқ; во —их отношениях он прав кўпгина масалаларда у ҳақли, кўп ҳолларда у ҳақ; 2. а знач. суц. кўп одамлар, кўплар; —ие так думают кўп кишилар шундай фикрда; кўплар шундай деб ўйлайди; он знаком со —ими у кўплар билан таниш; у кўп одамларни танийди; ђ —ая лета рел. умрингиз узун бўлсин; узок йиллар омон бўлинглар.

миоѓо (сраян. ст. больше) нареч. 1. кўп; ~ читать кўп ўқимоқ; ~ знать кўп билмоқ, кўп нарсаларни билмоқ; 2. кўп, кўпгина, анча; ~ работы ишлар кўп; ~ книг анча китоб; у него ~ друзей унинг дўстлари кўп; с тех пор прошло ~ лет уша вақтдан бери кўп йиллар ўтди; ђ ~ шума из ничего нинадек нарсани туядек қилмоқ; йўқ жойдан жанжал чиқармоқ; ~ думать о себе ўзига бино қўймоқ, ўзини катта фаҳмламоқ.

миоѓо/ое с кўп нарса[лар]; —ое надо сделать кўп ишларни қилиш керак; о ~ ом следует подумать кўп нарсалар ҳақида ўйлаш керак; он —ое видел в жизни у турмушда кўп нарсаларни кўрган; у кўпни кўрган.

многочисленн/ый кўпсонли, кўп, талай, анча; кўпдан-кўп; аллақанча; —ая семья кўп сонли оила, кўп жонли оила; —ые факты кўпгина фактлар; —ие письма аллақанча хат (мактуб); —ые наблюдения талай кузатишлар.

множественн/ый кўп, бир талай, анча-мунча; кўп учрайдиган; ђ —ое число кўплик сон, кўплик.

множество кўп, бир қанча, жуда кўп; ~ людей кўп кишилар; у него ~ друзей унинг дўстлари кўп.

могил/а ж гўр, қабр, мазор; —а неизвестного солдата номаълум аскар

қабри; рыть —у гўр қазимоқ; поставить памятник на —е қабр тоши қўймоқ, қабрга ёдгорлик ўрнатмоқ; ђ братская —а см. братский; быть одной ногой п —е бир оёри ерда бўлса, бир оёри гўрда; тўридан гўри яқин; до —ы ўла-ўлгунча; у дунёгача; умрининг охиригача; свести я —у кого адойи тамом қилмоқ; ўлим ичи қилмоқ; ўлдирмоқ; унести (с собой) в —у ўлганд (ўзи билан) олиб кетмоқ; на-риги дунёга олиб кетмоқ.

моѓ/а ж мода, урф; янги расм, одат; оде-ваться по последней —е охириги модага қараб кийинмоқ; ђ входить (войти) в —у см. входить; выходить (выйти) из —ы см. выходить; (последний) крик —ы энг сўнги мода; энг расм бўлган, янги чиққан нарса (кийим-кечак ва ҳоказо). **моѓн/ый** мода...; мода бўлган, урф бўлган, янги расм бўлган; —ое платье мода бўлган қўйлак; —ая причёска урф бўлган соч турмаги.

может быть аводн. сл. балки, эҳтимол, бўлса керак; ~, мы больше не увидимся эҳтимол, биз бошқа кўришмасмиз.

можно а знач. сказ. с неопт. 1. мумкин; ~ войти? кириш мумкинми?; ~ мне взять эту книгу? шу китобни олсам бўладими?; 2. бўлади, мумкин; ~ надеяться, что он сдержит слово у (ўз) сўзининг устидан чиқади, деб ишониш мумкин; эту работу ~ выполнить за день бу ишни бир кунда бажарса бўлади.

мозг с мия; ~ человека инсон мияси; головной ~ бош мия; спинной ~ орқа мия; ђ до —а костей бутунлай; муккасидан кетган; ўтакетган; бутун борлиги билан; капать на —и мияни қоқиб қўлга бермоқ; бошни қотирмоқ; —и набекрень у кого прост. бир қайновчи ичида; эси па-строқ.

мой м; моя ж; моё с мест. менинг, меники; ~ дом менинг уйим; ~ сын менинг ўғлим; моя семья менинг оилам; мои родители менинг ота-оналарим; это мой бу меники; ђ на мою долю см. доля; моё дело маленькое менинг ишим йўқ; менинг нима ишим бор; с моё разг. мен-дек, сенчалик, мен кўрган-кечирганим-

ча; поживёшь с моё менинг ёшимга ет-ганингда; моё дело сторона бунга менинг дақдим йўқ; аралашмайман.

моқи/уть несов. ивимоқ, бұқмоқ, хұл (нам бұлмоқ); шилта бұлмоқ; ~уть под дождём ёмғирда ивимоқ (бұқмоқ); что в печке ~ет, а в воде сохнет? заагда (Воск) нима печкада ивийди, сувда эса қурийди?

мокр/ый хұл, нам, ивиган; ~ая тряпка хұл латта; ~ые волосы хұл соч, нам соч; ~ая от росы трава шудринг тушган ўт; шудринг тушиб нам бұлган ўт; спал и не на сухом и не на ~ом заагда (На корабле) мен на қуруқ, на хұл жойда ухла ётган эдим (қаерда ётганман?); 0 глаза на ~ом месте у кого йиғлоқи, қадеб йиғлайверадиган одам; кўзининг ёши тиямайдиган киши; ~ое место останется от кого прост. и бран. калласини оламан; дабдаласини чиқараман; ўлдираман; ~ое дело прост. қонли жиноят; ўлдириш.

молекул/а ж молекула; взаимодействии ~ молекулаларнинг ўзаро қаракати.

молитв/а ж 1. ибодат қилиш, намоз ўқиш, сизиниш; 2. ибодат; намоз, дуо (матни); жаноза намози; жаноза; читать ~у намоз (ёки дуо) ўқимоқ; 0 вашими ~ами шуғл. [сизинг дуойи фотиҳангиз билан]; худога шуқур; давлатингиз соясиди сор-саломат юрибмиз.

молить несов. ёлвормоқ, ўтинмоқ, ялинмоқ; илтижо қилмоқ; ~о пощаде шафқат қилишни сўраб ёлвормоқ.

молиться несов. (помолиться сов.) ибодат қилмоқ, сизинмоқ; дуо қилмоқ; ~богу худога сизинмоқ.

молни/я ж 1. яшин, чақмоқ; сверкнула ~ чақмоқ чақди; с быстротой ~и яшин тезлигида; 2. молния (ёқа, чўнтак ва шк. га тутиладиган занжирсимон ёпқич); куртка на ~и молнияли куртка.

молодёжи/ый ёшлар...; ~ая бригада ёшлар бригадаси; ~ое кафе ёшлар кафееси.

молодёжь ж ёшлар; ёш-яланлар, йигитланлар; ~ всего мира жаҳон ёшлари.

молодёц м 1. в знач. сказ. баракалла, балли; яша; оп у нас ~у жуда ажойиб одам-да; **молодцы** ребита! яшанглар, болалар! баракалла, болалар!; 2. бар-васта йигит, азамат, паҳлавон; 0 добрый молодой народ.-позт. мард, феъ-ли кенг ботир; ~против (среды) овес, а против молодца - сам овца погов. зўрдан зўр чиқса, зўр думини қисади; ай да -! отангга балли!; офарин!; қандингни ур!; боладинг, шоввоз.

молод/ой ёш; ~ое поколение ёш авлод; ~ой человек ёш йигит; ~ая женщина ёш аёл, ёшгина жуван; ~ые кадры ёш кадрлар; 0 из ~ых да ранний ёш бўлса ҳам бош; эпчил (удлабуро) ёш йигит; **молодо-зелено** ёшлик -ғўрлик; ёшлик - бебошлик; тажрибасиз; сугяи қотмаган.

молодость/ь ж ёшлик; **ранняя** ~ь ўспиринлик; **моя** ~ь прошла и этом городе менинг ёшлигим шу шаҳарда ўтган; 0 вторая ~ь [иккинчи ёшлик]; қариликда кирган ғайрат; янгитдан (жисмоний ва руҳий жиҳатдан) тетикланиш; не первой ~и ёш эмас; ўрта ёшларда; ёши анчага бориб қолган.

молок/о с сут; свежее ~о янги сут; гущенное ~о қуълтирилган сут; кофе с ~ом сутли кофе; 0 всосать с ~ом матери что сут билан кирган жон билан чиқар; йўрғакда теккан; **птичьего** ~а (не хватает) [фақат қушнинг сути етишмайди, холос]; жондан бошқа ҳамма нарса бор; қеч камчилик йўқ; ~о на губах не обсохло у кого см. губа.

молот/ок м болға, болғача; сапожный ~ок косиблар болғачаси; ударить ~ком по гвоздю михни болға билан қоқмоқ.

молочн/ый 1. сут...; сутчилик...; ~ый магазин сут магазини, сут сотиладиган магазин; 2. сутли, судтан қилинган; ~ая каша ширгуруч; 0 ~ый брат (сестра) эмикдош ака, ука (опа-сингил); ~ые зубы [сут тиши] боланинг алти, етти ёшда тушиб кетадиган гўдақлик тиши; ~ые реки и кисельные берега фольк. [сувлари судтан, соҳиллари мураббодан бўлган дарёлар] тўқ турмуш; фаровон

қаёт; егани олдида, емагани кетида.
молчание с индамаслик, сукут; жим тур-
 риш; **длительное** ~ узоқ вақт жим тур-
 риш; **узоқ вақт индамаслик**; **хранить** -
 сукут сақламоқ, сукут қилмоқ; -- **знак**
согласия погов. сукут - аломати ризо;
 сукут - розилик аломати; **слюво** - се-
 ребро, ~ - **золото посл.** сўз - кумуш,
 сукут - олтин.

молч/ать несое. индамай (жим) турмоқ,
 сукут қилмоқ, жим қолмоқ; **он долго** -ал
 у анчагача жим турди, у анча вақтгача
 ҳеч гапирмади; **о** ~ит как рыба в пиро-
 ге погов. **шутл.** [пирогдаги балиқ син-
 гари индамайди]; өзига талқон солган-
 дай; мум тишлагандай.

моме́нт м пайт, он, дам, чоғ; **паступил** ~
 отъезда жұнаш пайти келди; **исполь-**
зовать подходящий ~ қулай пайдан
 фойдаланмоқ; **в один** ~ см. один; **о** те-
 ку́щий ~ жорий (ҳозирги) пайт, ҳозирги
 вақт.

монет/а ж танга; пул; **серебряная** -а
 танга пул; танга; **медная** -а чақа пул;
 чақа; **о** **принимать (принять)** за чис-
 тую -у ёлгон-яшиқ гапларга чипла-чин
 ишонмоқ, тўғри деб ўйламоқ; лақ туш-
 моқ.

морáл/ь ж ахлоқ, одоб; **человек высо-**
кой -и жуда одоблой одам.

морáльн/ый I. ахлоқ...; ахлоқий; **-ые**
принципы ахлоқий тамойиллар; **-ые**
устои ахлоқ қоидалари; **-ый облик**
молодежи ёшларнинг ахлоқий қиёфа-
 си; 2. маънавий, рухий; **-ая** подержка
 маънавий ёрдам; **получить** -ое удов-
 летворение руҳан қаноат ҳосил қилмоқ.

мор/е с денгиз; **Чёрное** ~е Қора денгиз;
отдыхать у -я денгиз қирғоғида дам
 олмақ; **о** капля в ~е денгиздан томчи;
пьяному ~е по колению см. колесо;
ждать у -я погоды бўлмайдиган нарсага
 кўз тутмоқ, йўқ нарсани кутиб ўтирмоқ.
морков/а ж разг. сабзи (бир дона саб-
 зи); **о** **держит хвост** -ой! **шутл.** қўрқма,
 дадил бўл!

морков/ь ж сабзи; **сок** -и сабзининг суви;
 сабзи шарбати.

мороженое с музқаймоқ; **сливочное** -

қаймоқли морожний, музқаймоқ; **шоко-**
ладное ~ шоколадли музқаймоқ.

морб/з м совуқ, аёз; **сегодня двадцать**
градусов ~а бутун йигирма даража совуқ;
начались ~ы совуқ бошланди; **о** ~ по
 коже подрал этим жимирлашиб кетди;
 баданим увишиб кетди; сесканиб туш-
 дим (совуқдан ёки қўрқудан).

морск/ой денгиз...; **-ой** берет денгиз қир-
 рори; **-ая** вода денгиз суви; **-ой** воздух
 денгиз ҳавоси; ~ие **животные** денгиз
 ҳайвонлари; **о** **доставать (найти)** со дна
 ~ого ернинг тагидан (Ҳиротдан) бўлса
 ҳам топиб келимоқ; **-ой** волк тажриба-
 ли денгизчи, моҳир денгизчи.

моряк м денгизчи (денгиз флотида хиз-
 мат қилувчи).

мост м кўприк; **железнодорожный** ~ те-
 мир йул кўприги; ~ **через реку** дарёга
 қурилган кўприк; **остановиться на** -у
 кўприк устида туриб қолмоқ.

мота/ть несое. (намотать сов.) ўрамоқ,
 калаваламоқ; **-ть** пражу ип ўрамоқ (ка-
 лаваламоқ); **о** ~ть (намотать) себе на
 ус прост. дилга жо қилиб (қулоққа
 қуйиб) олмоқ, билиб қўймоқ; эсда (ёдла)
 сақлаб қолмоқ.

мотор м мотор, **мощный** ~ кучли мотор;
 ~ **самолёта** самолёт мотори; **лодка с**
 ~ом моторли қайиқ; **запустить** ~ мо-
 торни юргизиб юбормоқ.

мотоцикл м мотоцикл; **ехать на** ~е мо-
 тоциклда кетмоқ, мотоцикл миниб бор-
 моқ.

мочь I несое. (сможь сов.) қўлидан кел-
 моқ, қодир бўлмоқ, эгламоқ, удаламоқ,
 қила олмақ; **вы можете подождать**
здесь сиз шу ерда кутиб туришингиз
 мумкин; **кто может ответить?** ким жа-
 воб бера олади?; **о** **может быть** эҳти-
 мол, балки; шояд; **как живёте-може-**
те? разг. аҳволингиз қалай, тузукмисиз?

моч/ь II ж разг. куч, қувват, мадор, дар-
 мон; ~и нет куч (мажол, мадор) йўқ;
 мажол қолмади (қуриди); **кричать** изо
 всей ~и бор овози билан бақирмоқ.

мощн/ый кучли, қудратли, зўр; **-ый**
трактор кучли трактор; **-ая** электро-
 станция қудратли электростанция.

мрамор *м* мрамор, мрамартош; **памятник** из **~а** мрамартошдан ёдгорлик.

мраморл/ый мрамар...; **~ая колонна** мрамар колонна, мрамар устун; **~ая скульптура** мрамар ҳайкал.

мрачл/ый хафа, қайғули, маъюс, ғамгин; **~ый человек** ғамгин одам; **~ый пид** ғамгин чеҳра, хафа ҳолат; **~ые мысли** қайғули фикрлар.

мстить *несов.* қасос (ўч, интиқом) олмоқ; қасд олмоқ; **~ врагу** душмандан ўч олмоқ; **~ за оскорбление** ҳақорат қилгани учун қасд олмоқ.

мудрѐн/ый разг. 1. қизиқ, ғалати, ажиб; одам тушунмайдиган; **~ый старик** ғалати чол; 2. қийин, мушкул, мураккаб; **~ая задача** қийин (мураккаб) масала; **ó утро** печера мудренее *с.м.* иечер.

мудрост/ь *ж* донишмандлик, донолик, оқиллик; **~ь в голове, а не в бороде** *посл.* ақл ёшда эмас, бошда; **ó зуб** **~и** ақл тиши.

мудроств/овать *несов.* билимдонлик қилмоқ, билармонлик қилмоқ; **ó не** **~уя** лукаво билармонлик қилиб ўтирмасдан; одийгина, осонгина.

мудр/ый доно, ақлли, донишманд; **~ый человек** ақлли одам; **~ый совет** ақлли маслаҳат; **~ое решение** оқилона чиқарилган қарор.

муж *м* 1. эр; **её** **~** **– инженер** унинг эри **– муҳандис**; 2. *уст.* **и** **высок.** эр киши; **арбоб**; **~и науки** фан арбоблари; **государственный** **~** давлат арбоби.

мужественно *нареч.* мардона, қаҳрамонона, мардларча, қаҳрамонларча; **~ борются за свободу** тинчлик учун мардона курашмоқ.

мужественный мард, жасур, жасоратли, ботир; мардона, мардонавор; **~ человек** мард одам; **~ поступок** мардона иш, қаҳрамонлик.

мужество *с* мардлик, мардонаворлик, қаҳрамонлик, ботирлик; жасорат; **проявить** **~ в бою** жангда жасорат кўрсатмоқ; **обладать** **большим** **~м** мардона иш тутиш қобилиятига эга бўлмоқ.

мужск/ой эркак...; эркаклар...; **~ой голос** эркак овози; **~ое пальто** эркаклар пальтоси; **ó** **~ой род** *с.м.* **род** 2.

мужчин/а *м* эркак, киши; **молодой** **~а** навқирон киши; **поговорим как** **~а с** **~ой** эркакчасига гаплашамиз.

музей *м* музей; **исторический** **~** тарих музейи; **краеведческий** **~** ўлкашунослик музейи.

музейш/ый *м* музейга оид; музейга қарашли (тааллуқли) бўлган; **~ый экспонат** музей экспонати; **ó** **~ая редкость** камёб, ноёб, кам учрайдиган нарса.

музык/а *ж* мусиқа; **современная** **~а** замонавий мусиқа; **~а Чайковского** Чайковский мусиқаси; **заниматься** **~ой** мусиқа билан шуғулланмоқ; **слушать** **~у** мусиқа (куй) эшитмоқ; **ó в этом** **вся** **~а** ҳамма гап (балло) ана шунда; **не та** **~а** (другая **~а**) разг. бу бошқа нарса; олди-гисидан бошқача.

музыкальн/ый мусиқа...; мусиқий; **~ый инструмент** мусиқа асбоби; **соз**; **~ая школа** мусиқа мактаби; **~ые произведения** мусиқа асарлари.

музыкант *м* созанда; музикант, мусиқачи; **талантливый** **~** истеъдодли мусиқачи.

мука *ж* ун; пишпичная **~** буғдой ун; **кукурузная** **~** зорога ун; **ó** **перемелется** **–** **~** **будет** вақт ўтиши билан (аста-секин) тузалиб кетади.

мука/а *ж* азоб, уқубат, жафо; **ó** **хождение по** **~м** сарсонлик-саргардонликда; **куп** машаққатли кунларни бошидан кечириш.

мундир *м* мундир, либос (расмий кийим); **ó** **честь** **~а** либос (лавозим, маъқил) обрўсини сақлаш, унга муносиб иш қилиш; **картонка** *в* **~е** пўсти артилмай пиширилган картошка.

муравей *м* чумоли, қумурсқа.

мураш *м* *прост.* майда чумоли, қумурсқа; **ó** **~и** (**~ки**) бегаёт по спине бадамим жимирлашаб (увушиб) кетди (ҳаяжондан, қўрқувдан, совуқдан).

мусор *м* ахлат, супуринди; **вымести** **~ахлатни** супуриб ташламоқ.

мутить *несов.* (взмутить и замутить *сов.*) лойқалатмоқ; **– воду** 1) сувни лойқалатмоқ; 2) жўртага бирор иш (масала)ни чалкаштириб юбормоқ.

мўх/а ж пашша; чивин; \emptyset **делать** (сделать) из ~и слова пашшани фил қилиб кўрсатмоқ; игнадек нарсани туядек қилиб кўрсатмоқ; **как сонная** ~а уйқу-сиралан одамдай; бўшашган; хомуш; **мрут как ~и** [пашшадек ўла бошладилар] тутдек тўкилмоқдалар; **~и не обидит** кўй оғзидан чуп олмайди; чумолига ҳам озор бермайди; мўмин-қобил.

мўч/ить несов. қийнамоқ, азобламоқ, азоб бермоқ; **большого ~ила** жажда беморга ташналик азоб берарди; **его ~ит совесть** уни виждон азоби қийнаётир.

мўчиться несов. азобланмоқ, қийналмоқ, азоб тортмоқ, озор чеқмоқ; **~ от боли** оғриқдан азоб тортмоқ.

мчаться несоя. елдек учиб бормоқ, жуда тез бормоқ; **~ на мотоцикле** мотоциклда елдек учиб бормоқ; **поезд мчится** поезд жуда тез кетяпти.

мы мест. биз, бизлар; **мы кончили работу** биз ишни тугатдик; **мы с друзьями** биз дўстлар билан биргамиз; **мы идём в театр** биз театрга кетяпмиз; \emptyset **(и) мы пахали** ирон. ишни асбоб қилади, эгаси лоф уради; ишни қилади Эшмат, лофни уради Тошмат.

мылить несоя. (намылить сов.) совунламоқ, совун суртмоқ; \emptyset **~ (намылить) голову кому раз.** таъзирина (адабини) бермоқ; койимоқ; жазоламоқ.

мыл/о с совун; туалетное ~о атир совун, ироқи совун; **кусок ~а** бир кулча совун; \emptyset **без ~а в дуну лезть** (влезть) раз. [совунсиз дилга кира олиш]; устал, муғомбирлик билан одамнинг ичига кира олиш; осонгина қалбига қўл солиш; сирини олиш.

мыльп/ый совунга оид; совунли; совун...; **~ый порошок** совун порошоги; **~ая пена** совун кўлиги; \emptyset **~ый пузырь** совун пуфагидек асоссиз, пуч нарса; қуруқ савлат.

мысль ж фикр, ўй; фикрлаш; **интересная** ~ физиқарли фикр; **кратко выразить** свою ~ ўз фикрини қисқача баён қилмоқ.

мыть несоя. (вымыть сов.) ювмоқ, юиб тозаламоқ; **~ руки** қўл ювмоқ; **~ посуду**

идиш-товоқни ювмоқ; \emptyset **~ (перемыть, перемывать)** косточки кому бировнинг гийбатини қилмоқ, чайнамоқ; ёмонламоқ; гўрига гишт қаламоқ.

мытьё с ювиш; ювиниш; ~ головы бошни ювиш; \emptyset **не ~и, так** катанем у йўл бўлмаса бу йўл билан; бир амаллаб; бир йўл (илож) толиб.

мыться несоя. (вымыться сов.) ювинмоқ; чўмилмоқ; **~ холодной водой** совуқ сувда ювинмоқ; **~ в баге** ҳаммомда чўмилмоқ.

мышлёни/е с тафаккур, фикрлаш, фикр қилиш; **процессы** ~я фикрлаш жараёни; **мозг** – орган ~я мия – фикрлаш органи.

мышк/а ж сичқонча, сичқонбой; \emptyset **играть в кошки** – ~и с.м. играть.

мышь ж сичқон; \emptyset **как ~ на крупу** падудас шутл. мен еб у қуруқ қолгандай; аччиқ араз бўлган.

мягк/ий юмшоқ, майин; **~ая подушка** юмшоқ ёстиқ; **~ое кресло** юмшоқ кресло; **~ие волосы** майин соч; **~ий вагон** юмшоқ вагон, юмшоқ ўринли вагон.

мягко нареч. 1. юмшоқ, юмшоқдина қилиб; **на перине** ~ спать пар тўшакда юмшоқдина ухлайсан киши; **~ стелет, да жёстко спать** погова. [ўрин-кўрна юмшору, ётганда ботади]; жоним-жоним деб, жонингни олади; 2. мулойим(гина), юмшоқлик билан; \emptyset **~ выражаясь** юмшоқроқ қилиб (андиша билан) айтганда.

мяси/ой гўшти; **~ой суп** шўрва; **~ое кушанье** гўштли овқат.

мяс/о с гўшт, эт; **варёное** ~о қайнатилган (пиширилган) гўшт; **жирное** ~о ёғли гўшт; **рубленое** ~о қўйма гўшт, қўйманланган гўшт; \emptyset с ~ом **вырвать** (или оторвать) таги-туғи билан юлиб (суғуриб) олмоқ (мас., тугмани).

мять несоя. (смять сов.) гижимламоқ, мижиғламоқ; **~ платье** кўйлакни гижимламоқ; **не мните траву** ўтни (ўсимликни) босманг.

мяться I несоя. (смяться сов.) гижимланмоқ, гижим бўлмоқ; **это платье** сильно мнётся бу кўйлак жуда тез гижим

бўлади.

мяться II *несов. разг.* иккиланмоқ; тортинмоқ; тарадудланмоқ.

мяч *м* копток, тўп; **футбольный** – футбол тўпи; **играть в** ~ тўп ўйнамоқ, копток ўйнамоқ.

Н

на предлог I. *с вин.* –га, устига, тарафга, томонга; **положить книгу на стол** китобни стол устига қўймоқ; **сесть на диван** диванга ўтирмоқ; **надеть на руки перчатки** қўлга қўлқоп киймоқ; **выйти на улицу** кўчага чиқмоқ; **поезд идёт на юг** поезд жануб томонга боради; **поезд жанубга жўнайди**; **он взглянул на меня** у менга кўз ташлади; **у менга қаради**; **взглянешь – заплачешь**, **а кроме него на свете нет зажда** (Солнце) қарасанг – кўз ёш тўхасан, қарамасанг – у оламда ягона; **2. с предл.** – да, устида, теласида, бўйида; тарафда, томонда; **сидеть на диване** диванда ўтирмоқ; **быть на работе** ишда бўлмоқ; **работать на заводе** заводда ишламоқ; **выступить на собрании** мажлисда гапирмоқ; **жить на юге** жанубда (жануб томонда) яшамоқ; **карта висит на стене** карта деворда осиглиқ турипти; **на брюхе шёлк**, **а в брюхе щёлк** погов. усти ялтироқ – ичи қалтироқ; **3. объектно ёки ҳаракат воситаларини** ифодалашда қўлланади; **закрыть дверь** на замок эшикни қулфламоқ; **дверь на замке** эшик қулф; **играть на скрипке** скрипка чалмоқ; **ехать на поезде** поездда бормоқ; **кататься на лодке** қайиқда сайр қилмоқ; **сезить на велосипеде** велосипедда юрмоқ; **4. иш-ҳаракатнинг вақтини** ифодалайди; **на следующий день** келаси куни; **на будущий год** келаси йилга; **на днях** шу кунларда; **на каникулах** каникул вақтида; **взять книгу на два дня** китобни икки кунга олмоқ; **5. муддат**, **мудлат ёки**

бирор вақт оралигини ифодалашда қўлланади; **план на год** бир йилга мўлжалланган режа; **ухать на месяц** бир ойга кетмоқ; **бир ой муддат** билан кетмоқ; **опоздать на час** бир саатга кеч қолмоқ; **6. муқдорни** ифодалашда қўлланади; **разделить на несколько частей** бир неча қисмларга бўлмоқ; **он старше меня на пять лет** у мендан беш ёш катта; **0 вот те (и) на!** *прост.* ана бўлмаса; оббо сен-ей; ана холос, пишиди гилос; **на белом свете** ёруғ дунёда; **бу оламда**; **ер юзида**; **на всю жизнь** абадий; **умрбод**; **бир умр**; **ҳамиша**; **на босу ногу** 1) (ходить) оёқ яланг; 2) (надевать) сарпойчанг пойабзални кийиб юриш.

набат и бонг, **жом**; **бить (или ударять) в** ~ *прям. и перен.* бонг урмоқ.

набекрень *нареч. разг.* чаккага қўйиб, чаккага қўндириб; **надеть шапку** ~ шапкани чаккага қўндириб олмоқ; **0 молги** ~ у кого мияси жойида эмас, думбул.

набережи/ая ж мустақкамланган қирроқ; **анҳор**, дарё бўйидаги кўча; **гранитная** ~ая гранит билан мустақкамланган қирроқ; ~ая **реки** дарё бўйидаги кўча; **гулять по** ~ой анҳор бўйидаги кўчада сайр қилиб юрмоқ.

набирать *несов.* (набрать сов.) йиғмоқ, термоқ, олмоқ, йиғиб (териб) кўпайтирмоқ; ~ **команду** йиғиб (териб) команда тузмоқ; **набрать букет** цветон бир даста гул термоқ; **набрать много** грибов кўпплаб қўзиқорин термоқ.

наблюдать *несов.* **1.** диққат билан қараб турмоқ, зеҳн солмоқ, разм солмоқ; ~ **всход солнца** қуёш чиқишини кузатмоқ; ~ **с берега** за пловцом қирғоқдан туриб сузувчига диққат билан қарамоқ; **2.** кузатмоқ; ~ **жизнь животных** ҳайвонлар ҳаётини кузатмоқ; **3.** назорат қилиб турмоқ, қараб турмоқ; ~ **за порядком** тартибни назорат қилиб турмоқ; ~ **за детьми** болаларга қараб турмоқ.

наблюдени/е *с I.* кузатиш; **научные** ~ая илмий кузатишлар; ~ая **над жизнью** животных ҳайвонлар ҳаётини кузатиш;

2. назорат қилиш, қараб (текшириб) туриш; назорат; *находиться под ~ем* врачa врач назорати остида бўлмоқ.

набрать см. набирать

навёрно 1. нареч. шубҳасиз, албатта; турган гап; *я это знаю ~ мен буни билман албатта*; 2. вводн. сл. *то же, что наверно*.

навёрное вводн. сл. афтидан, бўлса керак, эҳтимол; *~, он сегодня не придёт* бутун у келмаса керак; *~, это ваша сестра* бу сизнинг синглингиз бўлса керак.

наверх нареч. юқорига, тепага, баландга; *положить чемодан ~* чамадонни юқорига қўймоқ; *подняться ~* тепага (юқорига) кўтарилмоқ; *взглянуть ~* юқорига қарамоқ.

наверху нареч. юқорида, тепада, устида; *сидеть ~* юқорида ўтирмақ.

навестить см. навещать.

